

PDF Compressor Free Version

Х. МАМАТОВ

# АВТОМОБИЛДАР



## Шоринъ Семенъ

- ишиң үрнә

- эшкүр тарыны

- сүйнөр дөлө берүү

- сүриб мабородоттуу

- көнүк иң жолдо. Тишия

- бар төзүүнү ўзгөрүүсөн

- түсүнүүн Рефлекс, тоо көрүү

- иссеңүүр берүү


~~жакшык~~

~~шөөлүүнүн жоринъ  
үйлесүүлүк~~

629  
М-23

Х. МАМАТОВ

# АВТОМОБИЛЛАР



(АВТОМОБИЛЛАР КОНСТРУКЦИЯСИ АСОСЛАРИ)

*Хасан*

## I ҚИСМ


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги олий  
билимгоҳларнинг "Автомобиль ва  
автомобил хўжалиги" ихтисослиги  
талабалари учун дарслик  
сифатида тавсия этган

иль  
гиш  
инг  
лий  
ци-  
тон  
да-  
ига  
ини  
ъзи  
фа-  
су-  
ро-  
им-

ган  
АЗ-  
ил-

те-  
ан.  
ар-

ри  
им-  
до-  
ро-  
ин-  
ва  
ун  
рга



ТОШКЕНТ • "ЎЗБЕКИСТОН" • 1995

39.33  
M 23

PDF Compressor Free

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника доктори, профессор А. А. МУТАЛИБОВ; техника фанлари доктори, профессор А. САДРИДДИНОВ

Муҳаррир: К. БўРОНОВ



Маматов Х.

M 23 Автомобиллар (Автомобиллар конструкцияси асоси):  
Олий билимгоҳларнинг "Автомобиль ва автомоль хўжалиги" ихтиносслиги талабалари учун дарслик. Ў.  
Т.: Ўзбекистон, 1995.—33 ҳ 6

ISBN 5-640-01862-3

Ушбу дарслик икки қисмдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигин тасдиқлаган дастур айда ёзилган. Китобнинг I қисмидан асосан карбюратордвигателларини механизм ва тармоқлари, дизель ва газ баллонли автомобилларнинг ташлаша тармоли, шунингдек, автомобилларнинг электр жиҳозларигидан мавзуулар ёритилган.

Китобдаги машқлар мустақил ишлаб чиқиш учун ҳам, амалиётни учун ҳам мўлжалланган.

Дарслик "Автомобиллар" ҳамда "Автомобиллар ва тракторлар" уни ўқитиладиган олий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан автомобилъ ва йўллар техникумларининг ўқувчилари им фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, бу китоб автомобиль корхонарида ишлайдиган муҳандису техник ходимлар учун ҳам жуда кераклир.

ББК 39.3373

№ 709-94  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Республикасининг  
давлат кутубхонаси

M 3203000000-09  
M 351 (04) 94

## СҮЗ БОШИ

Ушбу дарслик асосан автомобиль транспорти ва автомобиль хўжалиги, йўл ҳаракатини ташкил этиш, автомобилни ишлатиш ихтинослиги талабалари учун мўлжалланган бўлиб, муаллифнинг бир неча йиллар мобайнида Тошкент Автомобиль-йўллар олий билимгоҳи "Автомобиль" кафедрасида шу фандан ўқиган лекциялари, ўтказган амалий машғулотлари ва, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг педагогика муаммосига доир илмий-методик мувофиқлашган режасига киритилган мавзу бўйича талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасида муаллиф томонидан бажарилган баъзи илмий-тажриба ишлари асосида ёзилди.

Дарсликда автомобиль механизми ва тармоқларининг вазифаси, умумий тузилиши, ишлаш услуби ҳамда конструктив хусусиятлари баён этилган. Дарсликнинг ҳар бир бобидан сўнг, программалаштирилган топшириқлар берилган бўлиб, уларнинг ечимлари талқин этилган.

Дарсликда ҳозирги вақтда жумҳуриятимизда кўп тарқалган ГАЗ-24-12 "Волга", ВАЗ-2106, ВАЗ-2121 "Жигули", ГАЗ-53А, ГАЗ-66-02, ЗИЛ-130, МАЗ-5335 ва КамАЗ-5320 ва бошқа автомобиллар мисолида уларнинг конструкцияси тавсиф этилган.

Китобда 22 боб бўлиб, ҳар бирининг охирида, шу боб материали юзасидан программалаштирилган топшириқлар берилган. Ҳар бир топшириқ учта машқдан иборат. Бундай топшириқларнинг умумий сони 200 га яқин.

Муаллиф ушбу китобни ёзишда берган фойдали маслаҳатлари ва ёрдамлари учун Тошкент Автомобиль-йўллар олий билимгоҳининг кафедра мудирлари — профессор А. А. Муталибов, доцент О. А. Фанихўжаев ва доцентлар М. А. Қодирхонов, Б. Сошиболдиев, Ж. Қулмуҳамедов ва Ю. В. Ронгинскийга чуқур миннатдорчилик билдиради. Шунингдек, нашриёт раҳбариятига ва ходимларига қўллаб-қувватлаганликлари ва ҳамкорлклари учун ташаккур айтади.

Дарслик ҳақида фикр-мулоҳазаларини айтган китобхонларга муаллиф самимий миннатдорчилик билдиради.

**Манзилимиз: Тошкент — 700129, Навоий кўчаси, 30,  
"Ўзбекистон" нашриёти.**

## КИРИШ

Фан ва техника тараққиётининг ҳозирги шарт-шароитлари ҳамда уларнинг ютуқлари ҳалқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларига самарали жорий қилиниши олий билимгоҳлар талабалари олаётган билимлар салмоғини анча оширишни тақозо қилади.

Кейинги вақтларда фан ва техниканинг ҳамма соҳаларида илмий-техника тараққиётининг шитоб билан бориши натижасида талабалар қисқа муддат ичida ўзлаштириб оладиган маълумотлар ҳажми жуда ортиб кетди.

Буларнинг ҳаммаси ўрганиладиган билим мазмунини кенгайтиришга олиб келади ва ўқув фанларидан дарс беришнинг анъанавий усусларини тубдан такомиллаштиришни талаб қиласи.

Маълумки, ўқитишнинг ҳозирги услубларида талабага бериладиган маълумотлар миқдори ўқитувчи талабадан оладиган маълумотлар миқдоридан бир неча марта кўпdir. Бу эса талабалар ижодий фаоллиги сустлигидан далолат беради.

Олий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида ёш авлодни тарбиялаш ва унга билим беришни ҳар томонлама яхшилаш таъкидлаб ўтилган. Шу муносабат билан ўрганиладиган маълумотларни таққослаб, чуқур таҳлил ва талқин қилиш ҳисобига талабаларнинг фикрлаш жараёни ва билимларни ўзлаштириши устидан жиддий тартибли назоратни йўлга қўйиш масалалари алоҳида аҳамият қасб этади. Шунга кўра дарсликка узвий равишда таълим бериш ва назорат қилиш масалаларини киритиш муҳим аҳамиятга моликдир. Бу, шубҳасиз, программалаштирилган ўқув қўлланмасидан, шунингдек, таълим бериш ва назорат қилишнинг техник воситаларидан фойдаланиб, программалаштирилган ҳолда ўқитишда жуда қўл келади.

Бир неча йиллар мобайнида Тошкент автомобиль-йўллар олий билимгоҳининг "Автомобиъ" кафедрасида автомобиллар конструкцияси асосларини программалаштириш асосида ўқитиш натижасида муҳим илмий-амалий йўлланмалар ишлаб чиқилди. Бу услугуб бошқа бир қатор кафедраларда ҳам қўлланиб, яхши натижалар бермоқда.

Чунончи талабаларни программалаштирилган ўқув манбалари асосида ўқитиш натижасида синов гуруҳларидаги талабаларнинг

ижодий фаоллиги ошди, ўқув материалларини ўзлаштириш енгиллаши, бундан ташқари, уларнинг мустақил ишлаши ва ўз-ўзини назорат қилиб бориши борасида муҳаққақ имкониятлар яратилди.

Шу қилинган илмий-тажриба ишларининг якуни сифатида "Автомобиллар" (Автомобиллар конструкцияси асослари) деб номланган дарслик ва программалаштирилган қўлланма битта китобда ўз ифодасини топди.

Китобнинг программалаштирилган қисмига оид тест саволлари ва уларнинг ечими нафақат республикамиздаги, балки москвалик, киевлик, одессалик ва алматилик мутахассисларни ҳам қизиқтириб, рус тилида чоп этилди. Шунингдек, китобда келтирилган тест саволлари кубалик мутахассислар томонидан испан тилига ҳам ўгирилиб, Гавана университетида ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилмоқда.

### КИТОБДАГИ ПРОГРАММАЛАШТИРИЛГАН ТЕСТ ТОИШИРИҚЛИ МАШҚЛАРДАН ФОЙДАНИШ ЙАЗАСИДАН АМАЛИЙ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР

Китобда барча ўқув манбалари мавзуларга бўлинган бўлиб, ҳар бир мавзуни икки соатли машғулот: лекция — дарснинг таҳлили, деб қараш мумкин. Дарсликда келтирилган ҳар бир мавзудан сўнг ўнтадан топшириқ бор, ҳар қайси топшириқ эса қийинлик даражаси турлича бўлган учта машқдан иборат қилиб тузилган. 1-тур машқ снгил ечими саволлардан иборат бўлиб, унда расм, содда чизма ва тасвирий чизмалар берилган. Тала-баларнинг саволларга берадиган жавоблари механизм ёки қисм деталларини ёки уларнинг айрим бўлакларини ўша кўринишда кўрсатилган рақамларини билиб топиш йўли билан аниқланади.

Синов саволларининг (тестнинг) биринчи турида берилган машқлар ёрдамида талаба автомобилнинг асосий қисми, механизми, қурилмаси (детали) ёки уларнинг айрим бўлакларини кузатиш йўли билан тўғри аниқлаш тажрибасини мукаммал ўрганиши лозим.

Тўғри жавоб ҳар бир мавзудан сўнг келтирилган тўғри счим рақамини ёки ҳарфини топиш йўли билан аниқланиб, талаба ўз-ўзини назорат қиласди. Агар берилган машқ бўйича ҳамма саволлар тўғри топилган бўлса, биринчи курс талабаси беш балл, юқори курс талабаси эса икки балл билан баҳоланади.

2-тур машқ ўртача қийинликка эга бўлган изланиш туридаги саволлардан тузилган. Талаба бу саволларнинг ҳар бири устида фикр юритади ҳамда бир-бири билан қиёслаб талқин қиласди ва тўғри жавоб топишга интилади. Бу синов матнida ҳар бир жавобнинг тўғриси битта ёки бир неча жавоблар йиғиндисидан иборат бўлиши мумкин. Берилган машқ бўйича тўғри ва аниқ

жавоб топилса, биринчи ва юқори курс талабалари уч балл билан баҳоланади.

**PDF Compressor Free Version**

Синов саволининг учинчи турида анча қийин, конструктив ечимдаги машқлар келтирилган бўлиб, талабанинг ўқилган машқ саволлари устида фикр юритишдан ташқари, автомобильларнинг механизмлари, қисм ва деталларининг конструктив хусусиятларини тўлароқ билиши ва уларни таққослаш йўли билан тўғри жавобни аниқлаши талаб этилади. Бизнинг фикримизча, талаба бу машқларга тўғри ва аниқ жавоб топа олиши учун кўп вақт сарфлайди. Шунинг учун ҳам биринчи курс талабаларига турли дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланишга рухсат этилади. Юқори курс талабалари автомобиль конструкцияси фанини тўла ўтганликлари сабабли адабиётдан фойдаланмасдан мустақил ишланишлари лозим.

Бу тур ечимдаги синов саволи бўйича китоблар билан машқ қилиб, тўғри жавоб топган биринчи курс талабалари икки балл, юқори курс талабалари эса машқ саволларига китобга қарамасдан тўғри жавоб топганлари ҳолда беш балл билан баҳоланадилар. Шундай қилиб, уч турдаги қийинлик даражасига эга бўлган машқлар тўлиқ ечилса, биринчи ва юқори курс талабалари бир хил балл, яъни ўн балл оладилар ва бу балл "аъло" баҳога тенг бўлади. Худди шу йўсинда етти ёки саккиз балл олинса, бунда машқлар "яхши" баҳо билан ечилган бўлади. Агар ҳаммаси бўлиб "беш" балл олинса, демак, бунда машқлар "қониқарли" баҳо билан ечилган бўлади. Олинган баллар йигиндиси беш баллдан кам бўлса, баҳо "қониқарсиз" ҳисобланади. Ҳар бир машқ учун қўйилган баллар машқларнинг қийинлик даражаси ҳисобга олинган ҳолда ҳамда биринчи ва юқори курс талабаларига берилган билимнинг ҳажмига ўзига хос равишда ёндашиб, ўқув гурӯҳларида ўтказилган илмий синов ва тажриба асосида танланган.

### Ҳурматли талабалар!

Ҳар бир мавзудан сўнг программалаштирилган тест машқлари келтирилган. Улардан оқилона фойдаланинг!

Тўғри жавоб топиш учун даставвал ўхши ҳаракат қилиб, дарслик қисмидаги лекцияга тааллуқли мавзуни ўқинг ва уқинг, ижодий фикр юритинг, шундан кейингина китобда берилган программалаштирилган машқларни счишга киришинг.

Сиз мустақил равишда таҳлил ва талқин қилиб, тўғри жавоб топган бўлсангиз ёки машқлар устида бош қотириб, уларни адабиётлардан тўла фойдаланган ҳолда ечишга ҳаракат қилсангизгина китобда берилган жавоблар сиз учун сабоқ бўлади.

Азиз талабалар! Тангри мададкор бўлиб яратилган ушбу китоб Сизларга доимо ёр бўлсин, ишларингизда омад дарчасини очсин.

## АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ, ИШЛАШИ ВА КОНСТРУКТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 1-боб. АВТОМОБИЛЬ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

#### 1-§. Автомобиль тарихидан

Ҳозирги кунда хом ашё ва тайёр маҳсулотларни ташиш, очиқ усулда кўмир ва руда қазиб чиқариш, саноат усулида уй-жой бинолари ва саноат корхоналари қуриш, қишлоқ хўжалигига зарур юклар, ўғит ва турли маҳсулотлар ташиш, кенг истеъмол молларини бевосита истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш ва бошқа мақсадларда автомобиллардан фойдаланилади. Юк автомобилларидан ташқари пассажир автомобилларининг ҳам мамлакатимиз аҳолисининг кундалик турмушидаги аҳамияти катта.

Ҳозирги автомобилнинг пайдо бўлиши оддий тегирмон гилдирагидан то одам мускулидан ҳаракатга келувчи ўзиюрар аравачагача бўлган жуда узоқ йўлни босиб ўтди. Биринчи марта ана шундай аравача бундан 200 йил муқаддам яратилган эди. Бундай ўзиюрар арава Россияда истиқомат қилувчи дехқон Шамшуренко томонидан яратилди. Кейинроқ И. П. Клубин уч гилдиракли "самокат" ихтиро этди. У оёқларнинг ҳаракати билан юрар эди.

Лекин кишилар бундай араваларни мускуллар ёрдамида ҳаракатга келтиришга қийналардилар. Шунинг учун улар бу араваларни қандайдир куч ёрдамида ҳаракатга келтириш учун узоқ изландилар. Оқибатда улар ёқилғидан ана шундай энергия яратиш мумкинлигини сездилар. Бу борада рус кашфиётчиси И. Ползуновдан ташқари француз Дени Попен, немис Леупольд, швециялик Тревельд, инглизлар Ньюкомпен ва Уаат ҳамда бошқалар изланиш олиб бордилар. Ниҳоят инсоният тарихида транспортнинг универсал двигатели — буг двигатели ихтиро қилинди. Буг машинаси, аввало, ўзиюрар экипаж автомобиль учун энергия манбаи бўлиб ишлатилган эди. Биринчи автомобиллар от тортадиган аравалар шаклида ишланиб, унга олдинги гилдиракни айлантириш учун буг двигатели ўрнатилган.

"Автомобиль" сўзи (авто — грек тилида — ўзи, мобиль — лотинча — ҳаракатланувчи) "ўзи ҳаракатланувчи" деган маънони билдиради. Автомобиль қуруқликда ҳаракатланувчи транспорт ножитаси сифатида мустақил энергия манбаига эга бўлган двигатель билан жиҳозланган ҳамда катта комфортабель ва хавфсизликка эга бўлган ҳолда рельссиз йўлда юк ва одамларни ташиш

учун мұлжалланған машинадир. Автомобилни бундай талқин қилиш уни бошқа транспорт воситаларидан әжратыб туради.

Автомобиль кашфиётчиларнинг бүг аравасини ривожлантириш, такомиллаштириш ва унинг устида узоқ йиллар мобайнида тинимсиз иш олиб бориши натижасидир. Бир неча йиллар давомида бүг машинаси асосида бир неча ўзиюрар автомобиллар яратилди. Бириңчи бүг автомобилини 1771 йилда француз ҳарбий инженери Кюньо яратди. Бу машина артиллерия юкларини ташишга мұлжалланғанди. У ўзининг иккинчи бүг машинасини 4—5 тонна юк күтаришга мұлжаллаб яратди. Уни жаҳондаги әнг бириңчи юк машинаси, деб ҳисоблаш мүмкін. Кюньонинг бүг автомобили учта ғилдиракка эга бўлиб, олдинги ғилдираги стакловчи ва бошқариладиган эди. Бүг қозони ўтхонаси билан автомобилнинг олдинги қисмига ўрнатилиб, бүг қозонидан түгри тушган иккита цилиндр бүг машинасига ўтказилар эди. Цилиндр поршени эса олдинги ғилдирак, храповик механизмлар билан боғланғанди. Машина тұлық мукаммаллашмаганлиги ва бүг двигателининг жуда оғирилигі ва катталигі учун амалиёт жиҳатидан ривожлана олмади. Шунга қарамай, Кюньо ихтиросининг катта аҳамиятта эга эканлигини тан олиш керак. Чунки у бириңчи бўлиб двигатель билан ҳаракатланувчи автомобиль яратиш мумкинлигини исботлаб беради.

Бүг автомобилини яратиш фикри Англияда янада ривожланди. XIX асрнинг бириңчи ярмида бу мамлакатда бир неча бүг двигатели билан ҳаракатланувчи автомобиллар яратилди. Күпинча улар автобус күринишига эга булар эди. Баҳайбатлиги ва оғирилиги туфайли бүг автомобиллари оддий йүллардан зұрға ҳаракат қила бошладилар. Натижада йүлларни яхшилаш, темир йүллар яратиш фикри туғилди. Бүг автомобилининг рельсга құйилиши паровознинг вужудга келиши учун асос бўлди. Бу даврларда иқтисодий техника жиҳатдан камчиликларнинг күплигі туфайли автомобиллар яхши ривожланмади. Масалан, бүг двигателининг юқорида қайд этилган камчиликлари автомобилда ундан тұла фойдаланишига тұсқынлик қылди. 1860 йилда Ленуар бириңчи бўлиб ички ёnilғи двигателини яратди. Лекин у ҳам тұла мукаммаллашмаган эди. Еқілғи поршени ярим юришда цилиндрдега сурарди, кейин портлаш юз берарди. Портлаш босыми эса атиги түрт килограмму 1 сантиметр квадратта етарди.

Ички ёниш двигателини такомиллаштириш борасида күргина кашфиётчилар иш олиб бордилар. 1862—1877 йиллар давомида Отто Боде Рошанинг фикридан фойдаланиб, ўзини бутун жаҳонга машхур қылған ички ёниш двигателини яратди. Отто двигателеда ёнилғи олдиндан қаттық қисилади. Натижада ёқилғи иссиқлигидан двигательде тұла фойдаланиш имкони яратилади. Отто ички ёниш двигателининг умумий тузилишига ҳам бир қатор ўзгаришлар кирилди. Мана шу янги яратилған түрт тактли ички ёниш

двигатели автомобилсозликнинг ривожланиши учун пойдевор бўлди.

1886 йилда Бенц З—4 от кучига эга бўлган бир цилиндрли, уч ғилдиракли автомобилни иктиро этди. 1887 йилда Даймлер тўрт ғилдиракли, бир цилиндрли автомобилни яратишга муваффақ бўлди. Иккала машинада ҳам олдинги ғилдиракларга ҳаракат тасма орқали берилади. Кейинги йилларда автомобилларни такомиллаштириш ва унинг янги хилларини яратиш устида қизғин иш олиб борилди. Ички ёниш двигателига эга бўлган автомобиллардан ташқари, ўзида ўрнатилган аккумулятор батареясидан қувват олувчи электр двигателли автомобиллар ҳам пайдо бўла бошлади. Лекин бундай автомобилларнинг ҳаракати чесланганилиги, узоқ масофага боролмаслиги туфайли кўплаб ишлаб чиқарилмади. Автомобиль конструкциясининг яхшиланиб бораётганилиги ва кўплаб ишлаб чиқарилаётганилигига 1894 йилда Париж — Руан автомобиль пойгаси мисол бўла олади. Ўшанда 126 километрлик масофадаги "пойга"да 102 автомобиль қатнашган эди. 1895 йилда ҳам Париж — Бордо — Париж биринчи автомобиль пойгаси уюштирилди. Бу масофада Панор Левасор яратган машинанинг ўртача тезлиги соатига 24 километр бўлди. Шу йиллари Европадаги заводлар ва фирмалар алоҳида намунали автомобиллардан кўплаб ишлаб чиқаришга ўтиш учун ҳаракат қилдилар.

Америкада биринчи бўлиб 1892 йилда ўзининг биринчи автомобилини яратиб ва бундай арzon автомобилларни кўплаб ишлаб чиқарган Генри Форд Америка автомобилсозлигига пойдевор қўйди. Кейинчалик бу ерда автомобилсозлик юқори даражага кўтарилиди.

Биринчи жаҳон урушигача бўлган даврда автомобилнинг намуна бўладиган асл тизими яратилди ва бизнинг давримизгача сақланиб келди. Автомобилнинг конструкциясини такомиллаштириш ва унинг механизмлари сифати ҳамда чидамлилигини ошириш устида узлуксиз ишлар олиб борилмоқда.

Биринчи жаҳон урушидан кейин капиталистик мамлакатларда (АҚШ, Англия, Германия)да жуда тез суръатлар билан автомобиллар ишлаб чиқарувчи корхоналар вужудга келди.

Ҳозирги пайтда бутун дунё бўйича автомобилларнинг умумий сони 450 миллиондан ошиб кетди. Бу автомобилларнинг учдан бири АҚШга тўғри келади. Ҳар йили автомобиль заводлари 30 миллиондан ошиқ автомобиль ишлаб чиқаргани ҳолда, буларнинг 8 миллионга яқини "Женерал Моторс", 4 миллиони "Форд", 3 миллиони "Тойота" ва қолган ярми "Фаг", "Ниссан", "Рено", "Фиат", "Хонда", "Мазда" ва бир қатор бошқа автомобиль ўюшмаларида ишлаб чиқарилмоқда.

Автомобилсозлик ривож топган давлатларда, шу жумладан Япония ва Жанубий Корседа бу улкан саноатнинг ҳар тарафлама тараққий этиши натижасида уларнинг халқлари бой ва бадавлат яшави учун замин яратдилар. Шу баркамол саноат орқали бу

давлатларда илм, фан ва маърифат гуркираб ўсди. Бунинг исботи тариқасида бир мисолни келтирсам, ҳаммаси аён бўлади деган умиддаман. Маълумки, 80-йилларда Жанубий Корея саноати Европа давлатларидан жудаям орқада эди. Лекин 90-йилларнинг бошларидан бўен бу мамлакатларнинг автомобиль саноати тармоғи шу саноат ривож топган давлатлар билан ҳамкорликда иш кўриб, бир исча автомобиль фирмаларини яратилган "Деу", "Хюнда", "Кия", "Сеанг — Йонг" фирмалари бўлиб, улар тайёрлаган автомобильларнинг ярмидан кўпроғи Европа ва Америка давлатларида харид қилинмоқда. Шу тариқа Жанубий Корея Шарқда Япониядан сўнг автомобиль саноати тармоғи ривож топган улкан давлатга айланди. Шунинг учун бўлса керак, мустақил республикамида юқорида қайд этилган фирмалар билан танишиш ва сабоқ олиш ишлари режалаштирилгани келажакда шу соҳани тезкорлик билан ривожлантириш ечимининг топилишига умид боғлади.

## 2-§. Собиқ Иттифоқда автомобильсозликнинг ривожланиш босқичлари

Собиқ Иттифоқда 1924 йили биринчи марта 1,5 т. юк кўтарадиган АМО-15 маркали юк автомобиль ишлаб чиқарилди. 1925 йилдан бошлаб Ярославль автозаводида 3 тоннали Я-3 маркали автомобиль чиқарила бошланди. Биринчи беш йиллик охирида (1931 й.) АМО (МАЖ) заводи (Москва акционерлар жамияти — ҳозирги Лихачёв номидаги автомобиль заводи) қайтадан таъмирланди. 1932 йили Горький шаҳрида янги автомобиль заводи ишга туширилди ва СССР автомобильсозлигининг ҳақиқий ривожланиш даври бошланди.

1941 йилга келиб Совет Иттифоқининг автомобиль саноати анча ривожланди. Улуғ Ватан уруши йиллари мамлакат заводларида чиқарилган автомобильлар фронт ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида асосий транспорт бўлиб хизмат қилди. 1944 йилда Миасс шаҳрида янги автомобиль заводи ишга туширилди ва ЗИС-5, кейинчалик Урал ЗИС-355 автомобильлари ишлаб чиқарила бошланди.

Автомобиль саноатининг янги ривожланиш даври Улуғ Ватан урушидан кейин бошланди. 1946—1955 йиллар даврида Минск, Кутаиси юк автомобиль заводлари ва Львов, Павлов автобус заводлари қурилди. 1959—1965 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планига биноан Белоруссия, Кременчук, Могилёв, Ереван юк автомобиль заводлари ва Ликин автобус ҳамда Запорожье енгил автомобиль заводлари ишга туширилди. Саккизинчи беш йилликда Тольятти шаҳрида йилига 660 минг енгил автомобиль чиқаришга мўлжалланган Волга автомобиль заводи (ВАЗ) қурилди. Тўққизинчи беш йилликда

Кама автомобиль заводи ишга туширилиб, уч ўқли саккиз тоннали дизель автомобиллари ишлаб чиқара бошлади. Бу завод йилига 150 минг дона КамАЗ маркали оғир юк автомобили ва 250 минг дизель агрегати ишлаб чиқармоқда. Лекин шу кунгача чиқарилаётган автомобиллар ичидаги жуда күп юк күттарувчи ва кам юк күттарувчи автомобилларнинг умумий салмоги жуда ҳам кам. Бу ҳол эса автомобиль транспортида бўлаётган харажатларнинг ҳар йили икки баравар кўпайиб кетишига олиб келмоқда.

Ҳозирги автомобилларнинг асосий база моделлари қўйидаги-лардир: ЗИЛ-130; ГАЗ-53; ГАЗ-24 "Волга", КраЗ-257, МАЗ-5335; БелАЗ-540; Урал-377Н; КАЗ-608; КамАЗ-320, "Москвич-4140", ВАЗ-2106, ЗАЗ-968, ЛиАЗ-677; ЛАЗ-695; ПАЗ-672, УАЗ-452; РАФ-977 ва бошқалар.

Кейинги йилларда дизеллар ишлаб чиқариш тез суръатлар билан кўпайтирилиб, ГАЗ, ЗИЛ, Урал, КАЗ автомобилларига дизель двигателлари ўрнатиш йўлга қўйилди. 1990 йилга келиб дизель ўрнатилган автомобиллар 1985 йилга нисбатан 2 марта, тиркама (прицеп) ва ярим тиркамалар эса 1,4 марта ортди.

1990 йилга келиб кўп юк ортадиган автомобиллар ва уларнинг асосида кўп юк тортадиган автопоездлар, ихтисослаштирилган юк автомобиллари ва автомобиль тиркамалари 1985 йилга нисбатан 48,1 фоизга кўпайтирилди. Ана шу даврда Москвадаги Лихачёв номли автомобиль заводида 12 тонна юк кўтара оладиган дизель двигатели ўрнатилган иккита етакчи кўприкли, ЗИЛ-169 маркали автомобиль ва унинг ўзгартирилган нусхалари ишлаб чиқарила бошланди. Горький автомобиль заводи 7 тоннагача юк кўтара оладиган, қийин йулларда юришга мослаштирилган иккита етакчи кўприкли ГАЗ-33(6x4) маркали автомобиль ва унинг негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташишга мўлжалланган, 6 тоннагача юк кўтара оладиган ГАЗ-33Б маркали автомобиль самосвалларини, Урал автомобиль заводи 7,5 тоннагача юк кўтара оладиган Урал-377 автомобилларининг икки хил ўзгартирилган нусхасини, яъни ўтағон ва қийин йулларда юришга мўлжалланган автомобилларни ишлаб чиқаришга киришди. Кутаиси автомобиль заводи цемент ва бетон ташишга ихтисослаштирилган автомобиллардан ташқари, пахтани қоп-қанорсиз ташишга мўлжалланган 11,5 тоннагача юк кўтаратадиган КАЗ-717 маркали самосвал автомобилларини, Кременчук автомобиль заводи 11,0 тоннагача юк кўтара оладиган КраЗ-256 Б автомобилларини ишлаб чиқара бошлади. Бу автомобилга Ярославль мотор заводида ишлаб чиқарилаётган сифати яхшиланган замонавий ЯМЗ-238А дизель двигатели ўрнатилади. Минск автомобиль заводи 95 тоннагача юк кўтара оладиган МАЗ-6422 маркали автомобилларни ва шимол, жануб шароитида қийин йулларда юришга мўлжалланган ҳар хил ўзгартирилган нусхаларини Белоруссия автомобиль заводи 110 тоннагача юк кўтара оладиган БелАЗ-552 автопоездини ишлаб чиқараётир. Бундан ташқари, Горький автомобиль заводида ўрта

литражли янги ГАЗ-3102 ва ГАЗ-24-12 "Волга" автомобилини ва унинг ўзгаририлган нусхаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу автомобилларга қуввати 1,5 марка PDF Compressor Free Version сифати яхшиланган двигатель ўрнатилаётир. Ҳозирда ЗАЗ, ВАЗ, АЗЛК заводларида олд юритмали автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, шунингдек, кетинги юритмали енгил автомобиллар конструкцияси такомиллаштирилди.

Москвадаги кичик литражли автомобиль заводи универсал кузовли Москвич-426 маркали ва ёпиқ (фургон) кузовли "Москвич-433" маркали автомобиллар ҳамда уларнинг ўзгаририлган нусхаларини ишлаб чиқармоқда. Тольятти шаҳридаги Волга автомобиль заводи кичик литражли "Жигули" ВАЗ енгил автомобилининг ҳар хил шароитда ишлатишга мўлжалланган янги ўзгаририлган нусхаларини ишлаб чиқармоқда. Бу заводда йилига 660 минг дона автомобиль ёки бир кунда 2200, ёхуд 22 секундда 1 та автомобиль ишлаб чиқарилмоқда. Запорожье заводида қийин йўл шароитига мўлжалланган ЗАЗ-969 маркали снгил автомобилининг янги хилларини ишлаб чиқариш амалга оширилди. Львов автомобиль заводи ЛАЗ-697Е, Турист ЛАЗ-699Н маркали, Ликино автомобиль заводи эса шаҳар ичидаги қатнашга мўлжалланган ЛиАЗ-677 автобуслари, Павлов заводи ПАЗ автобусининг янги нусхаларини ишлаб чиқарди.

### 3-§. Истиқлол ва автомобилсозлик

Жумҳуриятимиз истиқлоли барқарорлигини таъминлашда ҳалқ ҳўжалигининг турли соҳаларида катта фаолият кўрсатаётган автомобиль транспортининг мавқеи ва ўрни беқиёсdir. Авваламбор автотранспорт воситаларини муттасил ҳаракатлантириб турган биринчи омил нефть эканлигини асло-асло унутиб қўймаслигимиз керак.

Жумҳуриятимиз истиқлолга эришган бир даврда ривожимиз учун ниҳоятда керакли нефть захираси айниқса автомобиль транспорти учун жуда ҳам керакли омиллар. Шунинг учун бу манбадан ниҳоятда унумли ва тадбиркорлик билан фойдаланишимиз керак бўлади.

Биринчидан, зудлик билан нефтни қайта ишлаб, дизель ва бензин олишга мўлжалланган бир қатор заводлар қуришимиз керак.

Дизель ёнилғисига ургу беришимнинг сабаби шундаки, 1 тонна нефтдан қайта ишлаш натижасида кўпич билан 300—400 литр бензин олгандан кўра 800 литр дизель ёнилғиси олиш фойдалироқ бўлса керак. Ундан ташқари, дизель ёнилғисини нефтдан қайта ишлаб олишга кетган меҳнат сарфи бензиннидан анчагина паст. Дизель двигателида ишлайдиган автомобилларнинг ёнилғи сарфи карбюраторли, бензинда ишлайдиган автомобилларга нисбатан икки баробар атрофида кам.

Агарда биз автомобилларимизни, биринчи навбатда юк автомобилларини ва автобусларни дизеллаштирсак, машиналаримизнинг умумий сони икки марта га кўпайса ҳам ёнилғи сарфининг умумий ҳажми шу кундагича сақланиб қолиши мумкин. Натижада нефтимиз халқ ҳўжалигимиз учун бемалол стиб, Русия нефтига қарамлидан қутуламиз ва кейинчалик эса нефтимизнинг бир қисмини қўшни давлатларга сотиб, улардан бизга керакли маҳсулотлар олишга имконият уфқлари очилади.

Лекин, афсуски, ҳали-ҳануз сабиқ Иттифоқдан чиқсан ва чиқаётган, унча сифатли бўлмаган автомобилларни ишлатишга мажбурмиз. Сабиқ Иттифоқнинг заводларида чиқарилаётган енгил автомобиллар фақат бензинда ишлайдиган карбюраторли двигателларга эга бўлиб, юк автомобилларининг 70 фоизи ва автобусларнинг 80 фоизини ташкил этади. Япония ва Фарбий Европа давлатларида юк автомобиллари ва автобусларининг юз фоизига дизель ўрнатилган бўлиб, снгил автомобилларнинг 30 фоиздан кўпроғи дизель двигателли қилиб ишлаб чиқарилмоқда. Автомобилсозлик ривож топган давлатларда кейинги йиллар ичидаги снгил автомобилларни тезкорлик билан дизеллаштириш натижасида, уларнинг умумий сони кўпайишига қарамасдан, ёнилғининг умумий сарфи анчагина камайди. Бизда эса автомобиллар қанча ортса — ёнилғи сарфи шунча кўпайиб бормоқда. Чунки биз сабиқ Иттифоқда чиқсан бензинда ишлайдиган машиналарни олишга мажбурмиз, илож қанча? Агарда шундай машиналар чиқаётган бўлса ҳам бизга дизель мотор ўрнатилганинг стиб келиши амримаҳол. Бу тағнинг исботи қилиб биргина мисол келтираман. ЛАЗ-697 автобуси бензин двигателсида ишлагандага 100 километр масофага 57 литр бензин сарфласа, ЛАЗ-4207 эса дизелда ишлагани учун ёнилғи сарфи 26 литрни ташкил этади. Юк автомобиллари ва автолоездларга суйргич ўрнатиш ва радиал шиналар билан таъминлаш орқали ёнилғи сарфини янада камайтириш мумкин. Лекин бунда ҳам шу кунда биз Россия берганини оламиз, бўлмаса машинасиз қоламиз.

Шунингдек биз истиқлол сари қадам ташлаб, ўзимизни ўнглаб олишни истасак, битта эмас, бир нечта автомобиль заводлари қуришимиз керак. Лекин бошланишда бу заводлар автомобилларни қисмлардан йиғишга мўлжалланган бўлиб, бу заводчалар хориждаги юқори автомобилсозлик технологияси ва жиҳозлари бўлган (ишлаш тизими такомиллашган) фирмалар билан ҳамкорликда яратилиши лозим.

Биринчи навбатда дехқоннинг юмушини енгиллаштирадиган "Жип" енгил автомобили ва тўртта ғилдираги стакчи бўлган, юк кўтариш қобилияти 2 тоннагача бўлган юк автомобиллари керак. Бундай автомобилларнинг ҳар бири универсал кузовга эга бўлиб, ҳар хил юкларни ташишга мўлжалланган бўлиши керак. Шу билан бирга дехқонга универсал юк автомобили ҳам жуда зарур. Бундай автомобиль сени ҳам ҳайдаб, ҳам текислаб бериш

хусусиятига эга бўлмоғи лозим (бундай конструкцияга эга бўлган автомобиллар дунё автомобилсозлик тажрибасида бор).

Иккинчидан — автобус заводи керак, чунки собиқ Иттифоқда яратилган автобуслар халқаро стандартни мухтасарлик талабининг 20 тасидан 5 тасига ҳам жавоб бермайди ва уларнинг вазифасига кўра ихтисослик даражаси камчил ва кўпчилиги бензин ёнилгисида ишлайди.

Учинчидан — кичик литражли ўта кичик ва "митти" нусхали енгил автомобиллар зарур. Бундай автомобилларнинг "митти" нусхаси собиқ Иттифоқда умуман ишлаб чиқарилмайди. Шу кунда "митти" енгил автомобилларни Франциянинг тўққизта фирмаси ишлаб чиқармоқда. Бундай автомобилларнинг двигатель литражи 0,3—0,5 атрофида бўлиб, қуввати 5,5 дан 15 от кучигача, ёнилғи сарфи эса 2—3 литргача бўлиши мумкин, тезлиги 45 километр атрофида.

Бу турдаги "митти"ларнинг пикап ва фургон ихтисослашган турлари ҳам мавжуд бўлиб, улар 200 дан 400 килограммгача юқ кўтариш қобилиятига эга. Бундай "митти" юқ автомобиллар кооператив, боғбон ва теплицада қишин-ёзин полиз маҳсулотлари стиштирувчи деҳқон учун жуда ҳам зарур. Ундан ташқари, "митти"лар шаҳар ичida ҳам боғча, мактаб, шифохона ва бошқа кичик хўжаликлар учун ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотларини стказиб бериш учун жуда ҳам қулайдир. Собиқ Иттифоқда шу кунда чиқарилаётган ўта кичик ва кичик литражли енгил автомобилларнинг бензин сарфи Япония ва Фарбий Европада чиқаётган шу туркумдаги автомобиллардан 20—30 фоизча ошиқ, ишончли ишлаш даражаси паст, двигатель деталларининг ишлаш муддати нисбатан анчагина кам, двигателдан чиқаётган шовқин ва ташқи муҳитни заҳарлаш даражаси икки маротаба юқори, хуллас, шу каби камчиликларни яна ўнлаб келтириш мумкин.

Тўртинчидан — дала-чорбоги бўлмаган ва бўлса ҳам ундан самарали фойдаланмаётган шаҳарликлар учун автомобиль солигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Юқорида келтирилган тадбирларга давлат томонидан атрофлича ёндашилса, бир-икки йил ичida қишлоқларимизда шахсий енгил автомобиллар анчагина купаяди. Шу билан бир қаторда жумҳуриятимизда тезкорлик билан "Жип" туридаги қишлоқбоп енгил автомашиналарни чет эл фирмалари билан ҳамкорлик асосида ишлаб чиқариш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, жумҳуриятда автомобиль машинасозлиги яратмоқчи бўлсак, тезкорлик билан шу соҳанинг ишбилармон мутахассисларини танлаб, уларни жумҳуриятда автомобилсозлик яратиш борасида давлат томонидан олиб борилаётган ишлар билан танишириш ва келгуси режалар нималардан иборатлигини билдириш керак. Шу билан бир қаторда мутахассислар давлат томонидан олиб борилаётган бу ишларни қанчалик мухтасар билимдонлик асосида тайёрланганлиги тўғрисида, ўз фикр-мулоҳазаларини матбуот ва оммавий ахборот воситалари

орқали халойиққа билдиришлари керак. Бундай катта ишни бошлаш учун халқ фикрини билиш — буни амалга ошириш учун атрофлича ёрдам беради. Чунки бундай бир нечта автомобилсозлик корхоналари қуриш учун давлат хазинасида етарлича пул йўқ, бу пулнинг каттагина бир қисмини халқ томонидан жамғарма қоғозлар орқали ундириш мумкин. Хусусан аниқ мақсадни белгилаб олгач, уни амалга ошириш йўлларининг тизимини ишлаб чиқиш лозим. Мақбул тизимлар танланилгач, мутахассислар томонидан жумҳурият учун керакли автомобиллар ишлаб чиқараётган технологияси ва жиҳозлар юқори даражада бўлган автомобилсозлик фирмаларини аниқлаб, у жойларга мутахассислар юборилиши ва улар ўз кўзлари билан кўриб, фирмаларнинг маҳсулотлари билан атрофлича танишиш йўли билан муқобилини танлаш керак бўлади. Бундай ишни бажариш учун 1990 йили "Женерал Моторс" корпорацияси томонидан қуришга мўлжалланган "Сатурн" заводи учун 99 та мутахассис танланиб, улар 1984 йили 6 ой ичida 160 та хориждаги ривожланган фирмаларга юборилди ва улар томонидан 3,5 миллион километр масофага яқин йўл босиб ўтилди.

Кўриниб турибдики, шундай камолотга етган бақувват корпорация бир завод қуриш учун шунча мутахассисларни жалб этган ва бунинг учун йирик бўлган ақчаларни ҳам аямаган. Натижада мутахассислар томонидан "Женерал Моторс" корпорациясини та-лафотдан олиб чиқадиган (ҳамкорликда ишлайдиган) фирма топилди ва ундан ташқари бошқа фирмалардан ҳам бир талай янгиликлар олиб келинди.

Жумҳуриятимизда автомобилсозлик тармоғини яратиш учун дунёдаги машҳур фирмалардан топиб, улар билан ҳамкорликда иш олиб бориш керак. Булар орасидаги дунёга машҳур "Хью-лэйт — Паккард" (электроника фирмаси) "Макдональдс" (хизматчилик тезкорлик билан овқатлантириш замонавий технологик жиҳозлари билан машҳур фирма), "Вольво" (автомобилсозлик фирмаси), "Кавасаки" (мотоцикл заводи) ва "Ниссан" (автомобилсозлик фирмаси) лар бор. Мазкур фирмалар билан ҳамкорлик қилиш яхши самаралар бериши шубҳасиз.

#### 4-§. Автомобиль ва табиатни муҳофаза қилиш

Автомобилларнинг сони тез суръатлар билан кўпайиб бормоқда. Лекин автомобилларнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига катта салбий таъсири борлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Масалан, бир автомобиль двигатели ўз цилиндрлари орқали 60 секунд ичida тахминац беш минг литр ёнилғи аралашмасини ўтказади, шу вақт ичida 100 та одам нафас олиши учун керак бўлган ҳаво сарфланиши мумкин. Битта автомобиль бир йилда ташқи муҳитга 800 кг СО, 220 кг СО<sub>2</sub> ва 40 кг NO гази ҳамда бир қанча бошқа заҳарли газлар чиқаради. Шунинг

учун ҳозирги шароитда күплаб автотранспорт воситаларидан фойдаланиладиган катта шаҳар ва шаҳарчаларда таркибида заҳарли моддалар бўлган ишлатилган газларнинг йигитга мөмкун шига йўл қўйиш ярамайди. Шу билан бирга автомобильдвигателларининг ишлаши натижасида ҳосил бўладиган шовқин ҳам одамларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Автомобилнинг мавжудотга кўрсатаётган зарарли таъсирининг ҳаммасини йўқ қилиш қийин, албатта, лекин бу таъсири маълум даражада камайтириш мумкин. Бунинг учун двигателнинг иш маромини (режимини) аниқ танлаш ва ёнилғи ускунасини ростлаш, вақти-вақти билан мойлаш тармоғини ювиш учун мўлжалланган ёғ билан тозалаш ҳамда двигателни суюқлашган аралашмада ишлатиш йўллари билан ундан чиқаётган заҳарли газлар миқдорини камайтириш мумкин. Ишлатиб бўлинган газлар таркибидаги заҳарли моддаларни камайтириш учун уларни ташки муҳитга чиқариш олдидан тозалаш ва софлаш лозим. Бу борада аралашмани двигателнинг чиқариш тармоғида ёндириб тугаллаш усувлари қўлланилиб, товуш пасайтиргичлар ўрнида маҳсус софлагич (нейтрализатор)лар ўрнатилмоқда.

Айтилган бу мисоллар бизда ҳам ўз счимини топса, биз ҳам атроф-муҳитимизни имконият борича муҳофаза қилиб, нафас олаётган ҳавомизнинг мусаффо бўлишига эришардик. Бинобарин республика шаҳарларида, айниқса Тошкент шаҳрида шахсий гаражларни қаерда ва қандай қуриш кераклиги табиий муҳитни асрашга алоқадор эканлигини асло эсдан чиқармасдан, зарур чора-тадбирларни кўриб бориш керак булади.

Аввалимбор ташки муҳитни автомобилларнинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш ишларини атрофлича ўйлаб, умумий мувофиқлашган режали тизим асосида бошқариб бориш — истиқоллга юз тутган мамлакатимиз учун долзарб масалалардан биридир.

Хуллас, биз тилга олган масалалар эртами-кечми республикамизда ҳам ҳал этилишига имоним комил. Лекин бу масалани шу соҳа буйича мутахассисларнинг фикрини билиб, аниқ режалар асосида ҳал этадиган вақт келди. Чунки бу муаммо дунё эътиборига молик масала эканлигини доимо ёдимиизда сақлаб, ҳар биримиз, қўлимиздан келганча она-еримизни келажак авлодларга мусаффо ҳолда мерос қолдириш учун ўз улушимизни қўшишимиз даркор. Ишлаб чиқарилаётган автомобильдвигателларининг сифати яхшиланмоқда, бундай двигателларнинг кам заҳарли моддалар ҳосил қилувчи турлари устида илмий тажриба ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, автомобильга ўрнатилаётган поршеничи ички ёнув двигателларини бошқа турдаги двигателлар билан, масалан, аккумулятор воситасида механик энергия ҳосил қилишга мўлжалланган электромобиллар билан алмаштириш имкониятлари синалмоқда. Маълумки, шаҳарда ҳосил бўладиган шовқиннинг асосий сабабчиси автомобиль транспортидир. Шовқин двигателнинг ишлаши, ишлатилган газларнинг ташки муҳитга

чиқарилиши, автомобиль ҳаракати натижасида ҳосил бўлади. Шовқинни камайтириш бўйича асосий йўналиш сўндиригичларнинг янги конструкцияларини ўрганиш ва автомобилларнинг юриш қисмини такомиллаштиришга қаратилган. Мавъумки, автомобиль транспорти воситаларини ишлаб чиқарувчи, уни ишлатувчи ва тикловчи катта-кичик корхоналар ишлаш жараёнида ташки муҳитни ўз чиқиндилари билан секин-аста ифлослантиради. Бу чиқиндилар, яъни нефть маҳсулотлари, кислота ва ишқорлар корхоналарда ишлатилган сув таркибida оқар сувларга тушиб, сув ҳавзаларини заҳарлайди. Ифлосланган сув табиятга тузатиб бўлмас даражада зарар етказиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун катта ишлар қилинмоқда, яъни ифлосланган сувларни сув ҳавзаларига чиқаришдан олдин уларни тозалаш ва сўнгра қайта ишлаш масалалари ҳал этилмоқда.

## 2-боб. АВТОМОБИЛЛАРНИНГ УМУМИЙ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ КОНСТРУКТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 5-§. Автомобилларнинг таснифи (классификацияси)

Автомобиль<sup>1</sup> — қуруқликда ҳаракатланувчи транспорт воситаси бўлиб, мустақил энергия манбанига эга бўлган двигатель билан жиҳозланган ҳамда катта қулайлик ва хавфсизликка эга бўлган ҳолда рельссиз йўлларда юк ва одамларни ташишга ёки ўзига ўрнатилган қурилмалар ёрдамида маҳсус ишларни бажаришга мўлжалланган фидиракли машинадир.

Автомобиллар вазифасига кўра транспорт, маҳсус ва поїга автомобилларига бўлинади.

Транспорт автомобилларига пассажир, юк ва юк-пассажир автомобиллари киради.

Пассажир автомобиллари йўловчиларни ташишга мўлжалланган бўлиб, улар ўз навбатида иккига бўлинади: автобуслар ва енгил автомобиллар. Пассажир автомобиллари саккизтадан кўп ўринга мўлжалланган бўлса, автобус, саккизтадан кам ўринли бўлса, енгил автомобиль деб аталади. Автобуслар вазифасига қараб шаҳар атрофида, шаҳар ичидаги, шаҳарлараро, маълум жойларда қатнайдиган ва умумий ишларда фойдаланиладиган бўлади.

Юқорида айтилган вазифаларига қараб автобусларда ўринлар сони 10 дан 80 гача бўлади. Узунлигига қараб автобуслар: 5 м-жуда кичик (микроавтобус); 6,0...7,5 м-кичик; 8,0...9,5 м-ўртacha; 10,5...12,0 м-катта ва 16,5...24 м бўлган қушалоқ автобусларга ажратилади.

1

Автомобиль — ўзи ҳаракатланувчи (авто — грекча ўзи, мобиль — лотинча ҳаракатланувчи) деган маънони англатади.

*Еңеңлі автомобиллар икki, түрт, етти ҳамда саккыз ўринли булади. Уларга ўрнатыладын двигателларнинг иш ҳажмига қараб сиғыл автомобиллар бир-биридан фар **PDF** **Compress** **Free Version** микролитражлы — ўта кичик туркum; 1,2 ... 1,8 л — кичик литражлы кичик туркum; 1,8 ... 3,5 л — ўртача литражлы ва 3,5 литрдан ортиқ — катта литражлы.*

*Юк автомобиллари юк вазнига қараб: енгил вазн — 0,3...1,0 т, кичик вазн — 1,0...3,0 т, ўртача вазн — 3,0...5,0 т, катта вазн — 5,0...8,0 т ва жуда катта вазн — 8,0 т дан ортиқ юк күтәрадын автомобилларга бўлинади.*

*Ташлама деворлари (бортлари) очиладын ҳар хил ишбоп кузовли транспорт автомобилларида хилма-хил юклар ташлади ва бундай автомобиллар умумий ишларни бажарувчи оддий автомобиллар деб аталади.*

*Сочилувчан юклар юкни ўзи афтарадын (самосвал) транспорт автомобилларида, суюқликлар цистернали автомобилда, кўпчилик озиқ-овқатлар эса рефрижератор-фургонларда ташлади, бундай автомобиллар ихтинослаштирилган автомобиллар дейилади. Транспорт автомобилларининг кузовларида бир вақтнинг ўзида йўловчи ва юк ташилса юк-пассажир автомобиллари деб юритилади. Бундай автомобиллар асосан сиғил автомобиллар туркумига кириб, улар универсал кузовга эга.*

*Махсус автомобиллар маълум ишларни бажаришга имкон берадын механизм, қурилма ва ускуналар билан жиҳозланган. Масалан, ўт ўчириш, кўча супириш, юк ортиш автомобиллари.*

*Пойга автомобиллари спорт автомобиллари бўлиб, автомобиль-спорт пойгасида қатнашишга мўлжалланган бўлади. Пойталар айланма ва тўғри йўлларда ўтказилади. Белгиланган масофада юқори натижага эришиш учун махсус пойгалар ҳам ўтказилади.*

*Ҳар хил йўллардан ҳаракатланиш хусусиятига қараб оддий ва ўтагон автомобиллар бўлади:*

*1. Автомобиль қатновига мослаштирилган қаттиқ қопламали йўллarda ҳаракатланувчи битта ўқи етакчи бўлган автомобиль оддий автомобиль дейилади (1-расм).*

*2. Ёмон ва мослаштирилмаган йўлларда ҳаракатланувчи иккита ёки учта ўқи етакчи бўлган автомобиль ўтагон автомобиль дейилади. (2-расм).*

*Битта ўқи етакчи бўлган оддий автомобилларнинг қисқача техникавий тавсифномасини 1-расмда келтирилган автомобиллар мисолида кўриб чиқамиз.*

*ГАЗ-24 "Волга" автомобили (1-расм, а) беш ўринли бўлиб унга тўрт тактили, цилиндрлари тик бир қатор жойлашган, тўрт цилиндрли карбюраторли двигатель ўрнатилган. Двигатель цилиндрларининг умумий иш ҳажми 2,44 л, сиқиш даражаси 8,2 ва энг юқори қуввати 96 о. к. (76,61 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли*



1-расм. Оддий автомобиллар:

а) ГАЗ-24. "Волга" — енгил автомобиль; б) РАФ-2203, "Латвия" — микроавтобус; в) КАвЗ-685; г) ЛиАЗ-677 — автобуслар; д) ГАЗ-53А; е) ЗИЛ-130 — юк автомобиллари.

валнинг минутига 4500 айланиши натижасида ҳосил бўлади. Автомобилнинг энг катта ҳаракат тезлиги 145 км/соат.

РАФ-2203 "Латвия" микроавтобуси (1-расм, б) ҳайдовчи билан ўн икки ўринга мўлжалланган. Микроавтобусга тўрт тактли, цилиндрлари тик жойлашган тўрт цилиндрли карбюраторли двигатель ўрнатилган. Двигатель цилиндрларининг умумий иш ҳажми 2,44 л; сиқиши даражаси 8,2 ва юқори қуввати 95 о. к. (69, 87 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли валнинг минутига 4500 айланиши натижасида ҳосил бўлади. Микроавтобуснинг энг катта ҳаракат тезлиги 120 км/соат.

КАвЗ-685 маркали кичик автобусда (1-расм, в) умумий ўринлар сони 28 та, ўтириш учун мўлжалланган ўринлар 21 та. Бу турдаги автобуслар Курган автобус заводида ГАЗ-53А юк автомобилининг шассиси асосида ишлаб чиқарилади. Автобусда тўрт тактли V симон, саккиз цилиндрли ЗМЗ-53 маркали карбюраторли двигатель ўрнатилган. Двигатель цилиндрларининг умумий иш ҳажми 4,25 л, сиқиши даражаси 6,7 ва энг катта қуввати 115 о.к. (84,58 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли валнинг

*а**б**в**г**д**е*

## 2-расм. Ўтагонлиги оширилган автомобиллар:

- а) УАЗ-469 — сингил автомобили; б) УАЗ-452Д; в) ГАЗ-66; г) КамАЗ-5320; д) ЗИЛ-131; е) КрАЗ-257 — юк автомобиллари.

минутига 5200 айланиши натижасида ҳосил бўлади. Автобус 80 км/соатгача энг катта тезлик билан ҳаракатланади.

ЛиАЗ-677 маркали катта автобусда (1-расм, г) умумий ўринилар сони 80 та бўлиб, ўтириш учун мўлжалланган ўринилар 25 та. Бу турдаги автобуслар Ликино автобус заводида ишлаб чиқарилади. Автобусда тўрт тактли V симон саккиз цилиндрли, ЗИЛ-375Я7 маркали карбюраторли двигатель ўрнатилган. Двигателнинг умумий иш ҳажми 7 л, сиқиш даражаси 6,5 ва энг юқори қуввати 180 о. к. (132,39 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли валнинг минутига 3200 айланиши натижасида ҳосил бўлади. Автобусга гидротрансформаторли узатмалар қутиси қўйилган. Автобус 70 км/соат энг катта тезлик билан ҳаракатланади.

ГАЗ-53А юк автомобили (1-расм, д) ўртача юк кўтариш қобилиятига эга. Бу турдаги автомобиллар Горький автомобиль заводида ишлаб чиқарилади. Двигатель цилиндрларининг умумий иш ҳажми 4,25 л, сиқиш даражаси 6,7 ва энг юқори қуввати 115 о. к. (84, 58 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли валнинг минутига

3200 айланишидан ҳосил бўлади. Автомобиль 80 км/соатгача энг катта тезлик билан ҳаракатланади.

ЗИЛ-130 юк автомобили (1-расм, е) катта юк кўтариш қобилиятига эга. Бу турдаги автомобиллар Лихачёв номли Москва автомобиль заводида ишлаб чиқарилади. Автомобилга тўрт тактли V симон, саккиз цилиндрли карбюраторли двигатель ўрнатилган. Двигателнинг умумий иш ҳажми 6,0 л, сиқиш даражаси 6,5 ва энг юқори қуввати 150 о. к. (110, 32 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли валнинг минутига 3200 айланишидан ҳосил бўлади. Автомобиль 90 км/соатгача энг катта тезлик билан ҳаракатланади.

Иккита ёки учта кўприги етакчи бўлган ўтағон автомобилларнинг қисқача техникавий тавсифномасини 2-расмда келтирилган автомобиллар мисолида кўрамиз.

УАЗ-469 енгил автомобили (2-расм, а) етти ўринли бўлиб, иккала кўприги етакчи. Автомобилга цилиндрлари бир қатор вертикал жойлашган тўрт тактли карбюраторли двигатель ўрнатилган. Двигатель цилиндрларининг умумий иш ҳажми 2,44 л, сиқиш даражаси 6,7 ва энг юқори қуввати 75 о. к. (55, 16 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли валнинг минутига 4000 айланишидан ҳосил бўлади. Автомобиль 100 км/соат энг катта тезликда ҳаракатлана олади.

УАЗ-452Д автомобили (2-расм, б) жуда кам (0,88 тоннагача) юк кўтариш қобилиятига эга бўлиб, иккала кўприги ҳам етакчи. Автомобилга тўрт тактли, цилиндрлари бир қатор вертикал жойлашган тўрт цилиндрли карбюраторли двигатель ўрнатилган. Двигатель цилиндрларининг умумий иш ҳажми 2,44 л, сиқиш даражаси 6,7 ва энг юқори қуввати 75 о. к. (55, 16 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли валнинг минутига 4000 айланишидан ҳосил бўлади. Автомобиль 95 км/соат энг катта тезликда ҳаракатлана олади.

ГАЗ-66 автомобили (2-расм, в) 2 тоннагача юк кўтариш қобилиятига эга бўлиб, иккала кўприги ҳам етакчи. Автомобилга тўрт тактли цилиндрлари V симон жойлашган саккиз цилиндрли карбюраторли двигатель ўрнатилган. Двигатель цилиндрларининг умумий иш ҳажми 4,25 л, сиқиш даражаси 6,7, энг юқори қуввати 115 о. к. (84, 85 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли валнинг минутига 4000 айланишидан ҳосил бўлади. Автомобиль 95 км/соат энг катта тезликда ҳаракатланади.

КамАЗ-5320 автомобили (2-расм, г) 8 тоннагача юк кўтариш қобилиятига эга бўлиб, унинг учта кўпргидан кетинги иккитаси етакчи. Автомобилга тўрт тактли цилиндрлари V симон жойлашган саккиз цилиндрли КамАЗ-740 дизель двигатели ўрнатилган. Двигатель цилиндрларининг умумий иш ҳажми 10,85 л, сиқиш даражаси 17 ва энг юқори қуввати 210 о. к. (154,46 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли валнинг минутига 2600 айланишидан ҳосил бўлади. Автомобиль 85 км/соат энг катта тезликда ҳаракатлана олади.

ЗИЛ-131 автомобили (2-расм, *д*) узайтирилган базага эга булиб, 3,5 тоннагача юк күтариши мумкин. Унинг умумий учта кўпригидан ҳаммаси стакчи. Бу турдаги автомобиллар Лихачев номли Москва автомобиль заводида ишлаб чиқарилади. Автомобилда тўрт тактли, цилиндрлари V-симон жойлашган саккиз цилиндрли карбюраторлидвигатель ўрнатилган. Двигатель цилиндрларининг умумий иш ҳажми 6,0 л, сиқиш даражаси 6,5 ва энг юқори қуввати 150 о.к. (110,33 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли валинг минутига 3200 айланишидан ҳосил бўлади. Автомобиль 80 км/соат энг катта тезликда ҳаракатланади.

КрАЗ-257 автомобили (2-расм, *е*) 12 тоннагача юк кўтариш қобилиятига эга. Автомобилга тўрт тактли цилиндрлари V-симон жойлашган саккиз цилиндрли ЯМЗ-238 дизель ўрнатилган. Двигатель цилиндрларининг умумий иш ҳажми 14,8 л, сиқиш даражаси 16,5, энг юқори қуввати 240 о.к. (176,52 кВт)га тенг бўлиб, у тирсакли валинг минутига 2100 айланишидан ҳосил бўлади. Автомобиль 68 км/соат энг катта тезлик билан ҳаракатланади.

#### 6-§. Автомобилнинг асосий нусхалари (моделлари) ҳақида умумий маълумот ва уларнинг техникавий тавсифи

Собиқ Совет Иттифоқи автомобиль заводларида ишлаб чиқариладиган автомобиллар қўйидаги тартибда белгиланади (маркаланади). Дастребки ҳарф белгиси автомобиль ишлаб чиқарган заводни, ундан кейинги рақамлар туркуми ва унинг нусхасини билдиради. Масалан, Горький автомобиль заводи — ГАЗ, Минск автомобиль заводи — МАЗ ва ҳоказо.

Автомобиль нусхаларини белгилаш учун ҳар бир заводга бир нечта рақам ажратилади: ГАЗ га 99 гача, ЗИЛга 100 дан 199 гача ва ҳоказо. Енгил автомобиллар унга бериладиган номлар билан аталади, масалан, Волга, Чайка, Жигули. Автомобил заводида бир хил агрегат ва механизмлардан турли автомобиллар ишлаб чиқарилса, унда энг кўп чиқарилаётган автомобиль нусхаси асосий ҳисобланади. Бошқа ўзгартирилган нусхалар эса асосий модель ҳисобланган автомобилдан маҳсус кузовларнинг ўрнатилиши билан фарқ қиласи. Баъзи моделлар эса базасининг ўлчами (ўқлар орасидаги масофа) катта ёки кичик бўлишига қараб фарқланади. Бундай автомобиллар асосий нусха (модель) автомобилининг ўзгартирилган нусхаси (модификацияси) деб аталади. Масалан, ВАЗ-2103 қўйидагиларни билдиради: 2-автомобилга ўрнатилган двигателнинг иш ҳажми — 1,2—2,8 л; 1-енгил автомобиль; 03-автомобиль нусхасининг тартиб рақами. КамАЗ-5320 қўйидагича изоҳланади: 5-тўла юкланган автомобильнинг оғирлиги 14...20 т; 3-ташлама саҳни (борт платформали) автомобиль; 20-автомобиль нусхасининг тартиб рақами.

Автомобилнинг ҳар бир нусхаси учун уни тайёрловчи завод томонидан қисқача техникавий тавсифномаси берилади, у қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади (1-жадвал):

1-жадвал

Автомобилларнинг қисқача техникавий тавсияномаси

Кўрсаткичлар	Автомобиль асосий нусхаси(модели)						
	ГАЗ-53	ЗИЛ-130	МАЗ-5335	КамАЗ-5320	ЛиАЗ-677	ГАЗ-24	ВАЗ-2106
Автомобилнинг тури	юк автомобили	юк автомобили	юк автомобили	юк автомобили	автобус	енгил автомобиль	енгил автомобиль
Юк кўтариш қобилияти(сигими)	4000кг	6000 кг	8000 кг	8000 кг	80 та пассажир	5 та пассажир	5 та пассажир
Сиртқи ўлчами(габарити) м:							
бўйи	6,395	6,675	8,52	7,39	10,45	4,74	4,07
эни	2,38	2,5	2,5	2,49	2,5	1,8	1,61
баландлиги	2,22	2,31	2,62	2,63	2,97	1,45	1,44
Ўз вазни, кг	3250	4300	6700	5800	8300	1420	1045
энг катта тезлиги, км/соат	80	90	85	85	70	145	154
Двигатель асосий нусхаси (модели)	ЗМЗ-53	ЗИЛ-130	ЯМЗ-236	КамАЗ-740	ЗИЛ-375	ГАЗ-24Д	ВАЗ-2106

1) белгиланган вазни, кг ёки т ҳисобида (енгил автомобиллар ва автобуслар учун ўринлар сони); 2) шайланган автомобилнинг оғирлиги (кг) ва унинг ўқлараро тақсимланиши; 3) сиртқи (габарит) ўлчами, мм да (узунлиги, эни, кабина баландлиги); 4) олдинги ва кетинги ғилдиракларнинг излар оралиги (колеяси), мм да; 5) йўлнинг тўғри ва ётиқ бўлган жойларида автомобилнинг тўла юкланган пайтдаги энг катта тезлиги, км/соат; 6) тўла юкланган автомобиль маълум тезликда шоссе йўлда ҳаратланганда 100 км масофага сарфланувчи ёқилғи миқдори, л.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан ташқари автомобилнинг техникавий тавсифномасига унга ўрнатилган двигатель, унинг тармоқлари, куч узатмаси, юриш қисми, бошқариш системаси ва электр жиҳозлар, кабина, кузов ва платформа, ёрдамчи қурилмалар, бензобакнинг сиғими тўғрисида қисқача техникавий маълумотлар киритилади.

## 7-8. Автомобилинг умумий түзилши

Замонавий автомобиль жуда **Мурагайб Сонарузасиг Гуреф Version** бир-бирига болглиқ ҳолда маълум бир қазифани бажарувчи бир исча механизм қурилма ва қисмлардан ташкил топган. Кўпчилик автомобилларнинг умумий тузилиш схемаси, уларнинг механизм ва системаларининг ишлари услуги ва иш шароити бир-бирига ўхаш. Шу сабабли автомобилинг умумий тузилишини ўрганиш учун боззи содалаштиришлар киритамиз.

Умуман олганда, автомобиль деталлар, биримлар, механизmlар, қурилмалар ва тармоқлар йигидисидан иборат.

**Деталь** — механизм ва машиналарнинг ўғиши ишларисиз тайёрланган айрим-айрим қисмлари (масалан, болт, поршень бармоқи, шестерни ва ҳоказо).

**Узел** — бир исча деталларнинг машинада ёки механизмда маълум мустакил вазифани бажарувчи биримларси.

**Механизм** — ҳаракатни маълум тартибда узатувчи ва ўзгартирувчи тузилма.

**Агрегат** — бир исча тузилмаларни бир бутун қилиб бирлаштирган ҳолда ишловчи қурилма. (Масалан, автомобиль двигатель, узатмалар күтиси, тақсимлаш күтиси ва стакловчи кўприк.)


**Тармоқ** (система) — битта умумий вазифани бажарадиган қисмлар йигиндиси (масалан, тъминлаш тармоғи, мойлаш тармоғи ёки сонитиш тармоғи ва бошқалар).

Автомобиль, конструктив хусусиятлари ва вазифаларидан катти назар, асосий уч қисмдан иборат: кузов, двигатель да ишаси. Шунингдек, автомобильнинг электр жиҳозлари учда қисмнинг ҳар бирда ўз аксими топсанлиги сабабли у умумлашган катта ва мураккаб қисмни ташкил қиласди.

Автомобиль кузови юқ ташиш ёки йўловчиларни жойлаштириш вазифасини бажаради. Кўпчилик сингил автомобиль ва автобуслар кузовларининг қаттиқ ва пухта ишланган асоси рама вазифасини ўтайди. Бундай кузовлар кўтарувчи кузов деб аталади. Юқ автомобилларининг кузов қисмida юқ ташишга мўжжалланган саҳни (платформа)дан ташкири, Ѹйловчининг кабинаси ҳам бўлади, у двигателнинг орқасида (ГАЗ-53А, ЗИЛ-130) ёки двигателнинг устида (ГАЗ-66, МАЗ-5335, КамАЗ-5320) жойлашади.

Автомобилнинг умумий тузилиши ва механизмларининг жойлашувини аник тасаввур қилиш масадида, транспорт воситаси сифтига кенг тарқалган иккি ўқли, двигатели шассининг олд қисмida жойлашган автомобиль (униг кузови шартли равиша олиб ташланган) билан танишиб чиқамиз (З-расм).

**Дизагель /** автомобильнинг ҳаракатланиши учун зарур бўлган меҳаник энергия ҳосил қўлувчи маъба бўлиб хизмат қиласди. Механик энергия эса двигатеда ёниги ёниди натижасида ҳосил бўлган химиявий энергиянинг иссиқлик энергиясига айланishi



3-расм. Юқ автомобилининг двигатель ва шассиси:  
 1 — двигатель, 2 — ишқаланиш муфтаси, 3 — узатмалар қутиси,  
 4 — руль бошқармаси, 5 — карданли узатма,  
 6 — кетинги етакчи кўприк, 7 — рама, 8 — рессора,  
 9 — гидидраклар, 10 — ёнилги баки, 11 — амортизатор,  
 12 — оддинги уқ, 13 — буйлама тортки, 14 — руль механизми.

натижасида ҳосил бўлади. Двигателдан олинган механик энергия бир қатор механизм ва агрегатлар орқали етакчи фидирлакларга етказиб берилади. Замонавий автомобилларда, асосан, поршенили ички ёнув двигателлари ўрнатилади (карбюраторли ёки сиқиш натижасида ўз-ўзидан алланғаланувчи дизель двигателлари).

*Шасси* — автомобилнинг асоси булиб, уч туркум механизм ва тармоқларни ўз ичига олади. Куч узатмаси, юриш қисми ва бошқариш тармоқлари.

Куч узатмаси механизм ва агрегатларнинг қўшилмасидан таркиб топган булиб, двигатель валидан келаётган буровчи моментни ўзгартирган ҳолда етакчи фидирлакларга узатиб беради. Куч узатмасига қуйидаги механизмлар ва агрегатлар киради: илашиш муфтаси 2, узатмалар қутиси 3, карданли узатма 5, кетинги етакчи кўпrik 6 нинг ичига жойлашган асосий узатма 8, дифференциал ва ярим ўқлар. Илашиш муфтаси 2 двигателни куч узатма 3 дан қисқа муддатга узиб қўйишга ва уларни равон улашга, шу тариқа автомобилни жойидан аста-секин қўзғатишга хизмат қилади. Узатмалар қутиси 3 двигатель ҳосил қилган буровчи момент катталигини ошириб, карданли узатма 5 га етказиб беради. Шу билан бирга двигателни қисқа ёки узоқ муддатда куч узатма механизмларидан ажратиб қўяди. Шунингдес, узатмалар қутиси автомобилнинг орқага юришини ҳам таъминлайди.

Двигатель, илашиш муфтаси ва узатмалар қутиси бир бутун шаклида жойлашиб, уларнинг асосий ўқлари бир тўғри чизиқда ётгани учун уларни *куч блоклари* деб юритилади.

Карданли узатма 5 узатмалар қутисидан кейин жойлашган булиб, ундан олган буровчи моментни ўзгарувчан бурчак остида асосий узатмага етказиб беради. Асосий узатма дифференциал ва ярим ўқлар кетинги етакчи кўпrik 6 да жойлашган булиб, кардандан келаётган буровчи моментни етакчи фидирлаклар 9 га кучайтирган ҳолда етказиб беради.

*Юриш қисми* автомобилнинг илгарилама ҳаракатланишини таъминлайдиган аравадан ташкил топган. Унинг асоси булиб рама 7 хизмат қилади. Рамага эса автомобилнинг барча агрегат, механизм ва қисмлари ўрнатилади, олдинги ўқ 12 ва кетинги кўпrik 6 эса рессора 8 лар ёрдамида рамага бириктирилади. Автомобиль ҳаракатланганда, етакчи фидирлак 9 лардан ҳаракат рессора ва рама орқали олдинги фидирлакларга узатилади. Рессора 8 қайишқоқ шинали фидирлакларнинг йўл нотекисликларига уриниши натижасида ҳосил бўлган турткilarини юмшатиб, рама 7 га узатади. Амортизатор 11 эса турткilarни юмшатиша ҳосил бўлган тебранишларни сўндиради.

Бошқариш тармоғи автомобилнинг ҳаракат йўналишини ўзгартириш, секинлаштириш ва тўхтатиш учун хизмат қилади. *Бошқариш тармоғи* иккита алоҳида қисмдан: руль бошқармаси ва тормозлаш бошқармасидан иборат.

*Руль бошқармаси* (3-расмга қаранг) руль чамбараги 4, руль механизми 14, бүйлама тортқи 13 ва ричагдан ташкил топган. Бу тармоқда руль чамбарагининг бурилиши натижасида, трапеция ҳосил қылған тортқи ва ричаглар ёрдамида олдинги ғилдираклар бурилади ва автомобиль ўз ҳаракат йўналишини ўзгартиради.

*Тормоз бошқармаси ғилдираклар* 1 ва 9 ҳамда куч узатмасида жойлашган тормоз механизмлари билан уларга келтирилган юритмалардан ташкил топган. Бу бошқарма тармоқлари автомобиль ҳаракатини секинлатиш, тұхтатиш ва тұхтаб турған автомобилни силжишдан сақлады.

## 8-§. Автомобилларнинг конструктив хусусиятлари

Замонавий автомобилларда двигатель, куч узатмаси, кабина ва юк саҳнининг жойлашуви, яъни автомобилнинг умумий тасвирий қўриниши ҳар хил. Шунинг учун ҳалқ хўжалигининг тури соҳаларида ишлатилаётган автомобиллар ичидан ҳар хил конструктив хусусиятга эга бўлган тури турдаги автомобилларни учратиш мумкин. Замонавий юк автомобилларида, юк саҳнининг ўлчамини катталаштириш мақсадида уларнинг кабинаси двигателнинг устки қисмига жойлаштирилади. Автобусларнинг пассажир сифимини ошириш учун эса уларнинг кузови вагон шаклида ишланади. Автомобилларнинг ўтағонлигини ошириш учун уларнинг олдинги ва кетинги ғилдираклари етакчи бўлиши керак.

Автомобилда етакчи ғилдираклар сонининг кўпайиши улардаги куч узатмасининг жойланиш тартибини ўзгартиради ва қўшимча қурилма-тақсимлаш қутисини киритади.


ЛАЗ автобуси ва Запорожец автомобилида двигатель орқа томонда жойлашган ва уларда кетинги ғилдираклари етакчи. Бу ҳолда куч узатмасининг бўйлама жойлашган кардан узатмаси бўлмайди. Бу турдаги автомобилларнинг кузовини пастроқ жойлаштириш мумкин, натижада автомобилнинг оғирлик маркази ҳам пастроқда бўлади. Лекин бу турдаги автомобилларни бошқариш бир оз ноқулай. Сунгти йилларда двигатели ва етакчи ғилдираклари олдинда жойлашган енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай автомобилларнинг қайрилишдаги турғунлиги талабга жавоб беради, ва қиялиқда ҳаракатланганда автомобилнинг йўл билан ғилдирак ўртасидаги тишлишиш кучи ва турғунлик даражаси юқори.

### 1-мавзу. АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА ТУЗИЛИШИ

#### 1-топшириқ (4, 5, 6, 7, 8-расмлар).

I. Келтирилган расмларда автомобилларнинг қайси турлари тасвирланган?

Пассажир (а), юк (б), ихтисослаштирилган (в), маҳсус (г), умумий (д).



4-расм. Енгил автомобиллар.

**II. Автомобилнинг таърифи қайси жавобда тўлиқ баён этилган?**

1. Автомобиль транспорт воситаси бўлиб, пассажир ва юкларни изсиз йўлларда ташишга мўлжалланган.
  2. Автомобиль двигатель билан жиҳозланган транспорт воситаси бўлиб, пассажир ва юкларни рельссиз йўлларда ташишга мўлжалланган.
  3. Автомобиль двигатель билан жиҳозланган транспорт воситаси бўлиб, пассажир ва юкларни изсиз йўлларда ташишга мўлжалланган машинадир.
  4. Автомобиль қуруқликда ҳаракатланувчи транспорт воситаси бўлиб, мустақил энергия манбаига эга бўлган двигатель билан жиҳозланган, юқори қулайлик ва хавфсизликка эга бўлган ҳолда изсиз йўлларда юк ва одамларни ташишга ёки ўзига ўрнатилган қурилмалар ёрдамида маҳсус ишларни бажаришга мўлжалланган гидиракли машиналар.
  5. Автомобиль мустақил энергия манбаига эга бўлган двигатель билан жиҳозланган, қуруқликда ҳаракатланувчи транспорт воситаси бўлиб, юқори қулайлик ва хавфсизликка эга бўлган ҳолда одам ва юкларни ташиш учун ишлатиладиган машинадир.
- III. Қуйидаги автомобиллар қайси турдаги транспорт воситасига киришини аниқланг.**
1. Ўт ўчирувчи, кўчаларни тозаловчи ва сув сепувчи автомобиллар, автокранлар, таъмирлаш устахоналари ва пармалаш қурилмалари билан жиҳозланган автомобиллар.

2. Ташлама деворли сақнига (борт платформасига) өзға бүлгән автомобиллар.

3. Кузовлари маңлым юкларни ташишга мүлжалланған автомобиллар.

а) Ихтисослаштирилған транспорт автомобиллари; б) маҳсус транспорт автомобиллари; в) умумий транспорт автомобиллари.

**2-топшириқ (4-расм).**

I. Расмда енгил автомобилларнинг қайси нұсхалари тасвирланған?

1) ЗАЗ-966 "Запорожец"; 2) ВАЗ-2106 "Жигули"; 3) ИЖ-2125;

4) "Москвич-2140"; 5) ГАЗ-24 "Волга"; 6) ЗИЛ-114.


II. Расмда тасвирланған енгил автомобиллар қайси түркүмге киради?

1) ўрта түркүм; 2) катта түркүм; 3) кичик түркүм.

III. Расмлардаги автомобилларнинг қайси бирида цилиндрлари V-симон жойлашған двигатель үрнатилған?

1) 4-расм; 5-расм; 6-расм.

**3-топшириқ (5-расм).**



5-расм. Битта етакловчи күпіркілі юк автомобиллари.

I. Қуйида көлтирилған автомобиль нұсхаларини расмдан анықланғ.

1) УАЗ-451ДМ; 2) ГАЗ-5204; 3) ГАЗ-53А; 4) ЗИЛ-130; 5) МАЗ-5335.


II. Расмда тасвирланған автомобиллар юк күтариши бүйічә қайси вазн түркүміне киради?

1) Енгил вазн — 0,3 ...1,0 т; 2) кичик вазн — 1,0 ...3,0 т;

3) ўртача вазн — 3,0...5,0; 4) катта вазн — 5,0...8,0 т.

III. Расмда тасвирланған юк автомобилларнинг қайси бирига цилиндрлари тик жойлашған двигатель үрнатилған?

**4-топшириқ (6-расм).**



6-расм. Автобуслар.

I. Қуйида көлтирилгандай автобусларнинг нұсхаларини расмдан аниқланг.

1. УАЗ-425.
2. РАФ-2203, "Латвия".
3. ПАЗ-3201.
4. КАвЗ-685.
5. ЛиАЗ-677.
6. ЛАЗ-699Н.

II. Расмда тасвирланған автобуслар габарит узунлигига қараб қайси түркүм таснифига киради?

1. Жұда кичик (микроавтобус) — 5 м гача.
2. Кичик — 6...7,5.
3. Ыртача 8,0...9,5 м.
4. Катта — 10,5...12,0 м.

III. Расмда тасвирланған автобусларнинг қайси бири ғилдирак формуласы  $4\times 4$  га зәгі?

5-топшириқ (7-расм).

I. Автомобиль нұсхаларини расмдан аниқланг.

1. КамАЗ-5320.
2. КрАЗ-257.
3. ЗИЛ-133.
4. Урал-375 Д.
5. УАЗ-452 Д.
6. ГАЗ-66.

II. Расмда тасвирланған ўтағон юк автомобиллари юк күтариш қобилияты бүйіча қайси вазн түркүмінде киради?

1. Еңгіл вазн.
2. Кичик вазн.
3. Ыртача вазн.
4. Катта вазн.


III. Расмда тасвирланған ўтағон юк автомобиллари қандай ғилдирак формуласында зәгі?

1.  $4\times 4$ .
2.  $6\times 4$ .
3.  $6\times 6$ .

6-топшириқ. (8-расм).

I. Қуйида көлтирилгандай юк автомобиллари ўзи ағдарғычлар (самосваллар)нинг нұсхаларини расмдан аниқланг.

1. КрАЗ-256.
2. БелАЗ-540А.
3. ГАЗ-САЗ-53Б.
4. Зил-ММЗ-555.
5. МАЗ-5549.
6. КамАЗ-5511.



7-расм. Үтагонлиги оширилган юк автомобиллари.

II. Расмда тасвириланган автомобиль-самосваллар юк күтариш қобилияти бүйича қайси түркүм таснифига киради?

1. Ўртача вазн. 2. Катта вазн. 3. Жуда катта вазн.

III. Автомобиль-самосваллар модификациясининг базавий моделлари асоси нусхаси автомобиллардан нимаси билан фарқланади?

1. Махсус кузов ўрнатилиши билан. 2. Умумий вазифаларни бажарувчи кузов ўрнатилиши билан. 3. Ўқлараро масофанинг ўзгариши билан.


#### 7-топшириқ.

I. 2-жадвалнинг қайси устунида қуйидаги снгил автомобилларнинг тавсифномаси келтирилган?

1. ЗАЗ-968 "Запорожец". 2. ВАЗ-2101 "Жигули". 3. "Москвич-412". 4. ГАЗ-24 "Волга".

2 - жадвал

Кұрсаткичлар	А	Б	В	Г
Үрінлар сони	5	5—6	4	4—6
Шайланған автомобилларнинг вазни, кг	955	1400	780	1045
Фидирак формуласи	2×1	2×1	2×1	2×1
Этіг катта тезлик, км/с	140	145	118	140
Исплатиладиган ёнілгі	АИ-93	АИ-93	АИ-93	АИ-93



8-расм. Юкки үзи ағдарадыган автомобиллар (самосваллар).

П. З-жадвалнинг қайси устунида қуйида көлтирилгандык юк автомобилларининг тавсифномасы көлтирилгандык?

З-жадвал

Күрсаткыштар	А	Б	В	Г	Д	Е
Юк күтәрүччилеги, кг	8000	12000	8000	4000	6000	7500
Шайланған автомобилларнинг вазни, кг.	6725	11130	7025	3050	4300	7275
Автомобилларнинг тұла вазни, кг	14950	23385	15025	7400	9525	1500
Фидирак формуласы	2×1	3×2	3×2	2×1	2×1	3×2
Энг катта тезлиги, км/с	85	68	80	86	90	75
Двигатель нусхасы(модели)	ЯМЗ-2 36	ЯМЗ-2 38	ЯМЗ-7 40	ЯМЗ-53		ЗИЛ-1 30
Ишлатыладыган ёнилгі	ДТ-200	Д-150	ДТ-170	Д-76		Д-76

1. ГАЗ-53А. 2. ЗИЛ-130. 3. Урал-377. 4. КамАЗ-5320.  
АЗ-5335. 6. КраЗ-257.

III. 1) Автомобилларнинг сифими, 2) шайланган автомобилнинг зини, 3) автомобилнинг тұла вазни, 4) автомобилнинг юк тарувчанлиги деб нимага айтилади?

а) Автомобилнинг пассажирлар ташишга мұлжалланган ринлар сони; б) тұла шайланган автомобилнинг ҳайдовчисиз, ассајирсиз ва юксиз қолатдаги вазни; в) автомобилнинг ташиша мұлжалланган юк вазни; г) тұла юкланган ва шайланган замда шофер билан пассажирлар үтирган қолатдаги автомобилнинг вазни.

#### 8-топшириқ.

I. Расмнинг қайси күренишида автомобилнинг қуида көлтирилған қисмлари тасвирланған?

1. Двигатель. 2. Кузов. 3. Куч узатма. 4. Тормоз бошқармаси. 5. Руль бошқармаси. 6. Юриш қисми.

II. Куч узатма механизми, узел ва агрегатлари қандай рақамлар билан белгиланған?

- а) Илашиш муфтаси, б) узатмалар қутиси, в) карданли узатма, г) кетинги күпприк.

III. Көлтирилған жавоблардан автомобилнинг деталь (а), узел (б), механизм (в), агрегат (г), тармоқ (д) қисмлари қуидеги қайси бир тәърифга оид эга эканлыгини топинг.

1. Ҳаракатни маълум тартибда узатувчи ва ўзгартирувчи тузилма.

2. Бир неча деталларнинг машинада мустақил ҳолда ишлайдын бажарувчи бирикмаси.

3. Бир неча тузилмалардан бир бутун қилиб бирлаштирилған қурилма.

4. Машина ва механизmlарнинг йигиши ишларисиз (операцијасиз) тайёрланған қисми.

5. Машинанинг битта умумий вазифасини бажарадын қисмлар йигинди.

#### 9-топшириқ (9-расм).

I. 1. Автомобилнинг қайси қисми одамларни ва юкларни ташиш учун мұлжалланған?


2. Автомобилнинг қайси қурилмаси механик энергия манбай бўлиб хизмат қиласи?

II. 1. Автомобилнинг қайси қисми куч узатма, юриш қисми ва бошқариш механизмини уз ичига олади?

2. Шассининг қайси қисми руль ва тормоз бошқармасини ўз ичига олади?

3. Олдичги ва кетинги күпприклар, реассора ва амортизаторлар автомобиль шассисининг қайси қисмiga киради?

III. 1. Шассининг қайси қисми автомобилнинг ҳаракат йўналишини ўзгартиб беради?




9-расм. Юк автомобилининг асосий қисмлари

2. Шассининг қайси қисми двигателнинг тирсакли валидан буровчи моментнинг қийматини ва йўналишини ўзгартирган ҳолда етакчи фиддиракларга етказиб беради?

3. Шассининг қайси қисми автомобилнинг тезлигини секинлаштириш ёки батамон тўхтатиш ва тўхтаб турган автомобилни ўз жойда сақлаб туришга хизмат қиласди?

10-топширик (10-расм).



10-расм. Автомобилнинг соддалашган тасвирий чизмаси.

I. Расмда қайси рақамлар билан автомобилнинг агрегат, механизм ва қисмлари белгиланганлигини топинг.

Рама (а), осма (б), олдинги ўқ (в), двигатель (г), илашиш муфтаси (д), узатмалар қутиси (е), карданли узатма (ё), асосий узатма (ж), кетинги кўпrik (з), ярим ўқ (и), орқа фиддирак (й), олдинги фиддирак (к), олдинги фиддирак тормози (л), руль чамбараги (м), руль механизми (н), кетинги фиддирак тормози (о).

II. Расмда куч узатма механизмлари (а), руль бошқармаси қисмлари (б), юриш қисми (в) қайси рақамлар билан белгиланган?

III. 1. Куч узатманинг қайси бир механизми етакловчи фиддиракларга узатилувчи буровчи моментни йўл шароитига мослаштириб ўзгартириб беради.

2. Куч узатманинг қайси бир механизми двигателни узатмалар қутисидан қисқа муддатга узиб қўйиш учун хизмат қиласди?

3. Куч узатманинг қайси бир механизми орқали буровчи момент узатмалар қутисидан асосий узатмага узатиб берилади?

#### АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА ТУЗИЛИШИ МАВЗУИ ЮЗЛСИДАН ҚУЙИДАГИ ЖАВОБЛАР ТЎГРИДИР:

1-топшириқ. I. а (1,3); б (2,4,5); в (5); г (0); д (1,2,3,4).  
II. (4). III. 1 (б); 2 (в); 3 (а).

2-топшириқ. I. 1 (е); 2 (д); 3 (г); 4(в); 5 (б); 6(а). II. 1 (б); 2 (а); 3 (в, г, д); 4 (е). III. 1 а, е (ЗИЛ-114); ЗАЗ-968 "Запорожец"; 2 а, б, в (МАЗ-535); (ЗИЛ-130, ГАЗ-53А41); 3 а, б, в, г (ЛиАЗ-677, ЛАЗ-699Н, КАвЗ-685, ПАЗ-3201).

**3-төпшириқ.** I. 1 (д); 2 (г); 3 (в); 4 (б); 5 (а). II. 1 д (УАЗ-451 ДМ); 2г (ГАЗ-52-04); 3в (ГАЗ-53А); 4а, б (МАЗ-5335; ЗИЛ-130). III. (г,д).

**4-төпшириқ.** I. 1 (е); 2 (д); 3(г); 4 (в); 5 (а); 6 (б). II. 1 д, е (РАФ-2203, УАЗ-452В); 2 в,г (КАВЗ-685; ПАЗ-3201); 3 а, б (ЛиАЗ-677; ЛАЗ-699Н). III. (г,е).

**5-төпшириқ.** I. 1(б); 2(а); 3(в); 4(г); 5(е); 6(д). II. 1(е); 2(д); 3(о); 4(б,г); 5(а,в). III. 1 (д,е); 2(а,б,в); 3(г).

**6-төпшириқ.** I. 1(д); 2(е); 3(а); 4(б); 5(в); 6(г); II. 1(а); 2 (б, в, г); 3(д, е). III. (1).

**7-төпшириқ.** I. 1(В); 2(А); 3(Г); 4(Б). II. 1(Г); 2(Д); 3(Е); 4(В); 5(А), 6(Б). III. 1(а); 2(в); 3(г); 4(в).

**8-төпшириқ.** I. 1(б); 2(в); 3(г); 4(д); 5(е); 6(ж). II. а(3); б(4); в(5); г(6). III. а(4); б(2); в(1); г(3); д(5).

**9-төпшириқ.** I. 1(кузов платформа қисми); 2 (двигатель). II. 1 (шасси қисми); 2 (бошқарыш қисми); 3 (юриш қисми). III. 1 (руль бошқармаси); 2( куч узатмаси); 3(тормоз бошқармаси).

**10-төпшириқ.** I. а (19); б(3); в (2); г(1); д(б); е (7); ё (8); ж (9); з (12); и (11); й (14); к (5); л (4); м (15); н (16); о (13). II. а (6,7,8,9,10,11); б (15,16,17,18); в (2,3,5,12,14,19). III. 1 (узатмалар қутиси); 2 (илашиш муфтаси); 3 (карданли узатма).

### **3-боб. АВТОМОБИЛЬ ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ИШЛАШ УСЛУБИ**

#### **9-§. Автомобиль двигательларининг таснифи**

Замонавий автотранспорт воситалари асосан, поршени ички ёнув двигателлари ўрнатилади. Буғ ва электр токи билан ишлайдиган автомобиллар баъзи камчиликларига кўра ҳозирги кунда деярли қўлланилмайди. Буғ билан ишлайдиган двигателларнинг асосий камчилиги — фойдали иш коэффициентининг кичиклиги (0,16...0,18) ҳамда двигатель буг қурилмаларининг ўлчам ва вазнларини катталигидир. Электр билан ишлайдиган двигателларнинг кенг тарқалмаганлигига сабаб, уларнинг узоқ масофаларга қатнай олмаслиги, чунки уларга ўрнатиладиган қўрошин аккумуляторларининг электр сиғими автомобилнинг 40..60 км масофагача ҳаракатланишига мўлжалланган. Ҳозирги кунда собиқ Совет Иттилоқида ва чет эл фирмаларида электромобиллар устида катта илмий-тажриба ва конструктив ишлар олиб борилмоқда, натижада уларнинг ҳар хил кўргазмали янги нусхалари яратилмоқда. Электромобилларнинг халқ хўжалигига транспорт воситаси бўлиб кенг тарқалиши учун уларга ўрнатиладиган электробакларнинг сиғимини 2..3 баравар ошириш керак.

Автомобилларга ўрнатиладиган поршени ички ёнув двигателлари қўйидаги белгилари билан таснифланади:

1. Ишлатиладиган ёнилғининг турига қараб: енгил суюқ ёнилғи-бензинда ишладиган ва суюлтирилган ёки сиқилган суюқ газ билан ишладиган карбюраторли двигателлар, оғир суюқ дизель ёнилғисида ишладиган дизель двигателлари.

2. Ёнувчи аралашма ҳосил қилиш усулига қараб, цилиндр ташқарисида аралашма ҳосил қилувчи карбюраторли двигателлар ва цилиндр ичидаги аралашма ҳосил қилувчи дизель двигателлари.

3. Иш аралашмасининг аллангаланиши бўйича, электр учқуни билан аллангаланадиган карбюраторли двигателлар ва сиқиши на-тижасида ўз-ўзидан алланганувчи дизель двигателлари.

4. Иш жараёнини ҳосил қилиш усулига қараб: тўрт тактли ва икки тактли двигателлар.

5. Конструктив белгилари бўйича: цилиндрлар сони ва уларнинг жойлашув тартибига қараб (тиқ қаторли, ётиқ қаторли ёки V-симон), газ тақсимлаш механизмининг жойлашуви бўйича — клапанлар юқорига ёки пастга жойлашган.

#### 10-§. Поршенли ички ёнув двигателларини умумий тузилиши ва асосий кўрсаткичлари


Поршенли ички ёнув двигателлари қуйидаги механизм ва тармоқлардан ташкил топган: кривошип-шатунли механизм, газ тақсимлаш механизми ҳамда совитиш, мойлаш ва таъминлаш тармоқлари. Бундан ташқари, карбюраторли двигателларда мажбуран ўт олдириш, дизель двигателларида эса юритиш тармоғи бор.

*Кривошип-шатунли механизм* газнинг кенгайишидаги босими-ни ўзига қабул қиласи ҳамда поршеннинг тўғри чизиқли илга-рилами ва қайтма ҳаракатини тирсакли валнинг айланма ҳаракатига айлантириб беради. Уни ташкил қилувчи деталлар (11-расм): цилиндр 13, ҳалқалари бўлган поршень 15, поршень бармоғи 16, шатун 17, тирсакли вал 19 ва маҳовик 18. Цилиндрнинг устки қисми цилиндр каллаги 12 билан беркитилган.

*Газ тақсимлаш механизми* ёнилғи аралашмаси ёки ҳавонинг цилиндрга киришини ҳамда ишлатилган газларни чиқариб юбо-ришини бошқариш учун хизмат қиласи. Бу механизм таркибида газ тақсимлаш вали 2, газ тақсимлаш валини юритгич шестерняси 1, турткичлар 3, клапанлар 8 ва 11 ҳамда пружина 4 киради.

*Таъминлаш тармоғи* бензин ва ҳаводан ёнувчи аралашма тайёрлайди, уни двигатель цилиндрларига узатади ва ишлатилган газларни ташқи муҳитга чиқариб юборади.

*Совитиш тармоғи* двигателнинг қизиган деталларидан ажрал-ган иссиқликни ташқи муҳитга тарқатади ва унинг энг қулай иссиқлик маромида ишлашини таъминлайди. Двигатель сув ёки ҳаво билан совитилади. Сув билан совитиладиган двигательда сув



11-расм. Бир цилиндрли түрт тактиларлы карбюраторлы двигателдинг түзилиши  
ғилофи, ҳаво билан совитиладиган двигателда эса маҳсус совитиш  
қовурғалари бўлади.

*Мойлаш тармоғи* двигателнинг ишқаланувчи деталларига мой узатиб, уларнинг ишқаланишини камайтиради, унинг деталларини ишқаланувчи сиртларини қисман совитади, ишқаланувчи юзалардаги кирларни ва ейилиш заррачаларини ювади ҳамда мойни тозалаб беради.

Үт олдириши *тармоғи* карбюраторли двигатель мажбурий равиша үт олдириш учун электр учқуни ҳосил қиласи ва уни маълум тартибда цилиндрларга юборади.

*Юқориги чекка нуқта* (ю. ч. н.) поршеннинг тирсакли вал ўқидан энг узоқлашган цилиндр ичидаги юқориги туриш ҳолати.

*Пастки чекка нуқта* (п. ч. н.) — поршеннинг тирсакли вал ўқига энг яқинлашган цилиндр ичидаги пастки туриш ҳолати.

*Поршень йули* — поршень бир чекка нуқтадан иккинчи чекка нуқтагача ҳаракатланганда босиб ўтилган масофа.

Поршень йўли  $S$  (12-расм) поршеннинг ҳар бир ўтган иўлида тирсакли вал ўз ўқи атрофида  $1/2$  марта айланганда, яъни  $180^\circ$  бурчакка бурилгандаги масофа.

Цилиндрнинг иш ҳажми  $V_h$  поршень юқориги чекка нуқтадан пастки чекка нуқтагача ҳаракатланганда ҳосил бўлган ҳажм. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$V_h = \frac{\pi d^2}{4} \cdot S [m^3]$$

бу ерда  $d$  — цилиндр диаметри, м;  $S$  — поршень йўли, м.

Сиқиши бўлинмаси (камераси)нинг ҳажми поршень юқориги чекка нуқтада турганда, унинг юқорисида ҳосил бўлган ҳажм. У  $V_c$  ҳарфи билан белгиланади.

Цилиндрнинг тўла ҳажми — поршень пастки чекка нуқтада турганда унинг устида ҳосил бўлган цилиндр бўшлиғи. Демак, цилиндрнинг тўла ҳажми  $V_a$  цилиндрнинг иш ҳажми  $V_h$  билан сиқиши бўлинмасининг ҳажми  $V_c$  нинг йигиндисига тенг, яъни:


$$V_a = V_h + V_c (m^3)$$

Цилиндр тўла ҳажмининг сиқиши камерасининг ҳажмига нисбати сиқиши даражаси деб аталади ва қуйидагича ифодаланади:

$$\varepsilon = \frac{V_a}{V_c} = \frac{V_h + V_c}{V_c} = \frac{V_h}{V_c} + 1.$$

Сиқиши даражаси поршень пастки чекка нуқтадан юқориги чекка нуқтага борганда, цилиндр ичидаги иш аралашмасининг ҳажми сиқилиш туфайли неча марта камайишини курсатади. Иш цикли, фойдали иш бажариш учун зарур бўлган кетма-кет содир бўлувчи сўриш, сиқиши, иш бажариш (иш йўли) ва чиқариш жараёнларининг йигиндисидан иборат.

Такт двигатель иш циклиниң бир қисми бўлиб, поршень бир чекка нуқтадан бошқа чекка нуқтага ҳаракатланганда бажарилган жараён. Двигатель ҳар бир цилиндрнинг тўла иш цикли поршеннинг тўрт юришида, яъни тирсакли вал икки марта тўлиқ



айлантганда содир бўлса, бундай двигатель тўрт тактли двигатель дейилади. Агар двигатель ҳар бир цилиндрнинг тўла иш цикли поршеннинг икки юришида тўланадиганнинг бир марта тўлиқ айланishiда содир бўлса, бундай двигатель икки тактли двигатель деб аталади.

Двигатель литражи кўп цилиндрли двигателларда барча цилиндрларнинг литрларда ифодаланган иш ҳажмлари йиғиндисидан иборат:


$$V_l = 10^{-3} \cdot V_h \cdot i,$$

бунда  $V_l$  — двигателнинг литражи, л,  $V_h$  — битта цилиндрнинг иш ҳажми,  $i$  — цилиндрлар сони;  $10^{-3}$  — литрга айлантирувчи коэффициент.

### 11-§. Тўрт тактли поршенили ички ёнув двигателларининг иш цикли

Тўрт тактли карбюраторли двигателнинг иш цикли. Замонавий автомобилларга ўрнатиладиган карбюраторли двигателлар асосан тўрт тактли цикл бўйича ишлайди. Поршенили ички ёнув тўрт тактли двигателларда иш цикли поршеннинг тўртта юришида, яъни тирсакли вал икки марта айланганда содир бўлади ва цикл қайтадан такрорланади. Цилиндрда содир бўлаётган жараёнга кўра тўрт тактнинг ҳар бири қўйидагича номланади: 1) киритиш такти; 2) сиқиш такти; 3) кенгайиш такти (иш йўли); 4) чиқариш такти.

Шу жараёнларни тўрт тактли цикл бўйича ишлайдиган бир цилиндрли двигатель мисолида кўриб чиқамиз (13-расм).



13-расм. Тўрт тактли карбюраторли двигателнинг иш цикли.

*Биринчи тақт — киритиш.* Бу тақт цилиндрни ёнувчи аралашма билан тұлдириш учун зарур. Ёнилғи аралашмаси цилиндрға киритиш клапани 1 очилған пайтда, поршень 4 юқори чекка нуқта (ю. ч. н) дан пастки чекка нуқта (п. ч. н.) га томон ҳаракатланишида поршень юқорисида ҳосил бұлған бұшлиққа сүриш туфайли киради. Поршень ю. ч. н. дан п. ч. н. га етганды цилиндр 5 ёнилғи аралашмаси билан тұлади, киритиш клапани 1 ёпилади. Ҳосил бұлған аралашма иш аралашмаси дейилади. Киритиш тактининг охирида босим 70...90 кПа ( $0,7\ldots0,9 \text{ кг к/см}^2$ ), иш аралашмасининг қарорати 340... 380 К ( $70\ldots110^\circ\text{C}$  ).


*Иккінчи тақт — сиқиши* иш аралашмасининг қажмини камайтириш натижасида ички энергиясини құпайтириб, уни ёнишга тайёрлайди. Иш аралашмаси поршень п. ч. н. дан ю. ч. н. га томон силжиган пайтда сиқиласы. Бу ҳолда киритиш ҳамда чиқариш клапанлари 1 ва 3 ёпиқ. Сиқиши тақти охирида аралашманинг босими 1200...1700 кПа ( $12\ldots17 \text{ кгк/см}^2$ ), қарорати эса 570...670 К ( $300\ldots400^\circ\text{C}$  ).

Сиқиши тақтининг охирида электр свеча 2 электродлари орасыда электр учқуны пайдо бұлади, унинг таъсирида цилиндрда сиқилған иш аралашмаси алангаланади.

*Учинчи тақт — иш үйли ёки ёниш ва кенгайиш тақти.* Бу тақтада иш аралашмасининг ёнишдан ҳосил бұлған иссиқлик энергияси фойдалы механик энергияга айлантирилади. Бунда иккала клапан ҳам ёпиқ қолатда бұлади. Тақт бошланишида цилиндр ичидаги алангаланған газлар ёниб күп миқдорда иссиқлик чиқаради. Шу дақиқада ёнған газларнинг босими 3500...5000 кПа ( $35\ldots50 \text{ кгк/см}^2$  ), қарорати эса 2270...2670 К ( $2000\ldots2400^\circ\text{C}$  ) гача күтәріледи. Шу босим таъсирида поршень ю. ч. н. дан п. ч. н. га ҳаракатланади, бунда иш үйли тақти бажарылади. Шу тақтанинг охирида цилиндрдеги газ босими 400...500 кПа ( $4,0\ldots5,0 \text{ кгк/см}^2$  ) гача, қарорати эса 1300...1500К ( $1030\ldots1830^\circ\text{C}$ ) гача қамаяди.

*Түртінчи тақт — чиқарыш.* Цилиндрни ишлатылған газлардан тозалаш тақти. Чиқариш клапани 3 очилғанда поршень 4 юқорига ҳаракатланиб, ёнған маҳсулоттар ташқи муҳитге сиқиб чиқарылади. Бу тақтанинг охирида цилиндр ичиде қолған газларнинг босими 110...120 кПа ( $1,1\ldots1,2 \text{ кгк/см}^2$  ), қарорати 770...1100 К ( $500\ldots830^\circ\text{C}$  ). Кейинчалық эса цилиндрдеги узвий тақтлар юқорида баён этилған тартибда тақрорланади.

Тұрт тақтлы дизель двигателнинг иш цикли. Сиқиши тақтининг охирида цилиндрға пуркалған суюқ ёнилғи сиқилицілік натижасида үта қызиган ҳаво билан аралашып үз-үзидан алангаланса, бундай двигатель дизель дейилади. Тұрт тақтлы дизельнинг иш цикли ҳам худди карбюраторлы двигательдеги каби үтади. Лекин дизелнинг іщілаш жараёнида унинг цилиндрінде ёнувчи аралашма эмас, балки ҳаво ва ёнилғи айрим-айрим қолатда маҳсус асбоб ва қурилмалар ёрдамида киритилади (14-расм).



14-расм. Тұрт тектілі дизель двигателінің иш цикли.

**Биринчи тект — киритиш.** Поршень 4 ю. ч. н. дан п. ч. н. га ҳаракатланғанда цилиндрде киритиш клапаны 1 орқали чанғдан тозаланған ҳаво сұрылады. Киритиш тектининг охирида цилиндрдеги босим  $80\ldots90$  кПа ( $0,8\ldots0,9$  кгк/см $^2$ ), ҳарорати эса  $320\ldots340$  К ( $50\ldots70$  °С).


**Иккінчи тект — сиқиши.** Иккала клапан спиқ ҳолатда, поршень п. ч. н. дан ю. ч. н. га ҳаракатланады, натижада цилиндрдеги ҳаво сиқылады. Сиқиши текті охирида ҳаво босими  $3000\ldots4000$  кПа ( $30\ldots40$  кгк/см $^2$ ) гача, ҳарорати эса  $770\ldots1000$  К ( $500\ldots730$  °С) гача етади. Шу пайт цилиндрде форсунка 2 орқали юқори босимли ёнилғи насос 5 ёрдамида  $20$  МПа ( $200$  кгк/см $^2$ ) босим остида ёнилғи пуркалады. Пуркалған ёнилғи ута қызиган ҳаво билан аралашып, үз-үзидан алангаланады.

**Үчинчи тект — кенгайиши,** иккала клапан спиқ ҳолатда. Бу тектінің бошланишида сиқиши тектининг охирида алангаланған ёнилғининг ёниш жараёны давом этади. Бу пайт цилиндрдеги босим  $5500\ldots8000$  кПа ( $55\ldots80$  кгк/см $^2$ ), ҳарорат  $1900\ldots22000$  К ( $1630\ldots1930$  °С). Юқори босимга әга бўлган цилиндр ичидаги газларнинг кенгайиши натижасида поршень ю. ч. н. дан п. ч. н. га ҳаракатланиб, шатун орқали тирсакли валинг кривошишини  $180^\circ$  бурчакка буради. Поршень п. ч. н. га яқинлашгандан, газларнинг кенгайиши натижасида, уларнинг цилиндрдеги босими  $3000\ldots4000$  кПа ( $30\ldots40$  кгк/см $^2$ ) га, ҳарорати эса  $900\ldots1200$  К ( $630\ldots930$  °С) га пасаяди.

**Тұрттынчи тект — чықарыш.** Чықарыш клапаны 3 очиқ ҳолатда. Поршень п. ч. н. дан ю. ч. н. га ҳаракатланиб, ишлатилған газларни чықарыш клапаны орқали ташқи мұхиттеге чықариб юборади. Бу текті охирида цилиндрда қолған газларнинг босими  $110\ldots120$  кПа ( $1,1\ldots1,2$  кгк/см $^2$ ) га, ҳарорати эса  $700\ldots900$  К ( $430\ldots630$  °С) га тенг. Тирсакли валинг бундан кейинги айланишида иш цикли шу тартибда давом этади.

## 12-§. Икки тактли поршенли ички ёнув двигателининг иш цикли

Икки тактли двигателнинг иш цикли поршеннинг икки юришида ёки тирсакли валнинг бир марта айланиши натижасида содир бўлади. Бу ерда ҳам худди тўрт тактли двигателлар каби, иш аралашмаси цилиндр ташқарисида ёки ичидаги тайсрланади. Шунга қараб шу цикл бўйича ишловчи двигателлар карбюраторли ёки дизель бўлиши мумкин. Бу двигателларда ишлатилган газларни ташқарига ҳайдаш ва цилиндрни тозалаш учун ёнилғи аралашмаси (карбюраторли двигателда), ёки ҳаво оқимидан (дизелда) фойдаланилади.



15-расм. Икки тактли двигателнинг иш цикли тасвири.

Икки тактли двигатель цилиндрларини ишлатилган газлардан тўғри оқимли ва кўндаланг оқимли тозалаш усуллари кенг тарқалған. 15-расмда икки тактли двигателларнинг ишлаш цикли тасвири келтирилган. Келтирилган схемада цилиндр 2 нинг икки томонида киритиш 3 ва чиқариш 7 дарчалари бор. Цилиндр каллагида ёндириш свечаси 10 (карбюраторли двигателда) ёки фурсунка (дизелда) ўрнатилган. Цилиндр ичидаги поршень 9 ҳаракатланади ва ўзининг деворлари ёрдамида киритиш ва чиқариш дарчаларини очиб ёки ёпид туради. Насос 4 цилиндрга сиқилган ёнилғи аралашмаси ёки ҳаво (двигателларининг турига қараб) юбориш учун хизмат қиласи.

Поршень п. ч. н. дан ю. ч. н. га ҳаракатлана бошлаганда биринчи тантарини ташланади. Бу пайтда киритиш 3 ва чиқариш 8 дарчалари очиқ. Насос 4 ёрдамида киритиш дарчаси 3 орқали цилиндрга ёнилғи аралашмаси ёки ҳаво киритилади, улар эса

цилиндр ичидә қолған газларни ташқи мұхитта чиқариб юборади ва поршень тепасидаги бүшликни тұлдиради; юкорига ҳаракатланыётган поршень үз деворлары **PDF Compressor Free Version** сунгара чиқарыш дарчаларини тұсади. Шу вақтдан бошлаб сиқиши жараёни бошланади ва поршень ю. ч. н. га етайдеганда, сиқиши камерасига электр учқуны (карбюраторлы двигателда) ёки ёқилғининг майда заррачалари форсунка ёрдамида пуркалади (дизелда), натижада сиқиши камерасидаги заряд аланғаланади. Шундай қилиб, поршень п. ч. н. дан ю. ч. н. га ҳаракатланиш жараёнида цилиндр олдинги циклдан қолған газлардан тозаланади ва янги заряд билан тұлдирілади, кейинчалик дарчалар ёпилади ва сиқиши жараёни бошланади.


Иккінчи тактда поршень ю. ч. н. дан п. ч. н. га ҳаракат қиласы. Бунда сиқиши такттинг охирида бошланған ёниш жараёни давом этади, натижада цилиндрда күп миқдорда иссиқлик миқдори ажralади ва газлар босими таъсирида поршень п. ч. н. га қараб ҳаракатланади. Бу вақтда цилиндрда кенгайиш жараёни кетади. Поршеннинг ҳаракатланиши вақтида поршень үз деворлари билан чиқарыш дарчасини очиши биланоқ катта босимга зәг бұлған ишлатилған газлар ташқарига чиқа бошлайды. Сұнгра киритиш дарчалари очилиб, цилиндрға насос ёрдамида янги заряд (ёнилғи аралашмаси ёки ҳаво) юборилади, у эса ишлатилған газлар билан қысман аралашиб, уларни чиқарыш дарчалари орқали ташқарига сиқиб чиқаради. Кейинги циклда шу жараёнлар яна кетма-кет тақрорланади. Иккі такттың циклда ишловчи карбюраторлы двигатель асосан мотоциклларға үрнатылади.

### 13-§. Дизель ва карбюраторлы двигателларни таққослаш

Дизеллар карбюраторлы двигателларға нисбатан қуйидаги ағзалларға зәг: 1) тенг бир ишни бажарып учун 25...30 фоиз камроқ ёнилғи сарфлайды; 2) дизель ёнилғиси бензиндан арзон; 3) ишлатилған газларнинг таркибида заңарлы моддалар кам; 4) бензинге нисбатан дизель ёнилғиси ёнғинга хавфсиз; 5) дизеллар дастлабки қолатини узоқ вақт сақлаб қолиши қобилиятика зәг, яғни чидамли.

Дизеллар үз навбатида қуйидаги камчиликтарға зәг: 1) сиқиши ва кенгайиш жараёнларыда газларнинг босими карбюраторлы двигателларға нисбатан 2...3 марта катта, бу эса двигатель деталларининг мустақамлигини оширишни талаб этади; 2) бир хил құвватта зәг бұлған дизелнинг үлчами ва вазни карбюраторлы двигательге нисбатан катта; 3) совуқ иқлимде дизель двигателларини юргизиш қийинроқ.

Карбюраторлы двигателлар билан дизелларда қосыл бұлған иссиқлик энергиясыдан фойдаланып даражаси 16-расмда чизиқли тасвир тарзда күрсетилген.



16-расм. Ички ёнув двигателларида ёнилигининг иссиқлик энергиясидан фойдаланиш даражасини кўрсатувчи диаграмма.

Ҳозирги замон дизеллари яхши иктиносидий кўрсаткичларга эга бўлганлиги сабабли, улар ҳар хил юк кўтарадиган турли турдаги юк автомобиллар ва автобусларнинг двигатели сифатида кенг тарқалган. Юқорида қайд этилган афзаликларини ҳисобга олиб, дизеллар АҚШ, Фарбий Европа ва Японияда кўплаб ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларга ҳам қўйилмоқда.

#### 14-§. Двигателнинг ташқи тавсифномаси


Двигателнинг ташқи тавсифномаси унинг ишини баҳолаш учун керак. Двигателнинг ташқи тавсифномасини топиш учун унинг қуввати, буровчи моменти, ёнилигининг соатли ва фойдали солиширина сарфи маълум бўлиши керак.

Бирор циклда ҳосил бўлган фойдали ишини аниқлаш чизиги (индикатор диаграмма) орқали ифодалаш циклнинг аниқлаши (индикатор) иши деб аталади. Цилиндр ичидаги газлар воситасида бир цикл давомида бажарилган иши аниқлаши қуввати деб аталади ва у  $N_i$  билан белгиланади. Аниқлаши қувватининг қиймати циклнинг бажарган фойдали иши орқали топилади.

Двигатель цилиндрларида ёниши натижасида аниқлаш (индикатор) ишини ҳосил қилиш учун сарфланган ёнилиғи қиймати аниқлаш (индикатор) ф. и. к. билан аниқланади.

Двигателнинг фойдали қуввати  $N_f$ , фойдали буровчи моменти  $M_f$ , ёнилигининг соатли сарфи  $G_e$  ва фойдали солиширина сарфи  $\dot{g}_f$  нинг тирсакли валнинг бурчак тезлигига боғлиқлигини кўрсатувчи эгри чизиклар двигателнинг ташқи тавсифномаси деб аталади. Бу тавсифномалар, яъни буровчи момент, тирсакли валнинг бурчак тезлиги ва ёнилиғи сарфи двигателни махсус қурилмада ишлатиш пайтида олинади. Тирсакли валнинг буровчи моменти ва бурчак тезлигидан двигателнинг қуввати аниқланади.

Кўпинча ташқи тавсифнома чизигида (диаграммасида) карбюраторли двигателларнинг дроссли тўла очик ҳолатидаги ёнилғи насосининг рейкаси энг кўп ёнилғи бериш ҳолатидаги кўрсаткичлари келтирилади. 17-расмда двигатель ташқи тавсифномасининг тасвири аниқлаш чизиги орқали келтирилган. Бунда 2 та ( $N'N''$ ) қатор нуқталардан иборат чизиқ билан двигателнинг ёнилғи беришини камайтирилган ҳолдаги тўлиқмас тавсифномаси кўрсатилган. Тасвирий чизиқда (диаграмма) двигателнинг тавсифий иш режимини кўрсатувчи белгилар ифодаси ҳам берилган:



17-расм. Двигателнинг ташқи тавсифномаси.

$\omega_{\text{з.к.}}$  — двигатель тула юклангандан ҳолда барқарор ишлаши учун зарур бўлган тирсакли валининг энг кичик бурчак тезлиги;

$\omega_{\text{з.ю.}}$  — энг юқори буровчи моментга мос келувчи валининг бурчак тезлиги;  $M_{\text{з.ю.}}$  — двигатель валида ҳосил бўлувчи энг юқори буровчи момент;  $N_{\phi, \text{з.ю.}}$  — двигатель валида ҳосил қилинувчи энг юқори фойдали қувват;  $G_{\text{з.ю.}}$  — ёнилгининг энг кичик солиштирма сарфи;  $\omega_{\text{Н.з.ю.}}$  — энг юқори қувватдаги валининг бурчак тезлиги,  $\omega_{\text{з.к.}}$

ёнилғи энг кам сарфлангандаги валининг бурчак тезлиги.

Ташқи тавсифнома буровчи моментнинг энг катта қиймати энг юқори қувватга нисбатан кичикроқ бўлган бурчак тезлигига олинади. Бу эса автомобиль ҳаракатига қаршилик кўрсатувчи кучнинг ўсиб боришига, двигателнинг ўз-ўзидан мослашувини таъминлайди. Двигатель ўзининг энг катта қувватига эга бўлганда, автомобиль ҳаракатига қаршилик қилувчи кучлар ошади деб фараз қилайлик. У ҳолда автомобилнинг тезлиги камаяди ва унга мос ҳолда тирсакли валининг бурчак тезлиги ҳам камая бошлайди. Чизиқли тасвирдан қўриниб турибдики, бу эса гидравликларда тортишиш кучининг ошишини таъминлайди. Двигатель автомобилнинг бундай ўзгарган шароитдаги ҳаракатига ўз-ўзидан мослашади. Демак, двигателнинг бурчак тезлиги камайиши натижасида момент қанчалик ортса, двигателнинг мослашуви юқори ва тұхтаб қолиши ҳолати шунчалик кам бўлар экан. Ҳар хил турдаги двигателларда буровчи момент ҳар хил ўсади: буровчи моментнинг карбюраторли двигателларда ошиб бориши 30 фоиз атрофига, дизелларда эса 15 фоизга яқин.

Автомобиль двигатели маромининг турғунлиги буровчи момент ортиқлиги билан баҳоланади. Двигателнинг ишончли ишлашини таъминловчи буровчи момент ортиқлиги мослашув коэффициенти билан ўлчанади:

$$K = M_{\text{э.ю.}} \cdot M_{N_{\text{э.ю.}}}$$

Бу коэффициент энг катта буровчи моментнинг энг юқори фойдали қувватдаги буровчи моментаға боғлиқлик муносабатини күрсатади. Карбюраторлы двигателлар дизелларга нисбатан турғун маромда яхши ишлайды ва уларнинг мослашиш коэффициенти  $K=1,20\dots1,30$ . Дизелларнинг буровчи моменти ётиқ эгри чизиқ билан тавсифланиб, уларнинг мослашиш коэффициенти  $K=1,1\dots1,15$ .


### 15-§. Газ турбинали автомобиль двигательларининг тасвирий чизмаси ва ишлаш услуби

Газ турбиналаридан автомобиль двигатели сифатида фойдаланиш автомобилсозлик техникасида янги босқич ҳисобланади. Бу турдаги автомобилга ўрнатиладиган двигатель поршенли ички снув двигателига нисбатан бир қанча афзалликларга эга. Бунда автомобиль конструкцияси соддалашади ва двигатель қурилмасининг вазни енгиллашади. Газ турбинали двигателнинг меҳаник ф. и. к. юқори, чунки унда қайтма-илгарилама ҳаракат қиласидан деталлар йўқ. Унда вал подшипникларидаги ишқаланишдан бошқа ишқаланувчи деталлар бўлмаганлиги сабабли мойлаш системаси ҳам содда. Поршенли двигателдаги каби узатмалар қутиси ва илашиш муфтасининг кераги йўқ.

Поршенли двигателларда ёниш бўлинмаси двигателнинг (цилиндр, поршень) иш қурилмаси билан бир бутун қилиб бирлаштирилган. Газ турбинали автомобиль двигателсида ёниш бўлинмаси турбинадан ажратилган. Поршенли двигателда ёнилғининг ёниши ҳамда иш жараённинг содир бўлиши бир-биридан ажралмас икки жараёндир. Газ турбинали двигателда бундай ҳол йўқ, бу эса тортиш турбинаси ишининг ёрдамчи турбинага нисбатан мустақиллигини таъминлади ҳамда буровчи моменти кенг оралиқда узгартариши мумкин.

18-расмда икки валли газ турбинали двигатель соддалашган чизмаси келтирилган. Бунда компрессор-турбина *10* нинг диски *4* ва парраги *1* биринчи вал *11* га ўрнатилган бўлиб, куч турбинаси *9* нинг диски *6* иккинчи ва *7* га ўтқазилган. Компрессор турбинаси ва куч турбинаси валлари *11* ва *7* ўзаро кинематик боғланмаганлиги сабабли бундай схема *икки валли двигатель* дейилади. Автомобилнинг етакчи ярим ўқи дифференциал, асосий узатма ва редуктор *8* орқали куч турбинасининг вали *7* билан уланган.

Газ турбинали двигателнинг биринчи вали *11* стартер ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Биринчи валнинг айланишлар сони белгиланган айланишлар сонининг  $25\dots30$  фоизини ташкил қиласидагина марказдан қочма компрессор *12* сиқилган ҳавони ёниш камераси *3* га узата бошлади. Шу пайт ёнилғи форсунка *2* орқали ёниш камерасига пуркалади, натижада ёнувчи аралашма



18-расм. Газ турбинали двигатель үрнатылған автомобильнинг соддалашған чизмаси.

ұсисіл бұлади. Катта босимга ва қароратта эга бұлған ёнувчи аралашма электр құғланиш свечаси ёрдамида алғангалантирилади. Бир текис ёниш қатлами ұсисіл бұлғандан сұнг свеча үчирилади, кейинчалик ёнувчи аралашма ұсисіл бұлған алғангадан ёнади. Ёнган маҳсулоттар камера 3 орқали компрессор ва күч турбиналарининг куракчалари 5 га юборилади ва уни ҳаракатта келтиради. Ұсисіл бұлған механик энергия ёрдамчы механизмлар ёрдамида автомобильни ҳаракатта келтиради. Күч турбинаси иши-нинг компрессор турбинасига нисбатан мустақиллiği унинг айла-нишлар сонини көнг оралықда үзгартыриш имконини беради. Айланышлар сони катта бұлғанлығы учун двигателдан катта құвват олинади. Демек, узатмалар құтиси ва илашиш муфтасисиз катта айланышлар сонига ( $25000...40000\text{мин}^{-1}$ ) эга бұлған момент газ турбинасининг валидан узатмалар сони доимий бұлған ре-дуктор 8 ёрдамида бу момент күпайтирилиб, орқа күпприк 13 да жойлашған асосий узатма, дифференциал ва ярим үқлар орқали фиддиракларға ұтади.

Газ турбиналарда узатмалар құтисининг ұжаты бұлмаса ҳам ёнилғини тежаш ва тортиш құвватини көнг миқәсда үзгартыриш учун икки, уч поғонали узатмалар құтисини құллаш мақсадға мувофиқ. Газ турбинали автомобиль двигательларининг асосий камчиліктерден бири — уни тайёрлашнинг мураккаблігі ва ишлаб чиққан маҳсулотнинг қымматлигидір.

Газ турбиналарини биринчи навбатда 1000... 1500 кВт құвваттаға эга бұлған жуда күп іюк күтәрүвчі карьер туридаги автомобил-

ларда ишлатиш фойдалыроқ бўлади. Щунинг учун газ турбиналарини асосан кўп миқдорда юк кўтарувчи автомобилларга ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

## 2-мавзу. АВТОМОБИЛЬ ДВИГАТЕЛИ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1-тотшириқ (19-расм, а, б, в, г).

I. Қўйида келтирилган расмларда ички ёнув двигателларининг қандай турлари тасвирланган?

1. Ротор-поршени. 2. Карбюраторли. 3. Дизель. 4. Газ-турбинали.

II. I. Автомобиль двигателлари қандай турдаги двигателлар туркумига киради?

а) Поршени ташқи ёнув двигателлари. б) Поршени ички ёнув двигателлари. в) Ички ёнув двигателлари. г) Ташқи ёнув двигателлари.

2. Кўпчилик замонавий автомобилларда ички ёнув двигателларининг қандай турлари ўрнатилади?

а) Карбюраторли. б) Ротор-поршени. в) Дизель. г) Газ-турбинали.

3. Автомобиль двигателлари қандай вазифани бажаради?

а) Поршеннинг илгарилама-қайтма ҳаракатини тирсакли валининг айланма ҳаракатига айлантириб беради; б) ёнилғининг иссиқлик энергиясини механик ишга айлантириб беради. в) ёнилғининг химиявий энергиясини иссиқлик энергияга ва уни эса механик энергияга айлантириб беради.

III. Қўйида келтирилган автомобилларда қандай турдаги поршени ички ёнув двигатели ўрнатилган?

1. Карбюраторли. 2. Дизель.

а) ВАЗ-2106 "Жигули"; б) ГАЗ-24 "Волга"; в) ГАЗ-53А; г) ЗИЛ-130; д) МАЗ-5335; е) КамАЗ-5320; ё) 41 ЗАЗ-968 "Запорожец".

### 2-тотшириқ.


I. Автомобиль двигателлари қандай таснифланади? 1. Ишлатиладиган ёнилғи турига қараб. 2. Цилиндрларининг жойланишига қараб. 3. Цилиндрларни совитувчи муҳит турига қараб.

II. Қўйида келтирилган автомобиль двигателларида: 1. Қандай ёнилғи тури ишлатилади? 2. Цилиндрлари қандай жойлашган? 3. Қандай совитиш муҳити қўлланилган?


а) ГАЗ-53. б) ЗИЛ-130. в) КамАЗ-5320. г) ЯМЗ-236. д) ВАЗ-2101. е) ГАЗ-24 "Волга". ё) ЗАЗ-968 "Запорожец".

III. Автомобиль двигателлари: 1) иш циклининг бажарилиши бўйича, 2) ёнилғи аралашма ҳосил қилиниши бўйича, 3) иш аралашмасининг ўт олдирилиши бўйича қандай таснифланади?

3-тотшириқ. I. 8-расм, а ва в да дизель ва карбюраторли двигателларнинг:



а)





б

19-расм. Ички ёнув двигателдинг турлари.

1) киритиш, 2) сиқиш, 3) иш йўли, 4) чиқариш тактларини аниқланг.

II. Қуйидаги хоссаларга эга бўлган двигателларга мос бўлган жавобни топинг.

1. Ташқи аралашма ҳосил қилувчи двигатель. 2. Ички аралашма ҳосил қилувчи двигатель. 3. Мажбурий ўт олдириладиган двигатель: а) сиқиш тактининг охирида цилиндрга киритилган суюқ ёнилғи сиқилиши туфайли жуда ҳам қизиган ҳаво билан аралашиб уз-ўзидан алангланувчи двигатель; б) ёнилғи аралашмаси цилиндр ташқарисида ҳосил бўладиган двигатель;




в) ёнувчи аралашмаси цилиндр ичидә ҳосил бўладиган двигатель;  
г) иш аралашмаси цилиндр ичидә ташқи манба ёрдамида мажбурий, яъни электр учқуни билан ёндирилладиган двигатель.

**III. Қуйида келтирилган жавоблардан:** 1) такт; 2) иш цикли;  
3) юқори чекка нуқта; 4) пастки чекка нуқтага тааллуқли  
жавобларни топинг.

а) Цилиндрдаги поршеннинг тирсакли вал ўқидан энг катта узоқлашган ҳолати; б) цилиндрдаги поршеннинг тирсакли вал ўқидан энг кичик узоқлашган ҳолати; в) иш жисми ҳажми энг катта бўлгандаги поршеннинг туриш ҳолати; г) двигателнинг

ишини таъминловчи ва ҳар бир иш маълум бир даврда тақрорланувчи кетма-кет жараёнларнинг йифиндиси: д) поршенинг чекка нуқталари орасида содир бўлувчи иш циклининг қисми; е) поршенинг бир юриши даврида цилиндрда содир бўлувчи жараён ёки жараёнлар.



20-расм. Бир цилиндрли тўрт тактили двигателнинг умумий тузилиши.

- Сиқиш бўлинмаси ва цилиндрнинг иш ҳажми йифиндиси;
- поршенинг юқори чекка нуқтасидан пастки чекка нуқтасигача ҳаракатланиши давомида ҳосил бўлган ҳажм; в) кўп цилиндрли двигателларда барча цилиндрлар иш ҳажмлари йифиндисининг литрларда ифодаланиши; г) поршень юқори чеккада турганда унинг устида ҳосил бўлган ҳажм; д) цилиндрнинг ўқи бўйича поршенинг чекка нуқталари орасидаги масофа; е) сиқиш тактининг охирида цилиндрдаги босим катталиги.

III. Қўйидаги жараёнларни ифодаловчи жавобларни топинг: 1. Чиқариш такти. 2. Сиқиш такти. 3. Кенгайиш такти. 4. Киритиш такти: а) двигатель цилиндрларига ёнувчи аралашма ёки ҳаво кириш жараёни содир бўладиган тект; в) иш жисмининг ҳажми камайиш жараёни; г) иш аралашмасининг ёки ҳавонинг двигатель цилинтрида сиқиш жараёни; е) двигатель цилиндрларида кенгайиш жараёни содир бўладиган тект; ё) ёниш маҳсулотларини двигатель цилинтридан чиқариш жараёни; ж) ёниш маҳсулотларини цилиндрдан чиқариш асосий жараён бўлган тект.

#### 4-топшириқ (20-расм).

I. Расмда бир цилиндрли тўрт тактили карбюраторли двигателнинг деталлари қандай рақамлар билан белгиланган: карбюратор (а), киритиш қувури (б), цилиндр (в), поршень (г), шатун (д), тирсакли вал (е), тақсимлаш вали (ё), киритиш клапани (ж), чиқариш клапани (з), ёндириш свечаси (и), чиқариш қувури (й), маховик (к), тақсимлаш ва унинг юритма шестеряси (л), мой поддони (м), совитиш филофи (н), турткич (о).

II. Қўйидаги саволларни ифодаловчи тўғри жавобларни топинг: 1. Поршенинг юриши. 2. Цилиндрнинг иш ҳажми. 3. Двигателнинг литражи. 4. Сиқиш бўлинмасининг ҳажми. 5. Цилиндрнинг тўла ҳажми деб нимага айтилади?

### **5-топшириқ (19-расм, а ва в).**

I. Поршень ҳаракатланганда карбюраторли двигатель цилиндрларида қандай тактлар содир бұлади?

1. Клапанлардан бири очиқ ва бошқаси ёпиқ бұлиб, пастга ҳаракатланғанда. 2. Клапанлари ёпиқ бұлиб, юқорига ҳаракатланғанда. 3. Клапанларидан бири очиқ ва бошқаси ёпиқ бұлиб, юқорига ҳаракатланғанда. 4. Клапанлари ёпиқ бұлиб, пастга ҳаракатланғанда:

а) иш аралашмасынинг ёниши; б) ёнувчи аралашманинг киритилиши; в) иш юриши такти; г) иш аралашмасынинг сиқишлиши; д) ишлаб бұлған газларнинг чиқарилиши.

II. Қүйидаги иш жараёнларининг босим ва ҳарорат қийматтарини көлтирилған жавоблардан топинг:

1. Киритиш тактинынг охирида. 2. Сиқишик тактинынг охирида. 3. Кенгайиш тактинынг охирида. 4. Чиқарыш тактинынг охирида:  
а)  $1,05-1,2 \text{ кгк}/\text{см}^2$  ( $0,105-0,12 \text{ МПа}$ );  $700-900^\circ\text{C}$ ; б)  $0,8-0,9 \text{ кгк}/\text{см}^2$  ( $0,08-0,09 \text{ МПа}$ );  $80-120^\circ\text{C}$ ; в)  $3,5-4,5 \text{ кгк}/\text{см}^2$  ( $0,35-0,45 \text{ МПа}$ );  $1200-1500^\circ\text{C}$ ; г)  $10-12 \text{ кгк}/\text{см}^2$  ( $1,0-1,2 \text{ МПа}$ );  $300-400^\circ\text{C}$ .

III. Қүйида көлтирилған двигателлар учун кенгайиш такти бошланишида газларнинг энг катта босимини ва ҳароратини аникланг:

1. Карбюраторлы двигатель. 2. Дизель двигатели: а)  $55-80 \text{ кгк}/\text{см}^2$  ( $5,5-8,0 \text{ МПа}$ );  $1600-1900^\circ\text{C}$ ; б)  $25-30 \text{ кгк}/\text{см}^2$  ( $2,5-3,0 \text{ МПа}$ );  $1800-2000^\circ\text{C}$ ; в)  $60-70 \text{ кгк}/\text{см}^2$  ( $6,0-7,0 \text{ МПа}$ );  $2800-3000^\circ\text{C}$ ; г)  $35-50 \text{ кгк}/\text{см}^2$  ( $3,5-5,0 \text{ МПа}$ );  $2000-2200^\circ\text{C}$ .

### **6-топшириқ.**

I. 1. Қүйида көлтирилған жавоблардан "Сиқишик даражаси" тушенчесини аникланг:

а) цилиндр иш ҳажмининг сиқишик бұлинмаси ҳажмуга нисбати;

б) сиқишик бұлинмаси ҳажмининг цилиндрнинг тұла ҳажмуга нисбати;

в) цилиндр тұла ҳажмининг сиқишик бұлинмаси ҳажмуга нисбати.

### **II. Қайси двигательда сиқишик даражаси юқори?**

а) карбюраторлида; б) дизелда; в) карбюраторлы ва дизель двигателдердің бир хил.

### **III. Қүйидаги күрсаткичларнинг үзгариши нимага бояғылғы:**

1. Сиқишик даражаси. 2. Двигатель литражи. 3. Двигатель құвваты:

а) цилиндр диаметри ва поршень юришининг узунлығы; б) сиқишик бұлинмасынинг ҳажмуга; в) цилиндрлар сони ва ҳажмуга; г) двигатель литражи, сиқишик даражаси ва тирсакли валнинг айланиш сонига.

### **7- топшириқ.**

I. Қүйидагилар нимани билдиради:

I. 1. Қувват. 2. Двигателнинг фойдали қуввати. 3. Буровчи момент. 4. Двигателнинг буровчи моменти:

а) двигателнинг тирсакли валидан куч узатмасига бериладиган қувват; б) двигатель фойдали қувватининг цилиндрлар иш ҳажмига нисбати; в) ишнинг бажарилиш вақтига нисбати; г) жисм айланишини ҳосил қилувчи куч килограммометрларда ( $\text{кгк}/\text{м}$ ) ўлчанади; д) бир иш цикли давомида двигателдан олинадиган момент.

II. Қуйида кўрсатилган двигателлардан қайси бири тежамлироқ?

1. Карбюраторли. 2. Дизель. 3. Газтурбинали.

III. Қуйидагиларни ҳисоблаб топинг.

1. Агар битта цилиндрининг иш ҳажми  $500 \text{ см}^3$  бўлса, 8 та цилиндрли двигателнинг иш ҳажми (жавобини литрларда ифодаланг) нимага teng?

2. Цилиндрнинг иш ҳажми  $700 \text{ см}^3$ , сиқиш бўлинмасининг ҳажми  $100 \text{ см}^3$ . Сиқиш даражаси нимага teng?

3. Цилиндрнинг тўла ҳажми  $800 \text{ см}^3$ , сиқиш бўлинмасининг ҳажми  $100 \text{ см}^3$ . Сиқиш даражаси нимага teng?

8-топшириқ.

I. Двигатель конструкциясининг кўрсаткичи қайси ўлчовга қараб баҳоланади:

1. Литраж қуввати. 2. Белгиланган қуввати. 3. Солиштирма массаси.

II. Қуйида келтирилган двигатель кўрсаткичларининг формуласини ва ўлчов бирлигини ёзинг:

1. Двигателнинг литраж қуввати.

2. Двигателнинг солиштирма вазни.

III. Қуйидаги двигателларнинг солиштирма вазнига тааллуқли маълумотлар қайси жавобда берилганлигини аниқланг.

1. Карбюраторли двигатель. 2. Дизель двигатели.

а)  $2\dots6 \text{ кг}/\text{kВт}$ ; б)  $20\dots25 \text{ кг}/\text{kВт}$ ; в)  $4\dots14 \text{ кг}/\text{kВт}$ .

9-топшириқ.

I. Дизель двигателининг карбюраторли двигателларга нисбатан афзалликларини қуйида келтирилган жавоблардан аниқланг.

1. Бир хил қувватга эга бўлган дизель двигателнинг ўлчами ва вазни карбюраторли двигателга нисбатан катта. 2. Тенг бир ишни бажариш учун  $25\dots30$  фоиз камроқ ёқилғи сарфлайди. 3. Ишлаб чиқарилиб бўлган газларнинг таркибида заҳарли моддалар кам. 4. Ишлаб бўлган газларнинг таркибида заҳарли моддалар кўп.

II. 1. Қуйидаги двигателларнинг қайси бири рамага уч ёки тўрт жойдан маҳкамланишини аниқланг.

а) ГАЗ-24; б) ЗИЛ-130; в) МАЗ-5335; г) КамАЗ-5320.

2. Нечта жойдан маҳкамланувчи двигатель турлари кўпроқ таржалган?

а) иккита; б) учта; в) тўртта.

## АВТОМОБИЛЬ ДВИГАТЕЛИ ВА УНИИГ КҮРСАТКИЧЛАРИ МАВЗУИ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ ЖАВОБЛАР ТҮГРИДИР

1-төпшириқ. I. 1(б), 2(в), 3(а), 4 (г). II. 1(б, в), 2(а,в), 3(в). III. 1(а, б, в, г, ё), 2(д, е).

2-төпшириқ. I. (1, 2, 3). II. 1 (а, б, д, с, ё, бензин), (в, г, дизель ёқилғиси); 2 (а, б, в, г, ё. V — симон), (д,е, вертикаль равиша бир қатор жойлашган). 3 (а, б, в, г, д, с, суюқлик), ё (жаво). III. 1 (икки тактилі ёки түрт тактилі). 2 (цилиндрлар ичида — карбюраторлы двигателлар, цилиндрлар ташқарысада — дизель двигателлари); 3 (мажбуран — карбюраторлы двигателлар, цилиндр ичидеги жавонинг сиқилиши натижасида ўз-ўзидан ўт олдирилувчи двигателлар).

3-төпшириқ. I. 1 (А), 2 (Б), 3(В), 4(Г). II. 1(б), 2(в), 3(г). III. 1(е), 2(г), 3(а), 4(б).

4-төпшириқ. I. а(7), б(6), в(13), г(15), д(17), е(19), ё(2), ж(11), з(8), и(9), й(5), к(18), л(1), м (20), н(14), 0 (12), п(3). II. 1(д), 2(б), 3(в), 4(г), 5(а). III. 1(ж), 2(г), 3(е), 4(б).

5-төпшириқ. I. 1(б), 2(г), 3(д), 4(в). II. 1(б), 2(г), 3(в), 4(а). III. 1(г), 2(а).

6-төпшириқ. I. 1(в), II. (б), III. 1(б), 2(а), 3(г).

7-төпшириқ. I. 1(в), 2(а), 3(г), 4(д). II. (2). III. 1(4л), 2(ε-8), 3(ε-8).

8-төпшириқ. I. (1), (3). II. 1. ( $N_L = \frac{N_{3,10}}{V_h} \left[ \frac{kW}{L} \right]$ ).

2. ( $G_{\text{сол}} = \frac{Gg}{N_{3,10}} \left[ \frac{kg}{kW} \right]$ ).

9-төпшириқ. I. (2,3). II. 1 учта жойидан (а, б, в), түртта жойидан (г), 2(б).


10-төпшириқ. I. 1(г,д), 2(а, б, в), 3(г), 4 (в, д). II. 1, 2(а), 3, 4, 5 (г), 6(в), 7(б).

## 4-боб. КРИВОШИП-ШАТУНЛИ МЕХАНИЗМНИНГ УМУМИЙ ТУЗИЛИШИ, ИШЛАШИ ВА КОНСТРУКТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 16-§. Кривошип-шатунли механизмнинг вазифаси, жойлашиш тизими ва умумий тузилиши

Кривошип-шатунли механизми цилиндрларда ҳосил бўлган газ бўйсимини қабул қилиб, поршеннинг илгарилама-қайтма ҳаракатини тирсакли валнинг айланма ҳаракатига айлантириб беради.

Кўп цилиндрли двигателларнинг кривошип-шатунли механизми цилиндрлар блоки, цилиндрлар блокининг каллаги, цилиндр гильзалари, поршень билан поршень ҳалқалари, поршень бармоқлари, шатунлар, тирсакли вал, подшипниклар, маховик ҳамда двигателъ мой таглигидан иборат. Одатда, бундай двигателлар кривошип шатунли механизмларининг жойлашув тартиби бўйича




21-расм. Кривошип-шатунили механизминг жойланиш чизмалари.

бир ёки икки қаторли бўлади. Автомобиль двигателларида кенг тарқалган кривошип-шатунили механизминг жойлашув тасвирий чизмаси 21-расмда келтирилган.

Кўпчилик бир қаторли двигателларнинг цилиндрлари тик (ГАЗ-52, ГАЗ-24 "Волга") жойлашган (21-расм, а). Баъзи бир двигателларда цилиндрлар тик ҳолатдан  $20 \dots 45^\circ$  бурчак остида (21-расм, б), масалан, Москвич-412 ёки ётиқ жойлашиши мумкин (21-расм, в, д). Цилиндрларни бу ҳолда жойлаштириш натижасида двигателнинг баландлик ўлчами қисқартирилади. Цилиндрлари икки қатор жойлашган двигателларнинг цилиндрлари маълум бурчак остида ёки ётиқ ҳолатда ўрнатилади. Агар цилиндрлари икки қатор жойлашган двигателларда уларнинг цилиндрлари орасидаги бурчак  $180^\circ$  дан кам бўлса, бу ҳолда улар V-симон двигателлар дейилади (21-расм, г). Агар  $180^\circ$  га teng бўлса, икки қаторли ётиқ двигателлар дейилади. Кўпчилик V-симон двигателларнинг цилиндрлари  $90^\circ$  бурчак остида жойлашади (ЗИЛ-130, ГАЗ-53, ЯМЗ-236 ва ҳоказо). Бундай двигателларнинг узунлиги ва вазни бир қаторли двигателларнига нисбатан анча кичик бўлади.

## 17-§. Цилиндрлар ва блок-картер

Двигателда иш циклиниң барча жараёнлари цилиндр ичида содир бўлади. Цилиндрлар яхлит қилиб блок-картер билан бирга қўйиб тайёрланиши ёки айрим-айрим тайёрланиб, кейинчалик блокка ўрнатилиши мумкин. Шунга кўра цилиндрлар блоки двигатель картерининг юқори қисмини ташкил қилади. Цилиндрлар блокининг қўйи қисми картер деб номланади ва унга двигательнинг қўзғалувчан таянч бўйинли деталлари ўрнатилади. Бинобарин, тақсимлаш механизмининг деталлари, шунингдек, совитиш тармоғининг сув гилофлари ва мойлаш тармоғининг мой каналчалари жойлашган. Картернинг ташқи қисмига эса двигатель механизми ва унинг тармоқларига кирувчи баъзи асбоб-ускуналар бириктирилган. Цилиндрнинг ички юзаси (22-расм, а) поршеннни йўналтириш учун хизмат қилади ва уни цилиндр қўзгуси деб аталади. Цилиндр қўзгусига аниқ ишлов берилади ва жиловланади. Унга жуда ҳам аниқ ишлов берилиши поршеннинг цилинтри ичида жипс ва енгил ҳаракатланишини таъминлайди. Суюқлик билан совитиладиган двигателларнинг цилиндрлар блоки қўш деворли қилиб қўйилади, бунда ички девор вазифасини



22-расм. Цилиндрлар гильзаси.

цилиндрлар гильзасининг ташқи сирти 3 ўтайди. Гильза билан блок 8 орасидаги бўшилиқ 5 совутгич суюқ **РИФУСортировка Гравировка** бўлиб, уни сув ғилофи деб аталади (22-расм, б). Кўпинча цилиндрлар блокига легирланган чўяндан, баъзан эса пўлатдан тайёрланган олинадиган гильзалар ўрнатилади. Цилиндрлар блокининг конструкцияси унга ўрнатиладиган гильзанинг турига ва унинг ўрнатилишига боғлиқ. Цилиндр гильзалари блокка ўрнатилишига қараб қуруқ ва ҳўл бўлади. Агар цилиндр гильзалари сиртига суюқлик тегмаса қуруқ, советувчи суюқлик атробини ўраб турса ҳўл гильзалар (22-расм, б ва г) деб аталади.

Қуруқ гильзалар цилиндрлар блоки билан яхлит қилиб ишланади ёки блок цилиндрларига жипс қилиб, пресслаб ўрнатилади ва уларнинг сиртқи дсворига суюқлик тегмайди (22-расм, в ва д). Бу турдаги гильзалар цилиндрлар блоки конструкциясини мураккаблаштириб, нархини ошириб юборади. Шунинг учун бундай гильзали цилиндрлар блоки кам ишлатилади.

Хозирги пайтда кўпчиликдвигатсларнинг блокларига ҳўл гильзалар (22-расм, а, б) ўрнатилади (ЗИЛ-375, ЗМЗ-66, ЯМЗ-236 ва ҳоказо). Двигателнинг ишлаши натижасида цилиндрнинг юқориги қисми кўпроқ сийлади, чунки цилиндрнинг бу қисми доим катта ҳарорат ва босимга эга бўлган газлар таъсирида ишлади. Шунинг учун баъзи двигателларда (ЗИЛ-508-10 ва ЗИЗ-53-11, ЗИЛ-130) цилиндрлар гильзасининг энг кўп ейиладиган қисмiga ейилишга чидамли ва зангламайдиган маҳсус чўяндан тайёрланган юпқа 2...4 мм дсворли калта кийгизма (40...50 мм) исканжалаб (пресслаб) ўрнатилади (22-расм, г).

Цилиндрлар блоки қулранг чўяндан (ЗИЛ ва ЯМЗ двигателларида) ёки ўта емирилишга бардош берувчи АЛ-4 бслгили қўйма алюминий қотишмасидан (ЗМЗ ва ГАЗ двигателларида) тайёрланади.

23-расмда двигателнинг цилиндрлар блоки тасвирланган. Блок 4 га ҳўл гильзаларни ўрнатиш учун 90 бурчак остида цилиндрлар 3 ишланган. Блок картернинг қўйи қисми 6 тирсакли вал ва тақсимлаш вали учун таянч вазифасини ўтайди. Унинг, кўндаланг ясалган тўсиқлари 5 га тирсакли валнинг подшипниклари ва газ тақсимлаш валининг таянч бўйинлари уялари жойлаштирилади. Ўзак подшипникларининг қопқоқлари ажраладиган бўлиб, бу подшипникларда сирпаниш вкладишлари ишлатилади.


Блок-картернинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида унинг картер қисмida тўсиқлар ҳамда ташқи дсворларида маҳсус қовурғалар ишланади ва мой каналлари ўтадиган жойлари қалинроқ қилиб ясалади. Демак, блок-картер двигателнинг таяниш

Гильза (нем. Hülse) — ички сирти цилиндр шаклида ясалган деталь.

қисми (базис) бўлиб, унинг мустаҳкамлиги бошқа деталларнинг деформацияланишини камайтиради, бунинг натижасида двигателнинг ишлаш муддати ва ишончли ишлаш даражаси ортади. Блок-картернинг тирсакли вал ўқидан пастроқда ётвчи остки қисмига мой таглиги (поддони) 1 шпилька ёки болтлар ёрдамида маҳкамланади. Мой таглиги штамплаш усулида 1...2 мм қалинликда варақали пўлатдан тайёрланади ва у мой таглиги вазифасини ўтайди. Мой таглиги билан блок картернинг туташиш сиртлари мой ўтказиб юбормаслиги учун уларнинг орасига қозоз ёки пўкак қистирма 8 қўйилади. Блок картернинг олд қисмига газ тақсимлаш шестерясиининг қопқоғи 7 ва орқа қисмига маҳовик картери 2 ни зичловчи қистирмалар қўйиб маҳкамланади.

### 18-§. Цилиндрлар блоки каллаги

Цилиндрлар блоки 4 нинг каллаги (23-расм) мураккаб шаклга эга бўлиб, поршнь ю. ч. н. стганда сиқиш бўлинмасини ҳосил қиласди. Цилиндрлар блоки каллагининг конструктив хусусияти сиқиш бўлинмасининг шакли, клапанларнинг жойлашви ва сони совитиш тармоғининг тури, шунингдек, унинг каллагига ўт олдириш свечаси ёки форсунка ўрнатилишига боғлиқ. Цилиндрлари бир қатор жойлашган двигателларга цилиндрлар блоки билан яхлит қилиб қўйиб тайёрланган цилиндрлар каллаги ўрнатилади. Цилиндрлари V-симон жойлашган блокларда эса ҳар бир қатор цилиндрлар ўзининг каллагига эга. Деярли ҳамма карбюраторли двигателларнинг цилиндрлар блоки ва КамАЗ-740 дизели каллаги механик хоссаси яхшиланган АЛ9 белгили алюминий қотишмасидан тайёрланади. Бу ашёдан тайёрланган цилиндрлар каллаги снгил, мустаҳкам ва иссиқликни яхши ўтказиш қобилиятига эга. Баъзи дизелларда эса (ЯАЗ-206, ЯМЗ-238) цилиндрлар блоки каллаги легирланган кулранг чўяндан тайёрланади. Цилиндрлар блоки каллаги 12 га (23-расм) сиқиш бўлинмаси 15 жойлашган бўлиб, унинг клапанлар каллаги ўтирадиган уясига чўяндан тайёрланган маҳсус эгар 14 қотирилган. Ундан ташқари, каллакда цилиндрга ёнилги аралашмасини юбориш ва чиқариш учун киритиш 10 ва 11 туйнуклари ҳамда чиқариш туйнуклари 12 ва 14 мавжуд. Цилиндрлар каллагининг ўртаси ковак бўліб, унда совутувчи суюқликни киритиш учун 16, чиқариш учун 9 ва 13 тешиклардан иборат сув гилофи мавжуд. Совутувчи суюқлик сув гилофига айланиб туриши керак. Шунинг учун цилиндрлар каллаги 9 ни цилиндрлар блоки 4 билан зич туташтириш мақсадида улар орасига пўлат асбестли қистирма 17 қўйилади ва шпилька ёки болтлар билан қотирилади.



23-расм. V симон двигателининг блок-картери ва цилиндрлар каллаги.

### 19-§. Поршенлар, поршень ҳалқалари ва бармоқлари


Двигателда содир бўладиган иш циклиниң барча жараёнлари поршень воситасида бажарилади. Иш шароитида, айниқса сиқиши ва иш йўли тақтларида юқори босимга ва ҳароратга эга бўлган газлар таъсирида поршень қизийди ва едирилади, бундан ташқари, унга ўзгарувчан инерция кучлари таъсир этади. Шу сабабли поршень тайёрланадиган материал қўйидаги талабларни қаноатлантириши: иссиқлик ўтказувчи, едирилишга чидамли, мустаҳкам ва

енгил бўлиши керак. Поршень алюминий қотишмасидан ёки чўяндан ясалishi мумкин. Автомобиль двигателларига асосан АЛ25, АЛ30 ёки АК10, М2Н белгили, алюминий қотишмасидан ясалган поршень ўрнатилади, чунки бу материалдан тайёрланган поршень юқоридаги талабларга тўлароқ жавоб беради. Масалан, алюминий қотишмасидан ясалган поршеннинг чўян поршенга нисбатан оғирлиги кичик, ишчи температураси кам ва иссиқлик ўтказувчанилиги юқори. Лекин алюминий қотишмасининг

чўянга нисбатан юқори ҳароратда кенгайиш коэффициенти ва едирилиши кўп, мустаҳкамлиги эса пастроқ. Бу камчиликларнинг баъзиларини алюминий қотишмасидан тайёрланган поршенга конструктив ўзгариш киритиш билан йўқотилади. Поршень (24-расм) тўнтарилган стакан шаклига эга бўлиб, туб қисми 1, зичловчи қисми — каллак 2 ва йўналтирувчи қисми — ёндор (юбка) 3 дан иборат. Поршеннинг туб қисми цилиндрда бевосита газлар босимини қабул қиласди, ёндор қисми эса поршени цилиндр ичida зич йўналтиради. Поршень каллагининг ён деворида поршень ҳалкалари учун мўлжалланган ариқалар 5, 6 ва паст қисмida эса поршень бармоғини киритиб маҳкамлаш учун мўлжалланган поршеннинг бўртиқли (бобишгалари) 4 мавжуд. Поршеннинг туб қисми ясси ва мураккаб шаклига эга бўлиши мумкин. Карбюраторли двигателларда поршеннинг туби асосан ясси шаклда ясалади. Бундай шаклга эга бўлган поршени тайёрлаш технологик жиҳатдан анча осон.


Дизелларга қўйиладиган поршенларнинг туби ичига ботиқ, қабариқ ёки мураккаб шаклда тайёрланади. Поршеннинг қандай шаклда ясалishi сиқиш бўлинмасининг шакли, газ оқимининг йўналиши ва клапанларнинг жойлашувига боғлиқ. Двигатель ишлаганда поршень цилиндрга тиқилиб қолмаслиги учун цилиндр ва поршень деворлари орасида иссиқлик тирқиши бўлиши лозим. Поршеннинг юқориги қисми, унинг ёндорига қараганда кўпроқ қизийди, натижада кўпроқ кенгаяди. Шунинг учун поршень каллак қисмининг диаметри ёндор қисмининг диаметрига нисбатан кичикроқ қилиб ясалади, яъни поршень баландлиги бўйича конус шаклида бўлади.

Двигатель совуқлигига поршень тақиллаб ишламаслиги учун унинг ёндор қисми овал шаклида ясалади, овалнинг катта ўқи ёnlама кучлар таъсир этадиган томонга, кичик ўқи эса поршень



24-расм. Поршень.

бармоғи текислигига қаратылған. Двигатель қизиганда, алюминий қотишмасидан тайёрланған поршеннинг ёндор қисми кенгайиб тиқишли қолмаслиги учун поршень ёндорига катта ~~төзіл~~ текислигиде Т ёки П шаклиға эга бўлган кесиклар қилинади (25-расм, а, б, в.). Бундай поршёнларда ёндор қисми шу кесиклар ҳисобига кенгаяди. Шунинг учун бундай поршеннинг ёндори билан цилиндр орасида жуда кичик тирқиш қўйилади ( $0,05\ldots0,10$  мм). Чўяндан ясалган поршёнларда эса ёндор кесиклари қилинмайди, чунки чўяннинг иссиқликдан кенгайини коэффициенти кичик. Бу ҳолда тирқиш  $0,18\ldots0,26$  мм.



25-расм. Поршень турлари.


Поршень бўртиқли туйнукларнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида улар поршень туби ва поршень ён деворининг қобирға қисми билан бирга ясалади. Баъзи карбюраторли двигателларда поршень ёндорининг пастки қисми ўйиқ бўлади (ЗМЗ-53, ЗМЗ-24). Бу ўйиқча тирсакли вал айланғанда унинг посангиси поршень ёндорининг пастки қисмiga тегмасдан ўтишини таъминлайди.

ЗИЛ-130 двигателларига ўрнатиладиган поршёнларнинг чидамлилигини ва ишлаш муддатини ошириш мақсадида поршеннинг каллак қисмига чўян ҳалқа ўрнатилған. Бу ҳалқага поршеннинг юқориги компрессион ҳалқаси ўрнатиладиган ариқча ўйилған. Поршень цилиндр билан яхши ишқаланиб мосланиши учун унинг (поршень) ташқи деворига  $0,004\ldots0,006$  мм қалинликда қалай қопланади.

Поршень ҳалқалари юқори ҳарорати ва босимга эга бўлган газлар, шунингдек ўзгарувчан қийматга эга бўлган инерция кучлари таъсир этадиган оғир иш шароитида ишлайди. Поршень ҳалқалари махсус чўяндан, кейинги йилларда эса пўлатдан ҳам тайёрланмоқда. Поршень ҳалқалари вазифаларига кўра компрессион ва мой сидиргичли бўлади. Компрессион ҳалқалари А (26-расм) цилиндр ва поршень оралиқларини жипслаштиради ҳамда цилиндрда ҳосил бўлган газларни картерга, мойни эса ёниш камерасига ўтишдан сақлайди. Бундан ташқари, поршень

каллагидан иссиқликни цилиндр деворлари орқали совитувчи муҳитга тарқатади. Айниқса, юқорида жойлашган компрессион ҳалқа жуда ҳам оғир иш шароитида ишлади, чунки унинг ишлаш жараёни ўта қизиган газлар қатламига тўғри келади, натижада, ташқи сиртдаги қизиган мой пардаси поршень ю. ч. н. га етганда куйиб кетади. Юқорида жойлашган компрессион ҳалқаларнинг сийилишга чидамлилиги ва ишлаш муддатини ошириш мақсадида уларнинг ташқарисига ғовак (пористый) хром қопланади, хром қатлами уларнинг ишловчи юзаларининг қаттиклигини оширади, натижада ҳалқаларнинг сийилиши камайди, хром қатламидаги ғовакчалар цилиндр юзасидан мойни ўзига сингдириб, юбка пардасини ҳосил қиласида, бу эса цилиндр юзасининг ейилишини камайтиради.

Бошқа турдаги компрессион ҳалқалар тезроқ ишқаланиб, иш шароитига мосланиши ва коррозиягі чидамлилигини ошириш учун уларнинг ташқи сиртига юпқа қилиб қалай ёки фосфат қолпанилади. Ҳалқадаги махсус кесик З қулф деб аталади. Бу кесик ҳалқанинг ишлаши жараёнида унинг эластиклик хусусиятини оширади ва уни цилиндрга тиқилиб қолмаслигини таъминлайди. Компрессион ҳалқалар цилиндрига ўрнатилган қулфдаги тирқиши 0,2...0,5 мм бўлади. Ҳалқалардаги



26-расм. Поршень ҳалқалари.


құлфларнинг шакли асосан тұғри ёки қийшиқ қилиб ясалади (26-расм, б). Булар ичидә тұғри кесимли құлфлар II күпроқ тарқалған. Тұрт тактли двигателларда құлфлари әркін бұлған поршень ұлқалары ұрнатылады. Бунда PDF Free Version

ёнида секин-аста үз ўқи атрофида айланады, натижада цилиндр доираси бүйіча бир текис мой пардаси ҳосил бұлады ва мой ҳарорати цилиндр деворларыга бир мейерда тақсимланади. Поршень ариқасида құлф тиқин III билаш қайд қилинганды компрессион ұлқалар иккі тактли двигателларда ишлатылади.

Мой сидиргич ұлқалар В (26-расм, а) цилиндр деворидаги ортиқча мойни сидиради ва сиқиши бүлинмасига ортиқча мой үтишини чеклаб құяды. Сидирилган мой ариқча I да тұпланиб, бүйлама ұттан тешикча 2 дан поршеннинг мой ұйдовчи канали орқали картерга оқыб тушади. Мой сидиргич ұлқалар компрессион ұлқалардан пастда жойлашиб, турлы конструкцияға зет. Бу ұлқаларнинг сони карбюраторлы двигателларда битта ва дизелларда иккита ёки учта бұлиши мүмкін.

Конструкцияси бүйіча автомобиль двигателларыда күндаланған кесими бүйіча кураксимон, қутисимон, пластинкасимон ва конуссимон шаклға зета бұлған мой сидиргич ұлқалар кең тарқалған. Баъзи двигателларда йиғма мой сидиргич ұлқалар ұрнатылади (ЗИЛ-130). Бундай ұлқалар бир нечта пұлат ұлқалардан ташкил топған, яғни иккита юпқа дисксимон ұлқа 5 (25-расм, в), үз бүйлаб кенгайтиргич 6 ва радиал кенгайтиргич 7 дан йиғилади. Бу турдаги ұлқалар цилиндр күзгусига тез мослашиш ва яхши эластик хусусияттарға зета, шунинг учун улар цилиндр деворларында тез ва яхши жипслашади.

Поршень бармоғи билан шатун шарнир равишида туташтирилади. Иш тактида поршень бармоғи газларнинг босим кучини шатунга, ёрдамчи тактларда эса (киритиш, сиқиши ва чиқариш) шатуннинг тирсакли валдан олған ҳаракатини поршенге узатади. Поршень бармоғи поршень билан бирға тезланиши ва йұналишини үзгартыриб ҳаракатланади. Шунинг учун у оғир бүлмаслиги керак, акс ҳолда механизмға салбий таъсир этувчи инерция кучларининг миқдори ортиб кетали. Бундан ташқары, поршень



27-расм. Поршень бармоқлари ва уларнинг маҳкамланин турлари.  
а — поршень бармоғи шатуннинг юқори каллагыда қаттық маҳкамланған,  
б, в — үз ўқи атрофида силжувчи "әркін" бармоқ.

бармоғи шатун каллагида ва поршень бўртиқли туйнугида (бобишикасида) ишқаланиш натижасида қизийди. Шу сабабли у пухта, мустаҳкам, ейилишга чидамли ҳамда кичик вазнга эга бўлиши лозим. Поршень бармоғининг (27-расм) ичи ковак бўлиб, калта цилиндрик ўзак шаклида тайёрланади. Поршень бармоғи конструкцияси бўйича икки хил бўлади: 1) шатун каллагига маҳкамланган, силжимайдиган (19-расм, а); 2) поршеннинг бўртиқли туйнугида ва шатуннинг юқори каллагига силжиш хусусиятига эга бўлган "Эркин" (27-расм, б, в), поршень бармоқлари.


"Эркин" поршень бармоқлари ишлаш жараёнида ўз ўқи атрофика силжиб, эркин айланиб туриши натижасида унинг ташқи цилиндрик юзаси қаттиқ маҳкамланган поршень бармоғига нисбатан бир меъёрда ва кам ёйилади. Шунинг учун кўп замонавий автомобиль двигателларига "Эркин" поршень бармоқлари ўрнатилади (ГАЗ-53А, ЗИЛ-130, ЯМЗ-236). Поршень бармоғи ўқ бўйлаб силжиб, поршеннинг бўртиқли туйнугидан чиқиб кетмаслиги учун унинг икки ён қирраларида жойлашган ўйиқчаларга тиқин ҳалқалари ўрнатилади (27-расм, б). Поршень бармоқлари углеродли легирланган пўлатдан 15Х, 45Х (ЗИЛ ва ГАЗ); 12Н3А (МАЗ); 12ХН (ВАЗ) тайёрланади, уларнинг ташқи юзаси, кам едирилиши учун 1,5 мм қалинликда цементлаш қилинади, кейин юқори частотали ток воситасида тобланади ва ички кучланишларни камайтириш мақсадида юмшатилади. Термик ишловдан сўнг жилвирланади ва жилоланади. Термик ва механик ишловлар натижасида поршень бармоқларининг синишига ва ейилишига чидамлилиги ортади ва пухталиги ошади.

Двигатель ишлаш шароитида алюминий қотишмасидан ясалган поршень бўртиқли туйнуги пўлатдан ясалган поршень бармоғига нисбатан кўпроқ кенгаяди, натижада тақиллаган овоз чиқиши мумкин. Шунинг учун поршень бармоқларига катта аниқликда механик ишлов берилади ва улар поршень бўртиқли туйнугидаги тешикчага 0,0025...0,0075 мм таранглик билан ўтқазилади. Шатуннинг юқориги каллагига жойлашган втулкага эса поршень бармоғи 0,0045...0,0035 тирқиши билан ўрнатилади (ЗИЛ-130).

## 20-§. Шатун ва шатун подшипниклари

Шатун поршенин поршень бармоғи орқали тирсакли валнинг шатун бўйни билан бирлаштиради ва иш такти пайтида поршенндан тирсакли валга, ёрдамчи (киритиш, сиқиш ва чиқариш) тактларда эса тирсакли валдан поршенга ҳаракат узатади. Демак, шатун ёрдамида поршеннинг тўғри чизиқли илгарилама-қайтма ҳаракати тирсакли валнинг айланма ҳаракатига ўзгартириб берилади.

Шатун (28-расм) асосан қўйидаги қисмлардан иборат. Поршень бармоғи билан туташувчи юқориги каллаги 5; шатун бўйни билан



28-расм. Шатун и унга бевосита ўрнатилган деталлар түрухи.

двигателларида бўлган қопқоқни шатун каллагига бирлаштириш ва ажратиш осон бўлади.

Шатуннинг пастки каллаги ишлайдиган оғир шароит жуда катта ишқаланиш кучларини вужудга келтиради. Тирсакли валнинг ейилишини камайтириш ва шатуннинг иш муддатини ошириш мақсадида шатуннинг пастки каллагига юпқа суст ишқаланувчи қотишма қўйилган вкладиш 10 лар қўйилади. Суст ишқаланувчи қотишмаларга қўйидаги талаблар қўйилади: 1) пўлат билан илашмаланиб ишлаганда ишқаланиш коэффициенти

туташувчи пастки каллаги 9 ва унинг қопқоғи 11 юқориги ва пастки каллагларини бирлаштирувчи ўзак қисми; унинг кўндаланг кесими қўштавр 2 шаклида ясалган. Шатун мустаҳкам, пухта, сийлишга чидамли ва инерция кучларини камайтириш учун вазни деярли кичик бўлиши лозим. Шатунлар юқори сифатни углеродли ёки легирланган пўлатдан (40Г, 40Г2, 40Х, 4ХН, 40ХГТ) штамплаш усули билан тайёрланади ва механик ишлов бериб аниқлиги, термик ишлов бериб эса пухталиги оширилади. Шатуннинг юқориги каллагига, поршень бармоги билан содир бўладиган ишқаланишни ва сийлишини камайтириш учун, бронзадан ясалган втулка 3 пресслаб ўтқазилади. Ишқаланувчи юзаларга мой ўтиши учун тешикча 4 ясалган. Шатуннинг пастки каллаги, тирсакли вални шатун бўйни билан бирлаштириш учун ажраладиган қилиб ясалади. Шатуннинг ажраладиган пастки қисми шатун қопқоғи деб аталади. Бу қопқоқ 11 шатунга иккита болт 7 ва гайкалар 8 ёрдамида биректирилди ҳамда гайкалар бўшаб кетмаслиги учун унинг пастига алюминийдан ясалган шпллинт ўтқазилиб, учларини бураб қўйилади. Шатун болтлари ва уларнинг гайкалари асосан хром-никелли пўлатдан тайёрланади (40ХН). Кўпчилик двигателларда шатун пастки каллагининг қопқоқ кесими тўғри қилиб ясалади. Баъзи ҳолларда, масалан, ЯМЗ


кичик; 2) кам едириладиган; 3) иссиқликни яхши ўтказадиган ва арzon бўлиши керак; 4) ишқаланувчи юзаларнинг бир текис мойлаиа олишини таъминлай олиши керак.

Юқорида айтилган талабларни қондириш мақсадида ўзак қисми учун пўлат тасмадан ясалган вкладишлар кўпроқ ишлатилади. Пўлат лента 1...3 мм қалинликда тайёрланиб, ишқаланишини ва тирсакли валининг ейилишини камайтириш мақсадида, унинг юзасига юпқа суст ишқаланувчи қатлам 0,08...0,10 мм қалинликда қопланади. Бунинг учун ЗМЗ, ЗИЛ, ЯМЗ двигателларда қўргошинли бронза (30 фоиз бронза, қолгани қўргошин) ва қалай-алюминийли қотишма (20 фоиз қалай, 1 фоиз мис, қолгани алюминий) ишлатилади. Кўнгина вкладишларнинг барча юзасига 0,002...0,003 мм қалинликда қалай юритилади. Бу эса вкладишларнинг ички юзасини шатун буйнига тез мослаштиради, ташқи юзаси эса шатуннинг пастки каллагини ички сирти билан яхши жипслашувини таъминлайди. Вкладишларни шатуннинг пастки каллагига аниқ ўрнатиш учун чиқиқ / (ўсиқ) қилинган. Йиғилган двигателда вкладиш ва шатун бўйни оралиғида мой қатламнинг ҳосил бўлиши учун тирқиши бўлиши лозим. Мой бу тирқишига тешикча 4 орқали босим остида юборилади. Муддати ўтган ёки сийлган вкладишлар янги вкладишлар билан алмаштирилади. Шу сабабли бу вкладишлар ўзаро алмашшувчи вкладишлар деб аталади.

## 21-§. Тирсакли вал, ўзак подшипниклари ва маҳовик

Тирсакли вал поршень орқали шатундан келаётган кучни қабул қиласи ва уни айланма ҳаракатга ўзгартириб беради. Тирсакли валда ҳосил бўлган айланма ҳаракатнинг оз қисми двигатель механизми ва қурилмаларини юргизиш учун сарф бўлади. Қолган асосий қисми эса куч узатмалари воситасида гидриракларга узатилади. Юқорида айтилган вазифаларни бажариш жараённада валга эгувчи, буровчи, сиқувчи ва чўзувчи кучлар таъсир қиласи. Шунинг учун тирсакли вал ана шу кучларга бардош берадиган мустаҳкам ва қаттиқ материалдан тайёрланиши керак. Бундан ташқари, унинг шатун ва ўзак бўйинлари сийлишга чидамли бўлиши керак.

Тирсакли вални штамплаш усули билан юқори углеродли пўлатдан (ЗИЛ-508, КамАЗ-740-10) ёки магний билан бойитилган лекирланган чўяндан (ГАЗ-53-11, ЗМЗ-402-10, ГАЗ-24-12 "Волга" ва ВАЗ) тайёрланиди ва бўйинларига термик ишлов берилади. Кейин жилвирланади ва жиловланади. Тирсакли вал (29-расм) ва унинг биримлари қўйиндаги асосий қисмлардан ташкия топган: тирсакли валининг олдинги учи / га газ тақсимлаш валининг шестерясига ҳаракат узатувчи шестеря 11 шпонка (рдамида мустаҳкамланади, бундан ташқари, двигателни дастак (рукоятка) билан юргизувчи храповик 14, мой қайтаргич 12



29-расм. Тирсакли вал ва унга бекосита ўриатилган деталлар.

ҳамда сув насоси ва вентиляторни ҳаракатга келтирувчи шкин 13 жойлашган. Баъзи двигателларда (КамАЗ, ЗИЛ-114) тирсакли валният тебранма ҳаракатини сўндирувчи тузилма бор. Тирсакли валният ўзак бўйинлари 2 валният асосий таянч бўйинлари ҳисобланиб, улар бир хил диаметрга эга. Валният ўқ бўйлаб силжишига тирак шайбалар тўсқинлик қиласи. Бу шайба 15, 16, 17 лар асосан биринчи ўзак бўйиннинг иккала томонига жойлаштирилган. Ўзак бўйинлардан шатун бўйинларга мой юбориш учун канал пармаланган.

Тирсакли валният ўзак подшипниклари 10 блок картерида жойлашган бўлиб, ўзак бўйинлар шу подшипникларда ётади.

Үзак подшипниклар ҳам шатун подшипниклари сингари вкладышлар күринишида бўлиб, вкладышларнинг устки ярим палласи 4 блок картери тўсиқларидаги ўйиқларга, пастки ярим палласи 9 эса шинилькалар билан блок картери тўсиқларига биринтирилган қопқоқча ўрнатилади. Тирсакли валнинг шатун бўйинлари 3 ёрдамида шатун билан тирсакли вал шарнир равишда бирластирилади. Шатун бўйинларига кир тутгич 18 ўрнатилган бўлиб, уларга мой ўзак бўйинлардан боради. Вал айланганда, майдаги кир ва чанг заррачалари марказдан қочирма куч таъсирида мойдан ажралиб кир тутгич ковагининг деворларига ёпишиб қолади, натижада шатун бўйинларига тозаланган мой ўтади. Бундан ташқари, кир тутгич ковагида қолган мойлар двигателни стартер билан юргизиш вақтида шатун бўйинларига тез оқиб тушади ва мой тармогидан босим остида шатун бўйинларига мой келгунча уларни мойлайди. Тирсакли валнинг жағлари 7 ёрдамида ўзак ва шатун бўйинлари бирластирилиб, кривошип ҳосил қилинади. Жағлар турли шаклда бўлиши мумкин. Автомобиль двигателларининг тирсакли валларида жағлар исосан тўғри тўртбуриакли ёки овал шаклида ишланади. Тирсакли валнинг посангилари 8 валнинг ўзак бўйинларига таъсири этувчи кучларни камайтириб, бу кучларни мувозанатлаш учун хизмат қилади. Посангилар кўпчилик ҳолларда тирсакли вал билан бир бутун қилиб тайёрланади. Тирсакли валнинг кейинги уни 6 мой қайтаргич ҳалқалари ёрдамида зичланади, унида тирсакли валнинг айланишига тескари йўналган винтсимон ариқча, тубида эса маҳовик ўрнатиш учун фланец 6 ясалган. Маҳовик 5 двигателни ишлаши жараёнида тирсакли валнинг бир текис айланнишини таъминлади ва двигателни юргизиш пайтида двигателга стартердан маълум миқдорда механик энергия узатади. Двигателининг стартер билан юргизиш учун маҳовикка тишили гардиш ўтказилган. Бу гардиш чўяни диск кўринишида бўлиб, унинг вазнини ошириш учун четлари қалинироқ қилиб ишланган. Маҳовик тирсакли вал фланецига бир хил вазиятда ўрнатилади ва болтлар билан маҳкамланади. Ўт олдириш ҳолатини ўрнатишда ю. ч. н. ни топиш учун баъзи двигателларнинг маҳовигига ўрнатиш белгилари қўйилган.

Тирсакли валнинг конструкцияси цилиндрлар сони, цилиндрлар ўқи орасидаги ўлчам, валнинг айланишлар сони ва бир қанча омилларга боялиқ. Цилиндрлари бир қатор жойлашган двигателларда шатун бўйинларининг сони цилиндрлар сонига тенг бўлиб, юқори босим остида ишлайдиган дизель ва V-симон карбюраторли двигателларда битта шатун бўйнига иккита ўзак бўйни тўғри қелади. Бу ҳолда ўзак бўйинлари сони кривошиплар сонидан битта ортиқ. Бундай валлар тўла таянчли тирсакли валлар деб аталади. Бу ҳолда шатун бўйни иккала томондан ўзак бўйнига эга бўлади. Бундай тўла таянчли валлар ЗИЛ-130 ва КамАЗ-740 автомобиль двигателларига ўрнатилган. Улар ишлаш


жараёнида кам эгилиб, подшипникларнинг ишлаш шаронтини яхшилайди, натижада хизмат муддати орташа.

Двигатель ишлаш жараёнида иш йўлларининг галма-галлигини мақбул даражада содир қилиш шартига амал қилиб тўрт цилиндрли двигателларнинг шатун бўйинлари (валга ён томондан қаралганда)  $180^\circ$  бурчак остида, олти цилиндрли двигателнинг шатун бўйинлари  $120^\circ$ , саккиз цилиндрли двигателникоэ эса  $90^\circ$  бурчак остида жойлашади.

V-симон двигателларда (ЗИЛ-130, ГАЗ-53) ҳар бир шатун бўйнига иккитадан шатун (бири ўнг томондаги цилиндрларга, иккинчиси эса чап томондаги цилиндрларга) бириктирилади. Ўзак ва шатун бўйинларининг қаттиқлигини ҳамда сийлишга чидамлилигини ошириш учун уларни юқори частотали ток билан 1,5...4,0 миллиметр қалинликда тобланади. Ишқаланишини камайтириш учун эса жилвирлаш ва пардозлаш йўли билан механик ишлов берилади.

## 22-§. Двигателни рамага маҳкамлаш

Двигатель ўзига ўрнатилган барча асбоб-ускуналар билан рамага пухта ва шу билан бирга автомобиль тебранганда унинг бирлаштирувчи қисмларига зўриқиш келмаслиги учун эластик равишда бириктирилиши лозим. Автомобиль двигателлари рамага уч ёки тўрт жойидан маҳкамланади. ЗИЛ-130, МАЗ-5335 ва ГАЗ-24 "Волга" автомобиль двигателлари ишқаланиш муфтаси ва узатмалар қутиси билан йигилган ҳолда рамага уч жойдан маҳкамланади. Бу ҳолда олдинги таянч вазифасини тақсимланашестериялари қопқоғи остига қотирилган кронштейн бажаради. Кронштейн болтлар воситасида резина ёстиқча орқали рама билан бириктирилади. Кейинги иккита таянч вазифасини илашиш муфтаси картерининг панжалари бажаради. КамАЗ-5320 автомобилнинг двигатели тўртта жойидан



30-расм. КамАЗ двигателининг маҳкамланиши.

маҳкамланган. Двигатель олдинги иккита таянчи билан рама лонжеронларига махсус түсин 5 га ўрнатилган (30-расм, а). Олдинги таянчининг резина ёстиғи 4 юқори ёстиқ 3 ва қуий қистирмалар б воситасида устқуймалар орасига қисилади ва унга эса двигатель блокининг олдинги қисмига қотирилган кронштейн 2 таянади. Орқа осма двигателнинг ҳамма томонидан (30-расм, б) илашиш муфтаси картерига қотирилган кронштейн 1 ва ўзаро бириктириладиган таянч втулкалар 6, тиркалувчи таянч 7 ва резина ёстиқча 9 ҳамда рама лонжеронларига қотирилган кронштейн 10 дан тузилган. Ҳамма маҳкамланувчи қисмлар болт 5 ва гайка 3 билан тортилади.

### 3-мавзуу. КРИВОШИП-ШАТУНЛИ МЕХАНИЗМ

#### I-төпшириқ (31-расм).

I. Расмдаги кривошип-шатунли механизминг деталлари қайси рақамлар билан белгиланган:

цилиндр (а), цилиндр каллаги (б), картер (в), поршень (г), поршень бармоги (д), шатун (е), поршень ҳалқалари (ё), тирсакли валниг шатун бўйни (ж), тирсакли валниг ўзак бўйни (з), тирсакли вал (и), тирсакли валниг жаглари (й), маховик (к).

II. Кривошип-шатунли механизминг вазифаси нимадан иборат:


а) тирсакли вал айланма

ҳаракатининг бир текисда бўлишини тъминлайди ва буроҷчи моментни куч узатмаси механизмларига узатади; б) цилиндрда ҳосил бўлган газ босимини қабул қиласи ва поршеннинг илгарилама-қайтма ҳаракатини тирсакли валниг айланма ҳаракатига айлантириб беради; в) поршеннинг илгарилама-қайтма ҳаракатини тирсакли валниг айланма ҳаракатига айлантиради.

III. I. Кривошип-шатунли механизминг қайси деталлари ҳаракатланувчи деталлар ҳисобланади:

цилиндр каллаги (а), поршень (б), поршень бармоги (в), шатун (г), поршень ҳалқалари (д), тирсакли вал (е).

2. Кривошип-шатунли механизминг қайси деталлари қўзғалмас деталлар ҳисобланади:



31-расм. Бир цилиндрни тўрт тактли карбюраторли двигателнинг бўйлама қирқими.

Цилиндр каллаги (а), цилиндр гильзалари (б), цилиндрлар (а), тирсакли валниңг фланеци (г), блок картындарынан (д).

### 2-топшириқ (31-расм).

I. Қүйидаги деталларнинг қайсылари айланма ҳаракат қиласы; маховик (а), шатуннинг пастки каллаги (б), шатуннинг юқориги каллаги (в), поршень (г), тирсакли вал (д).

II. I. Криповиш-шатунлы механизмнинг қайсы деталлари кенгайған газ босимини бөвөсита қабул қилиб, кучни тирсакли валга узатади: поршень (а), шатун (б), поршень бармоги (в), цилиндр (г), поршень ҳалқалари (д).

2. Қүйидаги жуфт деталларнинг қайсылари бөвөсита бириктірілген, яғни үзаро боғлиқ қолда ишлайды:

тирсакли вал-цилиндр (а), цилиндр-шатун (б), шатун-поршень бармоги-поршень (в), поршень бармоги-шатун (г), поршень-цилиндр (д), поршень-поршень ҳалқалари (е).

III. I. Қүйидеги деталларни иш тактида шундай жойлаштириңгеки, бунда улар бир-бирига күч узатсаны:

тирсакли вал (а), шатун (б), поршень бармоги (в), поршень (г).

2. Қүйидеги деталларнинг қайсылари газ босимини қабул қилиб, кучни башқа деталлар орқали тирсакли валга узатади ва тайёргарлик жараёнлари бажаради:

шатун (а), цилиндр (б), поршень бармоги (в), поршень (г), поршень ҳалқалари (д).

### 3-топшириқ (32-расм).


I. ЗИЛ-130 двигатели кривошип-шатунлы механизмнинин құзғалувлынан деталлари ва уларнинг қисмлари қайсы рақамлар билан күрсатилған:

поршень бармоқлари (а), поршень бармогини қайд қилювчи пружинали ҳалқа (б), поршенилар (в), шатуннинг юқори каллаги (г), шатун үзаги (д), шатуннинг пастки каллаги (е), шатун қопқоги (ж), шатуннинг пастки каллагининг болтлари (ж), тирсакли валниңг үзак бүйінлари (з), тирсакли валниңг шатун бүйінлары (и), тирсакли валниңг жағлари (й), тирсакли валниңг посангилари (к), тирсакли валниңг стакчи шестернең (л), шкив (м), храповик (н), тирсакли валниңг кетінгі қисми (о), маховик (п), тирсакли валниңг кир тутғици (р), тирсакли валниңг қайдлаш шайбаси (с), тирсакли валниңг мой қайтаргичи (т).

II. Расмда кривошип-шатунлы механизмнинг қайсы деталлари:  
а) двигатель иш циклиниң ҳамма жараёнларини бажаради;  
б) тирсакли валниңг үк бүйілаб йұналған кучини қабул қиласы;  
в) тақсимлаш валига ҳаракат узатади;  
г) даста ёрдамида тирсакли валниңг айланма ҳаракат қилишини таъминлады.

III. Расмда кривошип-шатунлы механизмнинг қайсы деталлари ёки уларнинг қисмлари:

а) тирсакли валниңг үзак подшипникларында марказдан қочма күч таъсирида ҳосил бўладиган юкланишларни мувозанатлайди ва под-




32-расм. ЗИЛ-130 двигатели кривошип-шатунни  
механикмннг деталлари.

шипникларнинг смирилишини камайтиради; б) двигателнинг нотекис ишлашини камайтиради, поршенин чекка нұқталардан чықаради, двигательни юргизиб юборишини ва автомобил PDE Compressor Free Version осонлаштиради; в) поршенин шатуннинг күкөриги каллагы билан шарнирли қилиб бирлаштиради; г) совитиштармоги ва электр қурилмаларининг асбобларига тасмали узатма орқали ҳаракат узатилади.

#### 4-төпшириқ (33-расм).


I. Поршеннинг қисмлари қайси рақамлар билан белгиланған: бүртиқли түйнук (бобишка) (а), қовургалар (б), поршень ҳалқалари туралған ариқчалар (в), ёндори (г), туви (д), каллак (е).

II. а) поршеннинг қайси қисми цилиндр деворига тегиб туради ва унга ёnlама күч билан таъсир этади? б) поршеннинг қайси қисми уннинг мустаҳкамлигини оширади? в) поршеннинг қайси қисми газ босимини бевосита қабул қиласиди?



33-расм. Поршеннинг қисмлари күрсатылған қырқими.

III. Поршень қизиши натижасида уннинг цилиндр ичидә қадалишидан сақлаш учун қандай конструктив табиғиляр күрнләди?  
1. Ёндорда ҳар хил шаклдаги кесимлар қилинади (П ва Т-симон).  
2. Ёндорнинг күндаланг кесими бүйлаб овал шакл берилади.



34-расм. Поршень ҳалқалари.

3. Ёндорнинг бўйлама кесимида конус шакл берилади.

**5-төпшириқ (34-расм).**

I. I. Қайси рақамлар билан қандай поршень ҳалқалари ва уларнинг қисмлари кўрсатилган?

Мой сидиргич ҳалқа (1), компрессион ҳалқа (2), юпқа дискли ҳалқа (3), ўқ бўйлаб кенгайтиргичли ҳалқа (4), ёнлама кенгайтиргичли ҳалқа (5).

II. а) Қандай ҳалқалар газларнинг двигатель картерига ўтиб кетмаслиги учун хизмат қиласди? б) Қандай ҳалқа мойнинг ёниш камерасига ўтиб кетмаслиги учун хизмат қиласди? в) Мой сидиргич ҳалқанинг қандай детали шу ҳалқани поршень ўйнқларида сиқиб туриш учун хизмат қиласди? г) Мой сидиргич ҳалқанинг қандай детали цилиндр девори билан ҳалқа ораси зич бўлиши учун хизмат қиласди?

III. Қўйидаги кўринишларда кўрсатилган деталлар учун қандай материаллар ишлатилади?

а) 1, 2, б) 3, 4, 5.


1. Чўян. 2. Пўлат. 3. Бронза.  
6-төпшириқ (35-расм).

I. Шатун қисмлари қайси рақамлар билан белгиланган:  
қопқоқ (а), болтлар (б), юқориги каллак (в), пастки каллак (г), шатун ўзаги (д), вкладиш (е), чиқиқлар (ж), ўйнқлар (ж), втулка (з).

II. Шатуннинг қайси қисми:  
а) поршени шатун билан бириттирадиган поршень бармогини ўрнатиш учун хизмат қиласди? б) мустаҳкамлигини оширадиган иккى ёндорли (таврли) кесимга эга? в) тирсакли вални шатун бўйини билан бириттириш учун хизмат қиласди?

III. 1. а) Шатун каллагида вкладишни айланишдан чеклаш учун нима мўлжалланган? б) Шатуннинг қайси қисми ажрапувчан қилиб тайёрланган? в) Нима учун шатун қопқоғида ўрнатиш белгиси бор?

2. Тирсакли валнинг қайси қисми: а) шатун-подшипникларига борадиган мойни қўшимча тозалайди, б) маҳовик билан бириттириш учун хизмат қила-




35-расм. Шатун.

ди, в) марказдан қочма күчлар ҳосил қылаған моментларни йүқотишиң әки ҳаракатланувчи қисмларнинг тұрағызия құндарының мувозанатлаш учун хизмат қылади.

3. Қүйидеги двигателларнинг тирсаклы валида:

1. Нечта үзак бүйінлари бор? 2. Қанча шатун бүйінлари бор?



36-расм. ЗМЗ двигателдеринің цилиндрлар блоки, цилиндрлар гильзысы, тақсимлаш шестеріларнинг қоюқоги ва цилиндрлар блокинің каллагы.

3. Кривошиплар орасидаги бурчак нимага тең? 4. Таңың подшипниклар қаерда жойлашған? 5. Қандай материалдан тайёрланған?

- a) ЗМЗ-53? б) ЗИЛ-130? в) ГАЗ-24? г) ЯМЗ-236?

7-топшириқ (36-расм).

1. Расмда кривошил-шатуның механизм құзғалмас қисмнининг деталлари қайси рақамлар билан белгилендірган?


Цилиндрлар блоки (а), "хұл" гильзалар (б), цилиндр гильзарнин ўрнатувчи блок уялары (в), блок картери (г), тақсимлаш шестеріларнинг қоюқоги (д), блок каллаги (е), блок каллагининг ёниш бүлинмасы (ж), блок клапанларнин ўриндиқлари (ж), цилиндрлар каллагининг ёнилги аралашмасини юборадыған түйнуклари (з), совитувчи суюқлик учун гилоф (и), шпилькалар (й), цилиндрлар каллагининг зичлагиши (к).

II. Қүйидеги деталларнинг қайси бирига сиқиши бүлинмаси жойлашған: а) цилиндр; б) цилиндрлар блоки; в) цилиндрлар каллаги.

III. Құйидаги тавспфномалар қайсы двигательнинг цилиндрлар блоки үчүн үринли:

1. ЗМЗ-53. 2. ЗИЛ-130. 3. ГАЗ-24 "Волга". 4. ЯМЗ-236.

а) цилиндрлари V-сімөн жойлашған. Чүяңдан құйилған. Цилиндрлар юқориси қисқа кийгизмали (вставкалы) "хұл" гильзалар билан таъминланған; б) цилиндрлари V-сімөн жойлашған булып, үнг қатордаги цилиндрлар олдинга 35 мм сілжитилған. Цилиндрларға құйилған "хұл" гильзаларға құшымша кийгизма үрнатылмаган; в) цилиндрлар бир қатор вертикаль жойлаширилған булып, алюминий қотишмасыдан құйилған. Юқорисида қисқа кийгизмали "хұл" гильзалар үрнатылған; г) цилиндрлар V-сімөн жойлашған ва чап қатордаги цилиндрлар 24 мм олдинга сілжитилған. Блок "хұл" гильзали



37-расм. Двигатель цилиндр ва гильзаларининг түрлі қызметтері.

ва юқорисига қисқа кийгизма киритилған булып, у алюминий қотишмасыдан тайёрланған.

#### 8-топшириқ (37-расм).

I. Расмда келтирилған двигатель цилиндрлари құйидаги жағобларнинг қайсы бирига тааллуқларын аниқланғ:

1. Цилиндр юқорисига қисқа кийгизма киритилған, гильзаси йүк.

2. "Хұл" гильзали булып, улар цилиндрлар блокининг үйіншарыда жойлашған ва пастки қисми цилиндрлар блокида ясалған ариқчада резина қалқалар билан зичланған. 3. "Хұл" гильзали ва пастки қисмда ясалған ариқчаларға резина қалқалар билан зичланған. 4. "Хұл" гильзали ва юқорисига калта кийгизма киритилған, пастки қисмидә ясалған ариқчалар резина қалқалар билан зичланған.

II. Двигатель цилиндрларининг қисмлари қайсы рақамлар билан белгиланған: резина ёки мисдан тайёрланған зичловчи қалқалар (а), цилиндрлар блоки (б), цилиндр гильзалари юқорисига киритилған кийгизма (в), сув гилофи (г), цилиндр гильзалари (д).


III. Расмда қайсы двигатель цилиндрлари тасвирланған.

1. ГАЗ-52? 2. ЗИЛ-130? 3. ЯМЗ-236? 4. КамАЗ-5320?

#### 9-топшириқ (38-расм).

I. Двигатель мой таглигининг деталлары қайсы рақамлар билан белгиланған: тұқиши тешигининг түкіні (а), мой таглиг (поддон) (б), зичлагиң (в), мой фланеци (г), түсгің-ажратиң (д), мис-асбест зичлагиң (е).

II. Келтирилған жағоблардан двигатель мой таглигининг вазифаси нималардан иборатлигини аниқланғ.



38-расм. ЯМЗ-236 дизель двигателининг  
мой тағлиги (картери).

1. Двигателнинг тирсакли ва тақсимлаш валлари ўрнатилади.  
2. Цилиндрлар блокини тагидан беркитиб туради. 3. Кривошип-шатуни меканизм ва газ тақсимлаш меканизмларини ифлослантидан сақлайди. 4. Мой сақлагич сифатида фойдаланилади.

III. Келтирилган автомобиль нусхаларида двигатель нечта нуқтада маҳкамланади?

1. Учта. 2. Тўртта. 3. Бешта.  
а) ГАЗ-53А; б) ГАЗ-24  
"Волга"; в) ЗИЛ-130; г) КамАЗ-5320.

#### КРИВОШИП-ШАТУНЛИ МЕХАНИЗМ МАНЗУИ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ ЖАВОБЛАР ТЎГРИДИР:

1-топшириқ. I. а (5); б(7); в(4); г(6); д(12); е(13); ё (11); ж(14); з(17); и(13); ў(15); к(16). II. 1(б). III. 1(б, в, г, д, е); 2 (а, б, в, д).

2-топшириқ. I. (а, б, д). II. 1 (а, д); 2 (в, г, д, е). III. 1 (г, в, б, а); 2 (г); (д).

3-топшириқ. I а(6); б(5); в(15, 16); г(7); д(8); е(10); ё(11); ж(9); з(12, 19, 24, 29); и (3,13); ў(25); к(17,28); л(31); м(33); н(1); о(20); п(18); р(23); с(2); т(21). II. а (15); б(2); в(31); г(1). III. а(28,17); б(18); в(6); г(33).

4-топшириқ. I. а(3); б(1); в(2); г(6); д(4); е(5). II. а(6); б(1); в(4). III. (1,3).

5-топшириқ. I. 1(2); 2(1); 3(3); 4(4); 5(5). II. а(1); б(2) ёки б(3,4,5); в(4); г(5). III. а(1); б(2).

6-топшириқ. I. а(11); б(7); в(5); г(9); д(6); е(10); ё (1); ж(8); з(3). II. а(5); б(6); в(9). III. 1. а(1); б(9,11); в (ўзаро алмашмайди).

III. 1. а(5); б(5); в(5); г(4). 2. а(4); б(4); в(4); г(3). 3. а(90); б(90); в(180); г(120); 4. а(олдинги учида); б(олдинги учида); в(олдинги учида); г(кетинги қисмида); 5. а(чўян); б(пўлат); в(чўян); г(пўлат).

7-топшириқ. I. а(15); б(12); в(16); г(14); д(1); е(3); ё (7); ж(11); з(6,8); и(4, 10, 5, 9); ў(13); к(2); II. 1. (в). III. 1(2); 2(а); 3(в); 4(6).

8-топшириқ. I. 1(а); 2(в); 3(б); 4(г); II. а(7); б(1); в(3); г(2); д(6, 4, 5); III. 1(а); 2(г); 3(б); 4(в).

9-топшириқ. I. а(6); б(1); в(3); г(2); д(4); е(5). II. (2, 3, 4). III. 1(б,в); 2(а); 3(г).

## 5-бөл. ГАЗ ТАҚСИМЛАШ МЕХАНИЗМИННИГ ТУЗИЛИШИ, ИШЛАШЫ ВА КОНСТРУКТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 23-§. Газ тақсимлаш механизмининг вазифаси ва ишлаш услуби

Газ тақсимлаш механизми цилиндрга сүриш тактида ёнувчи аралашма (карбюраторли ва газли двигателларда) ёки ҳаво (дизелларда) киритиш, сиқишиш ва иш тектларида эса цилиндрни ташқи муҳитдан чеклаб қўйиш ҳамда чиқариш тактидаги ишлатилган газларни ташқи муҳитга чиқариб юбориш учун хизмат қиласи. Автомобиль двигателларига асосан клапанли газ тақсимлаш механизми ўрнатилади.


Тўрт тактли автомобиль двигателларидаги клапанлари пастда (цилиндр блокининг ён томонида) ёки юқорида (цилиндр каллагида) жойлашган газ тақсимлаш механизм турлари ишлатилади. Клапанлари пастда жойлашган газ тақсимлаш механизмининг асосий конструктив хусусияти — цилиндрлар блокида жойлашгандигидадир. Клапанлари юқорига жойлашган газ тақсимлаш механизмида эса клапанлар цилиндрлар каллагида бўлади.

Ёнувчи аралашма ёки ҳавони цилиндрга узатиб берувчи клапанлар киритувчи, ишлатилган газларни цилиндрдан ташқарига чиқарувчилари эса чиқарувчи клапанлар дейилади. Ҳар бир цилиндрда асосан, битта киритиш ва битта чиқариш клапани бўлиб, тақсимлаш валининг муштчалари сони шу клапанлар сонига тенг бўлади. Масалан, тўрт цилиндрли двигателда 8 та, олти цилиндрли двигателда эса 12 та клапан бор.

Тўрт тактли двигателнинг иш цикли давомида унинг тирсакли вали икки марта айланганда ҳар бир клапан бир мартадан очилиши лозим. Демак, тирсакли вал икки марта айланганда двигателнинг тақсимлаш вали бир марта айланар экан. Шунинг учун улар орасидаги узатмалар сони  $\frac{1}{2}$  га тенг.

Клапанлари пастда (цилиндрлар блокида) жойлашган газ тақсимлаш механизми асосан бензинда ишлайдиган карбюраторли ва газсимон ёнилгига ишлайдиган карбюратор-аралаштиргичли двигателларда ишлатилади. Бу ҳолда клапанлар цилиндрлар блокининг ён томонида жойлашиб, уларнинг киритиш ва чиқариш клапанлари блокнинг ён қисмida бўлади (ГАЗ-52, ЗИЛ-164). Бу турдаги механизм қўйидаги деталлардан иборат: тақсимлаш вали (шестеря билан), клапанлар, клапанларни йўналтирувчи втулкалар, клапан пружиналари ва таянч шайбача, турткич, ростлаш болти ва контрграйка билан сухариклар ҳамда клапанлар каллагининг жойлашишига мулжалланган ўрипдиқлар. Тирсакли вал

Такомиллашган двигателлар учун киритиш юланани иккита ва чиқариши сипти битта ёки киритиш ва чиқариш клапанлари иккитадан ҳам бўлиши мумкин.



39-расм. Клапанлар пастда — цилиндрлар блокида жойланған газ тақсимлаш механизмі:

1 — клапан, 2 — йұналырувчы втулка, 3 — пружина, 4 — тиргак-шайба, 5 — турткүр, 6 — турткүр штулкасы, 7 — тақсимлаш вали, 8 — ростлаш болти, 9 — сухарик, 10 — блок-картер.


Пайтдагига нисбатан кичик, чунки клапан узаги цилиндр блокига қараганда күлпроқ узаяди. Турткүчларнинг ишловчи юзаларини сиилишдан сақлаш учун улар сачратилган мой билан мойланади. Клапанлари пастда жойлашган двигателларда цилиндрлар каллагининг баландлығы кичиклашади, тақсимлаш вали да клапанларнинг юритмаси эса соддалашади, лекин уларда сиқиши даражасини 7,5 дан ошириб бұлмайды. Демек, двигателнинг техник-ікәнисодиң күрсаткышлари клапанлари юқорида жойлашган газ тақсимлаш механизмиға нисбатан кам. Шунинг учун охирги пайтда бу турдаги механизм кам ишлатилмоқда.

Клапанлари юқорида жойлашган газ тақсимлаш механизмі дизель ва күпчилік карбюраторлы двигателларда (ГАЗ-24, ЗМЗ-53, ЗИЛ-130, КамАЗ-740 ва қозақ) ишлатилади. Бунда клапанлар цилиндрлар каллагида жойлашган бўлиб, ёниш бўлинмаси ихчам, сиқиши даражаси ва тўлдириш коэффициенти катта бўлади.

айланма ҳаракатини тақсимлаш шестернілари орқали тақсимлаш PDF Compressor Free Version расм). Тақсимлаш вали айланганда унинг муштаси турткүр 5 га тиради, уни тепага кутаради. Турткүчининг ростлаш болти 8 клапан 1 үзагининг тубига тегиб, уни юқорига кутаради, натижада клапан каллаги узи ўтирган ўринидиқдан тепага силжийди. Клапан кутарилганда, пружина 3 сиқилади. Цилиндр янги зиярд (ёнилгі аралашмаси ёки ҳаво) билан тўлдирилгандан ёки ишлатилган газлар чиқариб юборилгандан сунг муштча турткүр тубидан чиқади ва пружина уз кучи билан клапанин аввалги ҳолатига қайтаради, натижада клапан каллаги ўринидиқка жипс жойлашади. Пастда жойлашган клапанларнинг тиркүшини ростлаш учун турткүчининг юқориги томонидан ростлаш болти 8 га контргайка буралади. Булар ёрдамида клапан билан турткүр ўртасида керакли тиркүш ўрнатилади. Бу тиркүш двигатель сөкүк ҳолатда ишлатётган

Бу омиллар автомобиль двигательининг қувватини ва тежамкорлигини оширади. Ушбу газ тақсимлаш механизми қуйидаги деталлардан ташкил топган: тақсимлаш вали билан унинг шестеряси, коромислолар билан унинг ўқи, клапанлар, маҳкамловчи деталлар билан клапан пружиналари ва йўналтирувчи втулкалар.

Бу механизм қўйидагича ишлади: тақсимлаш вали 18 айланганда унинг муштчаси (40-расм) турткич 17 га тираблиб, уни штанга 15 билан биргаликда юқорига кўтаради. Ҳаракат штанга орқали, коромисло 11 нинг кетинги учига бураб киритилган болт 13 га ўтади ва коромисло ўз ўқи атрофида бурилади. Бурилиш натижасида икки елкали коромислонинг бир учи клапан б ўзагининг туб қисмига тегади ва уни пастга итарида, клапан пружинаси 10 сиқилади, натижада клапан каллаги ўз ўринидиги эгар 5 дан силжийди ва янги заряд (ёнилғи аралашмаси ёки ҳаво) келадиган ёки ишлатилган газлар чиқиб кетадиган тешик очилади. Клапан тўла очилган пайт турткичнинг туви муштчанинг энг юқориги қисмida турган ҳолатига тўғри келади. Тақсимлаш вали бурилган сари турткич 17 муштчанинг дўнг қисмидан четга чиқади ва штанга билан биргаликда пастга силжийди. Клапан эса пружина 10 таъсирида тепара силжийди ва туви билан коромисло 11 нинг олдинги учига қаттиқ тиради, натижада коромисло ўз ўқи 14 атрофида бурилади. Демак, кла-



40-расм. Клапанларни юқорига жойлантиган газ тақсимланган механизми:  
1 — қалпак, 2 — тарзка, 3 — штулка,  
4 — сухариклар, 5 — агар, 6 — клапан,  
7 — йўналтирувчи штулка,  
8 — қулфюслин ҳаддик, 9 — ташни шайба,  
10 — пружина, 11 — коромисло,  
12 — пинка, 13 — ростгани болти,  
14 — коромисло ўқи, 15 — штанга,  
16 — тирак, 17 — турткич,  
18 — тақсимлаш вали.

пан пружина таъсирида аввалги вазиятини эгаллайди, яъни унинг каллаги ўз ўриндигида жисп ўтиради. **PDF Compressor Free Version** айланиши иатижасида муштчасининг дўнг қисми юқориги ҳолатига келади ва ҳаракат муштча — турткич — штанга — коромисло деталлари орқали клапанга узатилади ҳамда клапан яна ўз ўриндигидан пастга силжийди. Сўнгра ҳаракат тескари йўналишда давом этади ва клапан ёпилади. Замонавий ВАЗ ва "Москвич" туркумидаги автомобильдвигателларида тақсимлашвали цилиндрлар блокининг устки қисмига жойлашган бўлиб, унинг муштчалари коромислога (ВАЗ-2103, "Москвич"-2140) еки турткичга (ВАЗ-2108, ВАЗ-2109) бевосита таъсир қиласди.

#### 24-8. Газ тақсимлаш механизмининг фазалари

Тўрт тактли двигателнинг ишлаш услуби баён қилинганда, ҳар бир такт тирсакли вал  $180^\circ$  га бурилганда содир бўлиб, клапанлар поршень чекка нуқталарга етганда очилиши ёки ёпилиши мумкинлиги шартли равишда олинган эди. Двигатель қувватини ошириш учун цилиндр ёнувчи аралашма ёки ҳаво билан кўпроқ тўлдирилиши ва ишлатилган газлардан яхшироқ тозаланиши зарур, лекин киритиш ва чиқариш жараёнлари жуда кичик вақт ичиди ўтади. Бу вақт двигательнинг тезлигига боғлиқ бўлиб,  $0,05\ldots0,0087$  с га тенг. Бундан ташқари, клапанлар дарҳол очилмайди, натижада цилиндр киритиш тактида ёнилги аралашмаси ёки ҳаво билан етарли даражада тўлмайди, чиқариш тактида эса ишлатилган газлардан тўла тозалана олмайди. Бу жараёнларнинг ўтишини яхшилаш учун клапанлар поршень юқори чекка нуқтага етмасдан олдинроқ очилиши ва пастки чекка нуқтадан ўтгандан кейинроқ ёпилиши керак. Натижада клапанларнинг очиқлик даври тирсакли валнинг  $180^\circ$  бурилишига нисбатан кўпроқ бўлади.

Одатда, клапанларнинг очилиш ва ёпилиш ҳолати тирсакли валнинг айланиш бурчаги бўйича қаралиб, поршеннинг чекка нуқталарига нисбатан градусларда ифодаланади. Шундай қилиб, киритиш ва чиқариш клапанларнинг поршень чекка нуқталарига нисбатан очиқ туриш даврини тирсакли валнинг айланиш бурчаклари орқали ифодаланиши *газ тақсимлаш фазалари* деб аталади.


Кўпинча газ тақсимлаш фазалари доиравий тасвирий чизиқ (диаграмма) шаклида ифодаланади ва у *газ тақсимлаш диаграммаси* (тасвирий чизиги) деб аталади. Мисол тариқасида ЯМЗ-238Е двигателнинг газ тақсимлашнинг тасвирий чизиги 41-расмда келтирилган. Диаграммада кўрсатилганидек, киритиш клапани тирсакли валнинг айланиши бўйича поршень ю. ч. н. га  $20^\circ$  етмасдан очилади ва поршень п. ч. н. дан  $46^\circ$  ўтгандан сўнг ёпилади. Шундай қилиб, ёнилги аралашмаси ёки ҳаво цилиндрга тирсакли валнинг  $246^\circ$  айланиши давомида кирити-

лади. Чиқариш клапани тирсакли вал айланиши бүйича поршень п.ч.н. га бб стмасдан очилади ва поршень ю. ч. н. дан  $20^{\circ}$  ўтгандан сунг ёпилади. Демак, чиқариш клапанининг очиқлик даври ҳам  $246^{\circ}$  га тенг. Бу ҳол тақсимлаш валининг муштчаларини бир хил юзали қилиб тайёрлашга имкон беради.

Тасвирий чизигида кўрсатилганидек, тирсакли валнинг айланиш йўналиши бўйича  $60^{\circ}$  давомида иккала клапан очиқ туради. Бунга клапанларнинг бараварига очиқ туриш даври дейилади. Бу даврда киритилаётган ёнилги аралашмаси ёки ҳаво ва чиқарилабётган ишлатилган газлар оқими катта шитоб кучига эга бўлади. Шунинг учун улар аралашишга улгурмайди ва янги заряд ишлатилган газлар билан ташқарига чиқиб кета олмайди. Демак, бу давр давомида цилиндр пудранади, яъни у ишлатилган газлардан тозаланади. Клапанларнинг бундай ишлаши тўлдириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Киритиш клапанининг илгарироқ очишлишига сабаб, поршень ю. ч. н. дан п. ч. н. га ҳаракатланиш пайтида киритиш тешиги тўла очилиб, у орқали цилиндрга кўп миқдорда ёнилги аралашмаси ёки ҳаво юборилишидир. Киритиш клапанининг кечикиб беркитилиши эса цилиндрни ёнилги аралашмаси ёки ҳаво билан яхши тўлдириш учун керак. Чунки киритиш тактининг охирида ёнилги цилиндрда сийракланиш бўлади, натижада поршень п. ч. н. дан ўтиб, босим ташки муҳит босимига тентлашгунча цилиндрга ёнилги аралашмаси ёки ҳаво кириб туради.

Двигателлар тез юрувчанигининг ошиши ва клапанлар кўндаланг кесимининг кичиклашуви фаза бурчакларини каттароқ танлашни талаб этади. Газ тақсимлаш фазаларини тўғри ўрнатиш учун двигателни йиғиш пайтида тақсимлаш шестеряларининг белгиланган жойларини аниқ туташтириш лозим. Газ тақсимлаш фазаларининг доимийлик даражаси клапан ўзати билан коромисло тумшуги орасидаги тирқишига риоя қилинганда сақланади. Тирқиши катталashiши натижасида клапан очишлишини давомийлиги камајади, бу тирқиши кичрайиши билан кўпайди. 4-жадвалда бъязи автомобиль двигателларининг газ тақсимлаш фазалари көлтирилган.



41-расм. ЯМЗ-238 Е автомобиль двигательни газ тақсимлаш фазаларининг доимий тасвирий чизмаси.

**Автомобиль двигателелариңнинг газ тарифтері**  
**RDF Compressor Free Version**  
 (тирсаклы валиниш бурчагы бүйича градусларда)


Двигатель	Киритиш клапаны		Кири-тиш даври	Чиқариш клапаны		Чиқа-риш даври	Иккى клапан-ниш ба-равари-га очиқ ту-риши
	ю.ч.и. такача очиқшыны	п.ч.и. дан сүнг ётили- ши		п.ч.и. такача очиқшыны	ю.ч.и. такача очиқшыны		
УАЗ-451 ДМ	24	64	268	58	30	268	54
ГАЗ-52А	9	51	240	47	13	240	22
ГАЗ-53А	24	64	268	50	22	252	46
ЗИЛ-130	31	83	204	67	47	295	78
ГАЗ-24 Д	12	60	252	54	18	252	30
ЯМЗ-236	20	56	256	56	20	256	40
ВАЗ-2106	12	40	232	42	10	232	22

### 25-§. Газ тақсимлаш механизмининг деталлари


Клапандар цилиндрнинг киритиш ёки чиқариш тешикларини очиб-ёпиб тураси (42-расм). Клапан каллак 1 ва ўзак 2 дан иборат. Клапаннынг каллак қисми конуссимон фаска 4 ли бўлиб, у клапан ўринидигига жипс ўтқазилади. Клапан ўзаги цилиндрик шаклда ясалиб, кетинги учидан клапан пружинасини маҳкамалайдиган деталлар учун мўлжалланган ҳалқасимон ариқча 3 ўйнилган. Клапандан ўзакка ўтиш жойи каттароқ радиусли булиши керак. Бунда каллакнинг мустаҳкамлиги ва иссиқлик ўтказувчанилиги ошади, бундан ташқари, янги ёнилғи аралашмасининг клапан атрофидан цилиндрдага сизлиқ ўтиши яхшиланади. Киритиш ва чиқариш клапандаридаги иш фаскасининг бурчаги  $45^\circ$ . Чунки бундай бурчакли фаска клапаннинг мустаҳкамлигини оширади ва жипс ишлашини таъминлайди. Цилиндрни ёнувчи аралашма билан яхшироқ тўлдириш мақсадида киритиш клапаннинг каллаги чиқариш клапаннинг каллагига нисбатан каттароқ ишланади. Клапан каллагининг шакли текис-тарелкасимон (42-расм, а), лоласимон (42-расм, б) ва қавариқ (42-расм, в) булиши мумкин. Текис-тарелкасимон клапан фақат карбюраторли двигателларда, лоласимон ва қавариқ каллакли клапандар, асосан, дизелларда ишлатилади.

Клапанлар оғир иш шароитларыда ишлайди (ишлатылған газларни цилиндрдан ташқарып чиқариш шундай шароитдір). Бұйында чиқариш клапанларининг каллагы карбюраторлық двигателларда 800..850°C гача, дизелларда және 500..600°C гача қозиниди. Бундай катта ҳарорат чиқариш клапани каллагы иш фаскасининг күйишига, қийшайишига ва қурум ҳосил бўлишига олиб келади. Киритиш клапанлари және чиқариш клапанларига нисбатан анча енгил шароитда ишлайди, шунинг учун киритиш клапанларининг каллагы чиқариш клапанларининг каллагига нисбатан иккى марта кам қозиниди. Киритиш клапани хромли пұлатдан, чиқариш клапанлари және иссиқбардош пұлат синхромдан тайёрланади. Баъзан иссиқбардош пұлат синхром фақат чиқариш клапанлари каллагини тайёрлаш учун ишлатылади, ўзаклари және хромли пұлатдан тайёрланиб, сунгра бу қисмлар пайвандланади.

Оғир иш шароитида ишлайдыган чиқариш клапанларининг хизмат муддатини ошириш учун (ЗИЛ-130 және ЗМЗ-53) уларнинг ишлайдыган қия сиртіга ўтга ўта чидамли ЭП-332 белгіли пұлат әртүрлі құйилади ва шу клапан стерженнинг ичи ковак қилиб ишләниб, унга иссиқликкин яхши тарқатыш имконини берадыган натрий тұлдирілади. Юқорида айтылған сабабларга күра баъзи двигателларда (ЗИЛ-130, ЗИЛ-111 және бөшқалар) чиқариш клапанлари маңсус механизм (43-расем) ёрдамида иш пайтida мажбуран айлантирилади, шунда клапанларнинг фаскасида қурум ҳосил бўлмайди, натижада уларнинг иш муддати ошади. Бу механизм цилиндрлар головкасында үйиқасининг клапан йўналтирувчи втулкасига ўрнатылған. Клапан пружинаси 4 тиражк шайба 3 га тиради. Клапан ёпиқ пайтда айлантириш механизмининг диски пружинаси 5 тұғриланади. Бунда пружинанинг ички чети корпус 1 елкасида узоқлашади ва клапан пружинаси шарикларга таяниб, барча босимни уларга ўтказади. Кейинчалик шариклар корпус ариқасининг үйиқларига тушиб, диски пружина 5 ни ва у билан бирге клапан пружинаси 4 нинг тиражк шайбаси 3 ни ҳамда клапанни буради. Клапан ёпилгандан барча деталлар ўз ҳолатига қайтади. Демек, айлантириш механизмни ёрдамида клапан ҳар очилиб-ёпилгандан, оз-оздан бурилиб, ўз ўқи атрофида айланади. Бунинг натижасида клапан-



42-расем. Клапанлар:  
а — тарелкасмоп, б — дискасмоп,  
в — қабарик.



43-расм. Клапанларни совитини ва уларни аныктириши механизми.

дан иссиқлик ташқи мұхитта цилиндрлар блоки орқали бир меңдерда тарқатылып, сийлиши камаяды ва ишлаш мүддати ортади.

Клапаннинг йұналтирувчи втулкалари 7 (40-расмга қаранг) киргизма қилиб чұяндан ёки металлокерамик қотишмадан (ЗИЛ-130) тайёрланади.

Клапан пружиналари 10 (40-расмга қаранг) клапанлар берклигіда уларни үриндиққа жипс сиқиб, әспік ҳолда ушлаб турады ва кейинчалик ташқи күчлар таъсирида клапанларни очиш учун хизмат қилади. Пружина яхши ишлаши учун етарлы даражада эластик бўлиши керак. Клапанлар пастда жойлашганда битта, юқорида жойлашганда эса ҳар бир клапанга иккита ёки учтадан пружина ўрнатилади. Пружиналар легирланган пўлатдан тайёрланган диаметри  $3 \div 5$  мм ли симдан ясалади.


Штангалар 15 (40-расмга қаранг) клапанлар юқорида жойлашганда ҳаракатни турткычдан коромисло орқали клапанга узатып беради. Улар мустаҳкам ва снгил бўлиши лозим. Штангалар ўзаксимон пўлатдан тайёрланиб, юқори қисмiga тобланган пўлатдан конусимон тутқич киргизилган. Пастки қисми штанга билан бир бутун қилиб сўйри(сферик) шаклда ясалади.

Коромисло 11 (40-расмга қаранг) штангадаги ҳаракатни клапан үзагига узатиш учун хизмат қиласы. У иккى елкали бўлиб, углеродли пўлатдан штамповкаланади. Унинг бир уни ростлаш болти 13 орқали штангага уланади, бошқа елкаси эса клапанинг үзагига таянади. Иссиклик тирқишини ростлаш тузилмаси штанганинг коромисло билан уланадиган ерида жойлашади. Коромислолар қўзғалмас ўққа ўрнатилиб, ундаги втулкада ёки игнали подшипникда бурилади. Ўқнинг ички бўшлиғидан коромислони мояш учун мой ўтади.

Турткич тақсимлаш валининг муштчаларидан ҳаракатни бевосита клапанларга (пастки) ёки штангаларга (клапанлари юқорида жойлашганда) узатади. Турткич сұлрисимон (сферик), қўзиқоринсимон, цилиндрик ва роликли булади. Клапанлар юқорида жойлашганда турткичлар 17 (40-расм) ичи ковак цилиндрик шаклда бўлиб, бу уяга штанганинг кетинги учидаги сферик каллак таянади. Улар сифатли пўлатдан тайёрланиб, ишловчи юзлари юқори частотали электр токи билан тобланади.

Иссиклик тирқиши ростлаш мақсадида пастда жойлашган клапанлар учун турткичнинг юқори қисмига контрграйкали ростлаш болти 8 (39-расм) киргизилади. Бу тирқишии вақти-вақти билан текшириш ва ростлаш ишларидвигатель совуқдигида олиб борилади. ЗИЛ-130 двигателида бу тирқиши коромисло ва клапан үзаги оралиғида бўлиб, ростлаш винти ёрдамида 0,25—0,30 мм қилиб мақбул ҳолатга келтирилади.

Тақсимлаш вали клапанларни муштчалар ёрдамида маълум тартибда очиб-ёпди ва двигатель тармоқларига киравчи асбобларни ҳаракатга келтиради. Тақсимлаш вали (44-расм), таянч бўйинлар 1, муштча 2, тақсимлаш шестеряси 3, ёнилги насосини ҳаракатга келтирувчи экскентрик 4, мой насоси ва узгич-тақсимлагични ҳаракатга келтирувчи винтсимон шестеря 5 дан тузилган. Тақсимлаш вали сифатида сифатли пўлатдан болғаланиб ёки маҳсус чўяндан қўйма қилиб ясалади. Таянч бўйинлар билан муштчаларнинг ейилишига бўлган қаршилигини ошириш учун уларнинг ташқи қатламига химиявий термик ишлов берилади ёки юқори частотали электр токи билан тобланади. Тақсимлаш вали юритмасининг конструкцияси унинг жойланишига боғлиқ бўлиб, бунда қия тишли шестерялар (44-расм, б), занжирли узатмалар ёки оралиқ торсион валли конус шестерялар (44-расм, в) қўлланилади. Бу шестерялар чўяндан (ЗИЛ-130) ёки текстолитдан (ЗМЗ-53) қия тишли қилиб тайёрланади. Клапанлар поршенинг цилиндрдаги вазиятига ва иш циклининг ўтишига мос равишда очилиши ва ёпилиши лозим. Бунинг учун шестерялар маҳсус қилингандан белгиларга қараб ўрнатилади (44-расм, б). Тирсакли валнинг ўқ бўйича силжимаслиги учун блокнинг олд деворига пўлатдан ясалган таянч фланец маҳкамланади.



44-расм. Тақсимлаш валии ва юртма чызмалари.

## 4-мавзу. ГАЗ ТАҚСИМЛАШ МЕХАНИЗМИ

## 1-топшириқ (45-расм).

I. Расмда газ тақсимлаш механизмининг турлари қайси күринишда берилган:

а) ...? б) ...?

II. Расмда газ тақсимлаш механизмининг деталлари қайси рақамлар билан күрсатилған:


тақсимлаш валининг муштаси (а), клапан ўринидиги (б), турткыч (в), клапан (г), тирсакты вал (д), тақсимлаш валининг шестерясы (е), ростловчи болт (ж), шайба (ж), пружина (з), коромисло (и), коромисло ўқи (й), коромисло кронштейни (к), коромисло штангаси (л), тирсаклы валининг тақсимлаш шестерясы (м).

III. Газ тақсимлаш механизмининг асосий вазифаси нимадан иборат?

1. Карбюраторлы двигатель учун. 2. Дизель двигательи учун.

а) Иш аралашмасини ўз вақтида цилиндрларга киритиш ва ишлаб бўлган газларни чиқариш; б) ёнилғи аралашмасини цилиндрларро тақсимлаш; в) ёнилғи аралашмасини ўз вақтида цилиндрларга киритиш ва ишлаб бўлган газларни чиқариш; г) ҳавони ўз вақтида цилиндрларга киритиш ва ишлатилган газларни чиқариш.

## 2-топшириқ (46-расм).




45-расм. Газ тақсимлаш механизмининг тасвирий чизмаси.

I. Расмда газ тақсимлаш механизми деталлари ва уларнинг қисмлари қайси рақамлар билан кўрсатилган:

йўналтирувчи втулка (а), клапанлар (б), пружиналар (в), таянч-шайбалар (г), клапанни айлантирувчи механизм (д), клапан тарслалари (е), тақсимлаш валининг таянч бўйинлари (ё), тақсимлаш валининг муштchalари (ж), тақсимлаш валининг эксцентриги (з), мой насоси ва узгич-тақсимлагичнинг юртиши шестерняси (и), таянч фланец (й), тақсимловчи шестернянинг ўрнатиш белгиси (к), турткичлар (л), штанга (м), коромисло (н), коромисло ўқи (о), коромисло тиргаги (п), контрграйкали созловчи винт (р), тақсимловчи валнинг втулкалари (с), тақсимловчи шестерня (т).

II. I. Расмдаги кўринишдан газ тақсимлаш механизмининг қайси детали қандай вазифани бажаришини аниқланг:

а) цилиндр каллагидаги ёки блокдаги клапанни очиб ва ёпиб туради; б) муштча юзасига турткич ёки қоромислони ҳар доим сиқиб туради ҳамда клапанни ёпиқ ҳолатда зич тутиб туради; в) клапанни ўриндигига мустаҳкам ўрнатишга имкон яратади, г)



46-расч. ЗИЛ-130 двигатели газ тақсиядан меканизмнин деталдары.

инерция кучларини қабул қилиб, клапан күтарилиган ва пастга тушган вақтида турткич ёки коромислони доимо муштча сиқиб туради.

2. Расмда газ тақсимлаш механизмининг қайси деталлари:

а) Тақсимлаш валининг ўқ бўйлаб йўналган кучини қабул қиласди? б) Узгич-тақсимлагич ва мой насосини ҳаракатга келтиради? в) Штангадан клапанга куч узатади? г) Тақсимловчи валдан коромислога куч узатади?

III. Қуйидагидвигателларнинг газ тақсимлаш механизми қандай вазифаларни бажариши келтирилган жавоблардан аниқланг.

1. ЗМЗ-53. 2. ВАЗ-2106. 3. ЗИЛ-130. 4. ЯМЗ-236.

а) Цилиндрларга ёнилғи аралашмаси киритиш ва ишлаб бўлган газларни чиқариш учун киритувчи клапанларни очиб ва ёпиб туради, ҳамда узгич тақсимлагични, мой насосини ва ёнилғи насосини ҳаракатга келтиради; б) двигательнинг қабул қилинган ишлаш тартибига ва ишлаб бўлган газ тақсимлаш фазаларига мувофиқ иш циклини амалга ошириб, клапан механизмини бошқариб туради; в) тирсакли вал айланиш частотасининг марказдан қочма ҳамма режимли регуляториши ва олдинроқ ёнилғи пуркаш автоматик муфтасини ҳамда юқори босимли насос юритмасининг валини ҳаракатга келтиради, ҳавони цилиндрларга киритади ва ундан ишлаб бўлган газларни ташқарига чиқаради; г) тирсакли вал айланиш частотасини марказдан қочма-вакуум чекловчини, узгич-тақсимлагични ҳамда ёнилғи ва мой насосини ҳаракатга келтиради. Ёнилғи аралашмасини цилиндрдага юбориш учун киритиш клапанини ва ишлатиб бўлинган газларни цилиндрдан чиқариб туриш учун чиқариш клапанларини очиб туради.

3-топшириқ (47-расм).

I. Расмдан қуйидагидвигателларга тегишли газ тақсимлашвали юритмасининг конструкциясини аниқланг:

1. ЗМЗ-53. 2. ВАЗ-2101. 3. ЗИЛ-114.


II. Тақсимлаш вали юритмасининг деталлари қайси рақамлар билан кўрсатилган:

занжирнинг тебранишини сўндиригич (а), занжирнинг чўзилишини ростловчи механизм (б), ростловчи механизмининг колодкалари (в), тақсимлаш юритмасининг занжiri (г), тақсимлаш юлдузчаси (д), тирсакли валининг тақсимлаш шестеряси (е), тақсимлаш валининг тақсимлаш шестеряси (ё), шестеря гулчаги (ж), тақсимлаш валининг олдинги таянч бўйни (з), тирак фланец (и).

III. 1. Тақсимлаш шестерясининг шовқинини камайтириш ва равон ишлашини ошириш учун қандай тишли қилиб ясалади? 2. Тақсимлаш валининг шестерялари қандай материалдан тайёрланган? 3. Тирсакли валининг тақсимлаш шестерялари қандай материалдан ясалади?

4-топшириқ (47-расм).

I. Кўрсатилган кўринишдаги газ тақсимлаш юритмасининг деталлари қандай аҳамиятга эга?



47-расм. Газ тақсимлаш валининг турлари.


I. 3-күриниши. 2. 10-күриниши. 3. 11 ва 12-күринишилар. а) тақсимлаш валининг ўқ бўйлаб силжинин чеклайди; б) занжир 7 нинг белгиланган тарангликда тортилишини таъминлади; в) занжир етакчи участкасининг ҳаддан ташқари тебранишини камайтиради.

II. Қайси клапандан ва нима учун унинг каллаги каттароқ диаметрда ясалади?

1. Цилиндрни яхши тозалаш учун, чиқариш клапанида.
2. Цилиндрни яхши тўлдириш учун, чиқариш клапанида. 3. Ислекликни яхши тарқатиш учун, чиқариш клапанида.

III. Клапан билан туртқиҷ ёки клапан билан коромисло орасидаги тирқиши нима учун керак?

1. Ҳамма клапанларни бир хил ўрнатиш учун.
2. Газ тақсимлаш механизмининг деталларини иссиқликдан ҳимоя қилиш учун.
3. Клапаннынг аста-секин очилиши ва ёпилиши учун.



48-расм. Газ тақсимлани фазалари тасвирий чизиги (диаграммаси):

а — гүрт тектеллиниң умумий фазалари тасвирий чизиги; б — ЗИЛ-130 двигателининг фазалар тасвирий чизиги; в — КамАЗ двигателиниң фазалар тасвирий чизиги.

- ёнилгі аралашмасини киритишни илгарилатыш фазаси;
- ишлаб бұлған газларни чиқаришни илгарилатыш фазаси;
- киритиш клапанинни кечиктириб ёпиш фазаси; г) чиқариш клапанинни кечиктириб ёпиш фазаси.

II. Көлтирилтган саволларга мос келувчи жаоболарни анықланы:

- Тақсимлаш фазаси деб нимага айтылади?
- Клапанлар бараварига очиқ деганда нима тушунилади?
- Цилиндрларни ёнилгі аралашмаси билан тез ва яхши түлдириш учун нима күзде тутилған?
- Тақсимлаш фазаларининг диаграммаси деганда нима тушунилади?

а) Яңғы ёнилгі аралашмаси ва ишлаб бұлған газлар оқимининг бараварига бир-бириға тескари ҳаракатланиши; б) киритиш ва чиқариш клапанларининг поршенні чекка нұқталарига нисбатан очиқ туриш даврининг тирсакли вал айланиш бурчаклари орқали ифодаланиши; в) киритиш ва чиқариш клапанларининг бир хил пайтдаги очиқ ҳолатига кривошиппнинг бурилиш бурчаги мос келиши; г) клапанларнинг очилиш яғни ёпилишларининг тирсакли вал бурилиш градусларыда доиравий чизік тарзда ифодаланиши.

III. 1. Тирсакли валнинг чекка нұқталарига нисбатан бурилиш бурчагини клапанларнинг градусларда ифодаланған очилиши ва ёпилиш пайтлари орқали күрсатынг:

а) поршень ю. ч. н. га етмасдан олдин очилади; б) поршень п. ч. н. дан ўтгандан сұнг ёпилади; в) поршень п. ч. н. га келмасдан олдин очилади; г) поршень ю. ч. н. дан ўтгандан кейин ёпилади.


2. Чиқариш клапани поршень чекка нұқталарга етмасдан олдин-роқ очилиши ва кечикироқ ёпилиши нима учун зарур?

а) цилиндрларнинг тозаланишини яхшилаш учун; б) клапаннинг яхши совитилишини таъминлаш учун; в) аралашманинг тўлиқ ёнишини таъминлаш учун.

#### 6-топшириқ (49-расм).

I. Қўйида келтирилган газ тақсимлаш диаграммаларидан тирсакли валнинг айланиши бўйича:

1. Двигатель иш циклидаги киритиш такти фазалари; 2) двигатель иш циклидаги чиқариш такти фазалари неча градусга тенг эканлигини топинг.



49-расм. ГАЗ-24 "Волга", ЗМЗ-53, ЯМЗ-240 автомобилъ двигателларининг газ тақсимлаш фазалари тасвирий чизиги

а) ЗМЗ-53А; б) ГАЗ-24 "Волга"; в) ЯМЗ-230.

II. Қўйидаги саволларга мос келувчи жавобларни топинг:

1. Двигателнинг ишлаш тартиби деб нимага айтилади? 2. Цилиндрларнинг ишлаш тартиби нимага боғлиқ? 3. Тирсакли вал билан тақсимлаш вали айланишлари сони частоталарининг нисбати нима учун зарур?

а) Тақсимлаш вали ва тирсакли валнинг узатиш сонига ҳамда тирсакли валнинг айланиш сонига боғлиқ; б) клапанлар битта иш цикли давомида бир мартадан очилиши учун; в) двигателнинг ҳар хил цилиндрларида бир хил трактларнинг маълум тартибда тақрорланиши; г) тирсакли вал шатун бўйинларининг ва тақсимлаш вали муштчаларининг қандай жойланишига.

III. Двигатель цилиндрлари бўйича бир хил исмли трактлар тирсакли вал бурилишининг қайси бурчагида алмашади?

1. ЗМЗ-53А? 2. ГАЗ-24? 3. ЗИЛ-130? 4. ЯМЗ-240.

а) 45°; б) 90°; в) 120°; г) 180°.

#### 7-топшириқ (49-расм).

I. Қўйида келтирилган газ тақсимлаш тасвирий чизиги орқали тирсакли валнинг айланиш бурчаги бўйича градусларда клапанларнинг очилиш ва ёпилиш пайтларини топинг:

1. Киритиш клапанининг ю. ч. и. га етмасдан барқақт очила бошланиш пайти.

2. Киритиш клапанининг п. ч. н.дан ўтгандан кейин кечикиб ёпилиш пайти.

3. Чиқариш клапанининг п. ч. н. га етмасдан барвақт очила бошланиш пайти. 4. Чиқариш клапанининг ю. ч. н. дан кейин кечикиб ёпилиш пайти.

II. 1. Поршень ю. ч. н.дан ўтгандан сўнг чиқариш клапанини очиқ қолган вақти. 2. Поршень п. ч. н.дан ўтгандан сўнг киритиш клапанининг очиқ қолган вақти. 3. Поршень пастки чекка нуқтага етмасдан чиқариш клапанининг очилиш вақти. 4. Поршень п. ч. н. га етмасдан олдин киритиш клапанининг очилиш вақти деб нимага айтилади?


а) иккала клапанинг бараварига очиқ турishi; б) киритиш клапанинг баравакт очилиши; в) чиқариш клапанинг кечикиброк ёпилиши; г) иккала клапанинг кечикиброк ёпилиши; д) чиқариш клапанинг баравакт очилиши; е) киритиш клапанинг кечикиброк ёпилиши.

III. Қўйидаги саволларга мос келувчи жавобларни аниқланг:

1. Тақсимлаш ва тирсакли валлар шестерняларининг нотўғри ўрнатилиши, яъни шестерняларнинг ўрнатиш белгилари тўғри келмаслиги. 2. Газ тақсимлаш механизми юритмаси шестерняларининг ейилиши; 3. Коромисло учи ва клапан ўзагининг орасидаги тирқиншининг ортиши; 4. Коромисло ва клапан ўзаклари орасидаги тирқиншининг камайиши ГТМ нинг ишлашига қандай салбий таъсир кўрсатади?

а) клапанларнинг очилиши кечикади, ёпилиши эса илгарилайди; б) клапанларнинг очилиши ва ёпилиши кечикиб боради; в) клапанларнинг очилиши барвақтлашади, ёпилиши кечикади; г) фазаларнинг силжиши рўй беради.

§ 8-топшириқ (50-расм).



50-расм. Газ тақсимлаш валини қайдловчи (фиксацияловчи) тузилмаларининг конструктив турлари.

I. Расмда таснирланган қайд қылувчи түзилмалар көлтирилган двигателнинг қайси бирида ўрнатилганинги топниш:

1. ЗМЗ-53. 2. ГАЗ-24. 3. ЗИЛ-130. 4. ЯМЗ-236


II. I. Нима учун газ тақсимлаш валининг шестернясига белги қўйилади?

а) газ тақсимлаш фазаларини тўғри ўрнатишни таъминлаш учун;

б) ёндириш пайтини ўрнатиш учун; в) валини уқ бўйича силжишини барқарорлаш ҳолатига ўрнатиш учун.

2. Поршенинг қайси ҳолатида клапан ўзаги ва коромисло учи орасидаги тирквиш ростланади?

а) бефарқ; б) сиқишиш тактиининг охирида, поршень ю. ч. н. да бўлган ҳолатда; в) киритиш тактиининг охирида, поршень и. ч. н. да турган пайтда.



51-расм. ЗИЛ-130 автомобиль двигательнинг айланими механизмига ога бўяланган киритиш клапани конструкцияси.

**III.** Қўйида келтирилган камчиликларнинг қайси бирида двигателининг қуввати камаяди ва блок каллагида тақиллаш рўй беради?

- а) клапан учи билан коромисло орасидаги тирқиш камайганда;
- б) клапан ўзаги билан коромисло учи орасидаги тирқиш кўпайганда; в) клапанлар ўз уяларида жипс ётмаса.

**9-тотшириқ (51-расм).**

**I.** Чиқариш клапанини айлантирувчи механизмининг деталлари қайси рақамлар билан кўрсатилган?

Қайтарувчи пружина (а), шарча (б), дискли пружина (в), клапан пружинаси (г), таянч шайба (д), клапанининг йўналтирувчи втулкаси (е), чиқариш клапани (ф), айлантирувчи механизмининг корпуси (ж), қулфли ҳалқа (з), пружина тарелкалари (и), сухарь (й), натрийли тўлдирма (к), клапан ўринидиги (л), олонбардош қатлам (м), тиқин (н), цилиндрлар каллаги (о).

**II. I.** Чиқариш клапанини айлантирувчи механизмининг вазифаси нимадан иборат?

- а) иш фаскасида куйинди ҳосил бўлишига йўл қўймайди; б) чиқариши клапани каллаги бир месъёда қизийди; в) чиқариш клапанининг ишлаш муддатини узайтиради.

**2. Клапанининг қайси ҳолатида пружина 5 сиқилади?**

- а) очиқ ҳолатида; б) ёпиқ ҳолатида.

**3. Клапанининг қайси ҳолатида пружина 5 даги кучланиш камайди? а) ёпиқ ҳолатида; б) очиқ ҳолатида.**

**III. Айлантирувчи механизмининг қайси детали дискли пружина 6 ва таянч шайба 4 ни ҳамда клапан пружинаси 5 ни айлантиради?**

- а) клапанининг йўналтирувчи втулкаси; б) қайтариш пружинаси; в) шариклар.

**10-тотшириқ (52-расм).**

**I.** Расмда тасвирланган газ тақсимлаш механизми қўйилтирилган двигателларнинг қайси бирига тааллуқлилигини топинг?

- 1. ЗМЗ-53. 2. ГАЗ-24. 3. ЗИЛ-130. 4. ЯМЗ-236.

**II. Қўйидаги келтирилган двигателларнинг иш тартиби қандай болири бўлади?**

- 1. ЗИЛ-130. 2. ГАЗ-24. 3. ВАВ-2101. 4. ЗМЗ-53. 5. ЯМЗ-236.

**a) 1—2—4—3; б) 1—3—4—2; в) 1—4—2—5—3—6; г) 1—5—3—6—2—4; д) 1—5—4—2—6—3—7—8.**


**III. 1. ГАЗ-53 двигателида коромисло ва клапан орасидаги тирқишнинг қиймати қанча бўлиши керак?**

- а) 0,25...0,30мм; б) 0,40...0,55 мм; в) 0,10...0,30 мм.

**2. Клапан пружиналарининг иш ҳолати қандай?**

**а) сиқилган ва эркин; б) ҳар доим чўзилган; в) ҳар доим сиқилини.**

**3. Поршеннинг чекка нуқталарга нисбатан қайси ҳолатида коромисло учи билан клапан ўзаги орасидаги тирқиш ростланади?**



52-расм. Газ тақсимлаш механизмнин ұар хил конструкция түрлари.

а) сиқиши тақтаниң охирида поршень ю. ч. и га етстанда; б) киритиши тақтаниң охирида поршень п. ч. и га босстанда; в) бефарқ.

**ГАЗ ТАҚСИМЛАШ МЕХАНИЗМЫ МАВЗУИ ЮЗАСИДАН  
ҚҰЙИДАГИ ЖАВОБЛАР ТҮГРИДІР**

I-топшириқ. I. а) клапанлари пастда жойлашған. б) клапанлари юқорида жойлашған. II. а (10), б(6), в(9), г(5), д(3), е(1), ё(4), ж(8), з(7), и(11), й(12), к(13), л(14), м(2). III. 1(в), 2(г).

2-топшириқ. I. а(10), б(9), в(12), г(11), д(21), е(17), ё(4), ж(6,7), з(5), и(20), й(3), к(1), л(19), м(18), н(14), о(13), п(16), р(15), с(18), т(2). II. 1. а(9), б(в, г) (12). 2. а(13), б(20), в(14), г(18). III. 1(г), 2(а), 3(г), 4(в).

3-топшириқ. I. 1(а), 2(в), 3(б). II. а(10), б(12), в(11), г(7), д(8,9), с(1), ё(2), ж(6), з(4), и(3). III. 1 (қийшиқ тишли). 2 (текстолитдан). 3. (пұлатдан).

4-топшириқ. I. 1(а), 2(в), 3(б). II. (2). III. (3).

5-топшириқ. I. 1(а), 2(в), 3(б), 4(г). II. 1(б), 2(в), 3(а), 4(г). III. 1. а — бурчак остида киритиш клапани; б) ә — бурчак остида киритиш клапани; в) ү — бурчак остида чиқариш клапани; г) ғ — бурчак остида чиқариш клапани. 2(а).

6-топшириқ. I. 1. а(268), б(252), в(256). 2. а(252), б(252), в(256). II. 1 (в), 2(г), 3(б). III. 1(б), 2(г), 3(б), 4(в).

7-топшириқ. I. 1. а(24), б(12), в(21), г(20). 2. а(64), б(60), в(75), г(56). 3. а(56), б(54), в(57), г(56). 4. а(22), б(18), в(39), г(20). II. 1(в), 2(е), 3(д), 4(б). III. 1(б), 2(а), 3(в), 4(г).

8-топшириқ I. 1(1), 3(б), 4(а). II. 1(а), 2(б). III. (6).

9-топшириқ. I. а(10), б(3), в(9), г(6), д(4), с(12), ё(1), ж(2), з(5), и(7), й(8), к(11), л(13), м(14), н(15), о(16). II. 1(а,б,в), 2(а), 3(а). III. (в).

10-топшириқ. I. 1(б), 2(г), 3(в), 4(а). II. 1(а), 2(а), 3(б), 4(д), 5(в). III. 1(а), 2(в), 3(б).

## 6-бөб. СОВИТИШ ТАРМОГИ

### 26-§. Совитиши тармогининг вазифаси ва таснифи.

Совитиши тармоги двигателнинг қизиган деталларидан иссиқликни мажбуран ташқи муҳиттега тарқатиб, унинг керхакли иссиқлик маромида ишлашини таъминлади. Двигателда иш циклининг ўртача ҳарорати 1070...1270 К (800..1000°C). Бундай ҳароратда кривошип-шатунли ва газ тақсимлаш механизмининг деталлари қизиб кетади, ишқаланувчи юзалар орасида мой куйиб, ишқаланиш ҳаддан ташқари ошиб кетади. Натижада поршень ҳаддан ташқари кенгайиб, цилиндр ичидә тиқириб қолади, подшипниклар эса эриб кетиши мумкин. Шу сабабли двигательнинг қизиган деталларидан иссиқликни узлуксиз равишда ташқи муҳиттега тарқатиб туриш лозим. Лекин двигатель ҳаддан ташқари совитиби юборилса ҳам иссиқлик энергияси бескорга сарф бұлади, мой қуюқдашиб, ишқаланишга сарфланадиган қувват ошади. Удан ташқари, ёнувчи аралашма қисман томчига айланиб, цилиндр-поршень гурухига киравчи деталларнинг сиилиши ортади.

Демек, двигательнинг жуда қизиб кетиши ёки ҳаддан ташқари совиб қолиши уннег фойдалы құвватини камайтириб, тежамкорлыгини ёмонлаشتыради. Совитиши тармоги эса двигательнинг иш-


лаши учун қулай бўлган иссиқлик маромини белгиланган ҳолда сақлаб туради.

Автомобильдвигателларида, асосан, суюқлик ёки ҳаво билан совитиш тармоқлари қўлланилади. Суюқлик билан совитиш тармоғи ҳаво билан совитишга нисбатан қўйидаги афзалликларга эга: 1) қўлланиладиган суюқликнинг қайнаш ҳарорати  $370\ldots380^{\circ}\text{K}$  ( $100\ldots110^{\circ}\text{C}$ ) бўлганлиги сабабли двигателнинг деталлари қаттиқ қизиб кетмайди; 2) совутувчи суюқлик двигателдан чиқаётган шовқин токушини қисман ютади; 3) юргизиш даврида двигателнинг қизиши тезлашади; 4) бу турдаги двигателни совитиш қовурғалари бўлмаганлиги сабабли у силлиқ ва ихчам бўлади. Ҳаво билан совитиш тармоғнинг афзалликлари қўйидагилар: 1) тармоқда сув насоси, радиатор, сув қувурча, термостат йўқлиги сабабли у оддий ва снгил ишланган; 2) двигателда сув гилофи бўлмаганлиги сабабли у музлаб қолмайди; 3) сув йўқ жойларда ҳам двигателни ишлатиш мумкин.

## 27-§. Суюқлик билан совитиш тармоғи

Суюқликнинг ҳаракатланиш усули бўйича термосифон, аралаш ва мажбурий тармоқлар мавжуд.

Термосифон усулida суюқликнинг ҳаракати иссиқ ва совук суюқликлар зичлигининг фарқи туфайли табиий равишда ўтади. Арадаш усулда эса радиатордаги совитилган сув насос ёрдамида цилиндрларнинг юқори қисмига юборилади, пастки қисмига эса сув ўз табиий оқими билан оқиб тушади. Мажбурий усулда тармоқдаги суюқлик насос ёрдамида узлуксиз ҳаракат қиласди.



53-расм. Суюқлик билан совитиш тармоғнинг ишлани тасвири.

Замонавий автомобиль двигателларидар аралаш (бир қаторли двигателларда) ёки мажбурий (V-симон двигателларда) усул билан ишлайдиган совитиш тармоқлари қўлланилади. 53-расмда аралаш усул билан ишлайдиган совитиш тармоғининг соддалашган чизмаси келтирилган. Бу турдаги совитиш тармоғи аниқ ва пухта ишлайди. Одатда, бундай турдаги тармоқ совитиш филофи, радиатор, насос, термостат, бирлаштирувчи шланг ва калта оралиқ найчаларидан иборат бўлиб, қўйидагича ишлайди.

Двигатель ишлаш жараёнида радиатор 20 да совитилган сув оралиқ найча 16 ва шланг 15 орқали насос 14 ёрдамида цилиндрлар блокининг сув трақатувчи канали 10 тешиккаси 8 орқали цилиндрлар блокининг совитиш филофи 9 га киритилади. Блокдаги суюқликнинг табиий айланиши натижасида радиатор оралиқ найчаси 6 ва 4 ҳамда 3 орқали радиаторнинг юқори бакчаси 2 га ўтади. Кейинчалик, радиатор 20 да вентилятор 19 ёрдамида совитилган сув унинг пастки бакчаси 18 га оқиб тушади. Цилиндрларнинг катта ҳароратда кучли қизиган юқори қисмини яхши совитиш учун совуқ сув аввал блокининг юқори қисмидаги канал 10 нинг тешиклари 8 орқали киради. Суюқлик совитиш тармоғига радиаторининг юқориги бўғзидан қўйилади, сўнгра бўғиз қопқоқ 1 билан зич беркитилади. Тармоқни суюқликдан бўшатиш учун совитиш тармоғининг энг пастки қисмига ва радиаторнинг пастки бакчасига иккита жўмрак 12 ва 17 ўрнатилган. Тармоқдаги суюқлик ҳароратини билиш учун оралиқ термометр ва талафот дараклагичи бор. Двигателнинг белгиланган иссиқлик маромида ишлаши учун сув филофида ҳаракатланувчи суюқликнинг ҳарорати  $80\ldots95^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак. Бундай ҳарорат термостат 7 ёрдамида ўз-ўзидан ростланади.

## 28-8. Совитиш суюқлиги

Совитиш суюқлиги сифатида асосан сув ишлатилади, чунки у иссиқликни ўзига тез қабул қиласи ва тарқатади, арzon ва етарли миқдорда бўлади. Лекин совитиш тармоғида қайнаган сувнинг қўйқаси (накип) чўкиб, сув филофи, деворларида туз қатлами пайдо бўлади. Натижада цилиндрлар блокининг иссиқлик ўтказиш қобилияти сустлашади, сув филофларининг деворлари зангланиши натижасида смирилади. Сув қишида музлаб, двигателнинг деворларини дарз кетказиши ёки ёриб юбориши мумкин. Шунинг учун совитувчи суюқлик сифатида юқорида айтиб ўтилган камчиликлардан холи бўлган антифриз конг қўлланилмоқда. Антифризнинг икки хили ишлаб чиқарилади. Антифриз M-40: 47 фоиз сув, 53 фоиз этиленгликоль (музлаш ҳарорати  $233\text{K}$ ) ( $-40^{\circ}\text{C}$ ); антифриз M-65: 34 фоиз сув, 66 фоиз этиленгликоль (музлаш ҳарорати  $207\text{K}$ ) ( $66^{\circ}\text{C}$ ). Антифриз киши организми учун заҳарли. Унинг иссиқлик сигими сувникига нисбатан анча кам. Шунинг учун совитувчи суюқлик сифатида

антифриз құллапшылғанда тармоқнинг иссиқлик тарқатиши қобилияты сув билан совитилғандагыга иисбатан паст. НАУКА И ТЕХНИКА  
дөвөрининг ҳарорати 15 ... 20°C га ортиқроқ қызылди. Шу сабабли антифризнинг иссиқ кунда құлланиши барын двигательни ҳаддан ташқары қыздыриб юборади. Юқорида айтилған сабабларға күра совитувчи суюқлик сифатида қыш даврида антифриз ва ёз кунларидан тоза юмшоқ сув ишлатиш мақсадда мувофиқ. Тармоқда ишлатиш учун Әмгир ёки қор сувнан тасвия қылышади, чөнки бу сув юмшоқлық хусусиятiga әга. Бу мақсадда құдуқ, булоқ ёки денгиз сувини ишлатиш ярамайды. Даре ва құл сувларпні юмшатиш учун уни 30...40 минут қайнатылади ва совитиш тармоғига қойындан аввал беш-олти қақат дәкадан утказыб тозаланади.

## 29-§. Суюқлик билан совитиш тармоғининг түзиліші

Радиатор двигатель блокида қызыгған совитиш суюқлигининг иссиқлигини ҳаво оқими таъсирида ташқи мұхитта тарқатиб, қароратини пасайтириш учун хизмат қылады (54-расм, а). Уюқори 2 ва пастки 8 бакчалар, үзак панжаралар 1 ва маҳкамловчи деталлардан иборат суюқлик юқориги бакчанинг бүрзидан қойылады. Бүгиз қопқоқ 4 билан жипс беркитилған. Қопқоққа бүг үтказиши найчаси 3, бүг-ҳаво клапанлари үрнатылған бўлиб, радиаторнинг ички ҳажми ташқи мұхит билан шу клапанлар орқали туташади. Радиатор үзакларининг турлари найчали, пластинкали ёки асалари инисимон панжаралари бўлиши мумкин.

Найчали радиатор (54-расм, б) ЗИЛ-130, ГАЗ-53, ЯМЗ-236, ГАЗ-24 "Волга" автомобиль двигательларига үрнатылади. Улар бир нечта қатор найча 1 лардан иборат бўлиб, яесси овал ёки думалоқ кесимли бўлади. Бу найчалар ётиқ жойлаштирилган қатор юпқа пластинкалар 2 орасидан ўтиб, учлари юқориги ва пастки бакларга кавшарланади.

Пластинкали радиаторларда (54-расм, в) сув оқими кавшарлаб уланган қўш пластинкалар 4 орасида ҳосил бўлған бўшлиқ 3 да ҳаракат қылади. Пластинкаларнинг совитиш юзасини ошириш мақсадида уларни тўлқинсимон шаклда ясалади.


Асалари инисимон панжаралари радиаторларда (54-расм, г) ҳаво горизонтал жойлашган найчалар ичидан ўтади, ташқи томонида эса суюқлик ҳаракатланаади. Бундай турдаги радиаторларни тайёрлаш қийинлиги сабабли улар кам құлланилади.

Радиатор үзагининг деталлари латундан тайёрланади, уларнинг учлари 4 (54-расм, в) бир-бирига кавшарланади. Ёпиқ совитиш тармоқли двигателларда радиаторни бузилишдан сақлаши ва тармоқнинг яхши ишлаши учун радиатор қопқогида бүг-ҳаво клапани үрнатылади (54-расм: д). Бүг клапан 1, суюқлик жуда ҳам қызыб, 382 ... 385 K (109... 112°C) ва унинг босими ошиб кетганды,

штулка ёрдамида гупчак 17 ўрнатиласи, унга шкив 1 ва вентиляторнинг парраги 18 биринчирилган. Валниң кейинги уни 14 га сув насосининг парраги б ўтказилган бўлиб, ўзаро силжишдан болт ёрдамида чеклаб туриласи. Паррак алюминий корпус 5 га жойлаштирилиб, корпус 2 ва 5 қистирма 4 ёрдамида жипслаштирилган. Вал 14 га сув қайтаргич 10 ўрнатиласи бўлиб, у сувнинг подшипник бўшлиғига ўтишдан сақлади. Насос корпуси 2 дан вал 14 нинг ичи чиқиб турадиган жойга ўрнатиласи сальник бу ердан сувнинг сизиб чиқишига йўл қўймайди, 9 бу сальник резина манжет 7, пружина 8 орқали корпус 2 нинг ишлайдиган ёнаки қисмига сиқилади. Сув насоси вентилятор билан бирга цилиндрлар блокининг олдинги деворига маҳкамланган бўлиб, понасимон тасма орқали тирсакли вал шкивидан ҳаракатга келтириласи.

Автомобильдвигателларига қувватига қараб йкки ёки кўп парракли вентиляторлар ўрнатиласи.

Термостат — совуқ двигателни қиздиришни тезлатиб, совитиш глофидаги суюқликнинг мақбуллашган ҳароратини ўз-ўзидан



56-расм. Суюқлик тўлдиригичли термостатинишилари тасири:  
а — термостат клапани очиқ, б — термостат клапани ёниқ, 1 — сув насоси корпуси, 2 — баллон, 3 — тиргак, 4 — қистирма, 5 — клапан, 6 — сув ўтказувчи бўйиз (патрубок), 7 — термостат корпуси, 8 — чангак (скоба), 9 — насоси сув ўтказувчи тепликча.


ростлаб, уни белгиланган ҳароратини таъминилаб туриш учун хизмат қиласи. Құлланиладиган термостатлар иккى хил бұлды: суюқлик (ЗМЗ) ёки қаттиқ (ЗИЛ-130) түрлері. Суюқлик термостатлари баллони іопқа жездан іштеп-іштеп қылғынан айналып, суюқтың температурасын азайтады. Суюқлик термостатлари баллони іопқа жездан іштеп-іштеп қылғынан айналып, суюқтың температурасын азайтады.

Двигательде термостаттың қорынан суюқликтың температурасын азайтады. Баллон 2 термостаттинге көрсеткіші 7 га жойлаган бұлды, уннан көмегінде термостаттың қорынан суюқликтың температурасын азайтады. Баллон 2 термостаттинге көрсеткіші 7 га жойлаган бұлды, уннан көмегінде термостаттың қорынан суюқликтың температурасын азайтады.

Совитувчи гилофдаги суюқлик қарорати 343...348К (70...75°C) даңыншады. Совитувчи гилофдаги суюқлик қарорати 343...348К (70...75°C) даңыншады.


Бу турдағы термостаттың босим сезгирилгінің қарораты, шу сабабынан термоқұдайлардың суюқлығы босимининг үзгариши уннан анықталады. Натижада баллон 2 үзайды ва уннан көмегінде термостаттың қорынан суюқликтың температурасын азайтады.

Қаттиқ тұлдиргичли термостаттың көрсеткіші 7 нине (57-расем) ичига мис баллон 1 жойланып жатырылған бұлды, баллонга церезин аралаштырылған.



57-расем. Қаттиқ тұлдиргичли термостаттинге шылдан тасвири.


58-раск. Клапанлары пастка жойдаптап ГАЗ-52 двигательдин аралашынан  
исулдагы сонмын тарбоги.



рилган мис күкүні тұлдирилған. Баллон резиналы диафрагма /3/ билан ёпилған. Диафрагма устига резиналы естік /4/ орқали ұрнатылған тиргак 2 йұналтырувчи втулка /1/ ёрдамида клапан 4 га мақкамланған. Коромисло 6 шарнир равишда термостат клапани 4 билан бирлашған.

Двигатель қиздирилмаган вақтда баллон ичидеги мис күкүні қаттық ҳолда бұлады ва термостат клапани қайтарғыч пружина /3/ нинг зуриқиши билан ёпиқ ҳолда туради. Суюқлик фақат сув насосига ұтады, совитувчи суюқлик ҳарорати 343 К (70°C) дан ошгач, баллондаги күкүн әрий бошлайды ва уннинг ҳажми көнгайиб, диафрагма /3/ шток 2 ни итариб, клапан 4 ни очады, натижада суюқлик-нинг маңылум қисми радиатор томон іїналады. Ҳарорат 348...353К (75...80°C) га етгана, клапан тұла очилады ва радиатор орқали ұтадыған сувнинг миқдори янада күпаяды. Суюқлик ҳарорати камайиб, мис баллонча /II/ совитилса, клапан 4 қайтарғыч пружина /3/ таъсирида ёпилады. Натижада суюқлик яна сув насосига ұтиб, кичик доира бүйіча двигательнің сув гилофига айлана бошлайды.

Бир қаторли ГАЗ двигателларинің совитиш тармоги. Бу турдаги двигателларда совитиш тармоги аралаш усулда ишлайды. Бунда радиаторда совитилған суюқлик насос билан сұрилиб, олдин цилиндрлар сув гилофининің юқори қисмінде юборилады, кейин суюқлик табиий айланады. Натижада цилиндр деворларинің үта қизиган юқори қисми эндигина радиаторнинг пастки бачогидан келған соvuқ суюқлик билан, пастки қисми эса бу жойға етиб боргунча исишиға ултурған илиқроқ суюқлик билан совитилади. Натижада цилиндр деворларинің пастки қисми жуда совиб кетишдан сақланади. 58-расмда клапанлары пастда жойлашған ГАЗ-52 двигателинің совитиш тармоги тасвирланған. Бу турдаги двигателларда сув тақсимлаш түйнуги /1/ варақалы металлдан ясалған бұлиб, цилиндрлар гилофи /3/ нинг юқориги қисмидан ұтады. Насос /14/ ёрдамида сұрилаётған суюқлик сув тақсимлаш түйнугинің тешікчесі /2/ орқали чиқарыш клапанлари құвурнинің әнг қизиган жойига юборилади. Кейин совитувчи суюқлик цилиндрлар гилофининің пастки қисми орқали уннинг юқори қисмінде күтарилады ва цилиндрлар каллагы /4/ нинг сув гилофига ұтады. Ниҳоят, суюқлик блокда бириктирилған калта найча /6/ ва шланг /9/ орқали радиатор /17/ нинг юқори бачоги /12/ га күтарилады. Радиаторда совитилған суюқлик уннинг пастки бакчасы /19/ га оқиб тушади. Пастки бакчада йигилған суюқлик калта найча /21/ ва шланг /22/ орқали насос /14/ ёрдамида сұрилиб, цилиндрлар блокинің сув тарқатған түйнуги /1/ га юборилади. Агар двигательнің ҳарорат ҳолати паст бұлса, термостат /7/ нинг юқори клапаны ёпиқ бұллады. Бунда цилиндрлар блоки ва каллагидаги суюқлик кичик доира бүйіча, үтказиш түйнуги /8/ орқали ҳаракатланади. Двигатель қизигач, бу түйнук термостатнің пастки клапаны ёрдамида беркілади. Натижада суюқлик катта доира бүйіча ҳаракатланади. Двигателде түрт парракли вентилятор /15/ бұлиб, у тасмали юритма орқали ҳаракатни тирсакли валдан олади. Радиаторнің олдинги қисмінде, мойни совитиш учун мұлжалланған, ҳаво-мой радиаторы /16/ ұрнатылған. Вентилятор ёрдамида сұрилған ҳаво оқими түсгіч




59-расм. Клапанлари юқорида жойлашган ГАЗ-24 "Волга" двигателининг аралаш усуидаги совитиш тармоғи.

(жалюза) 18 орқали ростланади. Түсгич ҳайдовчи кабинасига чиқарилган ласта ёрдамида очиб-ёнип турилади. Кишда двигателни тез юргизиш учун тармоққа қиздиргич 23 ўрнатилган.

Клапанлари юқори жойлашган двигателларнинг совитиш тармоғи 59-расмда ГАЗ-24 двигатели мисолида келтирилган. Бу турдаги двигателларнинг сув тақсимлаш түйнуги 4 кўпинча цилиндрлар каллаги гилофи 7 нинг бўшлиғида жойлашиб, унинг маҳсус тешикчалари 6 орқали совитувчи суюқлик, чиқариш клапанларининг гилоф қувури ва ёниш бўлинмалари гилофига боради. Цилиндрлар блокининг гилофи 23 да суюқлик табиий оқим йўли билан эркин ҳаракатланади. Суюқлик кичик доира бўйича, доимо очиқ бўлган тешикча 9 орқали ҳаракатланади. Суюқлик ҳарорати 348 К ( $75^{\circ}\text{C}$ ) гача қисиб, термостатнинг клапани очилиши натижасида суюқликнинг асосий қисми радиатор 15 орқали ўта бошлайди. Тармоқда кузовни иситиш учун радиатор 3 ўрнатилган.

Бу двигателнинг вентилятори саккиз парракли қанотча 20 дан иборат бўлиб, капронли смоладан тайёрланади. Двигателнинг иссиқлик маромини ростлаш учун тармоқда қўл билан бошқариладиган түсгич 16 ҳамда вентиляторни уз-ўзидан тұхтатувчи электромагнит муфта 18 ўрнатилган.

ЗИЛ-130 двигателининг совитиш тармоғи. Бу турдаги двигателларнинг совитиш тармоғида сув мажбурий айланади. Тармоқда кабина ва киритиш қувурини иситиш, компрессорни совитиш ҳамда двигателни қиздириш учун мұлжалланган бир қатор мосламалар ўрнатилган.



Совитиш тармогининг умумий жойланишиш ва суюқликнинг айланниши (60-расмда келтирилган). Тармоқнинг сиғими иситгич сиғими билан бирга 29 л ни ташкил этади. Совитувчи суюқлик сув насоси 7 ёрдамида калта найча 18 орқали двигателининг чап ва ўнг томонида бир қатор жойлашган цилиндрлар гилофи 14 нинг пастки қисмига юборилади. Суюқлик цилиндр гильзаларининг пастки деворини юваб, унинг юқори қисмига кутарилади ва сув тақсимлатич 15 орқали цилиндрлар каллаги ва ишлатилган газларни чиқариш қувуригининг сув гилофларига ўтиб, уларни совитади. Сунг исиган сув канал 10 орқали ёнувчи аралашма киритиш қувурининг иситгич гилофи 9 га юборилади. Киритиш қувурининг иситгич гилофидан суюқлик термостат 8 орқали чиқарувчи калта найча 6 га кўтарилиди ва шланг 5 дан ўтиб радиаторнинг юқори баки 3, ўзаги 21 ва шланг 19 орқали сув насоси 7 га қайтиб келади. Двигателни қиздириш найтида термостат клапани ёпиқ бўлади, бунда совитиш тармогидаги суюқлик радиаторга ўтмаслан компрессорнинг сув гилофи 4 орқали 5 га ва ундан сув насоси 7 га ўтади. Шланг 12 ва жўмрак 11 ёрдамида кабинани иситувчи мослама 13 тармоққа уланади.

Двигателнинг сув гилофидан радиаторга чиқаётган совитувчи суюқликнинг ҳарорати асосан  $353\dots363\dots^{\circ}\text{C}$  ( $80\dots90^{\circ}\text{C}$ ) атрофифа бўлади. Лекин биз кўраётган двигателда радиатор қопқоғига ўрнатилган бүғ клапани тармоқдаги босимни ташки муҳит босимидан  $45\dots55\text{ кПа}$  ( $0,45\dots0,55\text{ кгк}/\text{см}^2$ ) гача ортишига йўл қўяди. Натижада совитувчи суюқликнинг қайноти ҳарорати  $392\text{K}$  ( $119^{\circ}\text{C}$ ) гача кўтарилиди ва сувнинг буғланиб нобуд булишини камайтиради. Ҳаво клапани сув совиб, босим ташки муҳит босимидан  $10\text{ кПа}$  ( $0,1\text{ кгк}/\text{см}^2$ ) гача пасайгандан очилади ва ташқаридан ҳаво киради.


Тармоқда совитувчи суюқликнинг мажбурий айланниши сабабли радиаторга двигательдан келастган ва радиатордан двигателга чиқаётган суюқлик ҳарорати орасидаги фарқ  $279\dots285\text{K}$  ( $6\dots12^{\circ}\text{C}$ ). Бу эса двигателнинг бир хил мақбул ҳарорат маромиди ишлаши учун қулай.

### 30-§. Ҳаво билан совитиш тармоғи

Ҳаво билан совитиладиган автомобиль двигателларида асосан ҳаво оқимини мажбурий йўналтириш усули кўлланилади. Двигателнинг цилиндр ва каллакларидан иссиқлик тарқатишини тезлатиш мақсадида уларнинг ташки делорларига қолурглар ясалган. Бу ҳол двигателнинг умумий жойланишига ва унинг баъзи қисмларининг конструкциясига таъсир этади.

Ҳаво билан совитилувчи автомобиль двигателларининг яхши совитилиши ҳаво оқимининг тезлигига, бу оқимнинг цилиндр ва киллак атрофидан айлануб ўтишига боғлиқ.

Жуда кичик литражли "Запорожец" автомобилининг ҳаво билан совитиладиган двигателининг содда чизмаси 61-расмда келтирилган. Бу двигатель тўрт цилиндрли V-симон бўлиб, автомобилнинг орқа қисмida жойлашган. Ўққа ўрнатилган паррак 1 ёрдамида ҳаво оқими цилиндрлар қатори оралиғига ҳайдалади. Двигателнинг устки томони билан олдинги ва кетинги қисми



61-расм. Ҳаво билан совитиш тармоғининг тасвирий чизмаси.

қанот билан үралган бўлиб, қанот ҳаво оқимнни цилиндр қовургалари 2 бўйлаб йўналтириш ва иссиқ ҳавони ташқи муҳитга чиқариш учун хизмат қилади. Двигатель энг катта қувват билан ишлаганда вентилятор унинг 8 фоизига яқин қувватини сарфлайди. Ана шу ва бошқа батзи камчиликларга кўра автомобиль двигателларида ҳаво билан совитиш тармоғи кам ишлатилади.

#### 5-мавзу. ДВИГАТЕЛНИНГ СОВИТИШ ТАРМОҒИ

##### I-төпшириқ.

I. Қуйидаги жараёнларда ўртача ҳарорат қанча бўлиши мумкин?

1. Йш аралашмасининг ёнишининг охирида. 2. Двигателнинг иш цикли давомида. 3. Ишлаётган двигателнинг цилиндрлар деворида.  
а) 110...120°C, б) 80...90°C, в) 800...900°C, г) 2000...2500°C.

II. 1. Замонавий автомобиль двигателларида совитиш тармоғининг асосан қандай турлари ишлатилади?

а) ҳаво билан; б) суюқлик билан.

2. Двигателнинг совитиш тармоғи қандай вазифани бажаради?

а) Двигателнинг қизиган деталларидан ажралган иссиқликни ташқи муҳитга тарқатиб, цилиндрлар блокини ниҳоятда совитиб беради; б) двигателнинг қизиган деталларидан ажралган иссиқликни ташқи муҳитга бир меъёрда тарқатиб туради; в) двигателнинг мақбул ҳароратли маромда ишлашини таъминлайди; г) двигателнинг қизиган деталларидан ажралган иссиқликни тарқатиш жараёнини ростлаб, унинг мақбул ҳароратли маромда ишлашини таъминлаб туради.

III. Қуйида келтирилган совитиш тармоқларининг афзаликлари қайси жавобда келтирилган:

1. Суюқлик билан совитиш тармоғи. 2. Ҳаво билан совитиш тармоғи.

а) совуқ двигателни иситишни тезлаштиради; б) двигатель деталларининг ўртача ҳарорати пастроқ бўлади, натижада цилин-

ларни тұлатиши жараёни яхши үтади; в) двигателнинг ишләшида шовқин камроқ чиқады; г) исеккени цилиндр ва ённи бўлинмадан тарқатиши мөъббери яхшиланади; д) цилиндрларнинг жуда ҳам совиб кетишига йўл қўймайди; с) паст ҳароратда двигателни ишга тушириши осонлаштиради.

### 2-топшириқ (62-расм).

I. Расмдаги совитиш тармоғининг деталлари ва қисмлари қайси рақамлар билан белгиланган:

совитиш гилоғи (а), радиаторининг чиқарни жўмраги (б), термостат (в), радиатор (г), кичик доира бўйича ўтказиш найчаси (д), цилиндрлар блоки (е), радиаторининг юқори калта найчаси (ж), ташқи муҳит билан туташтириш найчаси (ж), сув насоси (з), радиаторнинг клапанли қопқоги (и), блокка сув тарқатувчи туйнук тешикчалари (й), сув тақсимловчи наїча (к), уловчи шланглар (л), радиаторнинг пастки калта найчаси (м), совитиш суюқлигини оқизиб юбориш жўмраги (н), радиаторнинг юқори бакчаси (о), радиаторнинг пастки бакчаси (п), сокитилган суюқликни цилиндрлар блокига чиқариш найчаси (р), қизиган суюқликни радиаторга юбориш найчаси (с).

II. I. Расмдан келтирилган саволларнинг кўринималаршта тааллукли қисмларнинг жойлашувини аниқланг:

а) совитиш гилоғидан суюқлик қайси бакчага үтади? б) суюқлик радиаторнинг ўзагига қайси бакча орқали келади? в) Сув насосининг кориусига суюқлик қайси патрубок орқали юборилади? г) сув насосини қандай деталь ҳаракатга келтиради?

2. Келтирилган жавоблар қандай асбоб ёки қурилмага тааллукли эканлигини расмдаги кўринишлардан топинг:

а) тармоқда суюқликнинг мажбурий айланиши; б) радиатор орқали ҳавонинг мажбурий айланиши; в) ҳаво оқимининг радиатордан ўтишини ростлаш; г) тармоқда сувнинг ҳароратини ўз-ўзидан ростлаш ва двигатель юргизилгандан сўнг унинг тезроқ қизишини таъминлаш; д) цилиндрнинг қизиган қисмларига совитиш суюқлигини юбориб туриш.


III. Қўйидаги двигателларнинг совитиш тармоқларида суюқлик айланишида қандай тур оқим қабул қилинган:

1. ЗМЗ-53? 2. ЗИЛ-130? 3. ГАЗ-24? ВАЗ-2101? ЯМЗ-236? 6. ГАЗ-51.

а) сувнинг исиганда ва соғиганда зичлиги ўзгариши туфайли табиий суюқлик айланиши (термосифонли айланиши); б) марказдан қочма насос ишлатилиши туфайли мажбурий айланиши; в) мажбурий ва табиий, ёки аралаш усулда.

### 3-топшириқ

I. 1. Двигателда совитиш суюқлигининг ҳарорати 70°C гача бўлганда суюқликнинг айланиши қандай боради?



62-расм. Суюқлик билан совитиш тармоғининг ишланиши тасвири

а) кичик айлана бўйлаб; б) катта айлана бўйлаб; в) катта ва кичик айлана бўйлаб.

2. Двигателда совитиши суюқлигининг бўлгандада суюқликнинг афзаллиги нимадан боради?

а) кичик айлана бўйлаб; б) катта айлана бўйлаб; в) кичик ва катта айлана бўйлаб.

II. I. Ёпиқ жипсланган совитиши тармогининг афзаллиги нимадан иборат?

а) тармоқда сувнинг исиб қайнаб кетишими ва утиринди қатлам (накип) ҳосил булишини чеклади; б) двигателниң жуда ҳам совиб кетишими ёки қизиб кетишими чеклаб туради; в) сувнинг қайнаб ортиқча бугланишига йўл қўймайди.

2. Совитувчи суюқликнинг хоссаларига қандай зарурий шартлар қўйилади?

а) тоза ва юмшоқ бўлиб, кичик иссиқлик сигими ҳамда юқори ҳароратда музлаши лозим; б) тоза ва юмшоқ, музлаш ҳарорати кичик ва иссиқлик сигими деярли катта бўлиши лозим; в) музлаш ҳарорати катта ва иссиқлик сигими жуда ҳам кичик бўлиши керак.

III. Совитиши суюқлиги антифриз ва сувнинг 1) камчилиги, 2) афзаллиги қайси жавобда келтирилган:

а) иссиқлик сигими жуда катта; б) иссиқлик сигими кам; в) сув гилофда оқ губор моддалар ҳосил қиласди; г) сувнинг қишида музлашининг хавфлилиги; д)  $(-35) \dots (-40)$  да музланади; е) сув билан совитишига қараганда цилиндрлар деворларининг ҳарорати  $15 \dots 20$  С га ошиқроқ бўлади.


4-топшириқ (63-расм).

I. Расмнинг қайси бираидан:

1. Буғ клапани очиқ? 2. Ҳаво клапани ёпиқ? 3. Ҳаво клапани очиқ? 4) Буғ клапани ёпиқ?

II. Расмдаги радиатор қопқоғининг қисмлари қандай рақамлар билан белгиланган:


буғ клапани (а), қопқоқ корпуси (б), буғ клапанининг пружинаси (в), ҳаво клапани (г), ҳаво пружинаси (д), тешикча (е), тирғак (ё), беркитувчи пружина (ж), радиаторнинг бўғзи (з). буғ клапан



63-расм. Радиатор қопқоғининг конструкцияси.

нининг зичлагиши (и), ҳаво клапанининг ўринидиги (й), буғ үтказувчи труба (к), ҳаво клапаниншиг зичлагиши (л).

III. Қайси жавобларда: 1) ҳаво клапани, 2) буғ клапанининг вазифаси келтирилган.



64-расм. Қаттиқ тұлдиргичли термостаттың ишләм схемасы.

- а) суюқликнинг буғланишини ва ортиқча сарғыны камайтиради;  
б) совитиш тармогида сийракланиш зұрайтіб кетишига йўл қўймайди; в) суюқликни буғланиб камайишидан сақтайтиди; г) буғни суюқлик ҳолатига қайтаради ва совитувчи суюқликни совитади.

IV. Ишләётган двигателда нима таъсирида ҳаво клапани очилади?

- а) буғ босими таъсирида; б) радиаторның юқори бакчасыда рўй берган сийракланиш таъсирида; в) буғ клапанининг пружинаси таъсирида; г) ҳаво клапани пружинаси таъсирида.

#### 5-топшириқ (64-расм).

I. 1. 64-расмнинг қайси бир күршниниша:


А. Термостат клапани очиқ? Б. Термостат клапани ёпиқ?

2. 64-расмда қаттиқ тұлдиргичли термостаттың клапанлари қайси рақамлар билан белгиланған?

клапан (а), қайтариш пружинаси (б), ўнаалтирувчи втулка (в), сув үтказувчи калта найча (г), коромисло (д), термостат корпусы (е), бирлаشتырувчи ҳалқа (ж), сув киризувлы буғиз найча (ж), резинали ёстиқча (з), тирғак (и), резинали диафрагма (й), баллон (к), тұлдиргич (л).

II. I. Совитиш тармогида термостат қандай вазифаны бажариши қуйидаги жавоблардан топинг:

- а) двигательни қизиб кетишидан сақтайтиди; б) совитувчи суюқликнинг қизишини тезлаштиради ва автоматик равища белгиланған ҳароратда тутиб туради; в) двигатель юргизилғандан кейин цилиндрлар ғилоғидаги суюқликнинг қизишини тезлаштиради; г) радиа-



63-разе. ГАЗ-53 автомобилининг радиатори ва түстичи.

торга борувчи суюқликкінг ўтиш миқдорини ўзгартыриб ҳароратини ўз-ўзидан мақбулластириб туради.

2. Двигатель термостатсиз ишлаганда қандай қониқарсиз ҳол юз беради?

а) ёз вақтларида цилиндр гилофидаги совитувчи суюқлик қизиб кетади; б) қиш вақтларида двигателдеги совитувчи суюқлик ўта совиб кетади; в) қиш вақтларида двигателнинг иссиқлик режаси бузилади.

III. Термостатнинг қайси турлари қуйидаги двигателларда ишилтилади:

1. ЗМЗ-53? 2. ЗИЛ-130? 3. ГАЗ-24? 4. ВАЗ-2101? 5. ЯМЗ-236?

а) юпқа латундан қилинган мис баллонча ичига мис қукуни билан өзесин тұлдирилган; б) латундан қилинган тарам-тарам баллончалардан иборат бұлыб уларнинг ичига тезда бугланадиган суюқ эфир ёки этил спиртнинг сувли әртасы қуйилған.

6-топшириқ (65-расм).

I. ГАЗ-53 автомобильнинг радиатор деталлари ва түсгичи (жалюзаси) қандай рақамлар билан белгиланған?

Юқори бакча (а), совитувчи суюқлик қуйгич бүйін (б), қопқоқ (в), пастки бакча (г), суюқлини чиқариш жұмраги (д), радиатор үзаги (е), юқори калта найча (ё), пастки калта найча (ж), түсгич (з), түсгичнинг очгич дастаги (и).

II. I. Қайси деталь орқали:

а) радиатор суюқлик билан тұлдирилади? б) блокдан радиаторга совитувчи суюқлик ўтади? в) радиатордан блокқа совитилған суюқлик боради? г) радиатордан суюқлик чиқариб юборилади?

2. Совитиш тармоғида радиатор қандай ишни бажаради?


а) двигательга ўтаётган ҳаво оқимини кучайтириб, миқдорини күпайтириб беради; б) сувнинг иссиқлигини ҳаво оқими орқали ташқи мұхитта узатади; в) тармоқда суюқлик айланышини таъминлаб туради.

III. A. 66-расмдан радиатор панжарасининг конструкцияларини анықланғ. 1. Пластинкали. 2. Найчали пластинкасімон. 3. Найчали тасмасымон.


Б. 66-расмда көлтирилған радиаторнинг совитиш панжараларининг конструкциялари қуйидаги двигателларнинг қайсын бирида үрнатылған:

1. ГАЗ-24? 2. МЗМА-414? 3. ВАЗ-2101? 4. ЗМЗ-53А? 5. ЗИЛ-130? 6. КамАЗ-5320?

IV. 1. Сув насоси тармоқда қандай вазифаны бажаради?



66-расм. Радиатор панжарасининг конструктив түраары.



67-расм. Сборка тарометра насоса криогенодувки газами

а) радиатордан ўтаётган сувни миқдор жиҳатдан ростлаб туради; б) тармоқда совитувчи суюқликнинг мажбурий айланашини таъминлаб туради; в) тармоқда совитувчи суюқликнинг айланашини термосифон усулда ташкил этади.

2. Вентилятор қандай иш бажаради?

а) радиатордан ўтаётган ҳаво оқимининг тезлигини кучайтириб, миқдор жиҳатдан кўпайтириб беради; б) радиатордан ҳаво ўтишини ростлаб туради; в) цилиндрлар блокини ҳаво оқими билан совитишга бевосита хизмат қилади.

7-топшириқ (67-расм).

I. Қайси расмда: 1) суюқлик билан, 2) ҳаво билан совитиш тармоқларининг юритмаси келтирилган?

II. Қўйидаги двигателларнинг совитиш тармоги юритмалари қайси кўриннишда тасвирланган.

1. ГАЗ-24? 2. ЗИЛ-130? 3. МемЗ-966?

III. 1. Расмдан тирекали валнинг шкиви (а), генераторнинг шкиви (б), гидрокучайтиригич насосининг шкиви (в), вентилятор шкиви (г) қандай рақамлар билан белгиланганлигини аниқлане.

2. ГАЗ-24 двигателида совитиш тармоги тасмаси таранглигининг камайиши қандай нуқсонларга олиб келади:

а) генератор ва насосининг ишлаши ёмонлашади; б) генераторнинг қуввати нолгача пасайиб кетади; в) вентиляторнинг электромагнит муфтаси ишламайди.

3. ЗИЛ-130 двигателининг сув насоси ва вентилятори қандай шароитда ишламасдан қолади?

а) Юқориги тасмаси узилганда; б) урталаги тасмаси узилганда; в) катта тасма узилганда.

IV. Совитиш тармогининг қўйидаги конструктив хоссалари қайси двигателга тааллуқлилигини аниқлане.

1. Термостат сув насосининг олдига қўйилган. 2. Цилиндр гилофидаги суюқликнинг ҳарорати 10°C га пасайганда двигатель тезда қизишини таъминлаш учун икки клапани термостат ишлатилган. 3. Радиаторнинг тўсгичи ўрнига маҳсус иситгич мўлжалланган.

а) ГАЗ-24? б) ВАЗ-2107? в) ЗМЗ-53? г) ЗИЛ-130.

#### СОВИТИШ ТАРМОГИ МАВЗУИ ЮЗАСИДАН ҚЎЙИДАГИ ЖАВОБЛАР ТЎГРИДИР:

1-топшириқ. I. 1(г), 2(в), 3(а). II. 1(б), 2(г). III. 1(б,в,е), 2(а,г,д).

2-топшириқ. I. 1. а(9), б(17), в(7), г(20), д(5), е(11), ё(3), ж(21), з(13), и(1), ў(8), к(10), л(4,15), м(16), н(12), о(2), п(18), р(14), с(6). II. 1. а(2), б(18), в(16), г (тасмали узатма). 2. а(13), в(19), в(жалиюза), г(7), д(9). III. 1(б), 2(б), 3(в), 4(в), 5(б), 6(в).

3-топшириқ. I. йа(кичик айлана бўйлаб): 5. 13, 10, 8, 9, 5. 26 (катта айлана бўйлаб): 7, 6, 4, 3, 2, 20, 18, 16, 15, 14, 13. II. 1(в), 2(б). III. Сув 1(в,г), 2(а). Антифриз 1(б,е), 2(д).

4-топшириқ. I. 1(а), 2(а), 3(б), 4(б). II. а(7), б(3), в(2), г(10), д(11), е(1), ё(4), ж(5), з(6), и(10), ў(12), к(13), л(9). III. 1(б), 2(а). IV. (а).

5-топшириқ I. I. А(6), Б(а). 2. а(4), б(3), в(1), г(5), д(6), е(7), ё(9), ж(10), з(8), и(2), й(13), к(11), л(12). II. 1(в,г), 2(б,в). III. 1(б), 2(а), 3(б), 4(6), 5(б).

PDF Compressor Free Version

6-топшириқ I. а(6), б(8), в(7), г(3), д(2), е(10), ё(9), ж(1), з(5), и(4). II. 1а(8), б(9), в(1), г(2), 2(б). III. А 1(в), 2(а), 3(б), Б 1(б), 2(в), 3(а), 4(б), 5(б), 6(б). IV. 1(б), 2(а).

7-топшириқ I. 1(б), (в), 2(а). II. 1(б), 2(в), 3(а). III. 1. а(2), б(3), в(4), г(5), 2(а), 3(б). IV. 1(б), 2(б), 3(б).

## 7-боб. МОЙЛАШ ТАРМОГИ

### 31-§. Мойлаш тармогининг вазифаси

Двигатель деталларининг катта юкланишларда ишқаланиб ишлаши уларнинг сийлишига ва қизишига олиб келади. Шунинг учун двигательнинг ишқаланувчи деталь юзаларига узлуксиз равишда мой юбориб туриш зарур. Бу вазифани двигателларда мойлаш тармоғи бажаради.


*Мойлаш тармоғи* двигатель ишләтганда унинг ишқаланувчи юзаларига керакли миқдорда мой стказиб беради, натижада ишқаланувчи сиртлари қисман совийди, ишқаланиши ва сийлиши камаяди ҳамда деталларнинг сийлишига сабабчи мойга өнишгән сийлган заррачалар мой билан бирга картер тубига тушади ва бу мой кейин қайта тозаланади.

Двигательнинг деталларини мойлаш учун, асосан, нефтдан олинадиган мойлар ишлатилади. Ишлатиладиган мойнинг тури двигательнинг тури ва унинг ишлаш шароитига боғлиқ. Мой двигатель деталларига сачратилиб, босим остида ёки аралаш усулда юборилиши мумкин. Шунга кўра сачратиб, босим остида мажбурий, аралаш усулда мойлаш тармоқлари қўлланилади.

*Сачратиб мойлаш тармоғи* двигательнинг ишқаланувчи деталларига етарли миқдорда мойни стказиб бера олмайди. *Босим остида мажбурий мойлаш* тури эса тармоқни мураккаблаштириб юборади. Шунинг учун замонавий автомобиль двигательларида асосан аралашган мойлаш тармоғи қўлланилади. Бу турдаги мойлаш тармоғида зўриқиб ишлайдиган деталь юзаларига мой босим остида мажбурий, қолганларига эса мой сачратиб ва оқизиш усули билан юборилади. *Аралашган мойлаш тармоғи* қўйидаги механизм, асбоб ва тузилмаларни ўз ичига олади: мой сақлагич, мой қабул қилгич, зўриқиб ишлайдиган ишқаланувчи деталь оралигига мой юборувчи насос, мойни тозаловчи фильтрлар, мой совитувчи радиатор, мой йўллари ва найчалари, мойнинг сатҳи, босими ва ҳароратини қўрсатувчи асбоб-ускуналар.

68-расмда шу турдаги мойлаш тармогининг соддалаштирилган чизмаси келтирилган. Мой қўйиш найчаси 16 орқали мой картер туби 21 га тушади. Картер тубидаги мой сатҳи сатҳ ўлчагич

дастаги 19 билан ўлчанади. Картер тубига, ишлатилган мойни чиқарып ташлаш учун тиқин 22 киргизилган. Одатда картер тубининг энг пастки қисмиде мой насоси б нинг мой қабул қылгичи 23 жойлашади. Мой насос ёрдамида дагал фильтр 3 дан ўтиб, асосий мой канали 8 га боради. Двигатель совуқлигиде ёки унинг тирсакли вали жуда катта айланишларда ишлаганда, тармоқдаги мой босими жуда күтарилиб, мойлаш тармоги найчаларини ёриб юбориши мумкин. Бунинг олдини олиш ва тармоққа мой белгиланган босим остида бориб туриши учун насоснинг пастки қисмига қайтарыш (редукцион) клапан 4 ўрнатылған, у тармоққа ошиқча ўтаётган мойлининг бир қисмини



68-расм. Мойлаш тармоғининг содаланған чынмаси:

1, 5 — мой фильтрларининг ўтказиш клапандары, 2 — майин фильтр, 3 — дагал фильтр, 4 — мой насосыннің қайтарыш (редукцион) клапаны, 6 — асосий мой насосы, 7 — манометр, 8 — асосий мой клапаны, 9 — коромисло ўқыга мой ўтказыш найчаси, 10 — коромислодагы мой клапаны, 11 — коромисло ўқы, 12 — поршень, 13 — поршнендеги мой қайтарынч тәсілікчалар, 14 — поршень бармоги, 15 — шатун, 16 — мой қуйыш найчаси, 17 — тұр, 18 — тирсакли вал бүйілдерини туташтыруучы мой түйшүгі, 19 — мой сатхини ўлчашынч, 20 — тирсакли валининг ұзак бўйни, 21 — картер туби, 22 — пробка, 23 — мой қабул қылгич, 24 — мой датчиғы, 25 — термометр, 26 — махсус мой насоси, 27 — қайтарыш клапаны, 28 — жўмрак, 29 — мой радиатори.

картер тубига қайтариб, мой босимиши бир мөзәрда ушлаб туради. Дагал фильтр 3 нинг ифлосланиши натижасида унчи мой ўтишинг бўлган қаршилиги ошиб келди. СКР монин бутунлай асосий мой каналларига ўтказмай қўяди. Бу пайтда мой ўтиказиш клапани 5 орқали асосий мой йўлига ўтади. Баъзи ҳолларда майин фильтрга сақлагич клапани ўрнатилиши мумкин. Мой асосий мой йўли орқали блокдаги мой тенникларидан чиқиб, тирсакли валнинг ўзак бўйинлари 20 ва тақсимлаш валининг подшипникларига ўтади. Блокдаги тик жойлашган туйнук ёки мой найчаси 9 орқали мой коромисло ўқи 11 га юборилади. Коромислодаги мой йўли 10 орқали, мой клапани ўзагининг туби ва штангага оқиб тушади. Шатун подшипникига мой ўзак бўйнидан туташтирувчи мой йўли 18 орқали босим остида ўтади. Баъзи двигателларда поршени бармоғи 14 га мой шатун ўзагидаги мой йўли 15 орқали босим остида юборилади.

Тирсакли вал айланганда марказдан қочма куч таъсирида картер тубидаги мой сачраб, картер деворларига урилиб, майда заррачаларга бўлинади ва мой тумани ҳосил бўлади. Мой тумани цилиндр деворларига ўтириб, поршень, поршень ҳалқалари ва бармоғи, тақсимлаш валининг ҳаракат узатувчи айрим қисмларини ва бошқа деталларини мойлайди. Тақсимлаш шестериялари ва газ тақсимлаш механизмининг баъзи йўналтирувчи деталлари оқизиши юли билан мойланади. Мойлаш тармоғидаги мойнинг босими ва ҳароратини манометр 7 ва дистанцион термометр 25 кўрсатади. Тармоқдаги кизиган мой радиатор 29 да сонитилади, унга мой асосий 6 ёки маҳсус 26 насос орқали юборилиши мумкин. Радиаторга мойнинг боришини тухтатиш учун жўмрак 28 ва сақлагич клапан 27 ўрнатилган. Тармоқдаги мойнинг босими 100 кПа ( $1,0 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) дан пасайганда сақлагич клапан беркилиб, радиаторга мой ўтиши тұхтайди.

### 32-§. Мойлаш тармоғининг тузилиши ва ишлаш услуби

**Мой насоси.** Мой мойлаш тармоғига шестерияли насос билан юборилади. Шестерияли насослар бир ёки икки хонали бўлиб, енгил, оддий ва ихчам тузилган ҳамда пухта ишлайди. 69-расмда бир хонали насоснинг схемаси келтирилган. Насос корпуси 5 да стакчи ва етакланувчи шестериялар 1 ва 2 жойлашган, етакчи шестерия валча 9 орқали ҳаракатга келтирилади. Етакланувчи шестерия эса ўқ 8 да эркин айланади. Насос шестерияларининг айланиси натижасида мой картер тубидан қабул қилинч 7 орқали насоснинг киритиш туйнуги 6 га сўрилади ва мой шестерия тишлирига илашиб, чиқариш туйнуги 3 га ўтади. Карбюраторли двигателлар тармоғидаги мойнинг босими  $0,3 \dots 0,5 \text{ МПа}$  ( $3,0 \dots 5,0 \text{ кг}/\text{см}^2$ ), дизелларда эса  $0,5 \dots 0,7 \text{ МПа}$  ( $5,0 \dots 7,0 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) бўлади. Насосга қайтариш клапан 4 ўрнатилган бўлиб, бу клапан тармоқдаги мой босими белгиланган миқдордан ошиб кетса, мойни

картер тубига ёки мой насосининг чиқариш түйнугидан (ЗИЛ-130) киритиш түйнугига үтказиб юборади.


Мой қабул қилгич мой таркибидаги йирик ифлосланган заррачаларни ушлаб қолувчи бирламчи фильтр вазифасини утайди ва құзғалмас ҳолда картер тубининг эңг пастки қисмінде үрнатылади. Шу сабабли автомобиль қия турғанда ҳам мой қабул қилгич картер тубидаги мойга тегиб туради ва тармоққа ҳаво сүрилишига йүл қўймайди.

70-расмда ЗМЗ-53 двигателининг мой қабул қилгичи тасвирланган. Унинг пулатдан штамплад ясалған корпуси 1 мой сұрувчи найча 2 нинг пастки қисмінде жойлашған бўлиб, унга ифлосликлардан тозаловчи симтур ё тортилган. Тозаловчи симтур қобигида осилиб, картер тубининг пастки деворига тегиб қолмаслиги учун, уни ён қирраларига қўйилган пластинкасизон пружина 5 лар маҳкам ушлаб туради.


Мой фильтрлари мойни двигатель деталларининг ейилиши натижасида ҳосил бўлган металл заррачаларидан ва бошқа ифлослантирувчи нарсалардан тозалайди. Мой фильтрлари тўла оқими (тармоқда ҳаракатланастган мойнинг қўп қисми фильтрдан үтказилади) ва тўла бўлмаган оқимли (10...15 фонз мой фильтрдан үтказилади) бўлади.

Дагал тозалаш фильтрлари. Одатда тўла оқимли фильтрлар дагал фильтр бўлиб, тармоққа кетма-кет уланади ва мой насоси билан асосий мой йўли оралиғида жойлашади.

71-расмда пластинка-тирқишли тозаловчи айрим-айрим қисмли дагал фильтр тасвирланган. Бу турдаги фильтр мойнинг ўтишига катта қаршилик кўрсатмайди, тузилиши содда ва мой тозалаб үтказиш қобилияти юқори. Фильтрнинг тозаловчи қисмлари чўян кор-




69-расм. Шестерияли мой насосининг тасирий чиқамаси.



70-расм. ЗМЗ двигателининг мой қабул қилгич асбоби:  
1 — корпус, 2 — мой сұрувчи найча, 3 — тўрсизмон фильтр, 4 — фильтр қобилияти; 5 — пружина.

пұс 6 да жойлашған бўлиб, унга тушириш тиқин 1 ли тиндиргич 2 бирлаштирилган. Корпусда ўтказиш клапаны 3 жана 4 тозаловчи қисмлар пўлатдан пластинка 10 шаклида тешикли қилиб ясалған бўлиб, қалинлиги 0,35 мм. Ҳар иккала пластинкалар орасига юлдузсимон пластинка 11 шаклида ясалған ва қалинлиги 0,08 мм бўлған ажратгич қўйилади. Пластинка 10 ва 11 марказий ўзак 4 га гайка ёрдамида маҳкамланади. Квадрат шакли ўзак 3 нинг ён томонидаги қўш пластинкалар тирқишига қалинлиги 0,06 мм бўлған тозаловчи пластинка 12 киритилади. Тозаловчи таркибий қисмлар ўзакнинг юқори қисмига гайка билан қисилған резинали сальник 14 ўрнатилган. Мой насосдан туйнук 5 орқали фильтрнинг пастки ички бўшлиғига киради ва босим остида тозаловчи таркибий қисмларнинг тирқишилари ичидан ўтиб тозаланади, натижада мойнинг ифлосланган майда заррачалари пластинкалар оралигига илашиб қолади, йириклари эса тиндиргич 2 нинг тубига чўкади. Тозалангандай мой пластинкалар тешиги 13 дан ўтказиш туйнуғи 7 орқали асосий мой йўлига ўтади. Пластинкаларни тозалаш учун дастак 9 буралади. Тозаловчи оралиқ пластинка 11 лар тозалагич пластинкаларнинг сиртида ёпишиб қолган ифлос заррачаларни қириб тозалайди. Киритиш ва чиқариш туйнуклари оралигига жойлашған ўтказиш



71-расм. Дағал мой фильтри.


клапани 8 фильтр ифлосланыб, мой босими зүрикканды очилади на насосдан келаётган тозаланмаган мой дағал фильтрни четлаб, беносита марказий мой йўлига ўтади.

**Майин тозалаш фильтрлари.** Замонавий двигателларига тириклиши ёки марказдан қочма майин тозалаш фильтрлари ўрнатилиши мумкин. Майин тозалаш фильтрлари мойни (дағал тозалаш фильтридан ўтгандан сунг) 0,001 мм гача бўлган механик заррачалардан тўла тозалайди, шунингдек, слимлашган мой (смола) ва мой куйиндиларини тутиб қолади (72-расм).

Энг кўп тарқалган АСФО турдаги фильтрнинг тозаловчи қисми 3 қалинлиги 3 ... 3,5 мм ли шаклдор картон қистирмалар б тўпламидан ва улар орасига қўйилган 0,5 мм қалинликдаги картон дисклар 7 дан иборат. Мой бу тузилмалардан ўтиб, ўзак 8 нинг юқори қисмидан узаласига ўйилган тешик орқали унинг ичига тушади ва пастки шланг / орқали чиқиб кетади. Майин тозалаш фильтри асосий мой йўлига мувозанат уланади ва унда тозаланган мой двигателнинг картер тубига тушади. Ифлосланган мойни чиқариб юбориш учун тиқин 2 бор.

**Центрифуга.** Марказдан қочма майин фильтрлар (центрифугалар) кенг қўлланилмоқда. Бу турдаги центрифугалар реактив юритмага эга бўлиб, қарама-қарши йўналишида босим остида отилиб чиқаётган мой оқими таъсирида уларнинг ротори айланади (73-расм).

Центрифуга корпуси 2 нинг ўқига айланувчи ротор 3 ўтқазилган. Мой босим остида киритиш туйнуғи б орқали ўтиб, гупчагдаги тешиклардан ротор бўшлигига киритилади. Сунг мой роторининг пастки қисмидаги бир-бирига қарама-қарши йўналган жиклёрлар / дан босим остида оқиб чиқади, натижада мой оқимининг реактив кучлари роторнинг  $5000...10000^{-1}$  минг айланышлар сони билан айланшини таъминлайди. Шунда оғир механик заррачалар ички ён деворларига ташланиб ушланиб қолади. Ротор жиклёрларидан отилиб чиқаётган тоза мой чиқариш туйнуғи 7 орқали картер тубига оқиб тушади. Ротор вали бўшлиғидан туйнук 4 га оқиб тушаётган мой асосий мой йўлига узатилади. Двигателни ишга тушириш пайтида мой қуюқ бўлади, шунда ўтказиш клапани 5 орқали мойнинг бир қисми асосий мой йўлига ўтказиб юборилади. Одатда центрифуга майин фильтр вазифасини ўтайди, бунда у мойлаш тармогига кетма-кет ёки асосий мой йўлига мувозий (параллель) уланади. Агар центрифуга тўла оқимли бўлса, яънн мойнинг ҳаммасини узидан ўтказса, бу ҳолда тозаланган мойнинг фақат бир қисмигина картер тубига тўкилади. Чунончи тозаланган мойнинг кўп қисми 85—90 фоизи босим остида асосий мой йўлига юборилади. Ҳар хил конструкцияга эга бўлган центрифугалар 74-расмда келтирилган. Масалан, ЗИЛ-130, ЗИЛ-1351 ва ЗИЛ-131 двигателларига (74-расм, а) мойлаш тармогига кетма-кет уланган тўла оқимли центрифуга ўрнатилади. Кўпинча автомобиль двигателларига тўла



72-расм. Малый возд. фильтр:  
1 — центральный шланг, 2 — боковое гнездо, 3 — фильтрующая коробка, 4 — кирпичи-  
цы папки, 5 — коробка, 6 — фильтрующие элементы, 7 — фильтрующий каркас,  
7 — фильтрующий каркас, 8 — морозостойкий шланг.


бұлмаган оқимли, яғни қисман үтказувчи центрифугалар үрнатылади (74-расм, б). Бұ турдаги, яғни тұла бұлмаган оқимли әсөсий мой йўли мувозий (параллель) уланған центрифугалар ГАЗ-53А, МАЗ-5335А, ЗИЛ-4331, КрАЗ-257 ва КамАЗ-5320 автомобиль двигателларига үрнатылған. ГАЗ-53-12 автомобиль двигателида эса центрифуга үрніга тұла оқимли кетма-кет уланған алмашинувчи қисмли мой фильтри құлланылған.

Мой радиаторлари двигательнинг ишлаши натижасы да қызиган мойни совитади. Автомобиль двигателларидан ассоан ҳаво-мой турдаги радиаторлар ишлатылади (75-расм). Одатда бұ турдаги радиаторлар двигатель совитиш тармогининг қаю оқими йўлига үрнатылып, мой тармогига мувозий уланади. Радиаторга келаётган мой умумий насосдан ёки иккى хонали насоснинг пастки хонасидан келиши мүмкін. Конструкцияси бўйича мой радиаторларининг найдали ва найдча пластинкали турлари мавжуд. Бундай радиаторлар пухта ва аниқ ишлайди, картер тубидаги мойнинг ҳароратини белгиланған ҳолатда (75...95°C) ушлаб туради.


Мой радиатори тармоққа кетма-кет уланса, у үтказиш клапани билан таъминланади. Радиатор мой тармогига мувозий уланса, сақлагич клапани үрнатылади. Бу клапан тармоқдаги мой босимни 0,10 МПа (1,0 кгк/см<sup>2</sup>) дан ошгач очилади ва тармоқдаги мойни совитади.

### 33-§. Арашынан (комбинациялашкан) мойлаш тармогининг конструктив ҳусусиятлари

Карбюраторлы двигателларда арашынан мойлаш тармоги құлланылади. Бу двигателлarda тирсаклы валининг ўзак ва шатун бўйинлари, тақсимлаш валининг подшипниклари, коромисло ўқи ва узгич-тақсимлагичнинг ҳамда мой насосининг ҳаракатлантирувчи вали босим остида, қолған ишқаланувчи деталлар сачратиш ёки оқизиш усули билан мойланади. Масалан, тақсимлаш шестернялари цилиндрлар каллагидан түйнуклар орқали оқиб тушаётган мой билан мойланади. Мой сидирудукчи поршень ҳалқаси цилиндр дсворидан ошиқча мойни сидириб, поршень ариқчала-




73-расм. Центрифугалитіг соосалғанған чизмаси.



74 расм. в.


ридаги чорқирига тешіклар орқали поршеннинг ичига ўтказады ва поршень бармоғини мойлайды, штангалар таянчидан оқиб тушаётган мой клапандар ва уларниң буриш механизмини мойлайды. ЗИЛ-130 ва ГАЗ-53 автомобильдерде блокнинг ташқарисида ўрнатилган, иккى хонали иккى жуфт шестернядан иборат мой насоси ишлатилади. ЗИЛ-130 автомобиль двигательда мой насосининг юқори хонаси тұла оқимли, марказдан қочма фильтрга ва үндан мой тақсимлаш бўлинмасига ўтиб, кейинчалик бу бўлинмадан блокнинг чап ва ўнг асосий мой йўлига тарқалади. Пастки хонаси эса мой радиаторига мой юборади ва унда совитилган мой картер тубига оқиб тушади. ГАЗ-53 автомобилида эса мой насосининг пастки хонаси тұла бўлмаган оқимли марказдан қочма фильтрга юборади ва унда тозаланган мой картер тубига оқиб тушади. Юқориги хонаси эса цилиндрлар блокнинг асосий мой йўлига юборади ва үндан ўтган мойнинг бир қисми мой радиаторига боради. Бинобарин, радиаторга мой 0,1 МПа (1,0 кгк/см<sup>2</sup>) босим остида очиладиган сақлатич клапани орқали ўтади.

ГАЗ-24 двигателининг мойлаш тармоғи. Бу двигателининг мойлаш тармоғи ҳам аралаштан усулда бўлиб (74-расм) мой қабул қилгич 2 орқали мой насоси 3 га сурлади. Сўнгра мой найчаси 19 дан ўтиб, тұла оқимли майин фильтр 16 га киради ва картон қоғоздан ясалган тозаловчи қисмлар 13 дан тиниқ тозаланиб ўтиб, унинг марказий мой найчасига тушади. Бу найчадан мой блокдаги мой йўлига юборилиб, үндан блокдаги туйнуклар орқали тирсакли кал 5 нинг иккинчи ўзак подшипникининг устки қисмидаги блок тусигида ясалган бүшлиққа тушади. Үндан мой марказий мой йўли 7 га ўтиб, тирсакли валининг ўзак ва тақсимлаш валининг таянч буйинларига юборилади. Ўзак буйинларидаги мой валдаги каналлар бўйлаб шатун подшипникларига ўтади.



74-расм, а ва б. Центрифугалар конструкцияси:

- а) тұлық ўтказувчи центрифуга (ЗИЛ-130), б) қисман ўтказувчи центрифуга (ГАЗ-53 А). 1 — ротор ұғы, 2 — жиклер, 3 — мой оқиб тушувчи идишча, 4 — ротор, 5 — қопқоқ, 6 — қобиқ (којух), 7 — түрсимов фильтр, 8, 9 ва 15 — гайкалар, 12 — зичлагич ҳалқа, 13 — кийгизма, 14 — шайба, 16 — тирак шайба, 17 — марказий пайча, 18 — тирак подшипник, 19 — ўтказиш клапани




75-расм. Мой радиатори:

1 ва 5 — киритиниң жиқәриштің пайдалары, 2 ва 4 — мой өнгүүчүлүк бакчалар, 3 — қовурғалы мой совитүчүлүк пайдалар.

Газ тақсимлаш механизмининг коромисло подшипникларини мойлаш учун мой марказий мой йүлидан юборилади ва коромисло уки 10 ининг мой йүли орқали утган мой коромисло ҳамда штангаларининг ишқаланувчи юзаларини мойлайди. Улардан оқиб тушаётган мой тутгич ва тақсимлаш валининг муштчаларини мойлайди. Мойлаш тармоғидаги мойни совитиш учун двигателдинг олдинги қисмиде мой радиатори 9 ўрнатылган. Мой бу радиаторга насос 3 билан мой найчаси 8 орқали юборилади ва унда совиган мой картер тубига найча б буйлаб оқиб түшади. Зарур бўлгандаги мой радиатори тармоққа жўмрак 21 билан уланади. Агар тармоқда мой босими 0,1 МПа ( $1,0 \text{ кгк/см}^2$ ) дан паст бўлса, мой радиатори йўлига қўйилган сақлагич клапани 20 мойни радиаторга ўтказмайди. Тармоққа ўрнатылган мой насоси 3 бир хонали бўлиб, унинг корпусига қайтариш клапани 4 ўрнатылган.

Тула оқимли фильтрнинг картондан ясалган тозаловчи таркибий қисмлари 13 автомобиль 6000 км юргандан сунг алмаштирилади. Агар таркибий қисмлар ифлосланса, мой тармоқ йўлиғи фильтрни четлаб ўтувчи ўтқазиш клапан 12 орқали келиши мумкин.

Дизель двигателларининг мойлаш тармоғи. Собиқ Иттифоқда ишлаб чиқарилётган дизель двигателларининг ҳаммасида ара-лашган мойлаш тармоғи қўлланилиб, унда зўриқиб ишлайдиган деталлар босим остида, қолганлари эса сачратиб ёки оқизиш йўли билан мойланади. Масалан, ЯМЗ-236 ва ЯМЗ-238 двигателларида тирсакли валнинг ўзак ва шатун подшипниклари, тақсимлаш валининг подшипниклари, поршень бармоғи, коромисло втулкаси, турткич втулкалари, турткич штангаларининг учликлари, мой насосининг подшипниклари ва унинг юритмаси босим остида, цилиндр гильзалари ва у билан ишқаланувчи деталлар сачратиш,



76-расм. ГАЗ-24 "Волга" двигатели мойлаш тармогининг тасвирий чизмаси:


1 — мойіши түшириш тиқини, 2 — мой қабул қылғыч, 3 — мой насоси, 4 — қайтариш клапаны, 5 — тирсакли валинг иккинчи таянч үзак бүйни, 6 — мой радиатори, 7 — марказий мой тармоги, 8 — мой радиаторига мой юборувчи найчалар, 9 — мой радиатори, 10 — коромисло үзи, 11 — мой күйиш бүйнининг тоңкоги, 12 — үтказыш клапаны, 13 — картонли тозаловчи қисм, 14 — мой босимни күрсатуучи датчик, 15 — марказий найча, 16 — фильтр корпуси, 17 — тиқин, 18 — сақлагыч клапан, 19 — найча, 20 — радиаторнинг улаш жүмраги.

тақсимлаш валининг муштчалари, шестеряли улагичлар ва уларнинг подшипниклари оқизиш усули билан мойланади.

ЯМЗ-236 двигатели мойлаш тармоғининг солаҳати газмийи чизмаси ва кўндаланг кесим кўрининиши 77-расмда курсантилган. Икки хонали мой насосининг кичик хонаси 2 мейни мой радиаторига ҳайдайди. Унда совиган мой картер туби 37 га канал 30 орқали оқиб тушади. Мой насосининг катти хонаси 4 канал 35 орқали мойни тўла оқимли дагал фильтр 24 га ҳайдайди. Фильтрнинг корпусига ўтказиш клапани 25 ўрнатилган. Фильтрда тозаланган мойнинг озгина қисми тармоққа мувозий уланган тўла бўлмаган оқимли марказдан қочма фильтр центрифуга 23 га боради. Дагал фильтрдан ўтган мойнинг кўп қисми эса канал 19 орқали асосий мой йўлининг чап томонида жойлашган блок деворидаги туйнук 33 га ўтади. Блок деворининг түсиқчаларида пармаланган туйнуклар 10 ва 36 орқали мой тирсакли валининг ва тақсимлаш валининг подшипникларига узатилади. Тирсакли валининг ўзак бўйинларидан шатун бўйинларига пармаланган туйнуклар орқали мой шатун подшипникларига ўтиб, ундан шатун ўзагида пармаланган туйнук орқали унинг юқориги каллагита юборилади ва поршень бармоги мойланади. Шатун бўйинларининг конуссимон коваги мойдаги чанг заррачаларини вал айланган вақтда марказдан қочма куч таъсирида мойдан ажратиб, ўз деворларида тутиб қолади (киртугич вазифасини ўтайди). Ундан ташқари, бу ковак тирсакли вал айланishiда тўхтаганда қолдиқ мойни ўзига жамғарив, бу мой, двигатель ишга тушиб, тирсакли вал биринчи бор айланishi биланоқ шатун бўйнига оқиб тушади. Натижада шатун бўйинларининг ейилиши камайиб, ишлаш муддати ошади. Тақсимлаш валининг олдинги бўйнидан чиққан мойнинг бир қисми тақсимлаш шестеряларини, қолган қисми эса коромисло ўқи 16 нинг ковагидан ўтиб, унинг подшипникларини ва шатун 12 нинг сферик учларини мойлайди. Цилиндрлар каллагида йигилган ошиқча мой картер тубига блок деворларида бўшлиқ 21 орқали оқиб тушади. Картер тубидаги мой икки хонали мой насоси ёрдамида мой қабул қилгич орқали сўриб олинади. Тармоқда мақбул мой босимини сақлаш учун насосининг ҳар бир хонасида қайтариш клапани билан таъминланган. Бундан ташқари, тармоқда қўшимча мой қайтариш клапани 31 ҳам мўлжалланган мойни тиниқ тозалаш учун тармоқнинг асосий мой туйнугига мувозий қилиб марказдан қочма фильтр 23 (центрифуга) ўрнатилган, у тозаланган мойни тармоқдан четлатиб картер тубига қайтариб туширади.

### 34-§. Двигатель картерини шамоллатиш тармоғи

Двигатель ишлаганда цилиндрларнинг поршенин устида ҳосил бўлган газлар поршени ҳалқалари орасидаги тирқишдан картерга



77-расм. ЯМЗ-236 двигатели мойлаш тармогининг тақсирли чизмаси:

1 — оқизиш нағаси, 2 — мой насосининг кичик хонали бўлинмаси, 3 — мой қабул қилгич, 4 — мой насосининг катта хонали бўлинмаси, 5 ва 38 — қайтариш ёлинилар, 7 — тирсакли валининг шатун бўйин, 8 — шатун корпусида ясалган мой туйнуги, 9 — тирсакли валининг ўзак бўйин, 10 ва 35 — тирсакли валининг ўзак ва тақсимлаш валининг таянч бўйинларидаи мой юбориш туйнуклари, 11 — тақсимлаш вали, 12 — туртгич штангаси, 13 — шатуннинг юқори каллагиздаги тиқини, 14 — поршень бармоғи, 15 ва 17 — туртгичларга мой юбориш туйнуклари, 16 — корюмисло ўқи, 18 ва 35 — мойни дагал фильтрга юборувчи туйнуклар, 19 — мойни центрифугага юборувчи туйнук, 20 ва 21 — мойни картер тубига туширувчи бўшлиқ, 22 — мой қўйиш бўйни, 23 — центрифуга, 24 — дагал фильтр, 25 — утказиш клапани, 26 — мой босимини аниқловчи датчик, 27 — мой радиатори, 28 — мой радиаторини уловчи жўмрак, 29, 30, 34 — мой радиаторини уловчи наийчилар, 31 — қайтарувчи клапан 32 — мой сатҳини ўлчаш дастаги, 33 — асосий тармоқ туйнуги, 37 — картер туби.


үтади. Бу газ ёнувчи, аралашма, тұла ва қисман ёнган маҳсулотлардан иборат бўлиб, картер газларнинг таркибида ёнилги ва сув буги, карбонат ангидрид, олтингугурт, азот ва қисман карбон водород бирикмалари бор. Ёнилги буги томчига айланиб мойни суюлтиради, сув буги ва бошқа бирикмалар мойни оксидлайди, натижада мойнинг сифати ёмонлашади. Картер газларининг мойга ёмон таъсирини камайтириш учун уларни картер бўшлигидан узлуксиз равишида чиқариб туриш лозим.

Газларни картердан узлуксиз чиқариб туриш натижасида картер бўшлигини шамоллатиш жараёнини таъминловчи бир талай тузилмаларни шамоллатиш системаси деб аталади.

Картер бўшлиғи етарли даражада шамоллатилмаса, картерда газ босими ошиб кетади, натижада тирсакли валнинг сальникили жисплазтиргичи ва картернинг қистирмаларидан мой оқиб кетади. Бундан ташқари, бу газ кабина ёки кузовга кирса, ҳайдовчи ва йўловчиларни қаттиқ заҳарлади.

78-расмда двигателларнинг картер бўшлигини шамоллатиш схемалари келтирилган. Агар картер газларини ташки мұхитга чиқариб юборилса очиқ, двигательнинг киритиш тактика қайтарилса ёпиқ шамоллатиш тармоғи дейилади.

78-расм, а да двигателнинг очиқ шамоллатиш тармоғи тасвирланган (ЗМЗ-53, Урал-375, МАЗ-5335). Ҳаво мой қуйиш



78-расм. Двигателлар картер бўшлигини шамоллатиш тасвирий чизмалари:

- очиқ шамоллатиш: 1 — қия кесикли найча, 2 — булинма, 3 — тўр фильтр;
- ёпиқ-тортиб олиш йўли билан шамоллатиш: 1 — клапан механизми қопқоти, 2 — найча, 3 — фильтрловчи қисм;
- ёпиқ-мажбурий шамоллатиш: 1 — мой қайтаргич, 2 — клапан, 3 — найча, 4 — киритиш қувури, 5 — карбюратор, 6 — тўр фильтр.

бұғзининг найчаси түр фильтри 3 орқали картерга үтиб, ундағы газларни қия кесикли найча 1 га ҳайдайды. Автомобиль юрган вактда найчанинг қия кесиги олдида сийракланиш ҳосил булып, картер газлари ташқи мұхитта сүриб чиқарылады. Картер газларына илашған мой томчилари ташқи мұхитта чиқиб кетмаслиги учун найча 1 бұлинма 2 нинг ичиға چұқуроқ киргизилған. 78-расм, б да картерни ёпиқ шамоллатиш тармоғи тасвирланған. (МЗМА-412, ЗАЗ-968). Картер газлари клапан механизмнинг қонқоги 1 орасидан үтиб, найча 2 га суралады ва ҳаво тозалагичнинг киритиш бұшлығыда ҳаво билан аралашиб, уннинг тозаловчи қисмлари 3 дан үтады ва карбюраторға юборылады.

78-расм, б да мажбурий ёпиқ шамоллатиш тармоғи күрсатылған (ЗИЛ-130, ВАЗ-2106 двигателлари). Бу тармоқда картер газлари мой қайтарғич 1 ва найча 3 орқали киритиш құвурининг марказий қисмінде юборылады. Карбюраторда сийракланиш жарашы ортиб кетмаслиги учун картер газларининг шамоллатыш жадаллиғи клапан 2 ёрдамида үз-үзидан ростланады.

Дросель-заслонканинг очиқ ҳолатида двигатель ишлатылғанда киритиш құвурива катта сийракланиш үзіндегі келади, натижада клапан 2 күтәріледі ва түйнукнинг үтиш тешігі кичиклашады. Дросель-заслонка тұла очилғанда, киритиш құвурива сийракланиш камауды ва клапан үз оғирлігі билан пастта түшиб түйнукнинг үтиш тешігі тұла очылады. Бу ҳолда картерда тұла шамоллатиші жараёни содир бұлады.

### 35-§. Ишлатыладын мойлар

Двигатель деталларини мойлаш учун ишлатыладын мойлар мизутни қайта ҳайдаш үйі билан олинади ва улар әріган аралашмалардан тозаланған мойлар деб аталади.

Ишлатыладын мойнинг мойлаш хусусияти ишқаланувчи деталларнинг юзаларыда юпқа мой пардаси ёки ишқаланиш пайтида бұрғыб чиқмайдын оксидлар пардасининг ҳосил булишидан иборат. Бу мой пардаси ишқаланувчи деталларнинг бір-бірінде беносита тегиб туришига, сиилиш заррачаларининг ишқаланувчи юзаларға лайвандланиб қолишига ва деталларнинг тез ейнлишига ийл құймайды. Бу пардалар 100°C гача иссиқликда ҳам қовушоқлигини ва мойлаш хусусиятын сақлаб қолиши лозим. Бундан ташқары, мой, ишқаланувчи деталлар қызыған юзаларнинг иссиқлигини үзігі олиб, уларни совитиш хусусиятига ҳам әга булиши керак. Мойнинг қовушоқлиги, оксидланишга чидамлилігінің ошириш, зангламаслик ва ювиб кетиш ҳодисаларини яхшилаш, шунингдек, юқори ҳароратда суюлмайдын булиши учун унта 3...14 фоиз ҳар хил таркибли мураккаб құшилма құшилади. Одатда құйидаги күп таркибли (АЗНИ-1, ПСС-200А, ВНИИНМ-360 ва башқалар) мойлар ишлатылады. Карбюраторлы двигателлар учун ишлатыладын мойнинг белгиси АС-8 ёки АС-10 (ГОСТ-10514-61). Белгидегі A ҳарғы мойнинг автомобиль мойи экан-

лигини, С ҳарфи селлектив усулда тозаланганитини, 8 рақами эса мойнинг 373 К (100°C) даги қовушоқлиги қанча катта бўлса, мойнинг қовушоқлиги шунча юқори бўлади. Совуқ иқлимда ишлайдиган двигателларда қовушоқлиги 8 ва ундан паст, иссиқ иқлимда ишлайдиган двигателларда эса қовушоқлиги 10 ва ундан юқори белгили мойлар ишлатилади.

Енгил автомобиль двигателлари учун сифати юқори даражали мойлар ишлатилади: М12Г №8, М8Г №9 ва М10Г №10 (ТУ-38-1-63). Булардан М10Г №10 барча иқлим шароитларига, М12Г №8 иссиқ шароитга ва М8Г №9 совуқ шароитга мўлжалланган.

Дизель двигателлари учун маҳсус юқори сифатли мойлар ишлатилади. Масалан, ЯМЗ-236 ва ЯМЗ-238 дизеллари учун қишида ДС-8, сизда эса ДС-11 (ГОСТ-8581-61) мойлари ишлатилади. Автомобилнинг бошқа механизм ва ишқаланувчи деталлари учун бошқа турли мойлар ишлатилади.

#### 6-мавзу. МОЙЛАШ ТАРМОГИ

##### 1-төпширик (79-расм).

I. Расмда мойлаш тармоғининг деталлари қайси рақамлар билан белгиланган:

мой қабул қилгич (а), мой насоси (б), мой насосининг қайтариш клапани (в), жўмрак (г), радиаторнинг сақлагич клапани (д), радиатор (е), дағал фильтр (ё), дағал фильтрнинг ўтказиш клапани (ж), мой ҳароратини кўрсатувчи электр термометр (з), мой босимини кўрсатувчи электр манометр (и), мой йўли (й), тирсакли валининг ўзак бўйинлари (к), газ тақсимлаш валининг подшипниклари (л), коромисло ўқи (м), мой сатҳини кўрсатувчи дастак (н), мой қуийш бўғзи (о), картер туби (п).

II. 1. Келтирилган жавобларнинг қайси бирида мойлаш тармоғининг вазифаси тўлиқ таърифланган?

а) Двигатель деталларининг ишқаланувчи юзаларига узлуксиз мой юборади; б) ишқаланиш ва ейилишини камайтиради; в) ишқаланувчи юзаларни қисман совитади, ишқаланишда ҳосил бўлган металл заррачаларидан тозалайди; г) ишқаланувчи юзаларни батамом совитади ва ишқаланишини орттириб, ейилишини камайтиради.

2. Замонавий двигателларда қандай мойлаш усуллари қўлланилади?


а) фақат босим остида; б) саҷратини ва босим остида; в) оқизиш ва босим остида; г) аралашсан яъни саҷратини, оқизиш ва босим остида.

##### III. 1. Мойлаш тармоғининг қайси қисми:

а) Мой сақлаш идиши бўлиб ҳисобланади? б) Мойнинг тармоқда мажбурий айланниб юришини таъминлайди? в) Двигатель оғир шароитда ишлаганда мойнинг муентазам совишини таъминлайди?

##### 2. 79-расмдаги қайси қурилма ёки механизм:

а) Тармоқда мой босимини назорат қилиб туради? б) Картер тубидаги мой ҳароратини назорат қилиб туради? в) Тармоқдаги



79-расм. Мойлаш тармоғининг соддалаштирилган чизмаси.

мой босимини мөйёридан оширмай чеклаб туради? г) Дағал фильтр ҳар хил ейилиш маҳсулотлари ва чанглар билан тиқилганда мойни асосий мой йўлига ўтказиб туради? д) Насосни ишдан чиқарувчи ҳар хил йирик маҳсулот ва чанглардан тозалайдиган бирламчи фильтр вазифасини ўтайди?

#### 2-топшириқ(80-расм).

I. Расмда мой насосининг деталлари қандай рақамлар билан белгиланган?

Корпус (а), корпус қопқоғи (б), вал (в), стакланувчи шестерня (г), стакловчи шестерня (д), қайтариш клапан шарчаси (е), қайтариш клапан пружинаси (ё), қайтариш клапан тиқини (ж), насосининг чиқариш туйнуги (з), насосининг юргизиш шестерняси (и), насосининг киритиш туйнуги (й).

II. I. Қайси ҳолларда тармоқда мой босими мөйёридан ошиб кетади?


а) Тирсакли валнинг катта айланишлар сонида? б) Совуқ двигателдаги мой жуда қуюқлашиб кетганда? в) Қизиган двигателда мой жуда суюқлашиб кетганда?

2. Тармоқдаги мой босимини ростлаш мақсадида қайтариш клапанида нима мұлжалланган?

Пружина (а), тиқин (б), шарик (в).


III. Қуйидаги двигателларда мой насосининг турини ва двигателда жойланиш ўринини көлтирилган жавоблардан аниқланг.

1. ЗМЗ-53? 2. ГАЗ-24? 3. ВАЗ-2106? 4. ЗИЛ-130? 5. ЯМЗ-236?



80-расм. Мой насоси ва унинг қайтариш клапани.

а) Бир хонали, ҳаракатни газ тақсимлаш қалидаги шестернядан олади, картер-блок текислигининг олд томонида, пастки қисмидә жойлашган; б) иккى хонали, ҳаракатни газ тақсимлаш қалидаги шестернядан олади. Насос цилиндрлар блокининг чап томонида, орқа қисмидә жойлашган. Ҳаракатни тирсакли валнинг шестернясидан олади; в) бир хонали, картер-блокнинг олд томонида, пастки қисмидә жойлашган; г) иккى хонали ҳаракатни тирсакли валдан оралиқ вал орқали олади. Картер-блокнинг олд қисмидә, пастда жойлашган; д) иккى хонали, ҳаракатни газ тақсимлаш валининг кетинги қисмидә жойлашган винтли шес-



81-расм. Мой тозалаш фильтрининг турлари.

териядан олади. Насос поддон ичидә жойлашган.

З-топшириқ (81-расм, а, б, в).

I. Расмнинг қайси күринишларida қуйидаги двигателларнинг фильтрлари тасвирланган:

1. ГАЗ-24? 2. ЗИЛ-130? 3. ЯМЗ-236?

II. Расмда мой фильтрларининг қайси турлари тасвирланган?

1. Алмашинуучи фильтровчи қисмли майин фильтр. 2. Центрифугали фильтр. 3. Олдиндан тозаловчи фильтр деб юритиладиган түрсимон фильтр.

III. Қайси двигателларда мой насосдан ўтгандан кейин тұла фильтрләнади?

1. Алмашинуучи тозаловчи қисмли фильтрда. 2. Центрифугада.

3. Олдиндан тозаловчи пластинкалы тирқишли фильтрда, сұнг центрифугада.


а) ГАЗ-24? б) ВАЗ-“Жигули”, в) “Москвич-2140”? г) ЗМЗ-53?

д) ЗИЛ-130? е) ЯМЗ-236?

4-топшириқ (82-расм).

I. Расмда алмашинуучи тозаловчи қисмли майин фильтр деталлары қайси рақамлар билан белгиланған?

Мой босиминн күрсатувчи датчик (а), фильтр корпуси (б), мой қуиши тешигининг тиқини (в), мой қуиши нағаси (г), ўтказиши



82-расм. ЗМЗ-24 двигателининг алмашинадиган тозаловчи қисми бўлгани дагал мой фильтри.

ишқаланишида ҳосил бўлган металл зарралари.

III. Келтирилган жавоблардан қўйидаги фильтрларни ифодалайдиган таърифни аниқланг:

1. Майин тозалаш фильтри. 2. Дагал тозалаш фильтри.

а) Тармоқда кетма-кет уланган; б) мойни йирик механик аралашмалардан ва эримаган моддалардан тозалайди; в) тармоқда мувозий уланган; г) мойни майда механик заррачалардан тозалайди; д) пластинкали-тирқишли ёки түрсизмон турдати; е) қозоз лентали ёки картон-пакетли турдаги.

5-топшириқ (83-расм).

1. Пластинкали тирқишли дагал мой тозалаш фильтрининг деталлари қайси рақамлар билан белгиланган.

корпус (а), тиндиригич қопқоғи (б), тозаловчи қисм (в), тозаловчи пластинкалар (г), оралиқ пластинка юлдузча (д), ўзак (е), сальник (ё), қотириувчи гайка (ж), қўзғалмас тозаловчи пластинкалар (з), қўзғалмас тозаловчи пластинкаларни ушлаб турувчи шпилька (и), даста (й), даста ўзаги (к), даста втулкаси (л), ўзак пружинаси (м), бўшатиш тиқини (н), ўтказиш клапани (о).

II. 1. Қўйидаги двигателларниң қайси бирида алмашинувчи тозаловчи қисмли фильтр ишлатилади?

а) ГАЗ-24 "Волга"; б) ЗМЗ-53; в) ЗИЛ-130.

2. ЗИЛ-130 ва ЯМЗ-236 двигателларида қулланиладиган майин тозалаш фильтрларининг (центрифугаларининг) фарқи нимада?

а) ЯМЗ-236 двигателида тўла оқимли фильтр урнатилган, фильтрдан ўтган мой асосий мой ўулига боради; б) ЗИЛ-130


клапани тиқини (д), пружина (е), қўйиш найчасининг училиги (ё), зичлагич ҳалқа (ж), мой ўтказиш клапани (з), фильтр корпусининг тўплагич қисми (к), талафотни хабарлаш дараклагичи (л).

II. 1. Қайси жавобда двигателнинг ишлаш жараёнида мойнинг сифати бузилишини тансифловчи ҳоссалари келтирилган?

а) ёпишқоқлиги камаяди; б) ёнишқоқлиги ортади; в) мойнинг мойлаш ҳоссаси камаяди; г) мойнинг мойлаш ҳоссаси ортади.

2. Двигателнинг ишлаш жараёнида мой қандай маҳсулот ва чанглар таъсирида ифлосланади?

а) Тўла ёнган ёнувчи аралашмасининг сенгил маҳсулотлари; б) чаиг зарралари; в) қурум зарралари; г) деталларнинг



83-расм. Пластинкали-тирқишли дагал мой тозалаш фильтри.

двигателида тұла оқимли фильтр үрнатылған; в) ЗИЛ-130 двигателди центрифуга мой тармоғига кетма-кет, ЯМЗ-236 да эса центрифуга тармоққа мувозий уланған.

III. Қайси жағобда двигателларга тегишли фильтрларнинг ифодаловчи хусусиятлари көлтирилған?


1. ГАЗ-24; 2. ГАЗ-53; 3. ЗИЛ-130; 4. ЯМЗ-236; 5. КамАЗ-5320.

а) Биринчиси тұла оқимли майин тозалаш фильтри (кетма-кет уланған), иккінчиси эса тұла бұлмаган оқимли реактив центрифуга (мувозий уланған); б) тұла оқимли майин тозалаш фильтри (кетма-кет уланған); в) тұла бұлмаган оқимли реактив центрифуга (мувозий уланған); г) биринчиси тұла оқимли дагал фильтр (кетма-кет уланған), иккінчиси эса тұла бұлмаган оқимли реактив мой фильтри (центрифуга, мувозий уланған); д) тұла оқимли реактив мой фильтри (центрифуга, кетма-кет уланған).

#### 6-топшириқ (84-расм).

I. Тұла бұлмаган оқимли марказдан қочма фильтрнинг деталдары қайси рақамлар билан белгиланған?

Корпус (а), қопқоқ (б), ұзак (в), ұзак гайкаси (ғ), ротор асоси (д), ротор қобиғи (е), қобиқ гайкаси (ё), роторнинг таяңч шарикли подшипники (ж), гайкали жипслаштирувчи шайба (з), әйнекелерлар (и), жиклөрларга борадиган түйнуклар (й).



84-расм. ЗМЗ-53 двигателининг тұла бұлмаган оқимли марказдан қочма фильтри (центрифуга).

саяди; б) бөглиқ әмас; в) роторнинг айланиш сони ошиши билан мой йүлидаги босим ошади.

**III. Қуйидаги асбоб ва қурилма қандай күчлар таъсирида ишлады?**

1. Марказдан қочма күч таъсирида. 2. Реактив күч таъсирида.  
3. Ошиқча мой босими таъсирида.

а) Редукцион клапан; б) мой насоси; в) ЗИЛ-130 двигателида үрнатылған тұла оқимли фильтр; г) ЗМЗ-53 двигателининг тұла бұлмаган оқимли фильтри; д) үтказиш клапани.

**IV. 1. Марказдан қочма мой тозалаш фильтри ЗМЗ-53 двигателининг мойлаш тармоғига қандай уланған?**

а) Кетма-кет; б) мувозий; в) арапаштан.

2. ЗИЛ-130 двигателида мой марказдан қочма фильтрдан мой жиклөридан чиқиб қаёққа йұналади?

а) Двигатель картерига; б) мой радиаторига; в) асосий мой йүлиға.

3. Марказдан қочма фильтрнинг тахминий айланиш тезлиги қандай?

а) 60—70 айл/мин; б) 600—700 айл/мин; в) 6000—7000 айл/мин.

**V. Қайси жағобда қуйидаги двигателларнинг мойлаш тармоқла-рига алоқадор болған хусусиятлари берилған?**

1. ГАЗ-51. 2. ЗМЗ-53. 3. ЗИЛ-130. 4. ЯМЗ-236. 5. КамАЗ-2320.

а) Двигателнинг мойлаш тармоғида марказдан қочма мой тозалаш фильтри ишлатылмайды; б) тұла оқимли марказдан қочма фильтр ишлатылады; в) марказдан қочма фильтр асосий мой

II. 1. Марказдан қочма фильтрнинг қайси деталида мойниң **PDF Compresso в Горячий** тутилиб қолади?

- 12 а) Роторнинг ички деворида;  
13 б) тұрсымон фильтрнинг ички юзасида; в) ротор қобигининг ички деворида.

2. Центрифуга роторнинг айланиш сони нимага боғлиқ?  
а) мой босимининг ортиши билан роторнинг айланишлар сони ортади; б) бөглиқ әмас; в) мой босими камайиши билан роторнинг айланишлар сони ортади.

3. Центрифугадаги ва асосий мой йүлидаги мой босими тирекали валининг айланиш сонига боғлиқми?

а) Роторнинг айланиш сони ошганда мой йүлида босим пашаиди; б) бөглиқ әмас; в) роторнинг айланиш сони ошиши билан мой йүлидаги босим ошади.

**III. Қуйидаги асбоб ва қурилма қандай күчлар таъсирида ишлады?**

1. Марказдан қочма күч таъсирида. 2. Реактив күч таъсирида.  
3. Ошиқча мой босими таъсирида.

а) Редукцион клапан; б) мой насоси; в) ЗИЛ-130 двигателида үрнатылған тұла оқимли фильтр; г) ЗМЗ-53 двигателининг тұла бұлмаган оқимли фильтри; д) үтказиш клапани.

**IV. 1. Марказдан қочма мой тозалаш фильтри ЗМЗ-53 двигателининг мойлаш тармоғига қандай уланған?**

а) Кетма-кет; б) мувозий; в) арапаштан.

2. ЗИЛ-130 двигателида мой марказдан қочма фильтрдан мой жиклөридан чиқиб қаёққа йұналади?

а) Двигатель картерига; б) мой радиаторига; в) асосий мой йүлиға.


3. Марказдан қочма фильтрнинг тахминий айланиш тезлиги қандай?

а) 60—70 айл/мин; б) 600—700 айл/мин; в) 6000—7000 айл/мин.


**V. Қайси жағобда қуйидаги двигателларнинг мойлаш тармоқла-рига алоқадор болған хусусиятлари берилған?**

1. ГАЗ-51. 2. ЗМЗ-53. 3. ЗИЛ-130. 4. ЯМЗ-236. 5. КамАЗ-2320.

а) Двигателнинг мойлаш тармоғида марказдан қочма мой тозалаш фильтри ишлатылмайды; б) тұла оқимли марказдан қочма фильтр ишлатылады; в) марказдан қочма фильтр асосий мой



85-расм. АСФО за ДАСФО фильтровчи қисмли майдан тозалаш фильтри.



86-расм, а ва б. Двигатель остики бўшлигини (картерини) шамоллатиш тармоғининг турлари.


йўлига мувозий уланган; г) тармоқда марказдан қочма фільтрдан ташқари қўшимча фільтрловчи элементлар қўлланилган.

#### 7-топшириқ (85-расм).

I. Майин тозалаш фільтрининг деталлари қайси рақамлар билан белгиланган?

Корпус (а), марказий найча (б), қопқоқ (в), марказий найча болти (г), ДАСФО фільтрловчи қисми (д), найчадаги сиқувчи пружина (е), АСФО фільтрловчи қисми (ё), картон пластинкалар (ж), радиал ариқчали қистирма (з), жипслаштирувчи картонли сальник (и), марказий найчанинг ишлов берилган тешиги (й), марказий мой оқиши трубкаси (к), ўтказиш тешиги (л), ёнаки мой оқизиши найчаси (м).

II. I. Насосдан берилган мойнинг қанчаси майин тозалаш фільтрига ўтади?



а) 50—60 фоиз; б) 30—45 фоиз; в) 10—20 фоиз.

2. Фильтрға юборилған мойнинг қанча қисми тозаланади?

а) 7—8 фоиз; б) 10—15 фоиз; в) 16—20 фоиз.

3. Тармоқда: а) фильтрнинг қаршилигини камайтириш учун, б) фильтр корпусидан мой құйқасини чиқарып учун, в) мойни двигатель картерига қойиш учун нимә мүлжалланған?

**III.** Қуйидаги двигателларда көлтирилған майин мой тозалаш фильтрларидан қайси бири құлланилади?

1. АСФО. 2. ДАСФО. 3. Ажралувчан турдаги мой фильтри.

4. Ажралмайдыган асосий ва құшимчы фильтрлөвчи таркиби мой фильтри.

а) ВАЗ-2106 "Жигули"; б) "Москвич"-412; в) "Москвич"-408; г) ГАЗ-24; д) ЗМЗ-451; е) ГАЗ-52.

8-топшириқ (86-расм).

I. 1. ЗМЗ-53 ва ЗИЛ-130 двигателларининг шамоллатиш тармоғи 86-расмнинг қайси күринишида тасвирланған?

2. 86-расмда картерни шамоллатышда қатнашадыган деталлар қайси рақамлар билан күрсатилған?

Фильтр (а), центрифуга корпуси (б), мой қүйиш трубкаси (в), киритишиң найчалари (г), картер туби (д), сұрупчиң нағызы (е), шамоллатишиң картерининг ҳаво фильтри (ж), компрессор (з), ҳаво тозалагич (и), карбюратор (ий), картерин шамоллатишиң найчаси (к), мой ушлагич (л), картерни шамоллатиши клапани (м), шамоллатишиң клапанининг корпуси (н), газ тақсимлаш механизмининг киритиши клапани (о), шамоллатиши клапанининг штуцери (п).

II. Қайидаги автомобиль двигателларидә картерни шамоллатишиң қандай усулда бажарылған?

1. Картердаги газларни ташқарига чиқарып юборыш усули билан очық тармоқ. 2. Картер газларини чиқарып қувурига юборыш усули билан ёпиқ тармоқ. 3. Картер газларини ҳаво тозалагич ёрдамида сұрыш усули билан мажбурий ёпиқ тармоқ.

а) ВАЗ-2101 "Жигули"? б) "Москвич-408"? в) "Москвич-412"?  
г) ГАЗ-24? д) КамАЗ-5320? е) ЯМЗ-236? ж) ЗИЛ-130?

III. Қайси жағобда келтирилған шамоллатишиң тармогига тегишли таърифлар берилған?

1. Очық турдаги. 2. Ёпиқ турдаги. 3. Мажбурий ёпиқ турдаги:  
а) картер газларининг двигатель киритишиң тармогига мунтазам сурилиб турилишини таъминлады; б) картер газларини бевосита ҳавога чиқаради; в) картер газлари таъминлаш тармогининг мезонловчи түзілмалари орқали бевосита үтады.

#### МОЙЛАШ ТАРМОГИ МАВЗУИ ЮЗЛСИДАН ТҮГРИ ЖАВОБЛАР ҚАЙИДАГИЛАРДИР:

I-төпшириқ. I. а(6), б(7), в(8), г(5), д(4), е(3), ё(10), ж(9), з(2), и(11), ї(12), к(13), л(14), м(15), н(16), о(17), п(18). II. 1(а,б,в), 2(г). III. I. а(18), б(7), в(3), 2. а(11), б(2), в(8), г(9), д(6).

2-төпшириқ. I. а(2), б(3), в(9), г(8), д(7), е(4), ё(5), ж(6), з(11), и(1), ї(10). II. 1(а, б), 2(а, в). III. 1(б), 2(а), 3(в), 4(д), 5(г).

3-төпшириқ. I. 1(в), 2(б), 3(а). II. 1(в), 2(б), 3(а). III. 1(а, б, в), 2(г, д), 3(е).

4-төпшириқ. I. а(4), б(3), в(1), г(2), д(6), е(7), ё(8), ж(9), з(11), и(10), ї(12), к(14), л(13). II. 1(а, в), 2(б,в,г). III. 1(в, г, е), 2 (а, б, д).

5-төпшириқ. I. а(9), б(8), в(4), г(6), д(5), е(12), ё (10), ж(11), з(3), и(2), ї(15), к(12), л(14), м(13), н(7), о(1). II. 1(а), 2(в). III. 1(б), 2(в), 3(д), 4(г), 5(а).

6-төпшириқ. I. а(3), б(7), в(6), г(11), д(4), е(8), ё(10), ж(1), з(9), и(2), ї(12), к(13). II. 1(в), 2(а), 3(в). III. 1(в, г), 2(в, г), 3(а,д). IV. 1(б), 2(в), 3(в). V. 1(а), 2(в), 3(б), 4(г), 5(г).

7-топшириқ. I. а(7), б(15), в(з), г(1), д(5), е(2), ё(13,14), ж(12), з(11), и(4), й(16), к(10), л(8), м(6). II. 1(в), 2(а), 3. а(8), 6(9), в(10). III. 1(д,е), 2(в), 3(б,г); 4(а,г).


8-топшириқ. I. 1(а) ГАЗ-53, б) ЗИЛ-130, 2. а(3), б(1), в(2), г(4), д(6), е(5), ё(7), ж(9), з(8), и(10), й(11), к(13), л(12), м(14), н(15), о(17), п(16). II. 1(г,д,е), 2(ж), 3(а, б, в). III. 1(б), 2(в), 3(а).

#### 8-б-б. КАРБЮРАТОРЛИ ДВИГАТЕЛЛАРНИНГ ТАЪМИНЛАШ ТАРМОГИ

##### 36-§. Таъминлаш тармогининг вазифаси, тузилиши ва жойланиш тизими

Таъминлаш тармоги ёнилғи билан ҳавони тозалаш ва улардан керакли таркибда ёнилғи аралашмаси тайёрлаб, цилиндрларга киритиш ҳамда ишлатилган газларни ташқарига чиқариб юбориш учун хизмат қиласи. Таъминлаш тармогига киругчи асбоб-ускуналарни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: 1) ёнилгини сақлаш, тозалаш ва уни ёнилғи аралашмаси ҳосил қилувчи асбобга юбориш қисмлари — ёнилғи баки, ёнилғи сатҳини кўрсатувчи датчик, ёнилғи фильтри, ёнилғи насоси ва ёнилғи ўтказувчи найчалар; 2) ҳавони тозалаш ва уни узатиш қурилмаси — ҳаво фильтри ва ҳаво ўтказгич; 3) ёнилғи ва ҳаводан аралашма ҳосил қилувчи асбоб — карбюратор; 4) ёнилғи аралашмасини цилиндрларга киритувчи ва ишлатилган газларни чиқариб, уларнинг товушини пасайтирувчи қисмлар — киритиш ва чиқариш қувурлари ҳамда сўндиригич (глушатель).

87-расмда карбюраторли двигателнинг таъминлаш тармоги асбобларининг жойлашиш тизимининг чизмаси кўрсатилган. Ёнилғи



87-расм. Карбюраторли двигателнинг таъминлаш тармоги асбобларининг жойлашиш тизимининг чизмаси.

бензобак 12 дан найча 9 орқали фильтр 7 га ўтиб, ундан бензонасос 6 ёрдамида босим остида найча 5 га ва ундан карбюраторга юборилади. Ҳаво ташқи мұхитдан ҳаво фильтри 7 орқали карбюратор 2 га сўрилади. Карбюраторда түзитилган ва қисман буғланган бензин ҳаво билан қўшилиб, ёнилги аралашмасини ҳосил қиласди. Сўнг ёнилги аралашмаси киритиш қувури 3 орқали цилиндрларга сўрилади, ишлатилган газлар эса чиқариш қувури 4 ва оралиқ қувур 8 орқали сўнайргич 10 га кириб, қувур 11 дан ташқи мұхитта чиқарилади. Бензобак 12 даги ёнилги сатҳи қалқович 15 ёрдамида кабинага ўриатилган манометр 16 билан аниқланади. Бензобакнинг ёнилги қуийи bungизи 13 қопқоқ 14 билан жипс қилиб беркитилган. Келтирилган схемада ёнилги аралашмаси (бензин ва ҳаво) цилиндр ташқарисида тайёрланади. Ёнилги аралашмасини бундай тайёрлаш карбюрацияланиши, уни тайёрловчи асбоб карбюратор дейилади.

### 37-§. Ёнилги аралашмаси таркиби ва унинг двигатель иш маромига таъсири

Карбюраторли двигателлар учун ёнилги сифатида лессан бензин ишлатилади. Бензиннинг сифати иссиқлик бериш қобилияти, солиширма оғирлиги, буғланувчанлиги ва зуллик билан портлашта (детонацияяга) мойиллиги билан аниқланади. Бензиннинг солиширма оғирлиги  $700\ldots760 \text{ кг}/\text{м}^3$  ( $0,700\ldots0,760 \text{ г}/\text{см}^3$ ) га 253 К ( $-20^\circ\text{C}$ )да тенг бўлади.

1 кг ёнилги тўла ёниб бўлганда ҳосил бўладиган иссиқлик миқдори иссиқлик бериш қобилияти деб аталади. 1 кг бензин тўла ёниб бўлганда 44000..46000 кЖ (10500 ккал) иссиқлик энергияси ҳосил бўлади.

Буғланувчанлик бензиннинг суюқ ҳолатдан буг ҳолатга ўтиш ҳароратини аниқлайди. Бу ҳарорат қанча паст бўлса, бензиннинг сифати шунча юқори бўлади. Натижада двигательни юргизиш осонлашади ва у равон ишлади ҳамда тежамлилиги ортади.

Бензиннинг зудлик билан портлашга мойиллиги двигательнинг сиқиши даражасига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб, ёнилги аралашмасининг 25..35 м/с тезликда зарбли тўлқинсиз, яъни детонациясиз ёнишига айтилади. Ёнилги аралашмасининг бир қисми 1500..2000 м/с тезликда зарбли тўлқин ҳосил қилиб шиддат билан ёниш зудликли портлаб (детонацияли) ёниш дейилади. Бензиннинг зудликли портлашга қарши чидамлилигини октан сони билан аниқланади. Бензиннинг октан сони қанча юқори бўлса, у зудликли портлашга шунча чидамли бўлади. Автомобиль бензинларининг октан сони одатда 66..98 бўлади. Бензиннинг зудликли портлашга чидамлилиги унга антидетонатор, яъни портлашдаги зудликни сусайтирувчи модда қўшиб оширилади. Этил суюқлиги антидетонаторлардан биридинр. Этил суюқлиги ҳар бир литр бензинга 1,0 см<sup>3</sup> гача қўшилади. Бундай бензин

этілланган бензин дейилади. Этил суюқлиғи ўта зақарлы бұлгани сабабли, этилланга бензин ҳам зақарлы ҳисобланади. Этілланган бензинни оддий бензиндан ажратиш осон бўлиши учун унга қизғиши-сариқ ёки кўк-яшил бүёқ қўшиб ранги ўзгартирилади. Этілланган бензинни эҳтиёткорлик билан ишлатиш лозим.

Карбюраторли двигателлар учун ГОСТ бўйича қўйидаги белгили бензинлар ишлаб чиқарилади: А-72, А-76, АИ-93, АИ-98. Бензин белгиларидағи А ҳарфи автомобиль бензини эканлитини, рақамлар эса октан сонини кўрсатади. Масалан, ГАЗ-52 ва УАЗ-451 двигатели учун А-72, ЗМЗ-53 ва ЗИЛ-130 ҳамда ГАЗ-2401 двигателлари учун А-76, Москвич-2140, ВАЗ-2106, ГАЗ-24Д двигатели учун эса АИ-93 маркали бензин ишлатилади. Юқори сифатли АИ-98 бензини сиқиши даражаси 8,8 дан юқори бўлган кучайтирилган двигателлар учун ишлатилади (ЗИЛ-117).

Бензин двигатель цилиндрларида иш жараёни вақтида тўла ёниши учун уни ҳаво билан яхши ва бир текис аралаштириш лозим. Бу жараён тирсакли валининг 2500...4000 мин<sup>-1</sup> айланишида ўтади ва ҳар бир тект тахминан 0,01 с давом этади.

Ҳаво таркибида 23 фоиз кислород бор. Одатда 1 кг ёнилгининг тўла ёниши учун зарур бўлган ҳавонинг назарий миқдори 15 кг. Двигателнинг иш маромига қараб, ёнилгининг тўла ёниши учун зарур бўлган ҳавонинг ҳақиқий миқдори назарий миқдордан кўп скни кам бўлиши мумкин.

1кг ёнилги ёниши учун цилиндрга кирилтган ҳаво ҳақиқий миқдори ( $l$ ) нинг назарий миқдори ( $l_{н.м.}$ )га нисбатан ҳавонинг ортиқлик коэффициенти деб аталади.

$$\alpha = \frac{l}{l_{н.м.}}$$

бу ерда:  $l$  — 1 кг ёнилги ёниши учун зарур бўлган ҳавонинг ҳақиқий миқдори  $l$  н.м. — 1 кг ёнилгининг тўла ёниши учун зарур бўлган ҳавонинг назарий миқдори.

Ҳавонинг ортиқлик коэффициенти карбюраторли двигателларнинг иш маромига қараб 0,85...1,15 бўлади. Агар  $\alpha = 1$  бўлса мақбул,  $\alpha < 1$  бўлса қуюқ,  $\alpha > 1$  бўлса суюқ аралашма дейилади.

Двигатель энг катта қувватда ишлаши учун ҳавонинг ортиқлик коэффициенти  $\alpha = 0,85...0,90$  бўлиши керак. Аралашма ҳосил қилиш учун ёнилги ва ҳавонинг миқдори 1:13 бўлса, қуюқ аралашма дейилади. Двигатель бу таркибаги аралашмада ишласа, ёнилги сарфи кўпаяди, лекин қувват ортади. Аралашмада ёнилги ва ҳавонинг миқдори 1:13 дан кам бўлса ( $\alpha < 0,85$ ) аралашманинг ёниш тезлиги сустлашади ва двигателнинг қуввати пасаяди. Бундай аралашма қуюқ ёнилги аралашмаси дейилади. 1 кг бензинга 16 кг ҳаво тўғри келса,  $\alpha \approx 1,1$  суюқлашган аралашма ҳосил бўлади, бундай аралашмада бензин тўла ёниб двигателнинг қуввати ошади ва ёнилги бирмунча тежалади. Аралашмада ёнилги ва ҳавонинг миқдори 1:18 бўлса, ёниш жуда

сустлашади, двигательнинг қуввати ва тежамкорлиги ҳам пасаиди. Бундай аралашма суюқ ёнилғи аралашмаси делилади. Агар аралашмада 1 кг бензинга 6 кг ҳаво ( $\alpha = 0,4$ ) ёки 1 кг бензинга 20 кг ҳаво ( $\alpha \approx 1,35$ ) тұғри келса, бунда ёнилғи аралашмаси мутлақо алангаланмайди.

Одатда двигатель иш шароитига қараб беш хил маромда ишлаши мүмкін. Сөвүқ двигателни юргизиш, юкланишсиз тирсакли вал секин айланиб ишлаши учун двигателни салт юргизиш, үрта юкланиш, энг юқори юкланиш ва тезланиш маромлари.

Двигатель ишлаганда ҳар қайси маромга маълум таркибли ёнувчи аралашма тайёрлаб цилиндрларга юбориш лозим. Сөвүқ двигателни юргизиш учун қысқа аралашма зарур, чунки бу ҳолатда тирсакли валнинг айланишлар сони кичик бўлганлиги сабабли, ҳаво оқимининг тезлиги ҳам кичик бўлади, натижада ёнилғи зарраларининг кўп микдори томчига айланса ҳам аралашманинг алангаланиши учун ундан ёнилғи буғлари старли бўлади. Двигатель юкланишсиз, тирсакли вал секин айланиб салт ишлаганда, цилиндрларга юборилаётган аралашманинг микдори жуда ҳам кам, сифати эса паст бўлади. Шунинг учун бу маромта қуюқлашган ёнувчи аралашма керак. Двигатель үртача юкланиш билан ишлаганда ундан тұла қувват талаб этилмайди, шунинг учун бу ҳолда суюқлашган аралашма ишлатилади, бу эса ёнилғини тежайди ва унинг тұла ёнишини таъминлайди. Энг катта юкланишлар учун қуюқлашган аралашма керак, чунки бу маромда двигателдан тұла қувват талаб этиллади. Тезланиш маромида двигатель тирсакли валининг айланишлар сони кескин ортиши керак, бунинг учун аралашма қисқа муддатда қуюқластириллади, акс ҳолда двигатель үчиб қолиши мүмкін. Бу вазифаларнинг барчасини карбюратор бажаради.


### 38-§. Оддий карбюратор ва унинг ишлаш услуби

Замонавий карбюраторларнинг ишлаши пуркаш услубига асосланған ҳаво оқими пастдан юқорига, оқими юқоридан пастга ва оқими ётиқ йұналған карбюраторлар бўлади. Ҳозирги күнда ҳаво оқимин юқоридан пастга йұналған карбюраторлар энг кўп тарқалған. Уларда аралашма ҳосил қилиш анча сифатли ва қулай бўлиб, цилиндрлар ёнувчи аралашмага яхши тұлади.

88-расмда оқими юқоридан пастга йұналған карбюраторнинг соддалашган тасвирий чизмаси келтирілған, унинг ишлаш услуби қуйидагича: киритиш тактида поршень 7 ю. ч. н. дан п. ч. н. га ҳаракатланаётганды, унинг юқорисида цилиндр бўшлиғи б да сийракланиш ҳосил бўлади, натижада карбюратор қувури 1 даң үтәётган ҳаво оқими таъсирида тұзитигч /5 нинг қил тешигидан ёнилғи отилиб чиқади ва у ҳаво билан аралашыб, киритиш қувури 8 ва клапан 5 орқали цилиндрга киради. Қалқовичли бўлинма 11 да бензин сатхининг бир мөъбердә сақланишини

назорат қилиш учун ичи көвак Қалқович 12 ўрнатылған. Қалқовичтың бүлинмага керакты миқдорда ёнилғы тұлдырылғанда, Қалқович нинасімон клапан 13 бүлинмага бензин кирадын тешіккін очады. Қалқовичтың бүлинма юқорисидегі тешік 14 бүлінмани ташқы мұхит билан бирлаشتыриб, босимни ұзгартырмайды. Диффузор 2 да ұавонинг тезлігін кескін ортіб, босими камаяды. Тұзитгіч 15 дан оқиб чиқаётгандың миқдори диффузордагы сийракланишга жиклөр 10 тешигінинг кесімнің боғынқа ва у арадашма таркибига таъсир этады. Дросель-заслонка карбюраторнинг арадашма ұтадын қирқимини ұзгартыриб, цилиндрға юбориладын арадашма миқдорини ұзгартырады. У үқ 4 да буриладын заслонка 3 дан иборат. Карбюратор құвурининг диффузор 2 да дросель-заслонка 3 гача бұлған қисмі арадаштырылғанда бүлінмәсі деб аталады ва унда ёнувчи арадашма қосыл қилинады.


Юқорида күриб ұтылған сода карбюратор двигательнинг ҳар хил иш маромида ишлашини қаноатлантирумайды. Чунки бундай қолларда ёнувчи арадашма кескін камбағаллашады. Оқибатда бекарор иш маромиға үтиб, үчиб қолиши мүмкін. Двигателнинг турли иш маромларда қаноатлантирадын ёнувчи арадашма тайёрлаш учун замонавий карбюраторлар конструкциясига бир қанча құшимчы тармоқ ва мосламалар ўрнатылған. Булар юргизиб юбориш тузилмаси, салт ишлаш тармоғи, асосий мезонловчи (дозаловчи) тузилма, бойнитгіч ұамда тезлатгіч мосламалар ва бөшқалардир.



88-расм. Сода карбюратор тасвири.

### 39-§. Карбюраторнинг юргизиб юбориш тузилмаси ва салт ишлаш тармоғи

**Юргизиб юбориш тузилмаси.** Двигателнің юргизиб юбориш вақтида тирсакли валнинг айланишлар сони жуда кичик бұлады, натижада тұзитгічинің жиклөрлари 14 дан ёнилғы оқиб чиқиши учун арадашма тайёрлаш бүлінмасыда сийракланиш етарлы бұлмайды (89-расм). Айнан бу қолда арадашма қуюқ булиши керак. Сийракланишни ошириб, тұзитгічдан чиқаётгандың ёнилғы миқдорини күпайтириш учун карбюраторнинг ұаво құвурига ұаво заслонкасы 3 ўрнатылады. Двигателнің юргизиб юбориш вақтида заслонка өспілады, натижада құвурининг арадаштырылғанда сийрак-



89-расм. Юритиш тузилмаси ва салт ишлаш тармоғининг тасвири.

билин кучайган сийракланиш таъсирида ҳаво заслонкаси тұла очилади. Двигатель қозигандан клапандан үтәсттеган ҳаво миқдори етаптарда бүлмайды ва ҳаво заслонкаси тұла очилади.

**Салт ишлаш тармоғи.** Салт ишлаш тармоғи двигатель юкланышсыз ва тирсакли вал кичик айланиш сонида ишлаганда ёнувчи аралашма тайёрлаб беришга мүлжалланған. Двигатель салт ишлаши учун, дроссель-заслонка 12 нинг орқасында, карбюратор бүшлиғида ҳосил бүладиган сийракланишдан фойдаланылади. Бу сийракланиш дроссель-заслонка ёниң түйнеки 5 ва ёниң түйнуги 4 орқали асосий жиклөр 8 га үтади. Натижада ёниң асосий жиклөр орқали ёниң түйнуги бўйлаб салт ишлаш жиклөргига үтади, у орқали эса эмульсион түйнукка киради. Бу ерда дастлаб ҳаво жиклөри 7 орқали киргани ҳаво кейин дроссель юқорисидаги тешик 13 дан киритилган қўшимча ҳаво билан аралашади. Чиқиш тешиги 11 да чекловчи пружина 10 ли конуссимон ростлаш винти 9 үрнатылған. Бу винтиниң ҳолатини ўзгартириб эмульсия үтадиган чиқиш тешигининг ўтказиш кесими ўзгартирилади, натижада ёнувчи аралашманинг таркиби ўзгариади. Аралашманинг миқдорини ўзгартириш учун винт 15 мүлжалланган бўлиб, бу винт дроссель-заслонканынг энг кичик очилиши бурчагини ростлайди. Дроссель заслонканынг юқорисидаги қўшимча тешик 13 салт ишлаш тармоғидаги сийракланишни камайтиради ва дроссель очила бошлагач, бу тешикдан эмульсия оқиб чиқиб, двигательнинг турғун ишлашига ёрдам беради. Кеинчалик дроссель-заслонка очила бориши билан салт ишлаш


тармоги ўз ишини тұхтата боради ва ёнилғи асосий мезонлаш тармогидан берила бошланади.

#### 40-§. Ёнилғи аралашмасини барқарорлаштириш (компенсация қилиш) тузилмаси

Маълумки, ҳар қандай карбюраторда аралаштириш булинмасидаги сийракланиш даражаси дроссель-заслонканинг ҳолатига боғлиқ. Булинмадаги сийракланиш ортиши натижасыда ёнувчи аралашма қуюқлашади ва ёнилғи сарфи күпаяди. Шунинг учун аралаштириш булинмасида сийракланиш ортиб кетганда аралашманинг жуда ҳам қуюқлашиб кетишига йўл қўймайдиган тузилма керак.

Двигатель кичик юкланишдан ўрта юкланишга ўтганда, аралашма таркибини бир хил сақлаб туриш *аралашманинг барқарорланиши (компенсацияланиши)* дейилади. Бу вазифани бажарувчи карбюратор мосламаси *барқарорлаш (компенсация) тузилмаси* леб аталади. Замонавий карбюраторларда қуйидаги барқарорлаш системалари ишлатилади: 1) ёнилгининг ўтишини ҳаво таъсирида сусайтириш; 2) диффузордаги сийракланишни ростлаш; 3) аралашусул билан барқарорлаш.

Қўпчилик автомобиль двигателларининг карбюраторларида ёнилғи ўтишини ҳаво таъсирида сусайтириш тармоғи ишлатилади. Бу усул ёнилғи жиклёрлари олдида сийракланишини камайтиришга асосланган. Карбюраторда ёнилғи ўтиш мөъёрини ҳаво таъсирида сусайтириш тармоги 90-расмда кўрсатилган. Бундай тармоқли карбюраторга асосий мезонлаш тармогидан ташқари ёнилгини барқарорлаш қудуғи 5 ва ҳаво жиклёри 6 киритилган булиб, асосий мезонлаш тармогининг туйнукларига ёнилғи билан бирга ҳаво (ҳаво жиклёри орқали) киради, натижада ёнилғи эмульсияси ҳосил булади. Кейинчалик эмульсия тўзитгич туйнуги 8 орқали диффузор 1 га берилади ва ҳаво билан аралашади. Ёнилғи яхши эмульсияланиши учун барқарорлаш қудуғи 5 га найча 7 ўрнатилган. Ёнилғи тўзитгич 8 га босим остида келаётганда эмульсияланиш содир бўлса, ёнилгининг умумий сарфи ортади ва аралашма қуюқлашади. Ёнувчи аралашманинг қуюқлашниш даражаси диффузор 1 орқали ўтаётган ҳавонинг миқдорига боғлиқ. Диффузор-



90-расм. Ёнилғи окувини сусайтириш тармогининг тасвирий чизмаси:

- 1 — диффузор,
- 2 — дроссель-заслонка,
- 3 — асосий жиклер,
- 4 — қалқовилич бўлинма,
- 5 — барқарорлаштириш найчаси,
- 6 — ҳаво жиклери,
- 7 — барқарорлаштириш кулиқчаси,
- 8 — тўзитгич найчаси.



дан ўтувчи ҳаво миқдори камайганда барқарорлаш қудуқдаги ёнилғи босими таъсирида түзитгич найчасида ёнилғи күтарилади. Дроссель-заслонка 2 тұла очишлиши натижасида диффузордан ҳаво күпроқ үтади, сийракланиш ортади, лекин ёнилғи босими ( $\Delta h$ ) уни барқарорлаштириш қудуқдан оқиб чиқишига кам таъсир күрсатади. Бунинг натижасида ёнувчи аралашма секин-аста суюқлашади.

Диффузордаги сийракланиш ростланадиган барқарорлаштириш тармоқда диффузордаги сийракланишиң үзгартыриб, зарур таркибли ёнувчи аралашма олинади. Бунинг учун диффузор орқали үтәсттан ҳаво миқдориниң үзгартырадиган карбюратор ишлатилади. Бундай тармоқтың карбюраторлар, фойдаланиш мұддати оз ва уларни ишлатиш қишин бұлғанлиги сабабли кам құлланилади.

Аралаш усул билан барқарорлаштирувчи тармоқтың карбюраторларда ёнувчи аралашма жиклөрининг үтказиш кесими ҳаракатланувчи мезонлаш ниналари ёрдамида ростланади. Мезонловчы нина сийраклагич ёки сийраклагич механик юритма орқали ҳаракатта келтирилади. Сийраклаш-механик ҳаракатланувчи нина ЗИЛ-111 енгил автомобильнинг двигателига үрнатылған МКЗ-13 карбюраторида ишлатылған. Бундай тармоқда карбюраторларнинг мезонлаш нинаси тез сыйлади, натижада уларнинг аниқ ишлаши сүстлашади ва уларни ишлатиш қишинлашади. Шу сабабли бундай тармоқтың карбюраторлар кам тарқалған.

#### 41-8. Бойитгич ва тезлатиш насоси

**Бойитгич** двигатель катта юкланишларда ишлаганда ёнувчи аралашмани үз-үзидан қуюқлаштириб боради (91-расм). Бойитгич механик ёки ҳаво юритмали булиши мумкин. Механик юритма билан ҳаракатта келтириладиган карбюраторнинг схемаси 91-расм, *a* да тасвирланған: бойитгич жиклөри асосий жиклөр 5 га кетма-кет уланған булиб, дроссель-заслонка 3 бир оз ёпилған пайтда қалқовиличи булинма 9 да жойлашған бойитгич клапани 7 спик булади. Дроссель-заслонка 80...85 фоиз очиқ турғанда, ҳаракатланувчи тиргак 10 ва тортқи 11 ёрдамида клапан 7 очилади ва бойитгичнинг жиклөри 8 орқали түзитгичта құшымча ёнилғи юборилади. Бу құшымча ёнилғининг миқдори асосий мезонлаш тармоғидан сарфланадиган ёнилғининг 15 ... 20 фоизини ташкил этади. Бойитгич клапаннинг ишга тушиш пайти тортқи 11 нинг узунлигига боғылған булиб, замонавий карбюраторларда бу тортқининг узунлиги ростланади. Ҳаво юритмали бойитгичнинг соддалашған чизмаси 91-расм, *b* да келтирилған. Бойитгич цилинтрида жойлашған поршень 14 клапан 7 га тиргак орқали таъсир күрсатади. Тиргакка уни пастта ҳаракатлантирувчи пружина 15 киргизилған булиб, тиргакнинг юқори учига поршень 14 маҳкамланған. Поршеннинг пастки қисми карбюраторнинг ҳаво киритиш қувири билан, юқори қисми эса дроссель-заслонка 3



91-расм. Механик на ҳаво юритмалы карбюраторнинг бойиттичини

(Экономайздоры) тасвирин чизмаси:


а) механизм юритмалы; б) ҳаво юритмалы. 1 — киргитши күзүчеси, 2 — диф-  
фузор, 3—арросель-даслоны, 4 — ринаят, 5 — асосий жиклер, 6 — бойиттич кла-  
папанын пружинаси, 7 — бойиттич кларапан, 8 — экономайзер жиклері,  
9 — калыңчынын булинма, 10 — ўзак, 11 — тортық, 12 — тушаштирулган гүйнүүж,  
13 — юритмалы цыцдары, 14 — юритмалы поршни.

нинг орқа томонигача пармаланган туйнук 12 билан туташади. Дроссель-заслонка ёпилиб, унинг пастки катталашганда, поршень 14 цилиндр 13 нинг юқори қисмига кўтарилади ва пружина 15 сиқилади. Двигатель юкланиши катталашиб, дроссель-заслонка деярли тўла очилганда, унинг орқа бўшлиғидаги сийраклашиш кескин камаяди. Бунда поршенга таъсир этувчи сийракланиш кучи пружинанинг унга тескари йўналган кучидан кичик булади. Натижада поршень пастга тушади ва стерженинг пастки учи клапан 7 нинг тубидан пастга босади. Клапан очилади ҳамда бойитгичнинг жиклёри 8 ва тўзитгич туйнуги орқали диффузор 2 га қўшимча ёнилғи киритилиб, аралашма қуюқлашади.

Сўнгти йилларда бойитгичдан ташқари баъзи карбюратор нусхаларида қўшимча бойитгич (эконостат) деб аталувчи маҳсус қуюқлаштирувчи тузилма ишлатилмоқда. Қўшимча бойитгич (эконостат) двигатель тўла юкланишда ишлаб, ҳаво сарфи жуда катталашган пайтда ёнувчи аралашмани суюқлашишдан сақлаб, уни меъёрида қуюқлаштириш учун хизмат қиласи. Қўшимча бойитгич ишлаш жараёнида ёнилғини бевосита қалқовиличи бўлинмадан маҳсус жиклёр, туйнук ва тўзитгич орқали диффузорнинг юқори қисмida жойлашган ҳаво киритиш қувурига йўналтиради.

Тезлатиш насоси. Автомобилни ишлатиш шароитларида (қиялика кўтарилиш ёки жадаллик билан ўзib кетиш ҳолларида) двигатель тирсакли валининг айланишлар сонини ёки юкланишини тезлик билан оширишга тўғри келади. Бу ҳолларда ёнувчи аралашма кескин суюқлашади, натижада двигатель ўчиб қолиши мумкин. Тезлатиш насоси дроссель-заслонка тез очилганда, ёнувчи аралашманинг ортиқча суюқлашмаслиги учун қўшимча миқдорда ёнилғи юбориш вазифасини ўтайди. Тезлатиш насосида механик, ҳаво ёки диафрагма туридаги юритмалар қўлланилиши мумкин. Бундай юритмалар бойитгич юритмасига мослаштирилиб ёки айрим ҳолатда ўрнатилиши мумкин. Механик юритмали тезлатиш насосининг соддалашган чизмаси 92-расмда кўрсатилган.

Дроссель-заслонка 4 ёпиқлигига поршень 8 қудуқ 9 нинг юқори қисмida туради ва поршень остидаги бўшлиқ ёнилғи билан тўла булади. Дроссель-заслонка тез очилганда ричаг 5, туташтиргич 6, тортки 7 ва пластина 14 ёрдамида тиргак 12 га ҳаракат узатади. Натижада ўзак билан бир бутун қилиб ясалган поршень 8 қудуқ 9 даги ёнилғини тўзитгич туйнуги томон ҳайдайди. Ёнилғининг сиқуви таъсирида ҳайдаш клапани 15 очилади ва жиклёр 16 орқали ўтган ёнилғи ҳаво туйнуги 17 да пуркалади ҳамда карбюратор қувури 1 да олдиндан қуюқ аралашма тайёрланади. Сўнгра тиргак 12 га ўрнатилган пружина 13 поршенини юқорига кўтаради ва унинг остида сийракланиш ҳосил булади. Натижада ёнилғи киритиш клапани 10 орқали тезлатиш насосининг ишлаш услуги ҳаво юритмали экономайзернинг ишлашига ўхшаш (91-расм, б га қаранг).




92-расм. Механик юритмали теззатиш насоси тасвирий чизмаси:

- 1 — киритиш құвурчаси, 2 — диффузор, 3 — дроссель-заслонка үқи, 4 — дроссель-заслонка, 5 — дроссель-заслонканинг башқариш ричаги, 6 — туташтиргич,
- 7 — тортқи, 8 — теззатини насоси поршени, 9 — теззатиш насоси құдуги,
- 10 — киритиш клапаны, 11 — қалқовилич бүлинма, 12 — тиргак, 13 — пружина,
- 14 — бирлаштыручи пластиника, 15 — чиқарыш клапаны, 16 — теззатиш насоси жиклери, 17 — ҳаво түйнуги.

ВАЗ, ЗИЛ ва ЗИЛ-114 двигателлариде диафрагма юритмали теззатиш насоси ишлатилади (93-расм). Бу турдаги теззатиш насосининг юритма қисмінда бүлинма 5 мавжуд бўлиб, у қопкоқ билан жипс беркитилган. Бўлинма ичидаги диафрагма 7 ва унга маҳкамланган пружина 4 жойлашган. Диафрагма ричаги 8, тортқи 9 орқали дроссель-заслонканинг ричаги 10 билан бирлашган. Бўлинма 5 қалқовилич бўлинма билан теззатиш насосининг шарикли клапани 3, түйнук ва тўзитгич 1 орқали туташган. Дроссель-заслонка тез очилганда, диафрагма 7, бўлинма 5 да ҳаракатланиб, унданғи ёнилгини сиқиб, жиклёр ва тўзитгич 1 орқали құвурга боради. Бу пайтда киритиш клапани 3 ёпилади ва чиқарыш клапани 2 очилади.

Сунгра диафрагма 7 пружина таъсирида орқага силжийди ва камерада сийракланиш ҳосил бўлади, натижада киритиш клапани 3 очилиб, қалқовилич бўлинмага ёнилғи ўтади.




93-расм. Диафрагма юритмали тезлатиш насоси.

#### 42-§. Двигатель тирсакли валининг айланышлар сонини чеклагич

Юк автомобилларида двигательниң энг катта қувъети махсус чеклагич ёрдамида чегараланади. Айланышлар сонини чеклаш мақсадида карбюраторга ҳаво ёки бошқа турдаги юритмага эга бўлган чеклагич мосламаси ўрнатилиади. 94-расмда марказдан қочма сийраклаш юритмали чеклагич тасвирланган.

Чеклагич датчиги корпус 1, айланувчи клапан 2 ва пружина 3 дан иборат. Клапан 2 тирсакли вал ёки тақсимлаш вали билан туташган юритма ёрдамида айланади. Сийракланиш бўлинмасининг юқориги бўшлиқ қисми найча 5 орқали ташқи муҳит билан бирлашган. Туйнуклар 6 ва 10 орқали карбюраторнинг аралаштиригич бўлинмаси дроссель-заслонканинг орқа бўшлиғи билан туташган. Пружина 7 дроссель-заслонканинг очилишини таъминлайди, унинг очиқ туриш ҳолати бошқарниш ричаги 8 билан чекланади. Сийракланиш бўлинмасининг пастки қисми тешик 14 орқали ташқи муҳит билан туташган. Диафрагма 10 пружина 15 ёрдамида пастга тортилиб туради.

Тирсакли валининг айланышлар сони керакли чегарага етганда, марказий найча 5 нинг ҳаво босими остида, клапан 2 пастга тушади ва тешик 4 ни беркитиб, сийракланиш бўлинмасининг



94-расм. Сийраклаш (вакуумли) марказдан қочма түрідеги айлаништар сонини чеклагич тасвирий чизмасы

юқори қисмини ташқи мұхитдан ажратади. Натижада диафрагма /16 юқорисидеги бүшлиқда сийракланиш ҳосил бўлади ва диафрагмани тепага силжитади, унга туташган ричаг /3 шарнир /12, дроссель ричаги /1 орқали дроссель-заслонка 9 ни қўсман ёлади. Айланишлар сони эса камаяди. Кейинчалик двигатель белгиланган ёки ростланадиган айланишлар сонига эришганда чекланиш яна шу усулда таъминланади.


#### 43-§. Карбюраторларнинг конструктив ҳусусияти, тузилиши ва ишлаш услуби

Автомобиль двигателлариға ўрнатиладиган карбюраторларнинг конструктив ҳусусияти қуйидагиларга боғлиқ: 1) ҳаво оқимининг йўналишига қараб: оқими юқоридан пастга йўналган, оқими пастдан юқорига йўналган, оқими ётиқ йўналган; 2) аралашма бўлинмасининг сонига қараб: бир бўлинмали, икки бўлинмали, кўп бўлинмали; 3) аралаштиргич бўлинмадаги диффузор сонига қараб: бир диффузорли, икки диффузорли ва кўп диффузорли карбюраторлар.

Юқорида баён этилган белгилари бўйича замонавий автомобиль двигателларида ҳаво оқими юқоридан пастга йўналган икки бўлинмали ва икки диффузорли карбюраторлар кенг қўлланилмоқда. Бундай карбюраторларнинг баландлик ўлчами кичик бўлганлиги сабабли қаршилиги кам киритиш қувурларини ишлатиш мумкин. Бу эса ёнилғи аралашмасининг двигатель цилиндрларига бир хил тақсимланиши ва тўлишини яхшилайди. Замонавий карбюраторларнинг автомобиль двигателларига ўрнатилиши З-жадвалда келтирилган.

Двигатель	Карбюраторлар									
	бир бўлинмали			икки бўлинмади			тўрт бўлинмали			
	K-127	K-156	K-126Р	K-88АМ	K-98А	K-126Н	K-126И	K-114	K-254	K-155
Ўри- тишадиган авто- мобилъ двигателлари	МЕМЗ- 968	ЗМЗ- 4022	ГАЗ- 24	ЗИЛ- 130	Урал- 375, Урал- 377	ЗМЗ- 66, ЗМЗ- 53А	МЗМА- 408	ЗМЗ- 13	ЗИЛ- 114	ЗИЛ- 113

Бир бўлинмали карбюраторлар. К-22Г карбюратори ГАЗ-51 автомобиль двигателига ва К-126Г карбюратори ГАЗ-24 автомобиль двигателига ўрнатилган. Ҳозирги кунда К-127А ва К-133 карбюраторлар жуда кичик туркумли "Запорожец" автомобилининг МЕМЗ-96Н ва МЕМЗ-968М двигателларига ўрнатилмоқда. Ҳозирги вақтда Ленинград карбюратор заводида ишлаб чиқарилётган такоммиллашган К-133 карбюратор нусхаси билан танишиб чиқамиз. Бу карбюратор (95-расм) бир бўлинмали, ҳаво оқими юқоридан пастга йўналган ва икки диффузорли бўлиб, қалқовиҷ бўлинмаси мувозанатланган. Ёнилғи аралашмасини барқарорлаштириш, ёнилгини ўтишини ҳаво таъсирида сусайти-




95-расм. ЗАЗ-968 "Запорожец" автомобилъ двигателининг  
карбюратори (К-133):

1 — юқориги қисми, 2 — ҳаво заслонкасининг ричаги, 3 — корпус қисми,  
4 — туташтирувчи ричаг, 5 — дроссель-заслонка ричаги, 6 — тирак шинт, 7 —  
пастки қувурча, 8 — штуцер.

риш усулида олиб борилади. Карбюратор учта ажраладиган қисмдан иборат: қалқович бўлинмасининг қопқоги ва ҳаво қувури билан жиҳозланган юқориги қисми 1, корпус қисми 3 ва остки қувур қисми 7. Юқориги қисми билан корпус қисми рух қотишмасидан, остки қувур эса чўяндан қўйиб тайёланган. Карбюраторнинг учта қисми бир-бири билан қистирмалар орқали пинт билан маҳкамланган.

96-расмда К-133 карбюраторининг соддалашган чизмаси таснифланган. Ҳаво қувурига ўз-ўзидан ишлайдиган клапан 3 га эга бўлган заслонкаси 4 ўрнатилиб, у тортқи ва ричаглар орқали остки қувурдаги дросель 18 га уланган. Карбюраторнинг корпуси қалқовичли бўлинма ва аралаштириш бўлинмасидан иборат. Аралаштириш бўлинмасида диффузорлар блоки 19 ва ёнилги жиклёрларининг тўзитгичи 5 жойлашган. Карбюраторнинг ёнилги юборишини ҳаво таъсирида сустлаштирадиган асосий мезонлаш



96-расм. К-133 карбюраторнинг тасвирий чизмаси:

- 1 — ҳаво тўйнуги, 2 — тезлатиҷ насосининг тўзитгичи, 3 — ҳаво заслонкасининг ҳаво клапани, 4 — ҳаво заслонкаси, 5 — тўзитгич, 6 — эмульсия тўйнуги, 7 — ҳаво жиклёри, 8 — салт ишлаш тармогининг ҳаво жиклёри, 9 — тур фильтрли канал, 10 — нинасимон клапан, 11 — қалқович, 12 — тиқин, 13 — асосий жиклёр, 14 — салт ишлаш тармогининг ёнилги жиклёри, 15 — асосий заслончи қудуги, 16 — салт ишлаш тармогининг ростлавш винти, 17 — салт ишлаш тармогининг чиқариш тешниклари, 18 — дросель-заслонка, 19 — диффузор, 20 — ҳайдаш клапани, 21 — тезлатиҷ насосининг киритиши клапани, 22 — тезлатиҷ насосининг поршени, 23 — бойиттиҷ клапани, 24 — бойиттиҷ қудуги, 25 — турпич, 26 — тиргак, 27 — тортқи, 28 — туташтирувчи бикртаг.

тармоғи, умумий механик юритмали бойитгичи ва тезлатиш насоси бор. Бойитгич клапан 23, поршени тиргак 26 дан иборат, улар карбюраторнинг корпусидаги маҳсулоти **PDF Compressor Free Version**. Тезлатиш насоси қудуқчада жойлашган шарикли клапан 21, тиргакли ва пружинали поршень 22, туташтирувчи түйнукда жойлашган үтказиш клапани 20 ва түзитгич 2 дан иборат. Карбюратор турли маромларда қуйидагича ишлайди.

Двигателни юргизиш учун ҳаво заслонкаси 4 механик юритма ёрдамида беркитилади. Дроссель-заслонка 18 туташувчи ричаглар ва тортқи ёрдамида бир оз очилади. Арапаштириш бўлинмасида ҳосил бўлган катта сийракланиш диффузор 19 нинг ҳалқасимон тирқишлидан ёнилғининг ҳамда салт ишлаш тармоғи тешиклари 17 дан таркиблашган арапашманинг оқиб чиқишини таъминлайди. Натижада ёнувчи арапашма жуда қуюқлашиб кетмаслиги учун, арапаштириш бўлинмасида кучайтирилган сийракланиш таъсирида ҳаво заслонкасининг ўз-ўзидан ишга тушадиган клапани 3 очилади. Двигатель юргизилгандан сўнг ҳаво заслонкаси тўла очилади. Двигатель тирсакли вали секин айланиб салт ишлаганда, дроссель-заслонка 18 чеклагич винтнинг чегаралаш ҳолатигача беркитилган бўлади. Диффузордаги ҳаво тезлиги ва сийракланиш жуда кичик бўлиб, диффузорнинг ҳалқасимон тешикларидан ёнилғи чиқа олмайди. Аммо дроссель-заслонканинг орқа бўшлигида катта сийракланиш пайдо бўлади ва салт ишлаш тармоғи ишга тушади. Ёнилғи қалқовиличи бўлинмадан салт ишлаш жиклёри 14 орқали таркиблашган арапашма түйнугига ўтиб, ҳаво жиклёридан келаётган ҳаво билан арапашади. Ҳосил бўлган таркиб эмульсия түйнуги бўйлаб ҳаракатланаб, юқориги тешик 17 дан ўтган ҳаво билан арапашади ва пастки тешикдан двигательнинг киритиш қувурига чиқади. Бу ерда шу таркиб дроссель тирқишлидан ўтган ҳаво билан арапашшиб, ёнувчи арапашма ҳосил қиласи ва у цилиндрларга юборилади. Тармоқ салт ишлаганда арапашма миқдори винт 16 билан, салт айланышлар сони эса дросселнинг беркилишини ўзgartирадиган тирак винт б билан (95-расмга қаранг) ростланади.

Двигатель ўртача юкланишлар ишлагандай дроссель-заслонка 18 каттароқ очилган сайин кичик диффузордаги сийракланиш ортиб боради, натижада қалқовиличи бўлинмадаги ёнилғи асосий жиклёри 13 дан ўтиб, түзитгич 5 га юборилади. Ёнилғи таркиблаш түйнукларида ҳаракатланганда унга салт ишлаш тармоғининг ҳаво жиклёри 7 ва таркиблашган арапашма түйнуги 6 дан ўтган ҳаво арапашшиб, арапашма анча суюқлашади. Диффузорда сийракланиш қанчалик катта бўлса, ҳаво жиклёри 8 орқали ҳаво шунча кўп кириб, ёнилғининг түзитгич 5 дан оқиб чиқиши шунга кўра сустлашади. Шу йўл билан ёнилғи арапашмаси барқарорлашади.

Двигатель тўла юкланишда ишлаганда дроссель-заслонка 18 нинг очилиши катталашади ва у билан тортқи ҳамда ричаг ёрдамида туташган бойитгич тиргаги 26 пастга тушади. Дроссел-


нинг тұла (80 фоиз атрофида) очилишига озгина қолганда бойитгіч тортқиси клапан 23 ни очади ва құдуқ 24 дан асосий мезонловчи тармоққа унинг жиклөридан ташқари яна ортиқча ғылғы юбөрилади ва қуюқлаштирилған аралашма ҳосил қилинади. Шу туфайли двигатель эңг катта қувватда ишлайди.

Дросель-заслонка бирданияға очилғанда у билан ричаг, тортқиц 22 ва туташтиргіч 28 ёрдамында бирлашған тезлатиш насоси поршени тезда пастта тушади ва ёнилғининг босым таъсирида киритиш клапани 21 ёпилиб, ҳайдаш клапани 20 эса очилади. Натижада ёнилғи, тезлатиш насоси түзитгічи 2 орқали үтиб, аралаштириш бўлинмасига пуркалади. Шу тариқа аралашманинг суюқлашувига йўл қўйилмайди. Дросель-заслонка аввалги очиқ ҳолатига қайтиши туфайли поршень 22 кутарилади, натижада клапан 21 очилади ва құдуқ яна ёнилғи билан тұлади.

Икки бўлинмали карбюраторлар. Икки бўлинмали карбюраторларнинг ишлаш услуби бир бўлинмали карбюраторларнидан деярли фарқ қимайди. Бу турдаги карбюраторлар ишлатилғанда аралашманинг цилиндрларга тақсмланиши ва тұлиши яхшилади, двигательнинг қуввати 8...10 фоиз қўпаяди. Шунинг учун кўп ҳолларда замовавий автомобиль двигательларида икки бўлинмали карбюраторлар ишлатилмоқда.

К-88АЕ карбюратори ЗИЛ-130 автомобиль двигателига ўрнатилади (97-расм). Бу турдаги карбюраторларда ҳам аралашма оқими юқоридан пастта йўналған, уларда қалқовичли бўлинма билан мувозанатлашған кичик 14 ва катта 49 диффузорли иккита аралаштиргіч бўлинмаси бор. Карбюраторнинг корпуси уч қисмдан иборат бўлиб, юқори ва ўрта қисмлари рух қотишмасидан, пастки қисми эса чўяндан қўйиб тайёrlанган. Карбюраторнинг юқори қисми ҳаво қувури 17 ва қалқович бўлинмасининг қопқоғи билан жиҳозланган. Ўрта қисмидан иккитадан диффузорга эга бўлған аралаштиргіч бўлинмаси бўлиб, уларга мезонловчи тузилма тармоқларининг қисмлари ўрнатилған. Пастки қисми 42 аралаштиргіч қувурларидан иборат бўлиб, уларнинг ичидә дросセルлар заслонкаси 43, ташқарисида (еса айланишлар тезлигини чеклагич қисми ва салт ишлаш тармогининг винтлари 46 ўрнатилған.

Карбюраторнинг ҳар бир аралаштиргіч бўлинмасида двигательнинг фақат тұртта цилинтри учун аралашма тайёrlанади. Асосий мезонловчи тармоқ ёнилғининг ҳаво таъсирида сустланишини таъминлайди. Қалқовичли бўлинма, ҳаво заслонкаси, киритиш қувури, бойитгіч ва тезлатиш насоси карбюраторнинг иккала аралаштиргіч бўлинмаси учун умумийдир. Ҳар бир бўлинма алоҳида мезонловчи ва салт ишлаш тармогига эга. Тезлатгіч насосда ҳар бир бўлинма учун биттадан түзитгіч бор. Остки қувурларга иккита дросель 43 ўрнатилиб, улар айланишлар тезлигини чеклагич датчиги билан боғлаган умумий ўқ 44 га бириттирилған. Дросель-заслонканынг ўқдари умумий тортқи ёрдамида ҳаво заслонкасининг ўқи билан туташған.



1 — пружина, 2 — пружина, 3 — пружина, 4 — карбюраторный клапан, 5 — заслонка диффузора, 6 — заслонка, 7 — заслонка, 8 — береговая пластина, 9 — индикатор утечки, 10 — индикатор заслонки, 11 — соленоид переключения холостого хода, 12 — золотник заслонки, 13 — тюльпан заслонки, 14 — кинетический клапан, 15 — кинетический клапан, 16 — заслонка насосного канала, 17 — барьерородник инжектора, 18 — холостой заслонкой, 19 — пружина, 20 — пружина, 21 — золотник, 22 — холостой заслонкой, 23 — пружина, 24 — пружина, 25 — гайка, 26 — кинетический клапан, 27 — золотник насоса, 28 — золотник, 29 — золотник насоса, 30 — пружина, 31 — золотник насоса, 32 — манжета, 33 — сливной пробка, 34 — золотник насоса, 35 — золотник насоса, 36 — золотник насоса, 37 — холостой заслонка, 38 — заслонка клапана, 39 — тумблер заслонки, 40 — резинка, 41 — пружина, 42 — карбюраторный клапан, 43 — дроссель-заслонка, 44 — заслонка укрытия, 45 — болт, 46 — пружина, 47 — заслонка заслонки, 48 — соленоид переключения насоса, 49 — катализатор, 50 — холостой заслонка.

Совуқ двигательни юргизишда ҳаво заслонкаси 18 берк булиб, заслонкани дросセルлар валчаси билан туташтирувчи ричаглар ва тортқилар ёрдамида бир вақтда иккала дроссель 43 бир оз очилади. Арапаштириш бўлинмаларидағи ва дросセルлар орқасидаги катта сийракланиш натижасида диффузорлар 14 нинг ҳалқасимон тўзиттич тирқишлари 22 дан ёнилғи ҳамда салт ишлаш тармоғи тешиклари 48 ва 45 дан таркиб оқиб чиқади. Натижада двигательни юргизиш учун зарур бўлган қуюқ арапашма ҳосил бўлади. Кейинчалик заслонканинг ўз-ўзидан ишга тушувчи клапани 19 очилиб, у арапашманинг ортиқча қуюқлашувига тўсқинлик қилали. Двигатель юргизилгандан кейин ҳаво заслонкаси 18 очиб қўйилади.

Двигатель тирсакли вали секин айланаб, салт ишлаганда дроссель-заслонка 43 бир оз очиқ булиши керак. Шу сабабли диффузорлар 14 даги ҳаво тезлиги ва сийракланиш унча катта бўлмайди ва уларнинг ҳалқасимон тўзиттичлари 22 дан ёнилғи оқиб чиқмайди. Лекин дросセルлар орқасида катта сийракланиш ҳосил бўлади, у пастки ростланувчи тешик 48 орқали арапашма таркиблаш туйнугита, ундан эса салт ишлаш жиклери 11 га узатилади. Бу сийракланиш таъсирида ёнилғи қалқовичли бўлинмадан асосий жиклёр 10 ва тўла қувват жиклёри орқали салт ишлаш жиклёрлари 11 га, сўнгра жиклёрнинг юқориги тешигидан келадиган ҳаво билан арапашади. Ҳосил бўлган таркиб маҳсус эмульсия туйнук бўйича ҳаракатланиб, юқориги ростланмайдиган салт ишлаш тешиги 45 ҳамда ростланадиган тешик 49 дан ўтган ҳаво билан арапашиб, арапаштириш бўлинмасига чиқади ва унда асосий ҳаво билан арапашади. Дросセルнинг оғилишига қараб тешик 45 да катта сийракланиш ҳосил бўлади ва иккала тешик 45 ва 48 дан таркиблашган арапашма чиқади. Шу туфайли салт ишлаш маромидан асосий мезонловчи тармоғи билан ишлашга равон ўтилади.

Тармоқ салт ишлаганда арапашма миқдорини ростлаш учун пружина 47 ли ростлагич винти 46 мўлжалланган.

Двигатель ўртача юкланишларда ишлаганда асосий мезонловчи тармоқ ёрдамида суюқлаштирилган ёнувчи арапашма тайёрланинди. Ёнилғи қалқовичли бўлинмадан асосий жиклёр 10 ҳамда тўла қувват жиклёри 13 орқали ўтиб, йўлда ҳаво жиклёри 12 дан кирган ҳаво билан арапашади. Ҳосил бўлган таркиб тўзиттич 22 нинг ҳалқасимон тирқишидан чиқади. Асосий мезонловчи тармоқнинг ҳаво жиклёри 12 орқали ўтган ҳаво асосий жиклёр 10 ва тўла қувват жиклёри 13 орқали келаётган ёнилгини тормозлайди ва ёнувчи арапашма суюқлашади.

Двигатель тўла юкланишда ишлаганда тўла қувват жиклёрлари 13 га иккита бойиттич клапанлари 36 ёрдамида қўшимча ёнилғи юбориш йўли билан арапашма қуюқлаштирилади. Дроссель тўла очилганда тиргак 24 туртгич 35 орқали бойиттичининг шарикли клапани 36 ни очади, бу эса тўла қувват жиклёри 13

га ўтувчи ёнилғи оқимини оширади. Натижада аралашма керак-  
лича қуюқлашади.

PDF Compressor Free Version

Дроссель-заслонка кескин очилганды, у билан ричаг 40  
воситасыда бирлашган тортқи ва туташтиргич 27 пастта  
ҳаракатланиб, пружина 30 орқали тезлатгич насоси қудуғидаги  
ёнилгининг сиқуви ошиб, унинг таъсирида тескари клапан 38  
беркилади, ҳайдаш клапани 50 эса очилади. Ёнилғи босим остида  
максус түйнуклар орқали ўтиб, тезлатгич насосининг түзитгич  
тешиги 16 дан аралаштириш бўлинмасига пуркалади. Пуркалган  
ёнилғи оқими кичик диффузорлар 14 деворларига урилиб, майда  
заррачаларга ажралади ва аралашма қуюқлашади. Шу йўл билан  
двигатель тирсакли валини катта тезликка кескин ўтказиш  
мумкин.

Бу турдаги карбюраторларда двигатель тирсакли валининг  
айланишлар сонини чеклаш мақсадида марказдан қочма сийрак-  
лаш турдаги чеклагич ўрнатилади. Карбюраторни бошқариш учун  
ҳайдовчи ҳаво ва дроссель-заслонкаларининг очилиш даражасини  
ростлаб туриш лозим. Ҳаво заслонкаси одатда қўл билан сим  
тортқи юритмали дастак ёрдамида бошқарилади. Дроссель-заслон-  
ка икки хил бошқармага эга, қўл бошқармаси ёки оёқ педали —  
акселератор.

Кўп бўлинмали карбюраторлар. Булар турига ЗМЗ-13, ЗИЛ-  
114 ва ЗИЛ-117 автомобиль двигателларига ўрнатиладиган К-114,  
К-254 ҳамда К-255 карбюраторлари киради. Бу турдаги карбю-  
раторлар тузилиши ва ишлаш услуби бўйича бир-бирига үхшаш.  
Шунинг учун мисол тариқасида К-254 карбюраторининг умум-  
лашган тизими билан танишиб чиқамиз.


К-254 карбюратори тўрт камерали ҳаво оқими юқоридан пастга  
йўналган, икки диффузорли, қисман мувозанатлашган. Ёнилгини  
барқарорлаштириш ҳаво усулида олиб борилади ва салт ишлаш  
тармоғи ёрдамида тайёрланадиган аралашма ўз-ўзидан созланади.  
Карбюратор битта корпусда умумлашган икки хонадан ташкил  
топган бўлиб, ҳар бир хона двигателнинг тўртта цилиндрини  
аралашма билан таъминлайди. Хонанинг ҳар бирида қалқовичли  
бўлинма ва айрим ҳолда мезонловчи тузилма билан жиҳозланган  
иккита аралаштиргич бўлинмаси бор. Бошқа турдаги карбюра-  
торларга тегишли бўлган тармоқ ва мосламалардан ташқари, ҳаво  
заслонкасини ўз-ўзидан бошқариш учун мўлжалланган максус  
иссиқлик сийратгич ва диафрагма туридаги бошқарув тузилмаси  
билан жиҳозланган.

#### 44-§. Таъминлаш тармоғи асбобларининг конструктив хусусиятлари ва ишлаш услуби

Ёнилғи баки ёнилгини сақлаш учун мўлжалланган бўлиб, унда  
автомобилнинг 400..500 км йўл босишига етадиган ёнилғи  
сақланади. Автомобиллардаги бакнинг сиғими қўйидагича бўлади:

ГАЗ-24, "Волга"—55 л, ГАЗ-53А—90 л, ЗИЛ-130—170 л, Урал-375 шинг иккита бакида 340 л.

Енгил автомобилларда ёнилғи баки күпинча кузовнинг орқа қисмидаги жойлашади, юк автомобилларида эса ён томонидан рамага ўрнатилади. Бакнинг идиши 11 пўлат тунукадан штампдан усули билан овал ёки тўғри бурчак шаклида ясалади (98-расм). Бакнинг мустаҳкамлигини ошириш ва ёнилғининг



98-расм. ЗИЛ-130 автомобилининг ёнилғи баки:


1 — датчик, 2 — ёнилғи сатҳини кўрсатчи, 3 — қопқоқ, 4 — тармоқ билан улаш жўмраги, 5 — тўр фильтр, 6 — бўшатиш тикини, 7 — ёнилғи қўйини бўғли, 8 — суриладиган найча, 9 — тўр фильтр, 10 — тўсиқлар, 11 — ёнилғи қўйини бўғли, 12 — найча.

кучли чайқалишини камайтириш мақсадида унинг ички бўшлигига мувозий равишда тўсиқлар 10 қўйилган. Бакка ёнилғи унинг юқори қисмida жойлашган қўйиш қувури 7 орқали юборилади. Кўпинча суриладиган найча 8 нинг қўйи қисмига тўр фильтр ўрнатилган, қўйиш қувури 7 нинг бўғизи эса буғ ҳаво клапани қопқоғи 3 билан жилс қилиб беркитилади. Бу клапанларнинг ишлаш услуби радиаторнинг буғ ҳаво клапанига ухшаш бўлиб, бензин буғларининг бакдан ташқи муҳитга кўтарилишига йўл қўймайди ҳамда бакдаги ёнилғи босимини белгиланган ҳолатда ушлаб туради. Бакдаги босим ташқи муҳит босимидан 1,0...3,0 кПа ( $0,01\ldots0,03 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) кам бўлганда киритиш клапани очилиб, бакка ҳаво ўтказади. Бакдаги босим ташқи муҳит босимидан 10...20 кПа ( $0,10\ldots0,20 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) ортга, чиқариш клапани очиласди ва ташқи муҳитга ёнилғи буғлари чиқариб юборилади.

Ёнилғини бакдаги датчикли 1 кўрсаткич 2 билан назорат қилинади. Ёнилғи бакдан насоста ва насосдан карбюраторга пўлат

найна 12 орқали оқиб келади. Найчаларининг учлари йўғонпроқ қилиниб, шунунерга никелли гайкалар ёрдамида маҳкамланади.

Енилги насоси. Карбюраторли двигателларда диафрагма түрилаги ёнилги насоси ишлатилади (99-расм). Насос ҳаракатин тақсимлани валининг экцентригидан олиб, ёнилгини бакдан карбюраторнинг қалқовичли бўлинмасига кичик босим остида 120...130 кПа ( $1,3 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) узатиб туради. Насос учта ажralувчи қисмдан: корпус, каллак ва қонқоқдан иборат, улар бир-бири билан қистирма орқали винт билан жине маҳкамланади. Насос



99-расм. Диафрагма түрилаги ёнилги насоси чизмаси.

күпинча двигатель блок-картерининг ён деворига болт билан маҳкамланиб, коромисло 2 нинг ташқи учи тақсимлаш валининг эксцентрик I га тиради. Тақсимлаш вали айланганда, унинг эксцентриги таъсирида коромисло ўз ўқи 4 атрофида бурилади. Шу пайт коромислонинг ички елкаси пастга ҳаракатланиб, тиргак 5 ва унга туташган диафрагма 7 ни пастта тортади. Натижада диафрагма остидаги пружина сиқилди ва диафрагма тепасидаги бўшлиқда сийракланиш ҳосил бўлиб, тўр фильтр 10 ва киритиш клапани 12 орқали киритиш бўлинмаси 11 дан ёнилғи киради. Бу вақтда ҳайдаш клапани 8 ёпиқ бўлади. Лекин эксцентрик I нинг дўнг қисми коромисло 2 нинг ташқи учидан узоқлашган сари, диафрагма 7 пружина 6 таъсирида юқорига кўтарилади. Шу сабабли диафрагма тепасидаги ҳайдаш бўлинмаси 9 да босим ҳосил бўлади. Натижада ҳайдаш клапани очилди ва ёнилғи ҳайдаш бўлинмаси 9 га ўтиб найча орқали карбюраторнинг қалқовичли камерасига боради. Қалқовичли бўлинмага ёнилғи тўлиши билан унга ўтаетган ёнилгининг сиқувчи карбюраторнинг нинасимон клапанини мажбуран очишга кучи етмайди ва қалқовичли бўлинмага ёнилғи ўтиши вақтинча тұхтайди. Бу ҳолда насоснинг пружинаси 6 ёнилгининг сиқув кучини енга олмайди, натижада диафрагма 7 кўтарилемайди ва икки елкали коромисло 2 қайтарувчи пружина 3 ва эксцентрик I таъсирида сал тебраниб туради. Двигатель ишламаганда карбюраторнинг қалқовичли бўлинмаси ёнилғи насоснинг қўл билан ҳаракатланувчи ричаги 13 воситасида ёнилғи билан тўлдирилади. Бир қаторли двигателларда ёнилғи насоси блок-картернинг тақсимлаш вали томонидаги ён деворига ўрнатилиди. Тақсимлаш вали юқорида жойлашган бир қаторли двигателларда эса ёнилғи насоси блокнинг каллак қисмiga жойлашиб, эксцентрикдан ҳаракатланувчи оралиқ штанга воситасида (МЗМА-412) ёки ҳаракатни тақсимлаш валидан олувчи қўшимча валдаги эксцентрик ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Тақсимлаш вали блок картернинг ўрта қисмда жойлашган V-симон двигателларда (ЗМЗ-53) ёнилғи насоси тақсимлаш вали шестеряси қопқоғининг ўнг томонида ўрнатилган. Насос ҳаракатни тақсимлаш валининг олд қисмida жойлашган эксцентрик билан туташган оралиқ тиргакдан олади. МЕМЗ-966 ва МЕМЗ-968 двигателларда ёнилғи насоси цилиндрлар блокининг ўнг томонида ўрнатилган тақсимлаш валининг орқа қисмida жиҳозланган шестерялар қопқоғига жойлашган. Насос тақсимлаш валининг кетинти учига ишланган эксцентрикдан ҳаракатланувчи тиргак воситасида ишлайди.

ЗИЛ-114 двигателида электр юритмали, марказдан қочма турдаги ёнилғи насоси қўлланилган бўлиб, у ёнилғи бакида жойлашган.

Ёнилғи фильтрлари ва тиндиргичлар. Ёнилгини карбюраторга киритишдан олдин механик аралашмалар ва сувдан тозалаш зарур. Чунки ёнилғи яхши тозаланмаслиги оқибатида карбюра-


торнинг қыл тешиклари ва түйнукчалари ифлюстаниб, унинг аниқ шашлаши ёмонлашади. Шунинг учун таъминлаш тармогидан ўтас-  
тан ёнилғи бир неча бор тозаланади.

PDF Compressor Free Version

Симтурли фильтрлар ёнилғи бакининг қувиш қувурига, ёнилғи насоси корпусининг қопқоғига ва карбюраторнинг қалқовичи булинмаси штундерига ўрнатилади. Фильтр-тиндиргич ёнилғи насосига ёки ўзи алоҳизда ўрнатилиши мумкин.

Юк автомобилларидаги карбюраторга юборилаётган ёнилғи ёнилғи баки ва насос оралигига жойлашган фильтр-тиндиргич ҳамда насос билан карбюратор ўртасида ўрнатилган майин фильтрдан кетма-кет ўтади.

Фильтр-тиндиргич (100-расм) чуюн корпус 8 ва 14 дан иборат. Корпус қисемига устунлар 7 га кийдирилган тозаловчи қисмлар 6 ўзак 10 ёрдамида ўрнатилтиб, қопқоқнинг устида стерженнинг



100-расм. Ёнилғи фильтри — фильтр тиндиргич:


1 ва 4 — наичалар, 2 ва 5 — қистирма, 3 — болт, 6 — тозаловчи қисм, 7 — устун, 8 — корпус, 9 — тиқии, 10 — ўзак, 11 — пластинка, 12 — пластинка тешикчалари, 13 — бўртиқ, 14 — қопқоқ.

учидаги резьбасига буралувчи болт билан маҳкамланган. Фильтр қисмлари бўртиқ 13 ли (бўртиқ баландлиги 0,05 мм) ва тешик 12 ли қилиб штамповкаланган жез пластинкалар 11 дан йигилади. Пластинкалар бўртиқли бўлгани учун улар бир-бирининг устига қўйилганда ораснда 0,05 мм тирқиши қолади.

Ёнилги насоси ишлаши туфайли бакдаги ёнилги фильтри тиндиригичдаги найча 1 орқали унинг ички қисмига ўтади, бунда ёнилгининг ҳаракатланиши сусайди, натижада ёнилги таркибидаги механик аралашмалар ва сув кориус тубига чўқади, чўкмаган механик заррачалар тозаловчи қисми б нинг тирқишлидан ўтиб, пластинка 11 сиртларига илашиб қолади ва ёнилги яна тозаланади, фильтр-тиндиригичда ҳосил бўлган чўкма резбали тиқин 9 билан беркитилган тешикдан чиқариб турилади.

Майин фильтр (101-расм) рух қотишмасидаи қўйиб тайёрланган корпус 1, тиндиригич стакан 5, пружина 4 ва маҳкамлаш чангаги 6 дан иборат, стакан ичидаги тозаловчи таркибий қисм 3 жойлашган. Тозаловчи қисмлар капрондан ясалган патронга қаватма-қават қилиб ўралган тўр симдан ёки соподан ясалади. Ёнилги бу тозаловчи таркибий қисмлардан ўтгандаги унинг жуда майдада механик заррачаларини ушлаб қолади, натижада ёнилги яхши тозаланади. Баъзи майин фильтрларга ёнилгидаги металл заррачаларини ушлаб қолиш учун магнит қўйилади. Майин фильтрининг стакан қисмини вақт-вақти билан корпусдан ажратиб, тозаловчи таркибий қисмлардан бўшатилган ҳолда сув ва қўйқалардан тозаланилади. Таъминлаш тармогининг кўпчилик асбоб-ускуналари мис, жез ёки пўлатдан тайёрланган ёнилги найчалари ёрдамида бир-бири билан бирлашади. Агар бу найчалар пўлатдан тайёрланса, уларнинг сиртига смирилишга чидамли қатлам қопланади (қалай, қўргошин ёки мис).


**Ҳаво фильтри.** Ҳаво таркибидаги чанг цилиндрларга кириши натижасида двигатель денталлари тез сийлади. Шунинг учун таъминлаш тармогига ҳаво фильтри ўрнатилади. У двигатель цилиндрларига кираглиган ҳавони чангдан тозалаш учун хизмат қиласи.



101-расм. Ёнилгини тозаловчи майин фильтри:  
1 — корпус, 2 — қистирма,  
3 — фильтрловчи таркибий қисм,  
4 — пружина, 5 — стакан-тиндиригич,  
6 — чангак (скоба).

PDF Compressed Free Version

Автомобиль двигателларида инерцион-мойли ҳаво фильтри кенг тарқалган. Бундай фильтрларда ҳаво инерция кучи билан мой ваннасига ўтади ва унда ҳаво чанглари тутилиб қисман тозалангац ҳаво яна тозаловчи таркииий қисмлардан ўтади. ЗИЛ-130 автомобили двигателларда ишлатиладиган инерцион мойли ҳаво фильтри ҳавони иккى марта тозалайди (102-расм), унинг корпуси 8 ва қопқоғи 3 ичидаги тозаловчи қисм 2 жойлашган. Мой ваннасининг қопқоғига ҳаво кирадиган калта қувурча 4 ўрнатилган. Ҳаво фильтрини карбюраторга ўрнатиш учун марказий қувур 9 ни карбюратор фланецига ўтқазиб, винт 5 лар ёрдамида маҳкамланади. Ҳаво фильтрининг ён томонига ўрнатилган калта қувур 6 орқали тозалангац ҳаво компрессорга ўтади ва ундан автомобильнинг тормоз системасига юборилади. Двигатель ишлаганда сийракланиш таъсирида ҳаво, фильтрнинг ҳаво киритувчи қувури 4 орқали, корпус 8 нинг пастки қисмига йўналади, бунда ҳаво таркибидаги йирик чанг заррачалари кучли




102-расм. Ҳаво фильтри.

инерция кучи таъсирида ҳаракатланиб, фильтрнинг тубига тушади ва мой ваннасида тутилади. Ҳаво мой сиртига яқинлашгач, ундан майда чанг заррачалари фильтр тубидаги мойга илашиб қолади. Сўнгра ҳаво ўз йўналишини ўзгартириб, тозаловчи таркибий қисм 2 томонга ҳаракатлаиади. Ҳаво таркибидаги қолган чанг заррачалари тозаловчи таркибий қисм 2 нинг мой билан намланган капрон толаларига илашади ва унда йиғилиб қолган мой секинаста оқиб, мой қайтаргич 7 га тушади ҳамда уни кесикларидан оқиб, мой ваннаси 1 даги мой билан қўшилади. Тозаланган ҳаво марказий қувур 9 орқали карбюраторга киради.

Бундай ҳаво фильтри ҳавони 98 фоизгача майда заррачалардан тозалайди.

Биз кўрастган автомобиль двигательининг ҳаво фильтрига ҳаво двигатель капоти ичидаги маҳсус ҳаво туйнуги орқали сўрилиб, катта тезлик билан киради. Ҳаво фильтри бу туйнук билан оралиқ резина ва қувурча орқали туташтирилган. Ҳаво фильтрига

103-расм. Урал-377 двигателининг ҳаво тозалагичи тасвирий чизмаси.



кираётган ҳаво шовқинини камайтириш мақсадида фильтр қоп-қоғига наматдан тайёрланган қистирма

**PDF Compressor Free Version**

Урал-377 автомобилида ҳаво фильтри олдида инерцион эжектор түридагы чанг тутгич үрнатылған (103-расм). Двигатель ишлаганда ҳаво инерцион чанг тутгич корпуси 1 га киради ва конуссимон ҳалқалар 2 га урилиб, йұналишини ұзартыради. Натижада инерция бүйіча ҳаракатланастыган ҳаводаги чанг заррачалари сүриш нағаси 3 га кириб қолади ва үндан эжекторга бориб, ишлатылған газлар билан аралашади ва ташқи мұхитта чиқарилади. Шу тартибда олдиндан тозаланған ҳаво қувур орқали инерцион мойли ҳаво фильтри 5 га юборилади.

Киритиш қувурлари ва ёнувчи аралашмани иситиши. Киритиш қувурлари карбюраторни аралаштиргиң инерцион киритиш клапани түйнуклари билан туташтириб, ёнувчи аралашмани карбюратордан двигатель цилиндрларига юбориш учун хизмат қиласы. Күпчилик ҳолларда киритиш қувурлари алюминий қотишимасидан, баъзан чүяндан қойиб тайёрланади.

Бир қаторлы клапанлары настда жойлашған двигателларда киритиш ва чиқарыш қувурлари блокнинг бир томонида жойлашады, клапанлари юқорида жойлашған двигателларда эса киритиш ва чиқарыш қувурлари күпинча блокнинг каллак қисемига, бир томонда устма-уст қилиб (ВАЗ, ЗМЗ-24А) ёки иккى томонға үрнатылади (МЗМА-412).


V-симон двигателларда киритиш қувурлари блокнинг юқори айрилиш қисмидә, құш хоналар оралиғига үрнатылған.

Бир бўлинмали ёки кетма-кет уланган иккى бўлинмали карбюратор үрнатылған двигателларда киритиш қувурлари барча цилиндрлар учун умумийdir. Мувозий уланған иккى ёки тўрт бўлинмали иккى хонали карбюратор үрнатылған двигателларда эса киритиш қувурлари иккита киритиш түйнуги билан таъминланған.

104-расмда ЗИЛ-130 двигателининг киритиш қувури кўрсатылған. Киритиш қувурининг корпуси 1 да ёнилғи аралашмасини цилиндрга юбориш учун иккита түйнук бўлиб, уларнинг ҳар бири карбюраторнинг қойи қисми билан бирлашган. Карбюраторни үрнатиши учун киритиш қувурининг юқори қисмидә фланец 2, шамоллатиш тармогининг қувурчаси учун фланец 4 ва совитиш тармогининг чиқарыш қувурчаси учун фланец 3 мўлжалланған. Бундан ташқари, киритиш қувурига шамоллатиш картерининг қувурчасини улаш учун штуцер 5 үрнатылған. Қувурларни блокка жипс биректириш учун металл асбест қистирмалар қўйилади.

Енилги аралашмасини қиздириш ёнилғини батамом буғлашы учун зарур, акс ҳолда у томчи ҳолига келади ва ёнилги

Эжектор — сийракланыш натижасида шитоб билан ҳаракатлантыруви мұхиттің кинетик энергиясини башқа мұхитта ұтказып учун хизмат қилауданы тузилма.




104-расм. ЗИЛ-130 двигателининг киритиш қувури.

аралашмаси цилиндрларда яхши ёнимайди ва натижада двигатель тўла қувват билан ишламайди, ёнилғи аралашмасини қиздириш мақсадида киритиш қувурларининг карбюраторга яқин жойлашган қисмининг чиқариш қувури билан туташтириладиган махсус гилофи бор. Двигатель цилиндрларига ишлатилган газлар шу гилофга ўтиб, киритиш қувури деворларини ва ёнувчи аралашмасини кесрагича қиздиради. Юқорида айтилганидек, ЗИЛ-130 автомобили двигагелида киритиш қувурининг махсус сув гилофи бор. Советиш тармогида термостат бўлгани сабабли совуқ двигателни юргизиш ва киритиш қувурини қиздириш тезлашади.

**Газ чиқариш тармоги.** Автомобиль двигателининг газ чиқариш тармоги чиқариш қувури ва сўндиригич (глушатель)дан иборат. Чиқариш қувури, асосан, чўяндан қўйиб тайёрланади ва металл асбест қистирма (прокладка) орқали блокка ёки двигателнинг каллагига гайкалар билан маҳкамланади. Чиқариш қувурининг бир томони чиқариш клапанларининг каналлари, иккинчи томони эса қабул қувури орқали сўндиригич билан бирлашган.

V-симон двигателларда иккита чиқариш қувури бўлиб, улар қабул қилгич қувурлари орқали битта сўндиригич (ЗИЛ-130) ёки иккита сўндиригич (ЗИЛ-114) билан бирлашган, ёнувчи аралашма ва ишлатилган газлар кичик қаршиликлар билан ҳаракатланиши мақсадида киритиш ва чиқариш қувурларининг каналлари мумкин қадар калта, эгилган жойлари силлиқ ва аниқ бўлиши лозим. 105-расмда ЗМЗ-24 двигателининг киритиш ва чиқариш қувурларининг умумий кўриниши тасвирланган. Киритиш қувури 1 нинг фланеци 2 да карбюратор ўрнатилган бўлиб, чиқариш қувури 5 нинг фланеци 9 га қабул қилгич қувурининг сўндиригичи туташган. Чиқариш қувурлари бир-бири билан ўрта қисмида бирлаштирилган бўлиб, ундан ўтаётган ишлатилган газлар киритиш қувуридан ўтаётган ёнилғи аралашмасини қиздиришга ёрдам беради. Аралашмани йил мавсумлари шароитига қараб ростлаш учун заслонка мўлжалланган.

**Сўндиригич.** Двигатель цилиндрларидан ишлатилган газлар катта тезликда шиддат билан ҳаракатланиб, аланга ва учқун аралаш шовқин ҳамда шитоб билан ташқарига чиқади. Бу камчиликни камайтириш учун чиқариш қувурига қабул қилгич




105-расм. ЗМЗ-24 двигателининг киритиш ва чиқариш қувурлари:

I – II – заслонкининг очилиш ҳолатлари:

1 – киритиш трубаси, 2 ва 9 – фланецлар, 3 – қувурни блокка ўнатиш тешкиси, 4 – қистирма, 5 – чиқариш қувури, 6 – ёнилги аралашмасизнинг иссиқ ҳолатини ростлагичи, 7 – гайкали қайд қилувчи шпилька.

қувурчаси ва сўндиригич ўнатилган. Юк автомобилларининг сўндиригичи (106-расм) пўлат корпус 3 ва тешикли ички қувурчалар 2 дан иборат. Қувурча билан корпус орасидаги бўшлиқ кетма-кет қўйилган бир нечта тўсиқ 4 билан ажратилган. Қувурчалар 2 нинг бир учи газ узатувчи қувурча 1, иккинчи учи эса сўндиригичнинг чиқариш қувури 5 билан улаиган. Ишлатилган газлар сўндиригич қувурчаси 2 га кириб, унинг тешикларидан чиқади ва корпус 3 нинг кичик бўшлиғига кенгаяди ҳамда кетма-кет қўйилган тўсиқлар 4 га урилиб, ҳаракат йўнилиши ўзгаради, тезлиги бирмунча камаяди ва шовқин пасаяди. Енгил автомобилларга асосий сўндиригичдан олдин ишлатилган газларни кенгайтирувчи бирламчи сўндиригич қўйилади ("Жигули", ЗИЛ-114). Бундай қўшимча сўндиригич ёрдамида кенгайтирилган газлар совиди ва уларнинг жамгарилган энергияси бирмунча камаяди.



106-расм. ЗИЛ-130 автомобилининг сўндиригичи.

## 7-мавзу. КАРБЮРАТОРЛИ ДВИГАТЕЛЛАРНИНГ ТАЪМИНЛАШ ТАРМОГИ

### 1-төпшириқ (107-расм).

I. Расмда қайси рақамлар билан карбюраторли двигателларнинг таъминлаш тармоғи асбоблари белгиланган:

чиқарилувчи газларнинг шовқинини сўндиргич (а), чиқариш қувурчаси (б), чиқариш қувури (в), киритиш қувури (г), ҳаво фильтри (д), карбюратор (е), майин тозалаш фильтри (ж), тиндиригич фильтр (ж), диафрагма туридаги насос (з), бензин баки (и), бензин бакининг қопқоги (й), бензин сатҳини кўрсаткич манометри (к), дараклагич (датчик) (л), двигатель (м).

II. Қуйидаги двигателларда қандай белгили бензин ишлатилади?

1. ЗМЗ-53. 2. ЗИЛ-130. 3. ГАЗ-24 "Волга". 4. ВАЗ-2101 "Жигули".

а) А-66 бензини; б) А-72 бензини; в) А-76 бензини; г) А-93 бензини.

III. Қуйидаги жавобларнинг қайси бири келтирилган ёнувчи аралашма таркибини тавсифлайди?

1. Қуюқ. 2. Қуюқлаштирилган. 3. Мұтадил. 4. Суюқ. 5. Суюқлаштирилган.

а) 1 кг бензин ва 13 кг дан кам ҳаводан иборат аралашма. Аралашма секин ёнади. Двигателнинг қуввати пасаяди; б) 1 кг бензинга 16,5 дан 20 кг гача ҳаво түғри келади. Аралашма секин ёнади. Двигатель қуввати пасаяди, ёнилги сарфи ортади; в) 1 кг бензин ва 13,5 дан 15 кг гача ҳаводан иборат аралашма. Двигатель қуввати энг юқори бўлади. Аралашма жуда тез ва тўла ёнади; г) 1 кг ёнилғига 15 дан 16,5 кг гача ҳаво аралашган аралашма. Аралашма ёниши секинлашган бўлади. Қувват пасаяди. Жуда кам ёнилги сарфи бўлади; д) 1 кг ёнилғидан ва 15 кг ҳаводан иборат аралашма. Аралашма тўла ёнади. Қувват 4—6 фоизга камаяди. Ёнилги сарфи ортади.


### 2-төпшириқ (107-расм).

I. Келтирилган жавобларни қаноатлантирадиган таъминлаш тармогининг асбоблари ва унинг деталлари 107-расмда қайси рақамлар билан белгиланганлигини топинг.

1. Автомобиль маълум масофани босиб ўтишини таъминлайди ва бензин сақлаш учун идиш бўлади. 2. Ёнилғини карбюраторга мажбурий юбориб туради. 3. Ёнилғини тиндиришни ва тозалашни таъминлайди. 4. Цилиндрларга юбориш учун ёнувчи аралашма тайёрлайди. 5. Аралашмани цилиндрларга тақсимлаб беради. 6. Ишлаб бўлган газларнинг шовқинсиз чиқариб юборилишини таъминлайди. 7. Ёнилғи сатҳини кўрсатувчи датчик бўлиб хизмат қилади. 8. Таъминлаш тармогига келаётган ҳавони тозалайди.

II. Қандай таркибли ёнувчи аралашма.

1. Жуда тез ёнади? 2. Двигатель ишининг энг юқори тежамли бўлишини таъминлайди? 3. Двигатель қувватининг бирданига пасайишига, бурқаб туташига, сўндиригичдан кучли шовқин



107-расм. Карбюратор двигателининг таъминлаш тармоги.

чиқишига сабабчи бўлади? 4. Двигатель қувватининг энг юқори бўлишини таъминлайди? 5. Ёнувчи аралашманинг тўла ёнишини таъминлайди?

а) Мўтадил; б) суюқлаштирилган; в) суюқ; г) қуюқлаштирилган; д) қуюқ.

III. Қандай маромда қандай таркибли аралашма бўлиши керак:

1. Совуқ двигателни юргизиб юборишда? 2. Двигатель салт ишлаганда? 3. Двигатель ўртача юкланишларда ишлаганда? 4. Двигатель энг юқори юкланишларда ишлаганда? 5. Тирсакли валнинг энг катта айланишлар сонида?

а) Мўтадил ( $\alpha = 1$ ); б) суюқлаштирилган ( $\alpha = 1,05 \dots 1,15$ ); в) суюқ ( $\alpha = 1,15 \dots 1,20$ ); г) қуюқлаштирилган ( $\alpha = 0,7 \dots 0,8$ ); д) қуюқ ( $\alpha = 0,2 \dots 0,6$ ).


### 3-топшириқ (108-расм).

I. 108-расмнинг қайси кўринишида қандай тузилмалар кўрсатилган:

1. Тезлатгич насос. 2. Юргизиб юбориш мосламаси. 3. Салт ишлаш тармоги. 4. Асосий мезонловчи қурилма. 5. Бойитгич.

II. Қандай қўшимча тузилма ва қурилмалар карбюраторни қўйидаги ишлар билан таъминлаб туради?

1. Двигателнинг салт ишлаш тармогидан ташқари бошқа ҳамма маромларда ёнувчи аралашма тайёрлаб, ўрта юкланишларда ишлаганда қуюқлаштирилган аралашма тайёрлайди. 2. Дросель ёниқ турганда ишлайтган двигателнинг тургунлигини оширади. 3. Дросель-заслонкасини бирданига очганда двигатель қуввати тезда кўтарилади. 4. Энг юқори юкланишларда, энг катта тезликка эришиш учун аралашма қуюқлаштириб борилади.



108-расм. Карбюратор тузилмаларининг ишланиш ҳозатидаги тасвирий чизмаси.

- а) Ҳаво заслонкаси; б) юкланишларда салт ишлаш тармоғи;
- в) бойитгич; г) асосий мезонловчи тармоқ; д) теззатгич насоси.

III. 1. Қўйида келтирилган двигателнинг иш маромларнда қайси бири тежамлироқ?

а) Двигатель кам юкланишларда ва кам айланишлар сонида ишлаганда; б) двигатель ўртача юкланишларда ва ўртача айланишлар сонида ишлаганда; в) двигатель тўла юкланишларда ва катта айланишлар частотасида ишлаганда.

2. Двигатель қандай иш маромлари ишлаганда ташқи муҳитни камроқ заҳарлайди?

а) Юргизиб юбориш маромида; б) салт ишлаш маромида; в) ўртача юкланишларда ва ўртача айланишлар сонида ишлаганда; г) тўла юкланиш маромида ишлаганда; д) катта айланишлар сонида ишлаганда.

3. Двигатель қайси маромда ишлаганда унинг двигателлари кучлироқ ейлади.


а) Юргизиб юбориш маромида; б) салт ишлаш маромида; в) ўртача юкланишларда ва ўрта айланишлар сонида ишлаганда; г) тўла юкланиш маромида ишлаганда; д) катта айланишлар частотаси маромида ишлаганда.

#### 4-топшириқ (109-расм).

I. Расмда карбюраторнинг асосий мезонлаштиргич тармоғи деталлари қайси рақамлар билан белгиланган?

Барқарорлаштирувчи қудуқча (а); қалқовиҷли булинма (б); ҳаво жиклери (в); эмульсион найча (г); ёнилғи жиклёри (д).


II. Оддий карбюратордан (109-расмда келтирилган) асосий мезонлаш тармогининг фарқи нимада?



109-расм. Карбюраторнинг асосий ўлчамли миқдорлаш (дозалаш) тармоғининг тасвирий чизмаси.

#### 5-төпшириқ (110-расм).

I. Расмда карбюратор салт ишлаш тармоғи ва юргизиб юбориш қурилмаси деталлари қайси рақамлар билан белгиланган?



110-расм. Карбюраторнинг юргизиши тузилмаси ва салт ишлаш тармоғининг тасвирий чизмаси.

а) Ёнилғи қалқовичли булинма 4 ва ёнилғи жиклөри орқали найча 2 га утади; б) ёнилғи қалқовичли булинма ва ёнилғи жиклөри орқали қудуқча 3 га утади, қудуқча эса найча 2 билан аралаштиргич булинмаси ва ҳаво жиклөри 1 орқали ташқи муҳит билан тулаштан булади; в) ҳаво жиклөри ёпиқ, ёнилғининг жиклөр орқали ўтиши диффузордаги сийракланишга боғлиқ.

III. Мақбул иш маромига яқин бўлган карбюраторнинг тасвифномаси қандай олинади?

а) Ҳаво жиклөри орқали қудуқчага кираётган ҳаво миқдорини мезонлаш йўли билан; б) диффузорига ҳаво эмульсиясини бериш йўли билан; в) ҳаво жиклөрининг йўлини беркитиш йўли билан.

Салт ишлаш тармоғининг ёнилғи туйнуги (а), салт юриш тармоғининг ёнилғи жиклөри (б), салт ишлаш тармоғининг эмульсион туйнуги (в), салт ишлаш тармоғининг ҳаво жиклөри (г), салт ишлаш тармоғининг ёнувчи аралашма сифатини ростловчи винти (д), салт ишлаш тармоғининг ёнилғи аралашмаси миқдорини чеклагич винти (е), асосий жиклёр (ё), ёнилғи аралашмаси сифатини ростлаш винтининг пружинаси (ж), салт ишлаш тармоғининг дроссель ўқидан юқорироқда жойлашган ҳаво киритиш тешикчаси (з), дроссель ўқидан пастроқда жойлашган тешикчча (и), ҳаво заслонкаси автоматик клапанининг

пружинаси (й), ҳаво заслонкасининг автоматик клапани (к), ҳаво заслонкаси (л), асосий тозалаш тармогининг ёнилги жиклёри (м), дросель-заслонкаси (н).

**П. 1.** Двигателнинг қайси иш мағомида салт ишлаш тармоги роствланиши керак?

- а) Ишлаётган совуқ двигателда, ҳаво заслонкаси ёпиқ пайтда;
- б) ишлаётган двигателда, дросель-заслонкаси тұла очилған пайтда;
- в) қызиган двигателда, ҳаво заслонкаси тұла очилған пайтда.

**2.** Келтирилған жавобларнинг қайси биріда карбюратор салт ишлаш тармогининг вазифаси тұла таърифланған.

- а) Двигателнинг құлай иш ҳароратида ишлашини таъминлаб туриш;
- б) юкланишсиз, кичик айланишлар сонда ишлаётган двигателнинг турғунлигини таъминлаш;
- в) асосий мезонлаш тармогини ишлатыб туриш.

**3.** Асосий мезонлаш түзилмаси билан салт ишлаш тармоги бир вақтда ишлай оладими?

- а) Қисқа мұддат ишлай олади;
- б) ишлай олмайди;
- в) доимо бирға ишлайди.

**III. 1.** Совуқ двигателни юргизиб юборишда ёнилғи аралашмаси қайн таркибда бұлиши керак?

- а) Қуюқ;
- б) қуюқлаштан;
- в) мұтадил;
- г) суюқлаштан;
- д) суюқ.


**2.** Совуқ двигателни юргизиб юборишда нима ҳисобига қуюқлаштан аралашма ҳосил қилинади?

- а) Дросель-заслонкасини тұла очиш билан;
- б) ҳаво заслонкасини тұла очиш билан;
- в) ҳаво заслонкасини очиш билан.

**3.** Двигателни юргизиб юборишда қайси деталь ёнувчи аралашманинг жуда ҳам қуюқлашиб кетишини чеклайди?

- а) ҳаво заслонкаси;
- б) ҳаво заслонкасининг автоматик клапаны;
- в) ҳаво заслонкаси автоматик клапаниннинг пружинаси.

6-төпшириқ (ІІІ-расм).



ІІІ-расм. Карбюраторнинг бойиттіч(экспономайзер) және теззаттіч насосы түрлари.

**1.** Расмнинг қайси күринишида қандай турдаги бойиттіч және теззаттіч насослар күрсетілген?

- а)...?
- б)...?
- в)...?

**II. Қүйидаги түзілмаларнинг вазифаларини таърифложың жағобларни топинг.**

1. Бойитгич. 2. Тезлатгич насос.

**PDF Compressor Free Version**

а) Двигателнинг турли иш маромларида ёнилги аралашмасининг суюқланишини таъминлайди; б) двигательнинг катта айланышлар сонида ёнувчи аралашмасини суюқланишдан сақлаб турди; в) двигатель тұла юкланишда ишлаганда ёнилги аралашмасини үз-үзидан қюқлаштириб беради; г) дроссель-заслонкасии тұла очгаңда ёнилги аралашмасини үз-үзидан қюқлаштириб беради.

**III. Механик, ҳаво ва диафрагмали юритмали тезлатгич насос қандай жойлашган?**

1. Бойитгичдан алоқида ажратиб. 2. Бойитгич билан бириктірилиб. 3. Бойитгичдан ажратиб ёки унга бириктірилиб.

**7-топшириқ.**

**I. 111-расмда карбюратор бойитгич ва тезлатгич насосларининг деталлари қайси рақамлар билан белгиланған?**

Бойитгич жиклёри (а), бойитгич клапани (б), асосий жиклёр түзитгичи (в), бойитгич тиргаги (г), бойитгич тортқұллари (д), дроссель-заслонкаси (е), экономайзер пневматик юритмали бойитгичнинг поршени (ё), тиргак пружинаси (ж), дроссель-заслонкасииның пастрогида жойлашган киритиш канали (з), ҳаво құнурчаси ёки ташқи муҳит билан туташувчи пастки каналчаси (и), тезлатгич насос бүлинмаси (й), тезлатгич насос бүлинмасининг қопқоги (к), тезлатгич насосининг әгилуучай диафрагмаси (л), диафрагма пружинаси (м).

**II. 1. Замонавий карбюраторларда дроссель-заслонкаси бирнеге очилғанда аралашма таркиби қайси усул билан барқарорлаштырлади?**

а) Ёнилгини ҳаво ёрдамида тормозлаш билан; б) ёнилгини гидравлик тормозлаш; в) диффузордаги сийракланишни ростлаш иули билан; г) бир қанча усулларни бирға құллаб, яňни аралашған усул билан.

**2. Қүйидаги барқарорлаш усулларыдан қайси бири замонавий карбюраторларда кенг құлланилади?**

а) Ёнилгини ҳаво билан тормозлаш; б) ёнилгини гидравлик тормозлаш; в) диффузордаги сийракланишни ростлаш; г) аралашған усул.

**III. 1. Қүйида көлтирилған хоссаларнинг қайси бири ёнилгини бензин бакидан карбюраторнинг қалқовиличи бүлинмасига беришини таъминлайди?**

а) Карбюратор ва ёқиғи баки сатхарининг фарқи туғайли; б) дроссель-заслонкасисининг бошқарувчи педалини босиш орқали; в) ёнилги насосининг ишлаши туғайли.

**2. Тирсаклы вал айланишлар сонининг оширилиши натижасына оддий карбюраторларда аралашма қандай үзгаради?**


а) Аралашма бирданига суюқлашган; б) аралашма бирданига суюқлашади; в) аралашма таркиби ўзгармайди.

**8-төпшириқ (112-расм).**

I. Карбюраторли двигателларнинг таъминлаш тармоғида қўйидаги турдаги ёнилғи насосларининг қайси бири ишлатилади?

а) Шестерняли; б) поршенили; в) диафрагмали; г) марказдан қочма.

II. 112-расмда ёнилғи насосининг деталлари қайси рақамлар билан белгиланган?



112-расм. ЗМЗ-53 двигателининг ёнилғи насоси.

Ричаг (а), ричаг ўқи (б), қўл билан ҳайдаш ричаги (в), корпус (г), диафрагма (д), ёнилғи киритувчӣ клапан (е), фильтр (ё), қопқоқ (ж), каллак (з), ёнилғини ҳайдаш клапани (и), шток (й), қўл билан ҳайдаш ричагининг валчаси (к), ричаг пружинаси (л), диафрагма пружинаси (м).


III. Қўйидаги двигателларнинг ёнилғи насосида қандай юритма қўлланилади?

1. ГАЗ-24? 2. ЗМЗ-53? 3. ЗИЛ-130? 4. ЯМЗ-236.

а) ҳаракат тақсимлаш вали муштасидан тик тиргак орқали насосга олиб берилади; б) ҳаракат тақсимлаш вали муштасидан бевосита насос ричагига берилади; в) юқори босимли насосининг муштчали вали экцентригидан поршенили насосининг роликли туртгичига узатилади; г) ҳаракат тақсимлаш вали олди учига шпонка билан бириктирилган посангили экцентрикдан олинади.

**9-төпшириқ (113-расм).**

I. 113-расмнинг қайси кўринишида қандай турдаги тиндиригич фильтрлари тасвирланган?



113-расм. Ёнилги фильтри тиндиригичининг конструктив турлари.

а)...? б)...?; в)...?

II. 114-расмда ёнилги тиндиригич фильтрларининг деталлари қайси рақамлар билан белгиланган?

Чүян корпус (а), болт (б), марказий үзак (в), қистирма (г), металдан ясалган стакан (д), тозаловчи қисм (е), үзакининг пастки қисмида ўрнатилган пружина (ж), латундан ясалган стакан (ж), тозаловчи таркибий қисмлар (з), ёнилги чиқарувчи түйнук (и).

III. 1. Замонавий автомобилларда қуйидаги ёнилги тозалаш усулларидан қайси бири күпроқ қўлланилади?

а) Икки марта тозалаш; б) бир марта тозалаш.

2. Бирламчи фильтр қаерда ўрнатилган?

а) Насос ва карбюратор оралигига; б) бензобак ва ёнилги насоси оралигига.

#### КАРБЮРАТОРЛИ ДВИГАТЕЛНИНГ ТАЪМИНЛАШ ТАРМОГИ МАВЗУИ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ ЖАВОБЛАР ТЎҒРИ:

1-топшириқ. I. а (5), б(7), в(11), г(12), д(13), е (14), ж(10), ж(6), з(9), и(4), й(3), к(1), л(2), м(8). II. 1(в), 2(в), 3(г), 4(г). III. 1(а), 2(в), 3(д), 4(б), 5(г).

2-топшириқ. I. 1(4), 2(9), 3(6,10), 4(14), 5(12), 7(2), 8(13). II. 1(б), 2(б), 3(в), 4(д), 5(а). III. 1(д), 2(г), 3(б), 4(г), 5(г).

3-топшириқ. I. 1(г), 2(д), 3(б), 4(а), 5(в). II. 1(г), 2(б), 3(л), 4(в). III. 1(б), 2(в), 3(а).

4-топшириқ. I. а(3), б(4), в(1), г(2), д(5). II. (б). III. (а,б).

5-топшириқ. I. а(4), б(5), в(6), г(7), д(9), е(15), ё(8), ж(10), з(13), и(11), й(1), к(2), л(3), м(14), н(12). II. 1(в), 2(б), 3(а). III. 1(а), 2(б), 3(б).

6-топшириқ. I. а (механик юритмали экономайзер), б(ұаво юригмали экономайзер), в (диафрагмали юритмали тезлатиш насоси). II. 1(в), 2(б). III. (3).

7-топшириқ. I. а(8), б(7), в(12), г(3), д(5), е(10), ё (16), ж(18), з(17), и(15), й(20), к(21), л(22), м(19). II. 1(а, б, г), 2(а). III. 1(в), 2(а).

8-топшириқ. I. (в). II. а(13), б(14), в(1), г(2), д(3), е(4), с(5), ж(6), з(7), и(8), й(10), к(11), л(12), м(9). III. 1(б), 2(г), 3(а), 4(в).

9-топшириқ. I. а (бирламчи тозалаш фильтри); б (түр қисмли майин тозалаш фильтри); в (керамик қисмли майин тозалаш фильтри). II. а (2), б(11), в(6), г(3), д(7), е(8), ё(5), ж(14), з(12, 13, 17), и (1). III. 1а (юк автомобиллари), б (снгил автомобилллари), 2(б).

## 9-боб. ГАЗ БАЛЛОНЛИ АВТОМОБИЛЬ ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАШ ТАРМОГИ

### 45-§. Умумий маълумотлар ва газсимон ёнилғидан фойдаланиш йўл-йўриқлари

Автомобиль двигателларида суюлтирилган ёки сиқилган газсимон ёнилғи ишлатилади. Карбюраторли двигателин газ билан ишлашга ўтказиш учун мураккаб қайта ускуналаш талаб қилинмайди. Таъминлаш тармоги оддийлашади, осонгина мукаммал аралашма ҳосил қилинади, двигателлар жуда кичик ортиқча ұаво коэффициенти билан ишлаши туфайли бу ёнилғи аралашмаси бензинга нисбатан тўлароқ ёнади.

Ундан ташқари, газнинг ұаво билан аралашмаси ўз таркибига кўра бир хил бўлганидан двигателнинг яхши ишлашини ва қабул қилувчанлигининг мойиллик даражаси юқорироқ булишини таъминлади. Газсимон ёнилгининг детонацияга турғунлиги бензинникига нисбатан юқори, деталларнинг коррозион ва механик сийилиш тезлиги анча камаяди, газсимон ёнилғи мойни суюлтиримайди, двигателнинг тежамкорлиги ортади. Шу афзалликлари туфайли газсимон ёнилғи автомобиль двигателлари учун истиқболли ёнилғи деб ҳисобланади ва бундай ёқилгини ишлатиш суюқ ёнилғига бўлган эҳтиёжни анча камайтиради. Ҳозирги вақтда собиқ Совет Иттилоқи заводларида газ баллон ускунали автомобиллар ишлаб чиқарни йўлга қўйилган. Шуни таъкидлаб ўтиш дозимки, бунда двигателнинг таъминлаш тармогига газсимон ёнилғи билан бир қаторда, эҳтиёт қисмлар шартини кўзлаб бензинда ишлатишга мўлжалланган қўшимча таъминлаш ускунаси ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

\*  
Пўлатнинг ташқи муҳит билан кимёвий ёки электр кимёвий таъсири оқибатида смиришни жараёни коррозия деб аталади.

Сүнгги йилларда автомобиль заводларида суюлтирилган нефти газ (СНГ)да ишлатишга мұлжалланған ГАЗ-5200, ГАЗ-53-19 маркалы автомобиллар ишлаб чиқарылмоқда. Шуннингдек, ГАЗ-52-27, ГАЗ-53-27 ва ЗИЛ-431610 маркалы автомобилларни ишлаб чиқарыш даврида сиқылған табиий газ (СТГ) да ишлашга мослаштырылған таъминлаш тармоғи ускуналари ўрнатылади. Лекин сиқылған газ баллонли автомобиллар, суюлтирилған газ баллонли автомобилларга нисбатан құйидаги камчиликтарға әга: сиқылған газсінің иссиқтік чиқарыш қобилияты кичикроқ бұлғанлардың сабабли двигателнің қуввати бироз камаяди, баллонларнің ұжымы ва вазни күттегінде, автомобилнің фойдалы юк күтариш қобилиятыні бироз камайтиради; техник хизмат күрсатыш ва тузатыш ишларини ұтказында ёнгін ұамда портланд хавфидан сақланиш учун, маҳсус қилинған хоналарға талаб ортади.

Юқорида баён этилгандек газ баллонли автомобилларда ишлатыладыған газсімден ёнилған табиий ёки сунъий әнненчі газлар бўлиб, улар суюлтирилған нефть гази (СНГ), сиқылған табиий газ (СТГ) бўлиши мумкин. СНГ да ишловчи автомобиль двигателлари кенг тарқалған. Нефть билан бирга чиқувлечи газлар, одатда, пропан-бутан аралашмаларидан, яъни уч-түрттадан углерод атомларига әга бўлған углеводороддан ташкил топған. Суюлтирилған нефть гази шу углеводороддан тайёрланади.

Мақбул ҳароратда босими 1,6 МПа ( $16 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) га стгунча газсімден ҳолдан суюқ ҳолатга үтувчи газларга суюлтирилған нефть газлари деб аталади. Демак, бундай газлар спиқ идиш ва баллонларда суюқ қолатда бўлади. СНГ лар, одатда уч хил турда чиқарылади: техник пропан, техник бутан ва уларнің аралашмалари. Биринчисини қиша, иккинчисини ёзда, учинчисини эса йыл давомида ишлатиш мумкин. Бу газларнің иссиқтік бериси ва детонация турғунлары бир-бира жоғары. СНГ нинг ҳам, ранги ҳам бўлмаганлары учун уларга оз миқдорда ұтқир қиды газсімден модда қўшилади. Бу моддалар сизиб чиқиб, кабина ёки кузов учида тўплантган газни сезишга имкон беради.


СНГ да ишловчи автомобилнің сиқылған табиий газ (СТГ)да ишловчи автомобилга нисбатан құйидаги афзаликтерге әга; баллонлар сони кам ва уларнің умумий вазни кичик бўлғанлардың сабаби автомобилнің юк күтариш қобилияты юқори; газ баллонларидан босими бирмунча кичик бўлғанлардың сабабли бундай автомобилларни ишлатиш анча хавфсиз; суюлтирилған газдан танерланған газ-ҳаво аралашмаси ёнганида чиқарылады иссиқтік даражаси юқори бўлғанлары туғайли двигателнің қуввати ортади; маълум бир ҳажмга әга бўлған идишда бу газларнің кўпроқ миқдорда жамгарилиши мумкинлігини автомобилнің юриш радиусини узунлаштыради; бу газни узоқ масофага спиқ идишларда бемалол элтиш ва автомобиль баллонларини ёшлиги станцияларida тўлдириш қулай, лекин СНГларнің солиширма

өгірлігі ұавоникіга қараганда каттароқ бұлғанлиги сабабли баллондан ёки газ ускуналаридан сизиб чиққан ёнилгі автомобилінг әпік пастки тармоқларида түпләніб портлашга ёки ёнгін чиқышыга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун жами туташувчи газ ускуналарининг бирнамаларини ва газ баллонларни зич тутиш лозим ҳамда уларни муқим равишда назорат қилиб туриш керак. Суюлтирилган газни сақлаш муддати ишлаб чиқарылган вақтдан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак. Бу муддат тугагач, газнинг ҳолати стандарт күрсаткичлар бўйича текширилади.

СТГ лар сиқилган газ баллонли деб аталувчи юк автомобилларида ёнилгі сифатида ишлатилади. СТГ деб, суюқлик ҳолатига ўтиш ҳарорати паст бўлган газларга айтилади. Улар мақбул ҳароратда босими сиқилиб, 20 МПа ( $200 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) га стгунча ҳам газсимон ҳолатни сақлаб туради. Газ баллонли автомобилларда ишлатиладиган табиий газ асосан метандан таркиб топган бўлиб ёниш натижасида иссиқлик чиқариш қобилияти ( $8500 \text{ ккал}/\text{м}^3$ ). Лекин сиқилган газда ишловчи автомобиль двигателлари унча кенг тарқалмаган, чунки, бир томондан, цилиндрларнинг тўлиши камайиши натижасида уларнинг қуввати 10—20 фоизга пасаяди, иккинчи томондан, автомобильнинг юк кўтариш имконияти бошқа ёнилгі системали автомобилларга нисбатан камаяди. Чунончи, юқори босим остида сиқилган газларни сақлаш учун оғир ( $65—70 \text{ кг ли}$ ) баллонлар керак бўлади. Автомобилга сигими  $10 \text{ м}^3$  дан бўлган бундай баллонлардан олтитаси кетма-кет уланиб ўрнатилган. Баллонлар маҳсус газ тўлдириш станцияларида тозаланган ва қуритилган табиий газ билан тўлдирилади. Газ билан ишловчи двигателларнинг иш цикли карбюраторли двигателларнинг ишлаш услубига ўхшаш бўлса-да, асбоб ва ускуналарининг тузилиши билан фарқ қиласи.

#### 46-§. Газ баллонли ускуналашган таъминлаш тармоги

Суюлтирилган газда турли ЗИЛ-432810, ГАЗ-53-07 юк автомобиллари ва ЛАЗ-695П, ЛиАЗ-677Г автобуслар бир-бирига ўхшаш газ баллонли таъминлаш тармоги бўйича ишлайди. Бундай газ баллонли ускуналашган чизма 114-расмда тасвирланган. Автомобиль кузови остига 250 л сиғимли газ баллонли 5 ўрнатилган. Газ олиш учун баллонга иккита найча уланган, ҳар бир найчада сарфлаш вентиллари 16 ва 17 бор. Улардан бири суюқлик сатҳидан юқорироқ ўрнатилган бўлиб, ундан двигателни юргизиб юбориш ва қиздириш вақтида газ буғлари берилади, иккинчиси эса суюқликнинг пастки сатҳида ўрнатилган. Баллондан чиқалиган газ буғлатгичга тушиб, у ерда батамом буғланади, сўнгра фильтр 9 ва буғларнинг босимини пасайтирувчи редуктор 10 дан ўтиб, мезонлагич 10 га, кейин аралаштиргичга тушади. Ҳосил бўлган ёнувчи газ-ҳаво аралашмаси киритиш найчаси




114-расм. Суолттырталык нефть газ (СНГ) да ишлеңчи автомобиль тәмжанын газ баллондан тұмсының үлгілік салынудағы схемасы:

1 — лиг юздары салынған текникерлік вентили, 2 — солдатик клапандар, 3 — супортын салынған хұрастасы, 4 — тұлдырылған клапандар, 5 — манометрлер, 6 — газ фильтрleri, 9 — икек босқын газ рефлектори, 10 — мөлшәрлік (дозатор), 11 — тармоқ вентили, 12 — карбонратор-аралаштырылған, 13 — карбонратор, 14 — шиндер баки, 15 — ениси баки, 16 — ишкә түшірілген, сарғылаш вентили, 17 — дайло фильтрлер, 18 — карбонратор-аралаштырылған, 19 — бесбакынның өнімді түбөрниң жүргіртілген мөлшәрлік ишкәннен шынындағы вентили, 18 — бесбакынның өнімді түбөрниң жүргіртілген мөлшәрлік ишкәннен шынындағы вентили.

булинмасига киради. Газ редуктори 10 дозатор билан битта қутида жиҳозланган бўлиб, уларга газни киритиш ва чиқариш найчалари уланган.

Ҳайдовчи кабинасидағи пештахтада баллондаги газ босимини ва редуктордаги босимни доимо кўрсатиб турувчи манометр 7 ва 8 лар мавжуд. Бу тармоққа мувозий равишда бензин билан ишлайдиган эҳтиёт таъминлаш системаси ҳам ўрнатилган. У бензобак 15, бензонасос 14 ва карбюратор-аралаштиргич 13 дан иборат бўлиб, худди карбюраторли автомобилнинг таъминлаш тармогига ухшаб ишлайди. Бунда фақат карбюратор кичик улчамли, ихчам ва соддароқ қилиб ишланган. Эҳтиёт тармоқдан карбюраторга бензин ўтишини тўхтатиш учун бензобакда кран 18 мўлжалланган двигатель қисқа вақтга тўхтатилганда, ўт оддириш тармоги ўчирилади, кўпроқ вақтга, яъни 1—2 соатга тўхтатилганда эси тармоқ вентили ҳам беркитилади. Баллон 5 тубиди сарфлаш вентиллари 1 ва 3 дан ташқари сақлаш клапани 2, тўлдириш клапани 4 бор. Бундай иккита ёнилгида ишлашга мўлжалланган универсал таъминлаш тармогида газ билан автомобилни юриши 400 км атрофида бўлиб, бензинда йўл босиш 17 км ни ташкил этади. Газ баллонли ускуналарнинг конструктив ечими автомобилнинг ишлатиш соҳаси ва вазифасига кўра ҳар хил ишлаш услубига эга.

Сўнгги йилларда сингил автомобилларда ҳам газсимон ёнилғидан фойдаланиш ривожланмоқда. Масалан, ГАЗ-24 "Волга" автомобилига Горький автозаводида 24-Д газ двигатели ўрнатилиб чиқарилмоқда. Унинг газ идишига 45 кг суюлтирилган газ тўлдирилади ва 450 км йўл босиш учун стади. Бу автомобилнинг бошқача конструктив ечимга эга бўлган суюлтирилган газ баллонли ускунасининг умумий тузилишини ва ишлаш услубини ГАЗ-24-17 "Волга" мисолида таҳлил қилиб чиқамиз. 115-расмда шундай ускунада ҳам ёнилги сақлаш учун баллон 5 мўлжалланган бўлиб, у автомобилнинг юхонасида жойлаштирилган. Ускуна иккি босқичли газ редуктор-буғлаттигич 1, газ аралаштиргич 6 ва электромагнит клапанли фильтр 12 дан иборат. Газ баллонида суюқ ва буғланган ҳолатдаги газларни узатиш учун мўлжалланган сарфлаш вентили 7 ва 8 бор. Шунингдек, баллондаги суюлтирилган газнинг сатҳини муқим текшириш датчиги 4 ҳамда назорат ва сақлагич клапанили тўлдириш тузилмаси 9 мўлжалланган. Бу турдаги ускуна суюлтирилган газда ёки бензинда иш-




115-расм. Газ баллонли ГАЗ-24-17 "Волга" автомобилининг таъминот ускунаси чизмаси.

латилиши мумкин. Суютирилган газ жамғарилган босим остида баллон 5 дан сарфлай вентили 7 ёки 8 дан найча 11 орқали газни тозалаш фильтри 12 га ўтади. PDF Compressor Free Version найча 13 орқали икки босқичли редуктор-буглатгич, 1 га киради ва унда тўла бугланиш ҳолатига ўтиб, унинг босими 0,08—0,12 МПа ( $0,8\text{--}1,2 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) гача пасаяди. Сўнгра редуктордан газ шланга орқали газни миқдорий жиҳатдан ростлаш винти 22 дан ўтиб, двигательнинг ҳаво фильтрида жойлашган аралаштиргич тузилмаси 6 га боради ва унда ҳаво билан қисман аралашиб, карбюратор-аралаштиргичга киради ва цилиндрга юборилувчи аралашма тўлиқ барқарорлашади. Редукторда газни тўлиқ буғлатиш учун двигатель совитиш тармогидаги суюқликнинг иссиқлик энергиясидан фойдаланилади. Бунинг учун иссиқлик алмаштиргичга цилиндрлар каллагидан шланга 3 орқали қизиган сув ўтиб, иситгичнинг найчасига оқиб тушади. Двигатель карбюратор воситасида ишлаганда керакли бензинни таъминлаш тармоги асбобларига юбориш жараёни, ўтказиш найчаси 10 орқали бажарилади. Карбюраторда асосий мезонловчи (дозаловчи) тузилма ва салт ишлаш қурилмаси мавжуд. Сиқилган газ ускуналари ишлатиладиган автомобиль двигателларининг ёниги билан таъминлаш турига кўра универсал (газ-бензинли) ва ихтинослаштирилган (фақат газли) булиши мумкин. Биринчисида газ баллонли автомобилларга иккита мустақил ишлайдиган таъминлаш тармоги — бензинли ва газ билан ишлайдиган ускуна ўрнатилган. Икки хил шоҳобчали, мустақил ишлайдиган таъминлаш тармогини қўллаш автомобилнинг жамғарилган йўл юриш масофасини узайтиради. Лекин бундай конструктив ечимга эга бўлган автомобилларда битта ёнигида ишлайдиган автомобилларга нисбатан мақбуллашган кўрсаткичларни олиб бўлмайди.

Замонавий газ баллонли ускуналарда баллонлар сони тўрттадаи (ГАЗ туркумига кирувчи юқ автомобиллари) то ўнтагача (КамАЗ) булиши мумкин. Ҳар бир ўрнатилган газ баллонининг фойдали сигими 50 л. энг катта босими 20 МПа ( $200 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ). Бунда битта баллонда ҳосил бўлган газнинг жамғарилган энергияси 10 л бензиннинг иссиқлик чиқариш миқдорига тўғри келади. Бу баллонларнинг жамғарилган энергияси автомобилнинг 200—250 км гача йўл босишини таъминлайди.

ЗИЛ ва ГАЗ автомобилларида қўлланиладиган газ баллонли ускуналарнинг умумий тузилиши бир-бирига ўхшаш.

116-расмда ЗИЛ-431610 белгили юқ автомобилининг юқори босимли универсал газ баллонли ускунаси тасвирланган. Бунда 8 та баллон икки гуруҳга бўлинган ҳолда 4 тадан қилиниб, автомобиль саҳнига ўрнатилган бўлиб, улар бир-бирлари билан найчалар ёрдамида кетма-кет уланган. Ҳар бир гуруҳ баллонларда беркитилувчи вентиллар 7 ва 9 мўлжалланган бўлиб, улар тақсимлаш крестовинаси 10 билан найчалар ёрдамида туташган. Крестовина 10 да тўлдиргич 8 ва сарфлаш вентиллари 11 бор.



116-расм. Юқори босимли газ баллонда ишловчи ЗИЛ-43610 автомобиль двигательнинг газ баллонли таъминот ускупасининг умумлашгани чизмаси:

1 — карбюратор-аралаштиргич, 2 — паст босимли редуктор, 3 — ишга тушириш клапани, 4 — юқори босим редуктори, 5 — газ фильтрли электромагнит клапани, 6 — юқори босим манометри, 7 — олд гуруҳ баллонларнинг вентили, 8 — тўлдириш вентили, 9 — кетинги гуруҳ баллонларнинг вентили, 10 — крестовина (чертешик), 11 — асосий сарфлаш вентили, 12 — бензиннинг дагал тозалаш фильтри, 13 — газ баллони, 14 — карбюратор, 15 — электромагнит клапани маин тозалаш фильтри, 16 — бензонасос, 17 — бензин баки, 18 — двигатель

Сиқилган газ крестовина 10 дан сарфлаш вентили 11 орқали юқори босим редуктори 4 га боради. Вентиль 11 да металл сополли фильтр жойлашган. Иккинчи алмаштириладиган металл сополли фильтр юқори босим редуктори 4 да ўрнатилган. Юқори босимли редукторни музлаб қолиш хавфидан сақлаш учун, у автомобиль капотининг таг бўшлигига жойлаштирилган. Киш шароитида редуктор 4 двигателнинг советниш системасида айланадиган сув билан қўшимча қиздирилади. Редукторнинг юқори босим бўшлигига газнинг босими 0,9—1,2 МПа ( $9,0—12,0 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) гача пасайди. Электромагнитли клапан 5 ишга тушиши биланоқ газ пастки босимли икки босқичли редуктор 2 нинг кириш тешигига киради ва газнинг босими янада пасайиб ташки муҳит босимига яқинлашади. Редуктор 2 мезонловчи бойитгич тузилмаси билан таъминланган бўлиб, бу тузилма ёрдамида белгиланган миқдордаги газ найчадан ўтиб, икки бўлинмали карбюратор-аралаштиргич 1 га киритилади. Бу карбюраторда иккита мустақил ишлайдиган салт ишлаш тармоғи бор. Уларнинг биттаси газ учун ва иккинчиси эса бензин билан ишлашга мўлжалланган.

Карбюратор-аралаштиргич 1 нинг газ киритиш жойида тарелкасимон тескари клапан ўрнатилган. Тирсакли вални  $1000—2000 \text{ мин}^{-1}$  айланишлар сонида бу клапан берк бўлиб, гассимон ёнилги двигателга киради. Хусусан дроссель-заслонкаси очниш ҳолати катталashiши натижасида клапан очилади ва газ ҳалқасимон

тешик орқали карбюратор-аралаштиргичга кириб, ҳаво фильтридан келастган ҳаво билан диффузор сатхидаги аралашади.


PDF Compressor Free Version

Карбюратор-аралаштиргичнинг салт ишлаш тармогига газ аралаштиргич-ўтказгичининг киритиш туйнугидан шланг орқали узатилади. Қишиш шароитида совуқ двигателнинг ишга туширилишини яхшилаш мақсадида, унга электромагнит клапанли жиклёр, ўтказиш найчаси, карбюраторнинг ҳаво заслонкаси ва ишга тушириш дастаги ўрнатилади. Дастак ишга туширилиб, совуқ двигатель юргазилганда, редукторнинг иккинчи босқичидаги клапан берк бўлишига қарамасдан, унинг биринчи босқичидан газ салт ишлаш тармогига киради. Чунончи, двигательни ишга тушириш маромида ишлатилганда ёки у кучсизланган аккумуляторлар батареяси билан юргизилганда, двигательнинг киритиш қувурида сийракланиш етарли бўлмайди. Газ тармогининг ишлашини паст ва юқори босимли манометрлар ёрдамида назорат қилиб турйлади. Юқори босим редукторини носозлиги натижасида, ундан сизиб чиққан газ автомобиль кабинасининг капоти остида йигилиб ўз-ўзидан аланталанмаслиги учун, редукторда газ жамлаш ва тарқатиш туйнуги ҳамда клапан мўлжалланган. Бу туйнукда йигилган газ редуктор клапанини очиб капот тагидаги шамоллатиш тешиги орқали чиқиб кетади. Газ баллонли автомобилнинг бензинда ишлашини таъминлаш учун, тармоқда бензобак 17, дагал фильтр 12, электромагнитли майин тозалаш фильтри 15, бензонасос 16, карбюратор 14 ва бензин ўтказувчи найчалар мўлжалланган.

#### 47-§. Газ баллонли автомобилларнинг асобоб-ускуналари

Газ баллонлар суюлтирилган ёки сиқилган газни асраш ва сақлаш учун хизмат қиласди.

Хозирги вақтда автомобилда суюлтирилган газлар учун ишлаб чиқариластган газ баллонларнинг мақбул ишлаш босими Ришл-1,6 Мпа (16 кгк/см<sup>2</sup>) ва сақлаш ҳарорати — 40..40°C га мўлжалланган. Газ баллоннинг (117-расм) ўрта қисми цилиндрик ва икки туби сўйи шаклли кўринишда бўлиб, варақали углеродлашган пўлатдан пайвандлаш йўли билан бўйлама чокли қилиб тайёрланган. Унинг олд тубида йигма ускуна жойлашган бўлиб, у вентиль 3, сарфлаш вентиллари 8 ва 2 (биринчиси суюлтирилган газнинг газ ҳолатдаги ва иккинчиси эса суюқ ҳолатдаги фазаси учун), сақлагич клапани 4, энг юқори сатҳ вентили 7 ва суюлтирилган газнинг ҳақиқий сатхини кўрсатувчи дараклагич (датчик) б дан таркиб топган. ЛиАЗ-677Г ва ЛАЗ-695П автобусларида йигма ускуналар газ баллонининг ён томонида жойлашган. Одатда, баллонда ишлаб чиқарилган заводнинг номи ва вақти, шунингдек, унинг сигими ҳамда мақбул иш босими, синалгандан кейинги босими бўйича маълумот берувчи тамға қўйилади. Барча баллонлар юқори босимли газ ўтказини




117-расм. СНГ да ишлайдиган юк автомобилларининг йигма ускунали газ баллони:

1 — баллоннинг туби, 2 — суюқ ҳолат чегарасидаги муаллақ газнинг сарфлаш вентили, 3 — тўлдириш вентили, 4 — сақлагач кларапи, 5 — крестовина (чор қиррали тепик тузилемаси), 6 — СНГни сатқани кўрсатувчи датчик, 7 — назорат вентили, 8 — муаллақ газсимон ҳолат вентили, 9 — тавсифлаш жадвали, 10 — тиқин, 11 — баллоннинг ички девор тўшами.

найчалари орқали туташтирилади. Баллондан то редукторгacha миски пўлатдан тайёрланган найча ишлатилади. Редуктордан ара-лаштиргич тузилмасигача газ ўтказиш вазифасини бензин ва мой тасирига бардош берувчи хусусиятига эга бўлган резинадан тайёрланган шланг бажаради.

Сиқилган табиий газ (СТГ)лар учун ишлатиладиган баллонларнинг ҳажми 50 л, иш босими Риш = 20 МПа (200 кг/см<sup>2</sup>) бўлиб, сиқилган ҳолатда газни узоқ муддатда сақлашга мўлжалланган. Сиқилган газни асрash ва ишлатиш учун хизмат қиладиган бундай баллонлар газ баллонли қурилманинг энг масъул қисмидир. Улар асосан, чексиз қилиб ишланган углеродли ёки легирланган пўлатдан тайёрланган қувурлардан ишлаб чиқарилади. Бу баллонлар тайёрлаш жараёнида термик ишловдан ўтказилади, натижада баллонлар талафот (авария) оқибатида срилганда майда темир парчалари ҳосил бўлишидан сакланилади. СТГ баллони 2, унинг ускуналашган қисмлари 1 ва 3 билан йигилган ҳолдаги умумий қўриниши 118-расмда тасвирланган. Баллоннинг асоси цилиндрик шаклда ва туби суйри қилиб ясалган. Баллоннинг бўғзидан ўтган марказий тешикка газ ўтказувчи штуцер 1 ва тўлдириш вентили 3 дан ташкил топган йигма ускуна қисмлари бириктирилган. Автомобилларда ўрнатилган газ баллонлари габарит ўлчами ва қисмларини бириктириш услуби бўйича бир хил нусха таъбирида тайёрланилади. Ишлатишга мўлжалланган баллонларнинг ташқи сиртида пачоқланган ёки дарз кетган жойлари бўлмаслиги лозим. Баллонлар аниқ ва пухта ишлаши учун, уларга иложи борича яхши қараб, айниқса газ ускунасига тааллуқли қисмларини чангдан ва ифлосликлардан



118-расм. СТГ учун құлданыладын газ баллони:

1 — газ үтказувчи үч тармоқлы штуцер,  
2 — баллон, 3 — тұлдириш вентили.

гич-назорат тузилмаси эса газ баллонларнинг мақбул маромда ишлешини таъминлады. Уларнинг конструкцияси сими ва қисмларнинг кам ёки кўплиги газ баллонли автомобилларнинг тури ҳамда вазифасига бевосита боғлиқ бўлади.


Тұлдириш-сарфлаш тузилмаси тұлдириш ва сарфлаш вентили ёки клапанлардан таркиб топган. СНГ баллонли юк автомобилларидан умумлашган нусхали мембрана туридаги тұлдириш вситили (119-расм) ўрнатылған бўлиб, у тұлдириш тузилмаси на тексари клапандан иборат. Вентилнинг зич ва жиспес ишлешини полиамиддан тайёрланған зичлагич 1 ли клапан ёрдамида амалга оширилади. Маховик 6 нинг соат мили бўйича айланишда тиргак 5 сурилиб клапанини чапга итаради, натижада унинг зичлагичи 1 эгар 10 га тиради. Автомобилнинг ёнилги билан таъминланаш (заправка) вақтида вентилни қўшимча жиспластириш вазифасини мембрана 2 бажаради. Вентиль корпуси 11 ва унинг қисмлари 4 ва 8 штамплаш усулида тайёрланади. Вентилнинг корпуси билан баллоннинг жисп туташиб ҳолати, конуссимон резьба ва қистирмаларнинг мукаммал бириктирилиши туфайли эришилади. Тексари клапанли таъминот тузилмаси штуцер ёнида жойлашини бўлиб, унинг туби тиқин 7 билан беркитилған. Бу тиқин баллоннинг ичига нам, чанг ва ифлосликлар киришидан сақлайди, шунингдек, у вентилнинг ички бўшлиғида йиғилиб қолган газларни тарқатиш тешиги орқали ташқимуҳитга чиқарив юборади. Тексари клапанли таъминот тузилмасининг шланги тармоққа уланмаган пайтда ёки түсатдан узилганда баллондан газларнинг чиқиб кетишига йул қўймайди. Тексари клапаннинг ўз-ўзидан ёпилиши баллондаги газ босими таъсирида рўй беради. Юк автомобилларида ўрнатыладын сарфлаш вентили (120-расм) тиши суюқ ва газсимон ҳолатида айрим-айрим танлаб олишига мўлжалланған бўлиб, пастки сарфлаш вентили суюқ ҳолатдаги ва юқори вентили эса газсимон ҳолатдаги газни чиқаради.

вақти-вақти билан томаб, вақт үтиши билан  
қараша беради.

**PDF Compressor Free Version**


Газ баллонли автомобилларда асосий жиҳозларга кирмайдиган, лекин уларнинг пухта ишлани учун зарур бўлган ёрдамчи қурилмалари тұлдириш-сарфлаш ва сақлагич назорат тузилмалари киради. Тұлдириш-сарфлаш тузилмаси баллонни газ билан тұлдириш ва сарфлаш учун хизмат қиласади. Сақлагич назорат тузилмаси хавф-хатарсиз на мақбул маромда ишлешини таъминлады. Уларнинг конструкцияси сими ва қисмларнинг кам ёки кўплиги газ баллонли автомобилларнинг тури ҳамда вазифасига бевосита боғлиқ бўлади.

Тұлдириш-сарфлаш тузилмаси тұлдириш ва сарфлаш вентили ёки клапанлардан таркиб топган. СНГ баллонли юк автомобилларидан умумлашган нусхали мембрана туридаги тұлдириш вситили (119-расм) ўрнатылған бўлиб, у тұлдириш тузилмаси на тексари клапандан иборат. Вентилнинг зич ва жиспес ишлешини полиамиддан тайёрланған зичлагич 1 ли клапан ёрдамида амалга оширилади. Маховик 6 нинг соат мили бўйича айланишда тиргак 5 сурилиб клапанини чапга итаради, натижада унинг зичлагичи 1 эгар 10 га тиради. Автомобилнинг ёнилги юк автомобилларидан тузилмаси штуцер ёнида жойлашини бўлиб, унинг туби тиқин 7 билан беркитилған. Бу тиқин баллоннинг ичига нам, чанг ва ифлосликлар киришидан сақлайди, шунингдек, у вентилнинг ички бўшлиғида йиғилиб қолган газларни тарқатиш тешиги орқали ташқимуҳитга чиқарив юборади. Тексари клапанли таъминот тузилмасининг шланги тармоққа уланмаган пайтда ёки түсатдан узилгандан баллондан газларнинг чиқиб кетишига йул қўймайди. Тексари клапаннинг ўз-ўзидан ёпилиши баллондаги газ босими таъсирида рўй беради. Юк автомобилларида ўрнатыладын сарфлаш вентили (120-расм) тиши суюқ ва газсимон ҳолатида айрим-айрим танлаб олишига мўлжалланған бўлиб, пастки сарфлаш вентили суюқ ҳолатдаги ва юқори вентили эса газсимон ҳолатдаги газни чиқаради.



119-расм. СНГ баллонли ток автомобилининг мембрана турилдаги түлдириш вентили.


Сарфлаш вентилининг корпуси 1 ичига ўрнатилган эгар 2 ялпоқ қалпоқча кўринишида ясалган зичлагич 10 билан жисп беркитилган. Маховик 6 нинг ўнгга ёки чапга айланишида тиргак 3 илгариланма ёки қайтма ҳаракат қиласи ва вентилининг ишлатиш сисмларига таъсир ўtkазади. Вентиль қопқоги 4 ва корпуси 1 оралиғида мембрана 12 ва винт 5 ўрнатилган. Тиргак 3 нинг тич ишилаши жисплагич 7 ёрдамида таъминлаб турилади. Газсимон ва суюқ ҳолатдаги газни чиқариш штуцерларида тезкор клапан ўрнатилган бўлиб, бу клапан бузилган пайтида тармоқни тезкорлик билан беркитади. Двигатель белгилангандан маромда ишлаганда газнинг сарфланиши жараёни натижасида тезкор клапан 8 нинг илунижери пружина таъсирида қайдланган ҳалқача тирадан бўлади. Газ ўтказиш найчалари ёрилиб, газнинг сарфи ортиши



120-расм. СНГ баллонли юқ автомобилининг сарфлаш вентиллари  
а — тиргакли ҳалқасимон зичлагич, б — мембранали.


билин пружина сиқилиб, клапан ўз-ўзидан газ шохобчаси 9 ни йүлини беркитади. Шунингдек, сарфлаш вентили тезкорлик билан очилишида ҳам газ шохобчаси 9 нинг йули беркитилади. Шунинг учун двигателни ишга тушириш, вентиль очилгандан сўнг 60—80°C ўтгач бажарилиши керак. Шу вақт ичидаги босим тезкор клапан 8 нинг олди ва кейинги тармоғида босим кучи бараварлашади. Газсимон ҳолатдаги ёнилғини чиқариши вентили фақат двигателни юргизиш ва уни паст ҳароратда ишлатиш пайтида ишлатилиши лозим. СНГ учун ишлатиладиган тўлдириш на сарфлаш вентилларининг конструкцияси ва ишлаш услуби шунга ўхшаш бўлиб, уларнинг жисловчи деталлари ўзаро алмашун хусусиятига эга.

ВМН-1 маркали тўлдириш вентили (121-расм, а) корпус 3 ва зичлаштиргич 2 ли клапан 4 дан ташкил топган бўлиб, у шпиндель 6 ли муфта 5 ва пружинали 7 ли маховик билан бирлашган. Корпус 3 ва гайка 12 оралиғидаги жисслик ҳолати қистирма 10 ёрдамида ҳосил бўлади. Шпиндельни мукаммал жислаштириш мақсадида қистирма 10 нинг пастки томонида ҳалқа 11 ва устки томонида эса асрар ҳалқаси 8 ўрнатилган бўлиб, ҳалқа 9 ли гайка билан қотирилади. Бу бирикмаларининг бундай тартибда жойлашуви клапанинг бутун иш жараёнида жисп ишлашини таъминлайди. Сарфлаш вентилининг ён томонида чап резьвали штуцер 16 ўрнатилган бўлиб, у газ тақсимилаш колонкасининг газ таъминот шлангини улаш учун хизмат қиласди. Ундан ташқари, сарфлаш вентили ўнг резьвали ҷеки штуцер 17 билан жиҳозланган. Бу вентиль юқори босимли ўтказиш начаси орқали қистирма 19 ли штуцер 18 билан бирлашган. Шпиндель 6 ни бураб бўшатилганда вентилнинг клапани 4 баллондаги газ босими таъсирида очиқ ҳолатда бўлади. Шунга кўра, газ баллондан клапан 4 ва туйнук 15 орқали юқори



a)

босимли ўтказиш найчасига киради. Шпиндель 6 ни бураб беркитилганды эса вентилнинг клапани 4, газнинг түйнук 15 орқали ўтишини түсисб қўяди. Вентиль ёпиқ ёки очиқ турганда, унинг зич ишлаш ҳолати жипслаштиригич ҳалқалар 8, 9 ва 11 ёрдамида амалга оширилади. ВВ-73 белгили тўлдириш вентили (121-расм, б) конуссимон резъбали корпус 13, шпиндель 8, маховик 9, муфта 7, жипслаштиригич 12 ли клапан 10 йўналтириш втулкаси 3 ва пружина 11 дан иборат. Клапан 10 нинг тўлиқ очиқлик пайтида бешта латун ёки пўлатдан тайёрланган мембрана 4 ёрдамида жипслаштирилган вазияти ҳосил қилинади. Ёнаки қўйилган чиқариш штуцери тиқин 1 билан беркитилган бўлиб, қистирма 2 билан зичлаштирилган. Корпус 13 ва гайка 6 оралигига қистирма 5 қўйилган. Сарфловчи вентилнинг тўлдириш вентилига нисбатан фарқи, унда юқори босимли ўтказиш найчасини улаш учун мўлжалланган ора-



121-расм. СТГ учун BMP — 1 нусхали тўлдириш (сарфлаш) вентили.

лиқ найчаси (переходник) борлығидир. ВВ-73 ва ВК-74 вентиларини ишлатында, уларнинг шпинделі 8 ўртача бураған вазиятта қолса бу ҳолда иожипсілек мүмкін. Шунинг учун вентилни ишлатында уни донмо тұла очиш ва ишлатылғандан сұнг охиригача бураб, ёпиб қўйиш керак.

#### 48-§. Газ редукторлари ва буглатғичлар

Автомобилларнинг газ редукторлари баллондан киритилған газ босимини керакли күрсаткічгача пасайтириш учун хизмат қылады. Редукторларда газ босимини қанчага пасайтириш газ баллондін ускуналарнинг турiga bogliq.

Редукторлар асосан икki түрли, яъни паст ва юқори босимли бўлади. Паст босимли редукторлар чиқиши босими ташқи муҳит босимига яқин мембрани ричаг турдаги икки ёки уч босқичли бўлиб, ўз-ўзидан газ босимини ўзгартыриб берувчи босим ростлагичидир. Улар қўйидаги вазифаларни бажариш учун мұлжалланган: 1. Баллондаги газ босими қанча бўлишига қарамасдан, уни ташқи муҳит босимига пасайтириб беради. 2. Двигателни ишлаш маромига қараб, клапаннинг ўтказиш тешигининг очилини ҳолатини ўзгартыриб, керакли газнинг сарфланишини таъминлаш тармоғига газ ўтишини тұхтатади. Икки ва уч босқичли редукторларнинг чиқишида ошиқча 20...100 кПа (0,20—1,0 кгк/см<sup>2</sup>) газ босими ҳосил бўлиши, двигательни бир маромдан бошқа маромга ўтказганда, шунингдес, уни ишга тушириш чогида ишлашини яхшилади.


Юқори босимли редукторлар бир босқичли бўлиши мүмкін. Масалан, ЗИЛ ва ГАЗ туркумига кирувчи автомобилларнинг СТГ билан ишловчи ускуналар тұпламига паст босимли икки босқичли редуктор билан бир қаторда чиқиши босими 0,8—1,2 МПа (8,0...12,0 кгк/см<sup>2</sup>) бўлган бир босқичли редуктор ҳам мұлжалланган. Газ редукторларига, одатда, арапаштиргич ёки иситгич киритилған бўлиб, улар учун иссиқлик манбаси сифатида, кўпича двигатель совитиш тармоғининг суюқлигидан фойдаланилади. Баъзан иситгич ёки буглатғич, редуктордан айрим ҳолда ўрнатылған бўлиши ҳам мүмкін. Двигатель тұхтатылғандан сұнг газнинг ўтишини ўз-ўзидан тұхтатиб қўйиш учун редукторда бўшатиш тузилмаси мұлжалланган. Таъминлаш тармоғида бўшатиш тузилмаси бўлмаса, унда хавфли ҳолатдан тұла сақланиш учун, редуктор олдида олек тромагнитли түсиш клапани мұлжалланган бўлади. Бу клапан двигательнинг ўт олдириш тармоғи үчирилиши биланоқ, газни таъминлаш тармоғига ўтишдан түсіб қуяди. Белгиланған газ оқимини редукторни иккінчи ва учинчи босқичларида тұлароқ узатып туриш учун, юқори босқич тузилмасида каттароқ юзага эта бўлган мембрана қўйилиб, ричагли узатма ёрдамида двигательнинг ишлаш маромини тезкорлик билан ростланишига эриши-

лади. Баъзи бир редукторларда газни чиқариш жойида мезонловчи бойитгич (экономайзер) тузилмаси қўйилади.

#### 49-§. Паст босим редукторларининг конструктив хусусиятлари ва ишлаш услуби

Икки босқичли редуктор газни тозалаш, босимини керакли кўрсаткичгача пасайтириш ва газ оқимини белгиланган миқдорда узатиб борувчи қисмлар йигиндисидан таркиб топган.

СНГ ва СТГ лар учун автомобилларнинг таъминлаш тармоғида кўулланиладиган икки босқичли универсал турдаги газредуктори 122-расмда тасвирланган. Бу редуктор мембранали бўлиб, кучни мембранадан клапанга ричаг воситасида узатиб беради. Редукторнинг чиқиш тешигидан чиқастган газни кучайтириш ва редук-



122-расм. Паст босимли икки босқичли газ редуктори.


торнинг газ тармоғига келаётган газ оқимини (двигатель ишлатмасдан турган ҳолатда) түсиш учун, редуктор тармоғида мемброна-пружина турдаги бўшатиш тузилмаси ишлатилади. Бу тузилма тармоғи доимо двигателнинг ёнилғи киритиш қувурига уланган бўлади. Сийракланиш 0,8—0,9 кПа (0,008...0,009

кгк/см<sup>2</sup>) атрофида бўлганда, бўшатиш тузилмаси бўшатиш тар монидан узилади ва иккинчи босқичдаги мембрана юксизланади. Двигатель ишламаган пайтида редуктор газ оқими нинг аралаштиргич тузилмасига ўтишини ўз-ўзидан тусувчи клапан вазифасини ўтайди. Газсимон ёнилгини редукторга киртишдан олдин механик аралашмалардан тозалаш лозим. Шунга кўра, редукторнинг газ кириш тешигига тўр фильтр ўрнатилиши. Редукторнинг биринчи босқичи А ва иккинчи босқичи В бўшлиқдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич ўз клапанига эга. Редукторнинг иккала босқич тармоқларида жойлашган бўшатиш ва мезонловчи бойитгич тузилмалари битта умумий қутиди ўрнатилган. Бўшатиш тузилмасининг В бўшлиғи корпус /3/ қопқоқ /4/ ва мембрана /5/ ва /6/ лардан таркиб топган бўлиш, мембрана /5/ ва /6/ ларнинг оралиғида пружина /7/ ўрнатилган. Д бўшлиқнинг қўйи қисмига жойлашган втулка /8/ ичига пружина /1/ киритилган. Двигатель ишламай турган вазиятда пружина /7/ эркин керилиб туриши натижасида ҳосил бўлган куч пружина /1/ нинг кучи билан қўшилиб тиргак /3/ ва ричаг орқали иккинчи босқич клапани /8/ га узатилади ва клапан чапга силжиб эгар /7/ нинг тешигини беркитади. Двигатель ишламасдан вентиль очиқ турган пайтида баллондаги газ, газфильтри /2/ орқали ўтиб, редукторнинг биринчи босқич бўшлиғи А ни газ билан тўлдиради. Бунинг натижасида бу ердаги газ босими таъсирида мембрана /3/ га куч узатилиб, пружина /6/ нинг кучини мувозанатлаштиради ва клапан /4/ газ босими таъсирида эгар /3/ га тиради. Шунга кўра, эгарнинг газ кириш тешиги жисп беркитилади. Г ва Д бўшлиқлар ташқи муҳит билан муқим туташган. Юқорида қайд этилганидек, иккинчи босқич клапани /8/ берк бўлиб, у пружина /7/ ва /1/ лар таъсирида эгар /7/ га тиравиб туради. Двигатель ишга тушган пайтида бўшатиш мембранныси /5/, В бўшлиқи эгилиб, конуссимон пружина /7/ ни сиқади ва клапан /8/ ни эгарга тиравиб турган вазиятидан бўшатади. Пружина /1/ нинг кучи клапан /8/ ни берк ҳолатда ушлаб туришга етарли бўлмайди. Га босими А бўшлиқда 0,18—0,20 МПа (1,8—2,0 кгк/см<sup>2</sup>) бўлганда клапан /8/ ўз-ўзидан очилади.

Газни кам сарфланиш чоғида (двигателнинг салт ишлани маромида) иккинчи босқичнинг Б бўшлиғида ошиқча газ босими ҳосил бўлади. Газнинг сарфи ортиши билан Б бўшлиқдаги босим секин-аста камаяди. А бўшлиқдан кираётган газ оқиминин босими таъсирида клапан /8/ эгардан узоқлашиб, газ ўтиш тешигининг кесимини катталаштиради. Б бўшлиқдан газ мезонловчи бойитгич тузилма тармоғига узатилади ва чиқариш найчаси /2/ орқали аралаштиргичга юборилади. Мезонловчи бойитгич тузилмасининг корпуси /9/ да пружина /10/ ли мембрана /11/, пружинали клапан, шунингдек, редукторнинг қуввати ва тежамкорлигиги ростлаб берувчи тешикчали мезонлаш пластинаси жойлашган. Двигатель кам юкланиш маромида ва дросель-заслонкаси бирюз

очиқ турган пайтида, редуктордан аралаштиргичга борадиган газ тежамкор бойитгичнинг мезонлаш тешиги орқали ўтади. Дрос-сель-заслонканинг йўли очилган пайтида қувват бойитгичнинг ростлагич тешиги ва мезонловчи бойитгич тузилмаси орқали қўшимча газ юборилади (газ оқими йўналиши кўрсатув чизиқ билан тасвирланган).

Двигатель турли иш маромида ишлаганда редуктор ҳар бир маром учун хос хусусият билан ишлайди. Шу хусусда, икки босқичли редуктернинг айрим маромда ишлаганда, ишлаш жара-енни қай тартибда ўтиши билан бирма-бир танишиб чиқамиз. 123-расм, а да редуктор ҳаракатланувчи қисмларининг иш ҳолати, асосий шахобча вентилининг ёпиқ пайти учун ва 123-расм, б да эса вентилининг очиқлик даврида газ оқими ўтиши ва



123-расм. Паст босимли икки босқичли газ редукторнинг чизмаси.

ҳаракатланувчи деталларни иш ҳолати кўрсатилган. Вентиль ёпиқ пайтида редуктордаги газ босими ташқи муҳит босимига тенг. Мезонловчи босқич клапани 3 пружина 2 таъсирида очиқ ва иккинчи босқич клапани 6 эса пружина 4 ва 5 ларнинг кучи остида ёпиқ. Дозаловчи бойитгич тузилмаси очиқ, чунки пружина 8 нинг таъсир кучи пружина 1 нинг кучидан кўпроқ.

Двигатель ишламаган пайтда ва газ шахобчаси очиқ бўлганда баллондаги газ буғлатгич ва газ фильтри орқали турди. Газ босими А бўшлиқда  $0,18-0,20 \text{ МПа}$  ( $1,8-2,0 \text{ кгк}/\text{см}^2$ )га сятач (123-расм, б) мембрана 9 ва клапан 3 даги босим кучлари (А тармоқ тарафдан пружина 2 нинг кучини ҳамда газ шахобчаси томонидан клапан 3 га таъсири этувчи кучни мувозанатлайди. Бунинг натижасида клапан 3 эгарга тиралади ва киритиш тешигини жисп қилиб беркитади. Шу чоғ А бўшлиққа газ келиши бутунлайн тўхтайди. Бу ҳолда газредуктори ўз-ўзидан беркитилувчи вентиль вазифасини ўтайди. Иккинчи босқич клапани 6, худди олдинги ҳолатдагидек берк, чунки клапан 6 га таъсири қилаётган А бўшлиқдаги газ босими кучи пружина 4 ва 5 ли клапан 6 нинг эгарга бўлган таъсири кучини енга олмайди. Пружина 5 нинг сиқиши кучи марказий тиргак 10, ричаг 11 ва тургич 12 орқали ўтиб клапан 3 ни беркитилишини таъминлайди. Бойитгичнинг мезонлаш тузилма клапани 7 очиқ ҳолатда қолади. Двигателни юргизиб юбориш вақтида бойитгичнинг мезонловчи тузилма клапани 7 берк бўлади, чунки киритиш найчасида  $0,8-0,9 \text{ кПа}$  ( $0,008..0,009 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) атрофида сийракланиш ҳосил бўлиб, бу сийракланиш найча 13 орқали бўшатиш тузилмасининг В бўшлиғига ўтади. Босим кучининг фарқи натижасида пружина 5 сиқилади ва клапан 6 ни юксизлантиради. Бунда пружина 4 нинг кучи клапан 6 ни берк ҳолатда ушлаб туришга етарлича бўлмайди. Газ босимининг таъсирида А бўшлиқдаги клапан 6 очилади ва бунинг натижасида А бўшлиқда барқарорлашган газ босими ҳосил бўлиб, унинг кўрсаткичи  $0,18-0,2 \text{ МПа}$  ( $1,8-2,0 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) атрофида бўлади. Клапан 6 очиқ турганда (123-расм, в) газ Б бўшлиқни тўлдиради ва мембрана 17 га таъсири этиб, клапан 6 ни янада беркитишга интилади. Газ босими  $50-100 \text{ Па}$  ( $0,0005..0,001 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) гача пасайгандан мувозанат ҳолат рўй беради. Двигатель салт ишлаш маромида ишлаган пайтда редуктор ва аралаштиргичнинг иш ҳолати 123-расм, д да тасвирланган. Редукторнинг биринчи ва иккинчи босқич бўшлиқларида жойлашган клапан 3 ва 6 лар очиқ. Шунга кўра, киритиш найчасида катта сийракланиш ҳосил бўлиши босим кучининг фарқини оширади ва бойитгичнинг клапани 7 ни берк ҳолатда ушлаб туради. Чунки, бу вазиятни ҳосил қилувчи сийракланиш кучи мембрана 14 ни юқори чекка нуқтада ушлаб туради. Бунинг натижасида мембрана билан ўзак орқали туташган клапан 7 эгарга жисп сиқилган ҳолатни эгаллайди. Аралаштиргичнинг асосий мезонловчи тузилмасидаги тескари клапан берк, чунки диффузордаги сийракланиш клапан очилиши учун старлин эмас. Бунинг натижасида газ двигатель цилиндрларига фақат аралаштиргичнинг салт ишлаш тармоги

орқали<sup>\*</sup> узатилади. Двигатель салт ишлаш маромида ишлаганда газредукторнинг Б бўшлигига салт ишлаш тармогидаги тежамкор ростлагичнинг мезонлаш шайбаси 15 тешиги орқали чиқариш найчаси 16 га ўтади. Редуктор конструкциясида унчалик катта бўлмаган бўшатиш тузилмасининг қўлланилиши 100—200 Па (0,001..0,002 кгк/см<sup>2</sup>) ошиқча босим ҳосил қиласди.

Двигатель салт ишлаш маромида ишлаганда, газ-ҳаво аралашмаси дроссель-заслонка орқасидаги бўшлиққа ёнилғи чиқариш тешиги орқали киргандан сўнг ҳосил бўлади. Газ-ҳаво ёнилғи аралашмасининг таркиби сифат винти ёрдамида ростланилади. Двигатель юкланиши ва тирсакли валининг айланишлар сони ортганда редуктордаги газ сарфи кўпаяди. (Газредуктори ва аралаштиргичнинг асосий қисмларининг ишлаш ҳолати 123-расм, 2 да тасвиirlанган.)

Аралаштиргичнинг дроссель-заслонкаси секин-аста очилиши натижасида диффузорда сийракланиш ортади. Шунга кўра, ундан сийракланиш тескари клапан остидаги бўшлиққа чиқиш тешиги орқали ўтади. Бунинг натижасида клапанинг юқори ва пастки томонларида босим фарқи ҳосил бўлади ва маълум бир қийматга етгач, тескари клапан очилиб, газ асосий тармоқдан ўтгач, аралаштиргич диффузорида ўрнатилган газ форсункасига киради. Бунда *B* бўшлиқдаги 50—100 кПа (0,50—1,0 кгк/см<sup>2</sup>) атрофида бўлган газ босими пасяди. *B* бўшлиқдаги сийракланиш кучайиши натижасида мембрана эгилиб, ўзак 10 ва ричаг таъсирида иккинчи босқич клапани б очилади. Шунга кўра, биринчи босқич клапани 3 нинг очилиши катталашади ва ундан газ ўтиши кўпаяди. Газ сарфи ортиши натижасида *B* бўшлиқда босим камая боради ва *A* бўшлиқида жойлашган клапан 6 газ босими таъсирида эгардан узоқлашади ва ўтказиш кесими катталашади. Кейинчалик эса газ *B* бўшлиқдан бойитгичнинг мезонловчи тузилмасига киради. Газ аралаштиргичнинг дроссель-заслонкаси тўла очилганда, сийракланиш двигателнинг киритниш қувурида камаяди, демак *B* бўшлиқдаги бойитгичнинг мезонлаш тузилмасида ҳам шу ҳолат рўй беради. Газ босими фарқи сабабли мембрана 14 га таъсир этаётган куч клапан 7 ни ушлаб туришга етарли бўлмайди ва у очилади. Шу чоғ газредуктордан қувват ростлагич ва тик туйнукнинг очиқ клапанини 7 орқали мезонловчи шайба 18 нинг тешигига киради. Мезонловчи бойитгич тузилмаси тармогидан газ чиқариш қувурига келиб, кейин аралаштиргичга боради. Қувват ростлагичнинг мезонловчи шайбаси 18 орқали ошиқча газ юборилганда, аралашма таркиби карбюратор-аралашгичда қуюқлашади. Бунинг натижасида двигателдан энг юқори қувват олинади. Двигатель энг катта қувватда ишлаганда редукторнинг асосий қисмларининг шу ҳолати 123-расм, 2 да тасвиirlанган.

## 50-§. Газ аралаштиргич тузилмалари

Газни аралаштиргич тузилмаси газ билан ҳавони **Compressor Free Version** ёнилғи аралашмасини тайёрлаш ва уни двигателнинг яшлаш маромига мослаб цилиндрларга юбориш учун хизмат қиласи. Газ аралаштиргич тузилмаси двигателнинг ёнувчи аралашма киритиш қувурига ўрнатилган бўлиб, одатда маълум турдаги газредуктори билан бирга ишлайди. Оддий аралаштиргич тузилмаси асосий ҳаво туйнуги, диффузор ва газ фильтридан иборат. Лекин, бундай содда тузилган газ аралаштиргич двигателнинг ҳар хил иш маромида ишлашини қаноатлантирумайди. Двигателнинг турли иш маромларини ишончли ишлашини қаноатлантирувчи газ-ҳаво аралашмасини тайёрлаш учун замонавий газ аралаштиргичлар қўйидаги шартларни қониқтириши лозим:


- ҳар бир маромда аниқ ишлатиш учун мақбул ёнувчи аралашма тайёрлаши;

- ҳамма иш маромлари учун ёнилғи аралашмаси белгиланган таркибда бўлиши;

- энг катта юкланишларда энг юқори қувват олиниши;

- ишга тушириш мукаммал бўлиши учун ва тирсакли валнинг айланишлар сони тезкорлик билан оширилганда унинг мослашув мойиллиги яхши ўтиши ҳамда салт ишлаш маромида ишлаганда турғунлик даражаси етарлича бўлиши.

Шунинг учун ҳам оддий газ аралаштиргичнинг конструкциясига қўшимча қилиб салт ишлаш тузилмаси ва бойитгич киритилган. Бойитгичлар механик ёки ҳаво юритмали бўлиб, улар редуктор ёки газ аралаштиргичнинг ичидаги жойлашади. Газ баллонли ўртача юк кутарувчи автомобилларда ва кўп сифимли автобусларда СГ-250 нусхали газ аралаштиргич қўлланилади (124-расм). Бундай аралаштиргич икки бўлинмали тик ва ёнилғи



124-расм. СГ-250 газ аралаштиргичи

1 — корпус, 2 — ҳаво заслонкасининг ўқи, 3 — мембранали механизм, 4 — газ форсункалари, 5 — салт ишлаш тармогига йўналган туйнук, 6 ва 7 — винтлар, 8 — дроссель заслонкаси, 9 — ҳаво заслонкаси, 10 — диффузор, 11 — ўз-ўзидан очиладиган клапан, 12 — тескари клапан, 13 — қувурча.

аралашмаси юқоридан пастга йұналған булиб, иккита дросель-заслонкалари 8 мувозий очилади.

Аралаштиргич иккита диффузор 10, тескари клапан 12, иккита газ форсункаси 4, ұаво заслонкаси 9 дан ташкил топған. Ҳаво заслонкаса сийракланиш натижасыда үз-үзидан очиладиган клапан 11 үрнатылған булиб, у тирсакли валнинг айланышлар сони ортиши биланоқ сийракланиш ортиши туфайли очилиб, әнүвчи аралашманинг жуда ҳам бойиб кетишидан сақлади. Газни салт ишлаш тармогига белгиланған миқдорда юбориш ва маълум сифатда тайёрлаш жараёни винтлар б ва 7 билан ростланади.

Тирсакли валнинг энг катта айланышлар сонидан чиқиб кетмаслыгини чеклаш мақсадида аралаштиргич марказдан қочма юритма асосида ишлайдиган чекловчи мембрани механизм билан таъминланған. Тескари клапан 12 газни босим остида аралаштиргичга киритиб, газларнинг аралаштиргичдан тескари йұналишда чиқишини олдини олиш учун ҳамда маромларга үтиш пайтнда двигателнинг мослашувини яхшилаб беради. Үндан ташқари, у газни аралаштиргичнинг асосий мезонловчи тармогига үтишини тұсади ҳамда салт ишлаш тармогига газ доимо түйнук 5 орқали берилади. Аралаштиргич паст босимли редуктор билан муқим ишлаши учун, улар газ үтказиш шахобчалари билан бевосита туташған. Аралаштиргичга кирган газни миқдорий жиҳатдан ростлаб бойитиш вазифаси бойитгич ёрдамида бажарылб, цилиндрларга кираётган ёнилги аралашмасининг сифати бевосита газ аралаштиргичда ҳосил қилинади.

Газредуктори билан аралаштиргичнинг бирга ишлаши белгиланған мезонда ёнилги юбориш жараёнини мақбул даражада бошқариб беради. Газсимон ёнилги билан бирга бензинде ҳам ишлайдиган газ баллонли автомобилларда карбюратор-аралаштиргич тузилмаси құлланилған. Бунда иккита мустақил ишлайдиган қурилма: газ аралаштиргич ва карбюратор бир бутун қилиб битта умумий қисмда жойлаштирилған. Ҳозирги вақтда бундай универсал таъминлаш тармогида қуйидаги турдаги асбоблар ишлатиласы:

- махсус тайёрланған карбюратор;
- аралаштиргич;
- газ билан ишлашга мослаштирилған бензин карбюраторлари.


Шунга күра СНГ ёнилғиси билан ишлайдиган двигателли ГАЗ-52-07, 08, 09 автомобилларига карбюратор-аралаштиргич құйилған булиб, у СНГ билан бир қаторда бензинде ҳам ишлайди. Масалан, К-126ГД карбюратор аралаштиргич К-126 карбюраторнинг асл нұсқаси асосида ишланған булиб, газ аралаштиргич тузилмаси карбюратор-аралаштиргичга құшымча қилиб киритилған. Тирсакли вал кичик айланышлар сонида салт ишлаш маромида ишлаганда карбюратор-аралаштиргични ростлаш жараёни газсимон ёнилғи ва бензин учун ұхшаш. Лекин газсимон ёнилғида ишлаганда салт ишлаш тармогида ишлаганда ростлаш

жараёни бажарилганда ростлаш винтини тирабиб турган вазиятидан орқага чиқариш учун ярим ёки бир айланышга чапга бураш керак. ГАЗ-53-19 автомобилларида К-126БГ карбюратор аралаштиргич ўнатилган бўлиб, у К-126Б карбюраторини асосида тайёрланган.

Газ аралаштиригич тузилмаси форсунка туридаги мустақил ишлайдиган салт ишлаш тармоги билан таъминловчи карбюратор-аралаштиригич газсимон ёнилгида ва бензинда ҳам ишлашга мўлжалланган бўлиб, иш маромларида газ юбориш аралаштиригичда ўнатилган форсунка орқали бажарилади. Салт ишлаш тармогига газ найда ва шу билан бир қаторда бензин билан ишлагандан ҳам салт ишлаш тармогида ростлаш услуги бир-бирига ўхшашиб бўлади.

ЗИЛ туркумига киравчи автомобиллар сиқилган табиий газ (СТГ)да ишлагандан К-91 карбюратор-аралаштиригич ўнатилган бўлиб, уч қисмдан таркиб топган; қалқович бўлинмаси, аралаштиригич бўлинмаси ва ҳаво фильтрини ўнатиш учун ўтказгич. Аралаштиригич бўлинмасининг корпусида дроссель-заслонкасининг юритма ричаги ва ростлаш винти жойлашган. Сиқилган газ қисқа қувур (патрубок) орқали, бензин эса биринтириш найдасидан карбюратор-аралаштиригичга юборилади. Ёнувчи аралашманинг оқими юқоридан пастга йўналган ва дроссель-заслонкаси мувозий очиладиган икки бўлинмали карбюратор-аралаштиригич, мувозиатловчи қалқович бўлинмага эга. Ёнувчи аралашмасини керакли таркибда тайёрлаш жараёни ёнилгини ҳаво билан тормозлаш усули билан бажарилади. Ёнилги аралашмаси таркибини двигателининг юқори юкланишларида ва тирсакли вал айланишлар сони тезкорлик билан катталаштирилганла қуюқлаштириш учун қуюқлаштириш тармоқларига бойитгич ва тезлатгич насоси мўлжалланган. Ҳар бир аралаштиригич бўлинма асосий мустақил салт ишлаш тармогига эга. Совуқ двигателини ишга туширишини енгиллатиши мақсадида ҳар бир бўлинмага ҳаво клапани бор ҳаво заслонкаси ўнатилган бўлиб, ҳаво заслонкаси билан дроссель-заслонкаси узвий равнида туташган юритмага эга. Шунингдек, совуқ двигателларни ишга туширишда карбюратор-аралаштиригичининг юритиш тармоги унумли ва мукаммал ишлаши учун ҳаво туйнугидаги жипслик ҳолати жуда ҳам юқори бўлиши керак. Бу жипслик ҳолати ва ёнилгини тўлдириш коэффициенти қанча катта бўлса, двигательни ишга тушириш жараёни шунча осон ва ишонарли бўлади. Хусусан, ҳаво ва дроссель-заслонкалари ўз цилиндрик сиртини жипс қолатда беркитиб туришга мўлжалланган бўлиши керак. Бунда рухсат этилган тирқиши ҳало заслонкаси учун 0,15 мм, ҳамда дроссель-заслонкаси учун эса 0,04 мм бўлиши лозим. Биринчи бор аланга ҳосил бўлгач, керакли миқдордаги ҳаво, ҳаво клапанини очилиши ёки уни меззуум бурчакка буриш ватижасида ҳосил бўлиши натижасида

хосил бүләди (хаво клапани ҳаво дарчасига экскентрик равишида үрнатылғанда). Олти цилиндрли двигатель үрнатылған ГАЗ-52-27 ва ГАЗ-52-28 автомобиллари СТГ да ишлаганда уларға үрнатылған К-126 Д карбюратор-аралаштиргич, К-126И белгили карбюратор асосида тайёрланади. К-126Д карбюратор-аралаштиргич иккита бүлинмасида тирсакли валнинг айланишлар сонини мустақил чеклаш хусусиятига эга бўлган чеклагичлар билан таъминланмаган. Аralаштиргич бевосита карбюраторда жойлашган бўлиб, форсункали қўшимча тузилма киритилган. Газ дозатори (газ мезонлатгич) икки босқичли паст босимли редуктордан аralаштиргичга берилаётган газни керакли миқдорда мезонлаштириб бериш учун хизмат қилади. Газ мезонлатгичи газни чекловчи мембрана турдаги механизм билан яхлит қилиб тайёрланган бўлиб, дроссель тузилмаси кўринишида ишланган. Мезонлатгични бошқариш жараёни ҳайдовчининг кабинасида үрнатылган педаль ёрдамида бажарилади. Газсимон ёнилгини ҳаво билан




125-расм. Газ аralаштиргичи.

бирга цилиндрларга юборишни ростлаш жараёни дроссель заслонкаси 4 ёрдамида амалга оширилади (125-расм). Педаль босилганда дроссель-заслонкаси юритмасининг ричаги 2 стакчи валча 3 орқали дроссель-заслонка 4 ни очади ва аralаштиргичнинг диффузорида ҳосил бўлган сийракланиш туфайли газ паст босимли редуктордан аralаштиргичга киради.

Аralаштиргичнинг корпуси цилиндрик шаклда бўлиб, унга диффузор тузилмаси үрнатылган. Диффузор ичидагазни киритиш учун доиравий тешикли ҳалқасимон йигтич (коллектор) ясалган. Дроссель-заслонкаси мезонлатгичнинг стакчи валчаси 5 га үрнатылган бўлиб, у газ юборгичнинг мембрана механизми / нинг тиргаги билан туташган. Шунга кўра, мембрана механизми


ёрдамида дросель-заслонка вазиятини мукаммал бошқарыш мүмкін.

Назорат-сақлагыч жиҳозлари асосий жиҳозларға кирмайды, лекин уларнинг белгиланган маромда аниқ ва пухта ишлаши двигателнинг ишончли ишлаши учун жуда ҳам зарур. Бундай ёрдамчи жиҳозли тузилмалар асосан сақлагыч ва тезкорлик



126-расм. СНГда ишловчи ток автомобиль баллонларининг сақлагыч клапани:  
а — ЗИЛ түркүмінде киругчы, б — ГАЗ түркүмінде киругчы.


клапанлары, газ билан тұлдырыш веңтильләри ва газ фильтрларидан иборат. СНГ баллонларининг сақлагыч клапаны (126-расм) баллондаги газни 1.6 МПа (16,0 кгк/см<sup>2</sup>) дан ошишига йўл қўймайды. У клапан корпус 5, қопқоқ 1, зичлагыч 6 ли беркититувчи қалпоқча 4, тиргак 3 ва пружина 2 дан иборат. Беркитувчи қалпоқча 4 босим 1.6 МПа (16,0 кгк/см<sup>2</sup>) га етганда дарров очилади. Бунда газ пружина 2 нинг кучини енгиги, қалпоқ 4 ни эгар билан зичлашиб турған ҳолатини бузади ва ошиқча



127-расм. СНГ баллонларининг назорат вентили.

газ ташқи мұхитта чиқарып юборилади. Назорат вентили (127-расм) СНГ баллонидаги газни 90 фоизга тұлғанлыгын аниқлаш учун хизмат қиласы. Бунда корпус 3 даги ёнаки құйилған штуцер 4 дан 4-ші қаптама бошлаган газ баллондаги сифим тұлдырилғанлығы түркесисіда дарап булады. Маховик 7 аллантирилғанда тиргак 1 билан туташкан клапан эгари түсилади. Тиргактың учида капрондан тайёрланған зичлагич бор. Тиргак 1 ҳалқа 5 ва гайка 6 билан зичлаштирилған.


Баллонли тұлдыришдан олдин назорат вентилининг штуцери 4 га күргичи бор шланг қалпоқчасыннинг бир учини бураб кийгизиш лозим. Шлангнинг бошқа учи эса тұлдыриш станциясыннинг шланги билан бириктириледи. Баллонли тұлдыриш жараённіда назорат вентили очилади ва шланг қалпоқчасыннан күргич орқали газнинг пайдо булиш пайтини аниқлаш мүмкін. Агарда шундай қолат рүй берса, дарров баллонни тұлдыришни тұхтатиши кераклигини билдиради. Тезкорлық клапаны үтказиш найчаси



128-расм. Тезкор клапан.

1 — корпус, 2 — қайдлаш гайка,  
3 — қулфлаш қисмы, 4 — пружина,  
5 — сарфлаш вентили.

талафотта учраб ёки емирилиши натижасыда ёрілганды газнинг ташқи мұхитта үз-үзидан чиқып кетишидан сақлаш учун хизмат қиласы. Үндән ташқари, тезкор клапан құлланилиши автомобильнинг ёнгинге бұлған хавфсизлигini яхшилайды (СТГ баялонларыда құлланилады тезкор клапан конструкциясы 128-расмда тасвирланған). Двигателни ёнилгі билан таъминловчы қисмлар, масалан, газ үтказиш найчалари




129-расм. Электромагнитлы клапан-фильтр.

ва уларнинг газ ускуналари билан бириктирилган жойлардан газнинг сирқиб чиқиши ҳодисаси рўй берса, яъни газни соатли сарфи белгиланган миқдордан ошиб кетса, унда бу клапан ўз-ўзидан тезкорлик билан бекилиди. **PDF Compressor Free Version**


Тўғри оқимли газ фильтри газ редукторининг олдида жойлашган булиб, у газни қатрон моддалардан, чангдан, занг кукунидан, шунингдек, механик заррачалардан тўла тозалайди. Фильтр латундан тайёрланган корпусга эга бўлиб, унинг ичи тозаловчи қисмлар — тўрсум ва наматдан тайёрланган ҳалқасимон қатламдан ташкил топган. Фильтр корпусида иккита резьвали тешик қилинган булиб, уларга газни киритиш ва чиқариш штуцерлари буралиб киритилган. Қопқоқ корпусга ўзак ва гайка ёрдамида зич қилиб бириккан. Ҳозирги вақтда сақлагич клапанинг вазифасини электромагнит юритмали тўсиш клапанлари бажаради. Бу тузилма фильтр билан яхлит қилиб бирлаштирилган. Қопқоқ корпусга ўзак ва гайка ёрдамида зич қилиб бириккан. Ҳозирги вақтда сақлагич клапанинг вазифасини электромагнит юритмали тўсиш клапанлари бажаради. Бу тузилма фильтр билан яхлит қилиб бирлаштирилган.

Электромагнит клапанли фильтр (129-расм) корпус 1 да ўрнатилган фалтак 2, соленоид 4, резинали зичлагич 5, пружина 3, тиндиригич 7, тозалагич 6, тортиш болти 8, зичловчи резинали ҳалқалар 10 ва тақсимлаш тешиги 9 дан иборат. Электромагнитли клапанлар таркибида жойлашган фильтрнинг конструктив счими ва тузилиши двигателнинг тури ва ишлатиладиган газга боғлиқ. Бундай фильтрларнинг тозаловчи қисми асосан сополдан тайёрланган. Енгил автомобилларга ўрнатилаётган клапан-фильтр учун

зичлагич 5 билан тўсиликан каналнинг ўтиш диаметри 2 мм дан ошмаслиги лозим. Электромагнитни истеъмол қиладиган токи кучи 0,65 А дан ошмайди. Сўнгги йилларда тўрмагнитли электромагнит клапан-фильтр қўлланилмоқда (130-расм). Клапан киритиш 1, туташтириш 4 ва чиқариш 6 туйнуклари, зичлагич 2 ҳамда ўт олдириш тармоги билан туташган фалтак 3 дан таркиб топган. Тозаловчи қисми жуда ҳам майдалашган тўрсимон магнит 5 кўрининишида ишланган. Электромагнитли клапан-фильтр СНГ нинг ўтиш шохобчаси-



130-расм. Тўрмагнитли электромагнитли клапан фильтр.




131-расм. ЗИЛ туркуми автомобиллари учун газ фильтрли электромагнит клапани.

газ баллонли ва газ бүглатгичи оралигига бүгіб құяды. Бұ түрдеги электромагнит клапанлы фильтр ЗИЛ ва ГАЗ туркумнанда киругчы автомобилларға ұрнатылған булып, улар түрлі конструкцияға эз. Газ фильтрлі электромагнит клапани асосан ЗИЛ туркумнанда киругчы автомобилларға ұрнатылған. Бұ автомобиллар СНГ ёки СТГ да шылагандан уларға ұрнатылады. Газ фильтрлердің конструкциясы 131-расмда тасвирлан-

ган. Газ фильтри корпус 1 нинг ичидаги түрсимион 13 ва намат қатламли ҳалқадан иборат тозаловчи қисм **РДР СompresStofree Version** да иккита резьбали тешик қилинган бўлиб, уларга газни киритиш 8 ва чиқариш 17 штуцерлари бураб киритилган.

Газ фильтрининг қалпоги 12 корпусга ўрнатилганда тортиш болти 10 ни тарап қилиб тортиш йўли билан улар орасида жойлашган резинали ҳалқа 15 ва мис ҳалқани зичлаштирилади. Электромагнит 4 билан корпус биримасини зичлатиш қистирима ёрдамида амалга оширилади. Намат ҳалқа 14 ва қалпоқ 12 орасида зичлатиш қистирмаси 11 ўрнатилган. Газ штуцер 8 нинг туйнугидан кириб, ҳалқасимон тармоқча 9, намат ҳалқа 14, металл тўр 13, туйнук 7, беркитувчи тўғин 6, туйнуклар 2 ва 16 орқали ўтади ва штуцер 17 дан чиқади. Электромагнитли клапан 4 га ўт олдиригич уланганда ток қисқич 5 орқали келади. Бунда клапан берк ҳолатда бўлиб, паст босимли редукторга газни ўтказмайди. Газда ишлаганда эса ўт олдириш уланса, клапан 4 очилади ва газ тозаловчи таркиби қисмлар орқали ўтиб, паст босимли редукторга киради. Электромагнитли клапан-фильтр кабинанинг олдероворига, кронштейнга бириттирилган. ГАЗ туркумига кирувчи автомобилларга ўрнатилган соленоид турдаги элекстро магнитли клапан-фильтр 132-расмда тасвирланган бўлиб, у ўзак 1, беркитувчи тўғинли якорь 3 ва чулгам 8 дан ташкил топган бўлиб, улар ҳалқасимон тўр қатламли филоф (обойма) 8 билан ҳимоя қилинади. Газ фильтри бўшлиқ 6 ли корпус тозаловчи қисм 5 ли тиндиригичдан иборат. Электромагнит клапанли




132-расм. ГАЗ туркуми автомобилларининг электромагнитли клапан-фильтри.

газ фильтрининг биргаликда ишлаш жараёни билан танишиб чиқамиз. Кириш тешигига келган газ ичи бўш болт 4, тозаловчи қисм 5 ва туташтириш туйнуни орқали бўшлиқ 6 га киради.

Якорнинг беркитиши тўғини электромагнит пружинаси 2 тасирида эгарга тиради ва клапан-

ни чиқариш тешигини түсади. Ўт олдириш уланилганда (газда ишлаганда) якорь 3 электромагнит чулгамига тортилади ва беркитувчи түғин эса газни паст босимли редукторга юбориш учун каналалинг тешигини очади. Ўт олдиргич үчирилганда клапаннинг зичлаштириш ҳолати эгарга томон беркитувчи түғин босилиши натижасида амалга оширилади. Бунда беркитувчи түғинга босилиш кучи электромагнит пружинаси ҳамда бүшлиқ 6 даги босим таъсирида ҳосил бўлади. Двигатель тұктатилганда газ шохобчаларни ўз-ўзидан түслип ҳамда газни механикаралашмалардан тозалауда учун мембрана туридаги клапанли узгич-фильтр (133-расм) қўлланилади. Газ суюқ ҳолатда қопқоқ 10 даги кириш тешигига кириб, түр 8 ли тозаловчи қисм 9 дан ўтади ва корпус 1 ва қопқоқ 10 оралиғидаги бүшлигини тўлдиради. А бүшлигининг клапаны 6 ёрдамида беркитилади. Двигатель ишламасдан турган пайтда (киритиш қувурида сийракланиш йўқ) клапан б пластинкали пружина 7 таъсирида эгарга тиради. Двигатель ишләётган пайтда киритиш қувурида сийракланиш ҳосил бўлиб, у туташтириши туйнуги орқали фильтр-узгичнинг мембранаси ва корпус оралиғидаги *B* бүшлигига ўтади. Двигателни юргизиш вақтида ҳам киритиш қувурида пайдо бўлган сийракланиш *B* бүшлиқда ўтади. Мембрана 3 эгилиб, металл диск орқали сиқув ричаги 4 га таъсир ўтказади, натижада ричагнинг пастки учи тиргак 5 ни босади ва клапан 6 очилади. Бунинг оқибатида газредукторга кира бошлайди. Клапан 6 нинг очилиши учун керак бўлгав сийракланиш 200—300Па ( $0,002$ — $0,003$  кгк/см $^2$ ) атрофида бўлади. Бундай конструкцияга эга бўлган узгич фильтр қуввати 314, 0. к. (240 кВт) гача бўлган двигателлар учун мўлжалланган. Газ баллонли автомобилларнинг иккى хил ёнилғили таъминлаш тармоғи электромагнит клапанли бензин фильтридан иборат. Бу



133-расм. Сийракланиш узгич-фильтр.  
1 — корпус, 2 — қопқоқ, 3 — мембрана,  
4 — сиқиш ричаги, 5 — тиргак, 6 — клапаны,  
7 — пружина, 8 — металийдан жалғаштади  
түр, 9 — тозаловчи қисм, 10 — қопқоқ.

чиқариш тешиги пластинкасимоя. Двигатель ишламасдан турган пайтда (киритиш қувурида сийракланиш йўқ) клапан б пластинкали пружина 7 таъсирида эгарга тиради. Двигатель ишләётган пайтда киритиш қувурида сийракланиш ҳосил бўлиб, у туташтириши туйнуги орқали фильтр-узгичнинг мембранаси ва корпус оралиғидаги *B* бүшлигига ўтади. Двигателни юргизиш вақтида ҳам киритиш қувурида пайдо бўлган сийракланиш *B* бүшлиқда ўтади. Мембрана 3 эгилиб, металл диск орқали сиқув ричаги 4 га таъсир ўтказади, натижада ричагнинг пастки учи тиргак 5 ни босади ва клапан 6 очилади. Бунинг оқибатида газредукторга кира бошлайди. Клапан 6 нинг очилиши учун керак бўлгав сийракланиш 200—300Па ( $0,002$ — $0,003$  кгк/см $^2$ ) атрофида бўлади. Бундай конструкцияга эга бўлган узгич фильтр қуввати 314, 0. к. (240 кВт) гача бўлган двигателлар учун мўлжалланган. Газ баллонли автомобилларнинг иккى хил ёнилғили таъминлаш тармоғи электромагнит клапанли бензин фильтридан иборат. Бу

PDF Compressor Free Version


турдаги фильтр асосан ЗИЛ на ГАЗ туркумiga кирувчи автомобилларга берилген. 134-расмда ГАЗ туркумiga кирувчи автомобилларга ўрнатилип электромагнит клапан-фильтрли бензин тозалагичи таснирланган.

Үт олдириш узилган чогда клапан уз-үзидан ёпилади. Үт олдириш уланиб, двигатель ишга тушганда насос ёрдамида юборилаётган бензин стакан тиндиригчнинг бўшлиги 8 ва боради, қолдиқ ифлос ва механик аралашма стаканнинг тагига чўкади, қолган қисми эса фильтрдан ўтаётib, унинг тозаловчи таркибий қисмларида ушланиб қолади.

#### 8-мавзу. ГАЗ БАЛЛОНЛИ АВТОМОБИЛЛARNING ТАЪМИНЛАШ ТАРМОГИ


##### 1-топшириқ (135-расм).

1. Суюлтирилган нефти газ (СНГ)да ишловчи ЗИЛ-138 автомобилининг газ баллонли ускунаси қурилмаси асбоб ва деталлари қайси рақамлар билан белгиланган: баллон (а), карбюратор (б), ҳаво фильтри (в), фильтр (г), газ буғлатгич (д), совитиш тармоғидан буғлатгичга сув келтириш найчаси (е), буғлатгичдан компрессорга сув ўтказиш шланги (ё), газ редуктори (ж), редуктор фильтри (з), газ аралаштиргич (и), газ аралаштиргичнинг қўшимча қисми (й), газни аралаштиргичга юбориш найчаси (к), редукторни бойитгич-мезонлаш тузилмаси (л), юқори босим шланглари (м), салт ишлаш тармогининг



134-расм. ГАЗ туркуми автомобилларининг бензин фильтрли электромагнит клапани:

- 1 — ўзак, 2 ва 12 — пружина,
- 3 — ҳимоя ҳалқа, 7 — қистирма,
- 8 — стакан-тиндиригин, 9 — тозаловчи сетка,
- 10 — тозалаш қисми корпуси,
- 11 — чангакли қотиргич.



135-расч. ЗИЛ-138 автомобилининг умумлашган газ баллонли ускунаси.

ўтказиш найчаси (н), газ босими датчиги (о), газ редукторини манометрн (п), асосий шохобча вентили (р), ёнилги баки (с), буғ ҳолати фазадаги сарфлаш вентили (т), баллоннииг тўлганилигини аниқловчи назорат вентили (у), баллондаги суюқ газнинг сатҳини аниқловчи датчик (ф), сақлагич клапан (х), тўлдириш вентили (ц), суюқ ҳолат чегарасидаги сарфлаш вентили (ч), бойитгич ва юкланишдан бўшатиш тузилмасининг сийракланиш бўшлиғи билан двигателнинг киритиш қувурини туаштирувчи қайишқоқ найча (ш).

II. 1. Қуйида номлари келтирилган ёнувчи газларнинг қайси бири газ баллонли автомобилларнинг двигателлари учун ёнилти сифатида ишлатилади.

а) Суюлтирилган нефтли газ (СНГ); б) сиқилган табиий газ (СТГ); в) суюлтирилган табиий газ.

2. Қуйидаги жавобларнинг қайси бири газ билан ишлайдиган автомобиль двигателлари учун хос?

а) Таъминлаш тармоги оддий; б) таъминлаш тармоги мураккаб; в) осон мукаммал аралашма ҳосил бўлади; г) аралашма ҳосил бўлиши қийинлашади; д) двигатель жуда кичик ортиқча ҳаво коэффициенти билан ишлаши туфайли газли ёнилги аралашмаси бензинли аралашмага нисбатан тўлароқ ёнади; е) двигатель жуда катта ҳаво коэффициенти билан ишлаши туфайли бензинга нисбатан тўлароқ ёнади.

3. Келтирилган жавобларнинг қайси бири газсимон ёнилги билан ишлайдиган двигателларнинг бензин двигателларига нисбатан афзалликларини кўрсатади.

PDF Compressor Free Version

а) Газнинг ҳаво билан аралашмаси ўз таркибига кўра бир хил бўлганлиги сабабли двигателнинг қабул қилувчанлиги юқори-роқ бўлади.

б) Газсимон ёнилгининг детонацияга бўлган тургунлиги бензиннинг нисбатан юқори ва деталларнинг коррозион ва механик ейилиши кам.

в) Газсимон ёнилги мойни суюлтиrmайди, двигателнинг тежамкорлиги ортади.

г) Газсимон ёнилги мойни қуюқлаштиради, двигателнинг тежамкорлиги ортади.

Ш. Куйидаги жавобларнинг қайси бири келтирилган газсимон ёнилгини тавсифлайди?

1. Суюлтирилган нефти газ (СНГ). 2. Сиқилтан табий газ (СТГ).

а) Газнинг иссиқлик чиқариш қобилияти нисбатан кичик.


б) Газни иссиқлик чиқариш қобилияти нисбатан катта.

в) Автомобилнинг фойдали юк кўтариш қобилияти нисбатан бироз кўп.

г) Автомобилнинг юк кўтариш қобилияти нисбатан бироз кам.  
2-топшириқ (136-расм).

І. Расмда эҳтиёт таъминлаш тармогининг асбоб ва ускуналари қайси рақамлар билан белгиланган:

Ёнилғи баки (а), клан (б), ёнилғи ўтказиш найчаси (в), насос (г), фильтр-тиндиргич (д), бир бўлинмали карбюратор (е), оралиқ тўшам (ё).



136-расм. Эҳтиёт таъминлаш тармоги.

II. 1. Газ баллонли автомобилнинг двигатели эҳтиёт қисм таъминот тармоғида қўлланиладиган бензин ёнилғисида ишлаганда ҳақиқий ҳосил қилинган қувват газсимон ёнилғида олиш мумкин бўлган мақбул қувватни қанча фоизини ташкил қиласи.

а) 30—40 фоиз; б) 50—60 фоиз; в) 70—80 фоиз.

2. Газ баллонли автомобиль двигателининг мақбул қуввати таърифи қайси жавобда келтирилган:

а) Двигатель газсимон ёнилғи билан ишлаганда, тирсакли валнинг мақбул айланышлар сонида ва ёнилғини тўлиқ берилиши натижасида ҳосил бўлган қувват.

б) Двигатель газ билан ишлаганда; тирсакли валнинг энг катта айланышлар сонида ва ёнилғининг тўлиқ берилиши натижасида ҳосил бўлган қувват.

в) Двигатель газсимон ёнилғи билан ишлаганда, тирсакли вални мақбул айланышлар сонида ва ёнилғининг ўртача меъёрда берилиши натижасида ҳосил бўлган қувват.

3) ГАЗ баллонли автомобилнинг двигатели эҳтиёт таъминлаш тармоғидаги бензин ёнилғисида ишлаганда бензин бакидаги ёнилғи автомобилнинг қанча йўл босишига етади?

а) 50 км? б) 34 км? в) 17 км?

III. Қайси жавобда қўйидаги газ баллонли автомобиль туркумiga алоқадор бўлган хусусиятлар берилган?

1. Газ туркумiga кирувчи юк автомобиллари. 2. ЗИЛ туркумiga кирувчи юк автомобиллари.

а) ГАЗ билан таъминлаш тармоғида газ тозалагичи йўқ.

б) Юқори босимли шлангларнинг сони камайтирилган.

в) Двигателининг ёнилғи билан таъминлаш тармоғига карбю-  
ратор-аралаштиргич ўрнатилган.


г) Автомобиль газда ҳам, бензинда ҳам бирдай ишлаши мумкин. Бензин бакининг сигими 90 л. ни ташкил қиласи.

д) Двигателини таъминлаш тармоғида ўрнатилган эҳтиёт таъминот тармоғига мўлжалланган бензин автомобилнинг фақат 17 км босишига етади.

З-топшириқ (137-расм).

1. ГАЗ туркумiga кирувчи юк автомобилларининг газ баллонли ускунасига қарашли агрегат, асбоб ва қисмлари қайси рақамлар билан белгиланган:

двигатель (а), бензин насоси (б), бензинни майин тозалаш фильтри (в), карбюратор-аралаштиргич (г), киритиш қувури (д), бензин тиндиригичи (е), карбюратор-аралаштиргичга газ юбориш шланги (ё), баллонда иситгичга ўтказилган найча (ж), сарфлаш вентили (з), тўлдириш вентили (и), бензин баки (й), юқори босим редуктори (к), паст босим редуктори (л), фильтрдан паст босим редукторига келтирилган найча (м), юқори босим редукторидан газ фильтрига келтирилган найча (н), электромагнитли газ фильтри (о), датчик (п), двигателнинг чиқариш қувуридан сундиригичга келтирилган оралиқ қувурча (р), иситгич найчаси



137-расм. Юқори босимли газда ишловчи ГАЗ туркуминга киравчы автомобилининг умумлашган газ баллонли ускунаси.

(с), газ иситгич (т), кетинги баллонлар йигилмаси (у), олдинги баллонлар йигилмаси (ф), олдинги ва кетинги йиғилма баллонларнинг туташтириш найчаси (х), баллонларни туташтириш найчаси (ц), юқори босим манометри (ч).

II. 1. Расмдаги күринишдан газ баллоили ускунанинг қайси қисми қандай вазифани бажаришнни аниқланг.

а) Юқори босимли газнинг босимини пасайтириб беради; б) газ таъминот тармогини назорат қилиб туради; в) газни асраш ва сақлаш учун хизмат қилади.

2. Суюлтирилган газлар учун ишлаб чиқарилаётган газ баллонларининг белгиланган иш босими ва ҳороратини келтирилган жавоблардан аниқланг:

- $P_{ишил.} = 1,6 \text{ МПа (16 кгк/см}^2\text{)}; t = -40...+40^\circ\text{C}$
- $P_{ишил.} = 1,0 \text{ МПа (10 кгк/см}^2\text{)}; t = -20...+20^\circ\text{C}$
- $P_{ишил.} = 0,5 \text{ МПа (5,0 кгк/см}^2\text{)}; t = -10...+10^\circ\text{C}$

3. Сиқилган газлар учун ишлаб чиқарилаётган газ; баллонларнинг белгиланган иш босими ва ҳажмини келтирилган жавоблардан топинг:


- $P_{ишил.} = 1,6 \text{ МПа (16 кгк/см}^2\text{)}; V_d = 20 \text{ л.}$
- $P_{ишил.} = 20 \text{ МПа (200 кгк/см}^2\text{)}; V_d = 50 \text{ л.}$
- $P_{ишил.} = 30 \text{ МПа (300 кгк/см}^2\text{)}; V_d = 100 \text{ л.}$

III. Газ баллонли автомобилларда асосий жиҳозларга кирмайдиган, лекин уларнинг мукаммал ишлаши учун зарур бўлган ёрдамчи қурилмаларга қандай тузилмалар киради.

1. Тўлдириш-сафлаш. 2. Назорат-сақлагич.

4-топшириқ (138-расм).

I. Расмда ЗИЛ-138 А автомобилининг шассисида жойлашган газ ускуналарига тааллуқли жиҳоз, асбоб ва қисмлари қайси рақамлар билан белгиланган? Баллонлар йигилмаси (а), тўлдириш



138-расм. ЗИЛ-138 автомобиль шассисида газ ускуналарнинг жойлашув тартиби.

вентили (б), иситгич (в), юқори босим редуктори (г), сарфлаш вентили (д), электромагнит вентилли фильтр (е), паст босимли редуктор (ж), карбюратор-аралаштиргич (ж), двигателнинг ёнувчи аралашма киритиш қувири (з), ҳаво фильтри (и), назорат лампа (й).

**II. I.** ЗИЛ ва ГАЗ туркумига киравчи газ баллонли автомобилларнинг қайси бирига паст ҳароратда двигателни тезкорлик билан ишга тушириш учун мүлжалланган маҳсус қурилма ўрнатилган.

а) ЗИЛ; б) ГАЗ.

**2.** Редуктордаги газ босими 20 МПа ( $200 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) дан қайси қийматигача пасайди:

а) 20 МПа ( $200 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) дан 10 МПа ( $100 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) гача; б) 20 МПа ( $200 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) дан 5 МПа ( $50 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) гача; в) 20 МПа ( $200 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) дан 0,9—1,1 МПа ( $9,0—11 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) гача.

**3.** Карбюратор-аралаштиргичга кираётган ҳаво қайси фильтрдан ўтади.

а) Газ фильтридан; б) ҳаво фильтридан.

**III. I.** Газ босими 0,95 МПа ( $9,5 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ) дан пасайганда ҳайдовчи кабинасида қайси бир назорат асбоби ишга тушади.

**2.** Назорат лампа ёнгандан сўнг газ баллонларидағи ёнилғи автомобиль қанча масофага юриш учун етади.

**3.** Баллонларнинг тўлиқ тўлдиргичини билдирувчи манометр қайси баллонда ўрнатилган.


**5-топшириқ (139-расм).**

**I.** Расмда тўлдириш тузилмасининг деталлари қайси рақамлар билан белгиланган? Маховик тиргаги (а), тўсиш клапани (б), эгар (в), диафрагма (г), тескари клапан (д), пружина (е), тиқин (ё).

**II. I.** Назорат тешигидан суюқ газ келиши, баллон қанча фоизга тўлдирилганинига далолат беради.

а) 95 фоиз; б) 90 фоиз; в) 85 фоиз.

**2.** Сақлагич клапани газ босимини қайси қийматигача ушлаб туради.



139-расм. Тұлдиріш түзилмаси.

а) 1,0 МПа (10 кгк/см<sup>2</sup>), б) 1,2 МПа (12 кгк/см<sup>2</sup>), в) 1,6 МПа (16 кгк/см<sup>2</sup>)

3. Тұлдиріш вентили қайси услубда ишга тушишини келтирілген жавоблардан аникланғ:

а) Маховикни бураш натижасыда тиргак 5 клапан 3 ни ўз ўрнидан силжитади ва у әгар 2 га тиради, натижада газнинг кириш тешиги бескілади. Вентилнинг ташқи муҳит билан ажралиш ҳолати диафрагма 4 ёрдамида бажарилади.

б) Маховикни бураш натижасыда тиргак 5 клапан 3 ни ўз ўрнидан силжитади ва у әгар 2 га тиради, натижада газнинг киритиш тешиги очилади. Вентилнинг ташқи муҳит билан тутатиши диафрагма 4 ёрдамида бажарилади.

II. Газларни сақлаш учун қандай материаллы баллонлар ишлатилади.

1. Сиқилган газлар учун. 2. Суюлтирилган газлар учун.

а) Чексиз қилиб ишланған углеродлы ёки легирланған тайёрланған трубалардан ишлаб чиқарилади.

б) Чокли қилиб ишланған углеродлы ёки легирланған трубалардан тайёрланади.

в) Варақали углеродлашған пұлатдан пайвандлаш йүли билан бүйлама чекли қилиб ишланған.

г) Варақали пұлатдан пайвандлаш йүли билан бүйлама чокли қилиб тайёрланади.

#### 6-топшириқ (140-расм).

I. Расмда сақлагиң клапанның деталлари қандай рақамлар билан белгиланған? клапан (а), пружина (б), корпус (в), ростлаш шайба (г), тиргак (д), пломба (с), ошиқча газни чиқарыш тешиги (ё).

**II. 1. Келтирилган жавобларнинг қайси бирида сақлагич клапанинг вазифаси түлиқ таърифланган?**

а) Баллондаги газ босими нинг белгиланган қийматдан ошиб кетишига йўл қўймайди.

б) Баллондаги газ босимининг белгиланган қийматдан ошиб кетишини таъминлаб беради.

в) Баллондаги газ босимининг белгиланган қийматдан пасайиб кетишини таъминлайди.

**2. Сақлагич клапани тузилмасининг клапани баллондаги газ босими қанча қийматга етгач очилади?**

а) 1,6 МПа (16 кгк/см<sup>2</sup>); б) 1,68 МПа (168 кгк/см<sup>2</sup>); в) 1,7 МПа (17 кгк/см<sup>2</sup>).

**3. Қайси жавобда сақлагич клапанининг ишлаш услуби тўғри таърифланган?**

а) Баллондаги газ босими таъсирида клапан 5 пружина 4 нинг кучини енгизиб, ўз эгаридан ажралади ва корпус 6 даги чиқариш тешиги 7 орқали буғ ҳолати фазасида бўлган газ ташки муҳитга чиқади.

б) Баллондаги газ босимини енгизиб, клапан 5 пружина 4 таъсирида очилади ва корпус 6 даги чиқариш тешиги 7 орқали буғ ҳолати чегарасида газни ташки муҳитга тарқатади.

в) Баллондаги газ босими белгиланган қийматдан пасайганда клапан 5 пружина 4 таъсирида очилади ва корпус 6 даги чиқариш тешиги орқали буғ ҳолати чегарасида газни ташки муҳитга ҳайдайди.


**III. 1. Келтирилган жавоблардан қайси бирида тезкорлик клапанинг вазифаси түлиқ таърифланган?**

а) Газ шохобчалари ёки асосий газ тармоғи талафотланиши сабабли узилиб кетса ёки шикастланса (жипслиги йўқолса) асосий газ тармоғини газ баллонидан ажратиб қўяди.


б) Газ шохобчалари ёки асосий газ тармоғи талафотланиши туфайли узилиб кетса ҳам асосий газ тармоғини газ баллони билан туташтириб туради.

в) Газ шохобчалари ёки асосий газ тармоғи узилиб кетса, уларни газ баллони билан туташтиришни ростлаб туради.

**2. Қайси жавобда 141-расмдаги тезкорлик клапанининг ишлаш услубига тўғри тавсиф берилган?**



140-расм. Сақлагич клапани.



141-расм. Тезкор клапани.

а) Двигатель мақбул маромда ишлаб, газ сарфи белгиланган месъерда узатилганда, клапан 2 пружина 3 таъсирида очиқ вазиятни әгаллаб, қайдлаш ҳалқаси 1 га тиравиб туради. Газнинг сарфи кўпайиши билан эса газ оқими жадаллашиб, пружина 3 нинг кучини енгади ва клапан 2 асосий газ тармогини тусиб қўяди.

б) Двигатель мақбул маромда ишлаб, газ сарфи белгиланган месъерда узатилганда, клапан 2 пружина 3 таъсирида ёпиқ вазиятни әгаллаб, қайдлаш ҳалқаси 1 дан ажралади. Газнинг сарфи ортиши билан газ оқими кучайиб, пружина 3 ни енга олмайди ва клапан 2 асосий газ тармогини очиб қўяди.

3. Келтирилган жавобларнинг қайси бирда асосий шохобчага вентилининг вазифаси тўлиқ таърифланган?

а) Газнинг баллондан доимо асосий шохобчага ўтиб туришини, таъминлаб двигатель ишламаган пайтида эса газнинг оқиб ўтишини чеклаб қўяди. Шунингдек, газнинг ташқи муҳитга сирқиб чиқишига йўл қўймайди.

б) Двигатель ишламаган пайтида газнинг асосий шохобчага оқиб ўтишини чеклаб қўйиш вазифасини бажаради.

в) Газнинг баллондан асосий шохобчага ўтиб туришини таъминлаб, двигатель ишлашдан тұхтатилганды эса газни асосий шохобчага оқиб ўтишини тусиб қўяди. Шунингдек, газнинг ташқи муҳитга сирқиб чиқишидан асрайди.

4. Двигатель ишлаганда шохобча вентилининг очиқлик ҳолати қайси даражада булиши керак?

а) Тўлиқ очишлиши шарт эмас, б) Газ оқимининг ўтишини жадаллаштириш мақсадида тўлиқ очишлиши лозим, в) Тўлиқ очиб, кейин озгина беркитилиши керак.

#### 7-төпшириқ (142-расм).

I. Расмда газ буғлатгич тузилмасининг деталлари қайси рақамлар билан кўрсатилған?

Кронштейн (а), сувни оқизиши жўмраги (б), газни киритиш ва чиқариш штуцерлари (в), корпус (г), сув бўшлиғи туйнуғи (д).

II. 1. Келтирилган жавоблардан газ буғлатгичнинг тўлиқ таърифини аниқланг.

а) Суюлтирилган газни буғлатиб беради.

б) Суюлтирилган газни газ ҳолатига ўтказиб, редукторга узатади.


в) Суюлтирилган газни мажбурий буғлатиш натижасида газсимон ҳолатга айлантириб редукторга юборади.

2. Суюлтирилган газни буғлатиш мақсадида қандай иссиқлик манбаидан фойдаланилади.

а) Советиш тармогининг суюқлик энергиясидан.

б) Ишлатилган газларнинг энергиясидан.

в) Электриситгичлардан.



142-расм. Газ буғлаттич.

3. Расмда тасвирланган газ иситгич қуйидаги автомобилларнинг қайси бирида үрнатиласы.

а) ЗИЛ-138, б) ГАЗ-53-07, в) ЗИЛ-138 ва ГАЗ-53-07.

II. Қайси жағовода газиситгичнинг ишлаш услуби тұғри ва тұлық бағыт қиалинган.

а) Алюминий қотишмасидан қойишиң йүли билан иккі бұлак қилиб тайёрланган. Ажраптывчан қилиб ишланилғанлығы сабабли тузилма каналларини газ қурумларидан тозалаб түриш учун имконият яратиласы. Бу газиситгичда иссиқлик манбаи бұлиб совитиш тармогидаги суюқлик хизмат қиласы. Асосий вентилдан кираётгандың суюқ газиситгич орқали үтиши натижасыда газсимон қолаттаға айланады.

б) Алюминий қотишмасидан қойишиң йүли билан яхлит қилиб тайёрланган. Бу газсимон иситгичда иссиқлик манбаи сифатыда ишлатылған газлардан фойдаланыласы. Асосий вентилдан кираётгандың суюқ газ иситгичдан үтәстіб газсимон қолаттаға айланады.

2. Газиситгич двигателнинг мақбул маромда ишлашини қайси даражада таъминлаб беради.

а) Двигателни ҳамма мароми учун тұла таъминлайды.

б) Йилнинг ҳамма фаслида совитиш тармогининг суюқлик ҳарораты  $80^{\circ}\text{C}$  ва ундан юқори бұлганда.

в) Двигателнинг ҳамма мароми учун тұла таъминлай олмайды.

3. Газ қолатында айлантирылған газсимон ёнилгі буғлатгичдан үтгач, қайси асбобға боради?

а) Газни тозалаш фильтрига; б) газ редукторига; в) газни тозалаш фильтри орқали газ редукторига.

4. Көлтирилған жағобларнинг қайси бирида газ иситгичнинг вазифасы тұлық таърифланған?

а) Газ иситгич ёрдамида таркибида катта намлик ва углекислоталари бўлган сиқилган газлар олдиндан иситиб берилади. Бунинг натижасида газ ўтказгич найчаларида мумкин бўлган нам бартараф қилинади, натижада улар музлаш хавфидан асралади;

б) газ иситгич ёрдамида таркибида унча кўп бўлмаган намлик ва углекислоталари бўлган сиқилган газлар олдиндан иситиб берилади. Бунинг натижасида газ ўтказгич найчаларида ҳосил бўлган намни музлаб қолишидан сақлади;

в) газ иситгич ёрдамида таркибида юқори намлик ва углекислоталар бўлган газларни олдиндан совитиб берилади. Бунинг натижасида найчалар музлашдан сақланади.


5. ЗИЛ-138 А ва ГАЗ-53-27 автомобилларида ўрнатилган иситгичларда сиқилган газни олдиндан иситиш учун двигателнинг қайси бир иссиқлик энергиясидан фойдаланилади.

а) Совитиш суюқлигини ҳароратидан.

б) Ишлатилган газларнинг ҳароратидан.

8-төпшириқ (143-расм).

I. Расмда электромагнитли газ фильтрининг қисм ва деталлари қандай рақамлар билан белгиланган.



143-расм. ЗИЛ-138 автомобилининг электромагнит вентилили газ фильтри.

Корпус (а), стакан (б), наматли тозалагич (в), тортиш болти (г), электромагнитли клапан (д).

II. 1. Сиқилган газда ишловчи автомобилларда фильтрлар қандай тартибда ўрнатилган?

а) биринчи фильтр юқори босим редукторининг газ киритиш тешиги олдида; б) иккинчи фильтр паст босимли шохобчада икки босқичли редуктор олдида; с) биринчи ва иккинчи фильтрлар редукторининг газ киритиш олдида кетма-кет ўрнатилган.

2. Суюлтирилган газни механик аралашмалардан газнинг қайси бир ҳолат фазасида тозалаш маъқул.

а) Буғ ҳолат фазасида; б) суюқ ҳолат фазасида; в) иккала ҳолат фазасида ҳам тозалаш мумкин.

3. Суюлтирилган газни смолали слимшак модда ва олтингугурт бирималаридан қайси ҳолат фазасида тозалаш керак?

а) Бүг ҳолат фазаси; б) суюқ ҳолат фазаси; в) иккала ҳолат фазаси.

III. Келтирилган фильтр тавсифи қайси автомобиллар учун тааллуқлилигини келтирилган жавоблардан топинг.

1. ЗИЛ-138. 2. ГАЗ-24-07.

а) Фильтр электромагнитли клапан билан битта корпусда яхлит қилиб ўрнатилган бўлиб, у суюқлик ҳолат фазасининг ўтказиш найчасига ўрнатилган. Фильтрнинг тозаловчи қисмлари — тўр ва намат шайбалар газни навбатма-навбат алмашлаб тозалаб ўтказади.

б) Сиқилган газда ишловчи автомобилда битта фильтр юқори босимли редукторнинг газ киритиш жойида, иккинчиси эса паст босим шохобчасида икки босқичли редуктор олдида ўрнатилган.

9-топшириқ (144-расм).

I. Расмда икки босқичи газ редукторининг қисем ва деталлари қайси рақамлар билан белгиланган?

Пружина (а), биринчи босқич диафрагмаси (б), икки елкали биринчи босқич ричаги (в), биринчи босқич клапани (г), иккинчи босқич клапани (д), конуссимон пружина (е), иккинчи босқич диафрагмаси (ё), икки елкали иккинчи босқич ричаги (ж), сақлагич клапан (з), музлатгич тузилмаси (и), карбюратор аралаштиргич (й), карбюратор-аралаштиргичга газ келтирувчи найча (к), киритиш қувури (л), киритиш қувуридан чиқарилган найча (м), юксизлантириш тузилмаси (н), тескари клапан (о), салт ишлаш тешигига келтирилган найча (п).

II. 1. Келтирилган жавоблардан қайси бирида газ редукторининг вазифаси тўлиқ таърифланган?

а) сиқилган ёки суюлтирилган газнинг босимини мақбуллашиб беради;

б) сиқилган ёки суюлтирилган газнинг босимини кучайтириб беради;


в) сиқилган ёки суюлтирилган газнинг босимини ташқи муҳит босимигача пасайтириб беради.

2. Қайси жавобда газ редукторининг қушимча тузилмалари тавсифловчи хоссалари тўлиқ келтирилган?

а) Двигатель тўхташи биланоқ газнинг киритилишини қисман тўсиб қўяди. Редукторнинг иккинчи босқич бўшлиғида газ босимини чеклашга имкон яратади. Шунингдек, двигательнинг иш маромига мослаштирилган ҳолда газ оқимини мезонлаштириб беради.

б) Двигатель тўхталиши билан газнинг киритилишини ўз-ўзидан тўсади. Редукторнинг иккинчи босқич бўшлиғида газ босимини ростлаш учун имкон яратади. Двигательнинг иш маромига мослаштирган ҳолда газ оқимининг ўтишини мезонлаштириб беради.

в) Двигатель тўхташи биланоқ газнинг киритилишини ўз-ўзидан тўсади. Редукторнинг иккинчи босқич бўшлиғида газ



144-расм. Иккى босқичли газ редукторининг ишлеш тасвири.

босимини бұшатыш үчүн имкон яратади. Двигателнинг ици ма-  
ромига мослаштирилған қолда газ оқимининг ўтишини месёрлаш-  
тириб беради.

3. Редукторларнинг газ пасайтириш бүйича қандай босқичли  
турлари бўлиши мумкин.

а) Бир босқичли; б) бир ва икки босқичли; в) бир, икки ва уч босқичли.

III. Келтирилган газ баллонли автомобилларнинг ускунасида асосан редукторларнинг неча босқичлиги ўрнатилади.

1. Суюлтирилган газ билан ишловчи баллонли автомобилларда.

2. Сиқилган газ билан ишловчи баллонли автомобилларда.

а) Бир босқичли; б) икки босқичли; в) уч босқичли; г) бир ва икки босқичлиси биргаликда.

IV. Редукторларда газ босимини ташқи муҳит босимига тенглатиш учун сиқилган газни қанча погонали тартибда кетма-кет пасайтириш лозим.

1. Бир босқичли. 2. Икки босқичли.

а) Бир погонали тартибда; б) икки погонали тартибда; в) уч погонали тартибда.

10-топшириқ (145-расм).

I. Расмда мезонлаш — бойитгич тузилмасининг деталлари қандай рақамлар билан белгиланган:

тежаш жиклери (а), қувват жиклери (б), клапан (в), мембрана (г), цилиндрик пружина (д), конуссимон пружина (е).

II. Келтирилган жавобларнинг қайси бирида мезонлаш бойитгич асбоби ва тузилмалари вазифаси түлиқ таъриф этилган.


1. Мезонлаш тузилмаси. 2. Бойитгич тузилмаси. 3. Мезонлаш — бойитгич асбоби.

а) Двигатель ҳар бир маромда ишончли ва мукаммал ишлаши учун газнинг ўтиш меъёрини мослаштириб беради; б) дроссель-заслонка түлиқ очилган пайтида энг юқори қувват олиш мақсадида ёнилғи аралашмасини бойитиб беради; в) двигателнинг ишлаш маромига мос ҳолда ёнувчи аралашма сифатин ростлаб туради. Шунга кўра кичик юкланишларда газнинг тежамкорлиги ошади ва ишлатилган (газ тежамкорлиги) газнинг таркибидағи заҳарли моддалар саломогини камайтиради.

III. I. Ҳаволи турдаги мезонлаш — бойитгич асбобининг бойитгич тузилмаси нима таъсирида ишга тушади?

а) Ҳавонинг босими таъсирида; б) сийракланиш таъсирида; в) механик куч таъсирида.


2. Двигателнинг киритиш қувурида сийракланиш катта бўлган пайтида газ мезонлаш — бойитгич асбобининг қайси жиклери орқали ўтади.



145-расм. Мезонлаш-бойитгич тузилма.

3. Двигателнинг киритиши қувурида сийракланиш кичик бўлганда газ мезонлаш-бойитгич асбобининг қаси жиклери орқали ўтади: а) тежамкор жиклёр орқали; б) қувват жиклёри орқали; в) тежамкор ва қувват жиклёри орқали.

#### 11-топшириқ (146-расм).



146-расм. СГ-250 газ аралаштиргич.

I. Расмда газ аралаштиргичнинг қисм ва деталлари қандай рақамлар билан белгиланган: корпус (а), дроссель-заслонка (б), диффузор (в), ётиқ қўйилган форсунка (г), ҳаво заслонка (д), газ киритиши найчаси (с), тескари клапан (ё), салт ишлаш тармогига газ ўтказувчи штуцер (ж), салт ишлаш тармогини ростлаш винтлари (з), двигатель тирсакли валининг марказдан қочма сийракланиш чеклагичи (и).

II. I. Газ аралаштиргич қандай вазифани бажаришини келтирилган ҳавоблардан аниқланг:

а) газ билан ҳавони аралаштириб, ёнилғи аралашмаси ҳосил қиласди;

б) ҳосил бўлган ёнилғи аралашмасини двигателнинг ишлаш маромига мослаштириб цилиндрларга юборади;

в) газ билан ҳавони аралаштирумасдан уларни двигателнинг ишлаш маромига мослаштириб цилиндрларга юборади.

2. Двигателнинг турли иш маромларини ишончли ва мукаммал қаноатлантирувчи газ-ҳаво аралашмасини тайёрлаш учун замонавий газ аралаштиргичлар келтирилган шартлардан қайсиликларини тўла қониқтириш лозим:

а) Барча маромларда аниқ ишлатиш мақсадида бир хил ёнувчи аралашмаси тайёрлаши; б) ҳар бир маромда аниқ ишлатиш учун мақбул ёнувчи аралашма тайёрлаши; в) ҳамма иш маромлари учун ёнилғи аралашмаси белгиланган таркибда бўлиши; г) энг катта юкланишларда энг юқори қувват олиниши; д) ишга тушириш мукаммал бўлмоқлиги учун, тирсакли валининг айанишлар сони тезкорлик билан оширилганда унинг мослашуви яхши ўтиши; салт ишлаш маромида ишлаганда унинг турғунлик даражаси етарлича бўлиши.

3. Юқорида қайд этилган вазифаларни тўлиқ бажариш учун оддий газ аралаштиргич конструкциясига қўшимча қилиб қандай тузилмалар киритилган:

а) Салт ишлаш тузилмаси; б) бойитгич киритилган; в) тезлатиш насоси.

III. I. Расмда тасвиrlанган газ аралаштиргичда тескари клапан қандай вазифаларни бажаради:

а) Газларни аралаштиргичдан тескари йұналишда чиқишини олдини олади; б) ҳамма маромларга үтиш пайтида двигателни мослашувини яхшилаб беради; в) газни аралаштиргичнинг асосий мезонловчи тармогига үтишини тұсади; г) салт ишлаш тармогига газ фақат үзининг түйнуги орқали берилишини таъминлайди.

2. Бойитгич тузилмаси қандай вазифаны бажаришидан келтирилган жавоблардан топинг:

а) Аралаштиргичга кирган газнинг миқдорий жиҳатдан ростлаб бойитиб беради; б) аралаштиргичга кирган газни миқдорий ва таркибий жиҳатдан ростлаб беради; в) аралаштиргичга кирган газни таркибий жиҳатдан ростлаб беради.

3. Газсимон ёнилғи билан бирга бензинде ҳам ишлайдиган газ баллонли автомобилларда карбюратор-аралаштиргич тузилмаси қандай ишлайди.

а) Бир бутун қилиб битта умумий қисмда жойлашган карбюратор ва аралаштиргич бирга ишлайди; б) бир бутун қилиб битта ишлайдиган умумий қисмда жойлашган карбюратор ва аралаштиргичнинг ҳар бири мустақил ишлайди; в) бир бутун қилиб битта умумий корпусда жойлашган карбюратор-аралаштиргич асосан бирга ва баъзан эса мустақил ишлайди.

#### 12-топшириқ (147-расм).

I. ГАЗ-52 туркумига киравчи газ баллонли автомобилларга үрнатылган К-22 карбюратор-аралаштиргичнинг қисм да деталлари қандай рақамлар билан белгиланған: қалқовиң бұлинма (а), аралаштиргич бұлинма (б), газ үтказиш құвури (в), газ тарқатгич (г), газни салт ишлаш тармогига киритиш штуцери (д), диффузорнинг әгилуви пластиналарни керуви иғна (е), салт ишлаш тармогини ростлаш винтлари (с).

II. Карбюратор-аралаштиргичнинг учта қисмінде тааллуқлы тузилма да деталарини келтирилган жавоблардан аниқланғ.


1. Қалқовиң бұлинма. 2. Аралаштиргич бұлинма. 3. Ҳаво үтказиш құвури.

а) Дроссель заслонкаси; б) ростлаш винтлари; в) диффузор; г) ҳаво заслонкаси; д) штуцер; е) керуви иғна; ё) бойитгич да тезлатиш насоси.

III. I. Двигателнинг юқори юкланишларида да тирсакли валнинг айланишлар сони тезкорлик билан катталаштирилганда ёнилғи аралашмани қуюлаштириш учун келтирилган тузилмаларнинг қайсилари мүлжалланған.

а) Бойитгич, б) тезлатиш насоси, в) дроссель-заслонкаси.

2. Совуқ двигателни ишга туширишни енгилдатиш мақсадида ҳаво бұлинмасига нима үрнатылған: а) ҳаво заслонкаси, б) ҳаво клапани, в) ҳаво клапани бор ҳаво заслонкаси.



147-расм. К-22  
карбюратор-аралантиригич.

3. Ҳаво заслонкаси билан дроссели заслонкаси қандай туташган.

а) Узвий туташган, б) мустақил юритмага эса, в) узвий ва мустақил туташган.

**ГАЗ БАЛЛОНЛЫ АВТОМОБИЛЛАРНИҢ ТАЪМИНЛАШ ТАРМОГИ  
ЮЗАСИДАН ТҮГРИ ЖАВОБЛАР ҚУЙИДА ГИЛДИР:**

1-төпшириқ. I. а (25), б (26), в (1), г (16), д (4), с (2), ё (5), ж (10), з (12), и (17), й (18), к (8), л (9), м (3,7), н (6), о(11), п(3), (14), с (15), т (19), у (20), ф (21), х (22), ц (23), (24), ш (27). II. 1 (а,б); 2 (а), (в), (Д). 3 (а,б,в). III. 1 (б), (в), 2 (а), 2 (а), (г).

2-төпшириқ. I. а (5), б (6), в (7), г (1), д (4), е (2), ё (3). II. 1. а (30ж40 фоиз). 2 (а), 38 (17 км). III. 1 (а,б,в,г); 2 (в,д).

3-төпшириқ. I. а (26), б (л), в (2), г (3), д (4), е (6), ё(5), ж (7), з (8), и (9), й (19), к (17), л (24), м (22), н (20), о (21), п (23), р (18), с (16), т (15), у(13), ф(14), х(12), ц(11), ч(10). II. 1 а (24), б (10), в (13), 2(а), 3 (б). III. (1), (2).

4-төпшириқ. I. а (8), б (9), в (11), г (12), д (10), с(4), ё(13), ж (2), з (1), и (23), й (7). II. 1(ЗИЛ), 2 (в), 3 (б). III. 1 (назорат лампа), 2 (10 ж12 км), 3 ( биринчи баллонда).

5-төпшириқ. I. а (5), б (3), в (2), г (4), д (7), с (6), ё (8). II. 1 (б), 2 (в), 3 (а). III. 1 (а), 2 (в).

6-топшириқ. I. а (5), б (4), в (6), г (2), д (3), е (1), ё (7). II. 1 (а), 2 (в), 3 (а). III. 1 (а), 2 (б), 3 (в), 4 (б).

7-топшириқ. I. а (1), б (2), в (3), г (4), д (5). II. 1 (в), 2 (а, б, в), 3 (в). III. 1 (б), 2 (а), 3 (б), 4 (а), 5 (б).

8-топшириқ. I а (2), б (4), в (3), г (5), д (1). II. 1 (а), (6), 2 (в), 3 (а). III. 1 (б), 2 (а).

9-топшириқ. I а (1), б (2), в (9), г (3), д (8), е (6), ё (4), ж (7), з (10), и (12), й (14), к (13), л (15), м (16), н (11), о (17), п (18). II. 1 (в), 2 (б), 3 (в). III. 1 (а), 2 (б). IV. 1 (б), 2 (в).

10-топшириқ. I. а (л), б (2), в (3), г (5), д (6), е (4). II. 1 (в), 2 (б), 3 (а). III. 1 (б), 2 (а), 3 (б).


11-топшириқ. I. а (11), б (10), в (6), г (5), д (4), е (2), ё (3), ж (7), з (8, 9), и (1). II. 1 (а, б), 2 (б, в, г, д, е), 3 (а, б). III. 1 (а, б), 2 (а), 3 (а). IV. 1 (а, б), 2 (а), 3 (а).

12-топшириқ. I. а (1), б (4), в (л), г (7), д (6), е (2), ё (3). II. 1 (ё), 2 (а, б, в, д, е), 3 (г). III. 1 (а, б), 2 (в), 3 (а).

## 10-баб. ТҮРТ ТАКТЛИ ДИЗЕЛЬ ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ ТАЬМИНЛАШ ТАРМОФИ

### 51-§. Дизель двигателлари таъминлаш тармоғининг ишағаш услуби

Дизель двигателларнинг таъминлаш тармоғи юқорида күриб ўтилган карбюраторли двигателларнинг ёнилғи аралашмасини тайёрлаш усулидан тубдан фарқ қиласди. Дизелларда ёнилғини пуркаш ҳаво билан иш аралашмасини цилиндр бўшлигига ҳаракатлантириш усули ёнилғи юбориш қурилмалари ҳамда ёниш бўлинмасининг конструкциясига боғлиқ. ЯМЗ ва КамАЗ дизелларидаги ёнилғини пуркаш тармоғи юқори босим насоси ва ҳар бир цилиндрдаги ёнилғи ҳолда ўрнатилган форсункадан иборат. Бу двигателларнинг таъминлаш тармоғи асосий иккита: паст ва юқори босим шохобчаларидан иборат. Паст босим шохобчаси ёнилғини бакдан юқори босим насосига узатади. Юқори босим шохобчаси эса маълум миқдордаги ёнилғини маълум вақтда двигателнинг цилиндрларига узатади. ЯМЗ двигателлари таъминлаш тармоғининг умумлашган чизмаси 148-расмда келтирилган. Бак 2 дан ёнилғи, ҳайдаш насоси 20 ҳосил қилган сийракланиш таъсирида, дагал фильтр 22 га юборилади. Бу фильтрдан ёнилғи майин тозалаш фильтри 7 га, ундан ёнилғи найчаси 10 орқали юқори босим насоси 19 га ўтиб, бу насос ёрдамида 15 МПа (150 кг/с<sup>2</sup>) га яқин босим остида ёнилғини пуркаш форсункаси 17 га юборилади. Юқори босим насоси 19 да йиғилиб қолган ортиқча ёнилгининг босими 15 МПа (150 кг/с<sup>2</sup>) га тенглашганда



148-расм. ЯМЗ-дизелининг ёнилғи билан таъминлаш тармоги:

- таъминлаш тармогининг соддалашган чизмаси;
- таъминлаш тармоги асбоб-ускуналариининг умумий жойлашув тартиби.

ўтказиб юбориш клапани 13 очилиб, қайтариш найчалари 4 ва 11 орқали ёнилғи бак 2 га оқиб тушади. Форсунка 17 тирқишлиридан томиб оқиб чиқувлө ёнилғи бакка найча 18 орқали қайтади. Тармоқда ёнилғи билан дастлабки тұлдериш жараёни ҳайдаш насоси 20 нинг корпусидаги күл-юритмали насос 12 ёрдамида амалга оширилади. Ёнилғи билан кирганды ҳавони ташқарига чиқарып юбориш учун тиқин 9 ва 14 да пармаланған

тешикчалар бор. Тармоқда ёнилғинн тозаловчи асосий фильтр 7 на дағал фильтр 22 ҳамда бакнинг бўғзидағи тўр-симли тозалагич Йдан ташқари, ёнилғи қабул қилгич Й қопқоғида ва форсунка /7 нинг штуцери /6 да тўр-симли тозалагичлар бор.

Минск, Кременчуг ва КамАЗ автомобиль заводларида ишлаб чиқариладиган дизелли автомобилларга катта сигимли (100...225 л) ёнилғи баклари ўрнатилади. Катта сигимли баклар ута мустаҳкам бўлиши керак. Улар ўта мустаҳкам қўргошинли пўлатдан тайёрланиб, ёнилғининг чайқалишини камайтириш учун бакнинг ичига бир нечта қўндаланг тўсиқлар ўрнатилган. Бак ёнилғи билан қопқоғли бўғиз орқали тулдирилади. Бўғизда ёнилғига аралашиб қолган металл заррачаларни тутиб қолувчи тўр симли тозалагич бор. Ёнилғи баки автомобиль рамасига ўрнатилади. КамАЗ автомобилининг двигателида юқорида кўриб тилган ЯМЗ двигателларининг таъминлаш тармоғидан иккита наст босимли ҳайдаш насоси борлиги билан фарқ қиласди. Бунда битта насос узатмалар қутисининг кронштейниги ўрнатилган булиб, фақат юритмалидир, иккинчи ҳайдаш насоси юқори босим насоснинг корнусида ўрнатилган ва иккита юритмага эга: қўл билан ва механик. Шунингдек ЗИЛ-4331 автомобилининг ЗИЛ-654 нусхали дизелида ҳам таъминлаш тармоғи иккита ҳайдаш насосига эга: биттаси юқори босимли насос корпусида ўрнатилган булиб, фақат механик юритмали, иккинчиси эса двигателда жойлашган — қўл юритмали. Ундан ташқари юқори босимли насосда тирсакли валининг айланишлар сонини ўзгартириб берувчи икки маромли ростлагич ўрнатилган. Ростлагич двигатели энг кичик айланишлар сонини ( $600 \text{ мин}^{-1}$ ) барқарорлаштириб, энг юқори айланишлар сонини ( $2800 \text{ мин}^{-1}$ ) ўз-ўзидан чеклаб туради. ЗИЛ-654 дизель таъминлаш тармоғининг умумий тузилиш чизмаси ва ишлаш услуби олдинги баён этилган ЯМЗ двигателларининг таъминлаш тармоғига ўхшаш.


## 52-§. Дизелларда аралашма ҳосил қилиш

Дизель двигателларида аралашма ҳосил қилиш карбюраторли двигателларга нисбатан 10 марта кам вақт ичидан содир бўлади. Натижада цилиндрларга пуркалган ёнилғи бўлинманинг бутун ҳажмини эгаллаб, бир текис аралашма ҳосил қила олмайди. Аралашма ҳосил қилишни жадаллаштириш учун ёнилғи пуркаш шайти поршень ю. ч. н. га стмасдан бошланади. Пуркалган ёнилғининг кўп қисми ёниш бўлинмасининг юқори бўшлигига буғланади. Бўлинмада ва унинг деворларида буғланган ёнилғи ҳаво оқимиға эргашиб, у билан жадал аралашади ва ўз-ўзидан алангаланди.

Аралашманинг сифатли тайёрланиши ёнилғи пуркаш босими, форсунка тузитгичнинг конструкцияси ва ёнилғи сифатида боғлиқ. Пуркаш босимининг ортиши ёнилғининг бир хилда майдада зарра-

чаларга бўлиннишини тезлатади, натижада сифатли аралашма ҳосил бўлади. Ёниш бўлинмасининг конструкциясига ўзгартриши киритиб аралашма сифатини яхшилашга таъминлаш мумкин. Конструкцияси бўйича ёниш бўлинмалари ажратилган ва ажратилмаган бўлади.


Ажратилмаган ёниш бўлинмали дизель двигателларида ёниш бўлинмасининг асосий қисми поршень туби / нинг ўрта қисмидаги чуқурча 2 да жойлашган (149-расм). Бундай бўлинманинг ҳажми кичик ва яхлит бўлиб, ёнилги бевосита ёниш бўлинмасига



149-расм. Ёнилги бевосита пуркалувчи ажратилмаган ёниш бўлинмаси.

зелларда, бу турдаги ёниш бўлинмалари кенг тарқалган.

Ажратилган олд бўлинмали дизель двигателларида ёниш бўлинмаси икки қисемга бўлинган; асосий қисми поршень тубида бўлиб, у 30 фоизга яқин ҳажмни ташкил қиласди, кичик қисми эса бўлинманинг олд қисмida жойлашган. Бунда олд бўлинма асосий ёниш бўлинмаси билан битта ёки бир нечта канал орқали бирлашади. Сиқиш тактигининг охирида ҳавонинг бир қисми поршенинг тубидаги асосий бўлинма 2 дан олд бўлинма / га тарқалади (150-расм). Шу лайтда олд бўлинмага ёнилги пуркалиши натижасида ёнилгининг бир қисми ёнади, бўлинмада босим ортади. Натижада кенгайган газ ёниш маҳсулотлари билан бирга катта тезликли асосий ёниш бўлинмасига тарқалади. Ёниш бўлинмасига ҳавонинг тезлиги катта бўлганилиги учун, ёнилги билан ҳаво яхши аралашади. Шу сабабли ёнилгининг  $5,0..6,0$  МПа ( $50..60$  кгк/см $^2$ ) босимда пуркаш ва битта каттароқ тешикли



150-расм. Ажратилган олд бўлинмали ёниш хонаси.

түзитгичли форсунка ишлатиш мумкин. Бундай двигателларда ёниш шиддати, ажратилмаган бўлинмага дизеллардагидан анча қучсиз. Бу эса ҳеч қандай ўзгаришсиз бундай дизелларда турли дизель ёнилғилар ишлатишга имкон беради. Лекин бундай ёниш бўлинмасининг ф. и. к. кичик ва ёнилғи сарфи ажратилмаган камерали дизель двигателларининг ёнилғи сарфидан кўп. Совуқ шароитда эса двигателин юргизиб юбориш қийинлашади.


Уюрма бўлинмали дизелларда сиқиши натижасида ҳаво бўлинма ичидаги уюрмаланиб ҳаракат қилади. Сиқиши тактигининг охирида уюрма бўлинма 1 га пуркалган ёнилғи ҳаво билан аралашиб бугланади ва қисман ёнади. Натижада уюрма бўлинмада босим кўтарилади ва кенгайган газ билан ёниб улгурмаган ёниш маҳсулотлари катта тезликда бирлаштирувчи туйнук 2 орқали асосий ёниш бўлинмаси 3 га ўтади (151-расм). Сиқиленган ҳавонинг 50...70 фоизи асосий ёниш бўлинмасида тўплантанлиги туфайли ёнилғи қизиган ҳаво аралашмасида жуда тез ёнади. Уюрма бўлинмада аралашма ҳосил бўлиш жараёни ва асосий кўрсаткичлари олд бўлинмали дизелларнига ўхшаш, фақат ундан двигателини осон юргизиб юбориш билан фарқланади. Ажратилган олд бўлинмали ва уюрма бўлинмали дизеллар кўпроқ тракторларга ўрнатилади.

### 53-§. Таъминлаш тармогидаги асбоб ва механизмларнинг ишлаш услуби


**1** Ёнилғини паст босим орқали узатиши шохобчасига дагал ва майин тозалаш фильтрлари, ёнилғи ҳайдаш насоси ва найчалар киради. Дагал тозалаш фильтрининг тузилиши 152-расмда кўрсатилган.

Фильтр корпуси 4 га ип газламадан тўқилган ва тўр қобирга 6 ўралган тозаловчи қисм 3 ўрнатилган. Ёнилғи тўқима орқали утганда унинг толалари ёнилғи таркибидаги металл заррачаларини тутиб қолади. Тозаланган ёнилғи фильтрининг тозаловчи таркибий қисмларидан ўтиб трубка орқали чиқариб юборилади. Корпуснинг паст қисмида чўкмаларни тўкиб юбориш учун тиқин 5 ли тешикча бор. Юқоридан корпус 4 зичлаб труувчи қистирма 2 ёрдамида қопқоқ 1 билан беркитилган. Қопқоқда, фильтрни чиқариш ва киритиш найчалари билан бирлаштирувчи штуцер учун резьба очилган.

Майин тозалаш фильтри (153-расм) ёнилғини янада яхшироқ тозалайди. Фильтр-марказда тўр қобирғали пўлатдан тайёрланган



151-расм. Ажратилмаган уюрмали ёниш хонаси




152-расм. Ёнилгини дағал тозалаш фильтри:  
а — чиқариш, б — киритиш.

тұрсымон тозаловчи қисм үзаги 8 га үрнатылған. Қобирға пчидап мато үралған тешикчали қувурча үтади. Мато юзасига маҳсус ёпишқоқ бакелит билән түйинтирилған ёғоч қириндиси суртилған бўлиб, унинг устидан бир неча қават дока үралған. Қопқоқ корпусига тозаловчи қисм шайба 4 ёрдамида пружина 3 орқали маҳкамланған. Фильтр қопқоғида тармоқдаги ортиқча ёнилгини ва ҳавони найдалар орқали чиқариб юбориш учун жайлар 13 жойлашган. Металл заррачаларнинг чўқмаси ва қуйқа тиқин 1 орқали чиқариб юборилади.

Ёнилги ҳайдаш насоси юқори босим насосининг корпусига үрнатылған бўлиб, ҳаракатни унинг муштчали валидан олади. Ёнилги ҳайдаш насоси 154-расмда кесиб тасвирланған. Корпус 1 да жойлашган поршень 3 турткич 7 таъсирида ҳаракатга келади.

Поршень ичидә уни қарши томонға ҳаракатлантириш учун пружина 4 жойлашган. Ҳайдаш насосига ёнилги сийракланни натижасида очилувчи клапан 13 орқали киритилади ва юқори босим насосига чиқарувчи клапан 20 орқали узатилади. Ёнилги ҳайдаш насосининг ишлеш услуби 155-расмда кўрсатилған. Корпус 1 да жойлашган поршень 3 турткич 7 таъсирида ҳаракатга



153-расм. Ёнилгини майни тозалаш фильтри:


а — ёнилгини бакка юбориш; б — ёнилгини юқори босим насосига юбориш.

келади. Түртгич таъсирида поршень 3 ҳаракатланиб, ҳайдаш клапани 1 орқали ёнилгини А бўшлиқдан Б бўшлиққа ўтказади. Поршень пружина 8 таъсирида ўз ҳаракат йўналишини ўзгартирганда, Б бўшлиқда босим ортади ва ёнилги юқори босим насосига узатилиади. Бу жараён кетишида поршень юқорисидаги бўшлиқда

синракланиш ҳосил бўлади, на-  
тижада **PDF Compressor Free Version**

очилиб, ёнилги бакдан дагал тозалаш фильтри орқали насос-  
нинг А бўшлиғига киради. Дви-  
гатель ишламасдан турганда насос  
ёрдамида ёнилғи ҳайдаш  
керак бўлса, бу жараён унти  
ўрнатилган қўл юритмали ри-  
чаг ёрдамида бажарилади.

2 Ёнилғини юқори босим  
орқали узатиш шохобчаси.  
Двигатель цилиндрларига юқори  
босим насоси ва ёпиқ форсун-  
калар орқали маълум миқдорда  
(двигателнинг юкланиши ва иш-  
лаш маромига қараб) ёнилги  
пуркалади. Шу тариқа юқори  
босим насоси поршеннинг бир  
иш йўли учун керак бўладиган  
миқдорда ёнилғини тақсимла-  
беради. Ҳар бир цилиндрда пур-  
калаётган ёнилғининг миқдори  
бир-биридан кам фарқ қилиши  
кераклигини зътиборга олиб,  
юқори босим насоси ёрдамида  
ёнилғини тақсимлаш аниқ  
миқдорда булиши лозим. Ёнилги  
цилиндрларга аниқ белгиланган  
вақтда ва жуда қисқа муддатда  
узатилиши керак. Дизелларда  
асосан, плунжер турдаги юқори  
босими ёнилги насоси ишлати-  
лади. Бундай насос дизеллар  
таъминлаш тармогининг энг му-  
раккаб асбобларидан бўриди.  
Юқори босимли ёнилги насосла-  
ри икки турли бўлади: кўп хо-  
нали ва тақсимловчи. Кўп хо-  
нали насосларда ҳар бир хона  
ёнилғини двигателнинг фарқи  
битта цилиндрига етказиб бера-  
ди. Автомобилларга ўриш  
тиладиган (двигатель) дизеллар-  
да, асосан, кўп хонали золот  
никли насослар ишлатилади.




154-расм. Ёнилғи ҳайдаш насоси:

- 1 — корпус, 2 — туташтирувчи туйнук-  
лар, 3 — поршени, 4 — поршени пружини-  
си, 5 — тиқин, 6 — туртгич пружина-  
си, 7 — туртгич, 8 — маҳкамлочи  
ҳалқа, 9 — ўйналтирувчи ролик,  
10 — ўқ, 11 — ролик, 12 — туртгич  
поршени, 13 — киритиш клапани, 14,  
19 — клапан пружинали, 15 — шту-  
цер, 16 — қўл юритмали насос цилин-  
дри, 17 — тасма, 18 — қўл юритмаси  
насос поршени, 20 — чиқарип клапани.

Күп хонали юқори босим насоси. Юқори босим насосининг (156-расм) корпуси 7 да двигателнинг ҳар бир цилинди учун мұлжалланған ҳаракатланувчи плунжер 14 ва гильза 13 дан тузилған ёнилғи насосининг хоналари бор. Гильзалар насос корпуси чуқурчаларига ўрнатилиб, тиқин винтлари 6 билан маңкемланаади. Гильзанинг юқори тешиги киритувчи бўлиб, у ёнилғини насос корпусига юборувчи канал 12 билан туташган. Гильзанинг пастки тешиги чиқарувчи бўлиб, ёнилғини чиқарувчи канал билан туташган. Плунжернинг юқори қисмидаги ташқи деворида доиралий дарча йўнилған. Ундан юқорида винтсимио ариқча бўлиб, у плунжер тепасидаги

бўшлиқ билан плунжердаги ҳалқасимон доиралий йўнмани бирлаштиради. Гильзага юқоридан насос корпуси орқали штуцер 9 буралған бўлиб, унинг ёнаки юзасига жипс қилиб ҳайдаш клапани 11 нинг уяси жойлаштирилған. Штуцерга юқори босимли ҳайдаш найчаси бириктирилған. Ҳар бир хонанинг плунжерлари ҳаракатни насос корпусининг пастки конуссимон роликли подшипнида ўрнатилған муштчали валидан олади. Муштча плунжер 14 га пружина 17 таъсирида доимо тегиб турувчи роликли турткич 20 орқали таъсир қиласи. Плунжер тарелкаси 2 га таъсир қилувчи сиқилған пружина плунжерни аввалги ҳолатига қайтарида. Турткич ролиги 23 буралувчи втулка 22 га ўрнатилған бўлиб, турткич айланаб кетмаслиги учун ўйиқчаси бўлған ролик ўқи 21 тўсқинлик қиласи.

Юқори босим насосининг ишлаш жараёни қўйидагича: плунжер пастга тушганда, унинг тепасидаги бўшлиқ гильза тешигига каналча 12 дан келаётган ёнилғи билан тўлади. Плунжер юқорига ҳаракатланғанда бу тешикча плунжернинг ёнаки чиқиги билан беркилиб қолади ва бу бўшлиқда босим ортади. Босим 1,2...1,8 МПа ( $12\ldots18 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) гача ортганда ҳайдаш клапани очилади, ёнилғи штуцер 8 ва юқори босим трубкалари орқали форсункага узатилади, плунжер кўтарилишини давом эттиради ва шунга боғлик ҳолда босим ҳам ортади. Босим 15 МПа ( $150 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) га етганда форсунка иғнаси кўтарилиб, насос орқали



155-расм. Ёнилғи ҳайдаш насосининг ишлаш тизими:


а ва б — насос бўшлиғи: а) поршеннинг пастга ҳаракатланған юқори босим насосига юборилади; б) поршеннинг юқорига ҳаракатланған юқорига — ёнилғи,

Б — бўшлиқни тўлдиради. 1 — ҳайдаш клапани, 2 — киритиш клапани, 3 — поршень,

4 — тирак, 5 — ролик, 6 — юритма валининг муштчаси, 7, 8 — пружиналар,

9, 10 — ёнилғи туйнуги.

PDF Compressor Free Version




156-расм. Күп хонали босим насосининг кўндаланг кесими.


юборилган ёнилғи двигателъ цилиндрига пуркалади. Плунжер ю. ч. н. га етганды, унинг ариқаси гильза бұшлығи билан түйнүкни бирлаштирувчи киритиш тешикчасини очади, натижада плунжер юқорисида вә форсункага ёнилғи үтказувчи найчаларда босим пасаяди. Ҳайдаш клапани беркилиб, цилиндрларга ёнилғининг келиши тұхтайди. Ёниш жараёнининг яхши бориши учун ёнилғи бериш маълум вақтгача давом этиши керак. Пуркалаётган ёнилғининг миқдори ёнилғини узатиш даврига боғлиқ бұлади. Киритувчи тешикча қанча тез очилса, цилиндрларга пуркалаётган ёнилғи миқдори шунча күп бұлади, тешикча қанча сескин очилса, пуркалаётган ёнилғи шунча камаяди.

Плунжер винтсимон қиррасининг бурилиш даражаси пуркаш муддатини үзгартыриши мүмкін, чунки плунжер буралганды винтсимон қирранинг пастки кесиги гильза тешигининг ёшлиш вақтими, винтсимон қирранинг юқориги кесиги эса тешикнинг очилиш вақтими үзгартыради. Ёнилғини узатиш пайтида плунжер кесигидан чиқариш тешигига бұлган масофа қанча катта бұлса, цилиндрларга шунча күп миқдорда ёнилғи узатилади. Ёнилғи әңг күп узатилаётганды, яъни плунжернинг шу вақтдаги ҳолатида масофа әңг катта бұлади (157-расм). Агар плунжер 157-расм, б да күрсатилған стрелка йұналишида буралса, масофа қисқаради ва узатилаётган ёнилғи миқдори камаяди. Агар плунжер 157-расм, в да күрсатилған томонға буриласа, масофа бу вақтда нолға тенг бұлади ва ёнилғи узатилиши тұхтайди. Бу—ёнилғи узатилишининг ноль ҳолати дейилади.

Плунжерни буриш учун ҳар бир хона тильзасыда втулка бор. Втулканинг юқори қисміда тишли ҳалқа, пастки қисміда плунжер чиқиқлари кириб турувчи иккита тик түшгән үйма бор. Ҳар бир хона (158-расм) корпуси 14 га ёнилғининг узатилишини бошқаруви чи марказдан қочма ростлагич 15 тортыларидан ҳаракат олувчи тишли рейка үрнатылған. Рейка бўйлама ҳаракатланганда плунжернинг ҳолатини үзгартырувчи гильздаги втулка буралади. Рейка насос корпусига итариб киритилса, ёнилғининг узатилиши камаяди, агар рейка корпусидан тортилса, ёнилғининг узатилиши ортади. Ёнилғи узатиш поршень ю. ч. н. га етиши билан тұхтатилиши керак. Валнинг айланишлар сони ортиши билан поршень йўли учун кетадиган вақт қисқарып боради. Шунга боғлиқ равишда ёнилғининг узатилиш вақты ҳам үзгариб, цилиндрға



157-расм. Плунжернинг буралиши таъсирида ёнилғи миқдорининг үзгариши.




158-расм. Күн хонали юқори босим насосининг умумий кўриниши.

пуркалган ёнилгининг ҳаммаси поршень ю. ч. н. атрофида ҳаракатланётган пайтда алангаланиши ва ю. ч. н. атрофида ҳаракатланётган пайтда алангаланиши ва ёниши керак. Ёнилгини илгарилатиб бериш вақти насосининг муштчали валчасини бураб ўзгартирилади. Агар муштчали валча айланиш йўналиши бўйича буралса, поршень ю. ч. н. га етмасдан (айланиш йўналиши бўйича буралса) тирсакли валини айланиш бурчаги бўйича ёнилгини илгарилатиб бериш даври ортади, акс ҳолда камаяди.

Ёнилгини насос орқали узатиш вақтини белгиловчи ўтказиш клапанининг очилиш пайти билан ёнилгининг форсунка орқали пуркалиши орасидаги вақт фарқи унчалик катта эмас. Бу юқори босим найчаларининг деформацияланиши ва ёнилгининг қисман сиқилиши натижасида рўй беради.

**Форсунка.** Тўрт такти ЯМЗ двигателларида ёпиқ ҳолдаги форсункалар қўлланилди (159-расм). Бундай форсункаларнинг пуркалдиган тўзитгич тешиклари игна билан тўсилган. Игна 4 форсунканинг тўзитгич тешигини фақат пуркаш вақтида очади. Форсунка суири паст қисмига тўзитгич 3 ўрнатилган корпус 1 ва тортиб турадиган қалпоқли гайка 2 дан иборат. Тўзитгичнинг пастки тўртта тешикчаси ёнилгини цилиндрларга пуркайди. Игна билан тўзитгич корпуси бир-бирига нисбатан аниқ жойлаштирилган бирикмани ташкил қиласди. Форсункаларнинг янги конструкцияларида цилиндрларга пуркалевчи ёнилги оқимининг яхши алангаланиши учун унинг йўналишини маълум тартибда ўзгариувчи иккита штифт бор.

Игнанинг кетинги учига қайтариб турувчи пружина 9 нинг тарелкаси 8 исканжаланган (прессланган) бўлиб, у штанганинг



159-расм. Ёلىк форсунка:

*А* — ҳалқасымон ариқча;  
*Б*—конуссимон игна остидагы бөшлиқ.


пастки учига тегиб туради. Бұ пружина таъсирида игна, ёнилғи пуркалғандан сұнг, аввалғы ҳолатига қайтарилади. Пружина 9 фасон гайка 11 нинг ичига үрнатылған, уннанг пастки қисми форсунка корпусига бураб киргизилған пружинанинг құшимча тортилишини бошқарувчи винт 10 билан бошқарылади. Винт 10 гайка 11 га бураб киргизилған пружинанинг құшимча тортилишини бошқарувчи винт 10 билан бошқарылади. Винт 10 гайка

11 га бураб киритилгән, у контргайка 12 билан маҳкамланади. Гайка 11 нинг юқори қисми қалпоқ 13 билан беркиншілдиктән шортка корпуси билан туташувчи әнаки юзасида зичлагич шайба 14 бор. Ёнилгини көлтириш учун түр фильтр 17 ни ушлаб турувчи втулка 16 ли штуцер 15 мүлжалланган. Цилиндрлар блоки каллаги устидаги қопқоқ билан штуцернинг туташған жойда резинали зичлагич 18 үрнатылған.

Ёнилгини пуркаш қойидагича кетади: ёнилги штуцер 15 түйнуги бүйлаб форсункага юборилади, ён түйнук бүйлаб айланы шаклли бұшлық А га узатылади, сұнгра үтүвчи оқимни беркиншілдиктән конуссимон игна 4 уяси орқали унинг тагидаги бұшлық Б га келади. Юқори босим насоси ҳосил қылаёттган босим ортган сари, пружина 9 босимнан ҳам ортади ва игна күтарилиб, түзитгич орқали цилиндрларга ёнилғи пуркалади.

Насос орқали ёнилгининг узатилиши тұхтатилиши билан босим бұшлық А да пасаяди. Натижада пружина 9 таъсирида игна 4 пастта тушади ва цилиндрларга ёнилгининг пуркалиши тұхтайди. Юқори босим таъсирида жуда оз миқдордагы ёнилғи томчиларни тирықшалардан форсунканинг юқори бұшлығига үтиши мүмкін. Бу ортиқча ёнилғи қопқоқ билан туташтирилған чиқариш канали орқали ёнилғи бакига чиқарып юборилади.

Илгарилатиб пурковчи автоматик муфта. Пуркашнинг илгарилаш бурчагини двигатель иш маромига қараб үзгартыриш учун муштчали валининг конуссимон олд учига үэ-үзидан ишловчи муфта үрнатылған (160-расм). У белгиланған бурчакка насоснинг муштчали валини бурнаб, двигатель тирсакли валининг айланишлар сонига қараб пуркашнинг илгарилаш бурчаги үз-үзидан үзгараради. Муфта етакчи ва етакланувчи қисмлардан иборат. Етакланувчи қисмидә марказдан қочма күч таъсирида ҳар хил томонларға ҳаракатланувчи юқчалар 12 бор. Бу юқчалар шарнир равишда иккита үққа бириктирилған, юкнинг кесилған жойында пружиналар 4 билан сиқилувчи бармоқлар 16 қотирилған. Шундай қилиб, пружиналар 5 бир томондан үқ 2 ни, иккинчи томондан бармоқлар 16 ни қисиб, муфтанинг етакчи ва етакланувчи қисмларини туташтиради. Муфта марказдан қочма ростлагич каби ишлайди. Тирсакли вал ва унга бөглиқ равишида насос муштчаси валининг айланишлар сони ортиши билан марказдан қочма күч таъсирида муфтадаги юқчалар 12 ҳар хил томонға ҳаракатланишга интилади. Юқчаларнинг ҳаракатланиши муфтанинг етакловчи қисмiga нисбатан етакланувчи қисмининг муштчали валини айланиш йұналиши бүйлаб буради. Натижада, ёнилгини илгарилатиб пуркаш бурчаги ортади. Двигатель тирсакли вали билан насос вали айланишлар сонининг камайиши марказдан қочма күчни камайтиради ва шу туфайли юқчалар пружина 4 таъсирида бир-бирига яқынлашади. Натижада муфтанинг етакланувчи қисми насос валининг айланишига тескари бурилади. Шунингдек, муфта




160-расм. Ўз-ўзидаи илгарилатиб пурковчи муфта:

1—етакловчи ярим муфта, 2—юкчалар ўқи, 3—зичлагич ҳилқа, 4—пружина, 5—етакчи муфта, 6—вилт, 7—етакчи ярим муфта втулкаси, 8 на 10—салынклар, 9—муфтани маҳкамловчи гайка, 11—корпус, 12—юкчи, 13—пружинасими шайба, 14—шпонка, 15—юқори босим ёнилги насосининг муштчали вали, 16—етакчи муфта.

Билан биргаликда насосининг муштчали вали ҳам бурилиб, ёнилғининг илгарилама пуркалиш бурчаги ортади. Муфта бурилиш бурчагининг катталиги пружинанинг тортилиши билан бошқарилади. Бунинг учун пружина 4 нинг татига қўйилган қистирманинг қалинлиги ўзgartирилади.

Тирсакли вал айланишлар сонини чекловчи ростлагич (161-расм) двигатель ҳар хил юкланишда ишлаганда, ёнилғи юбориши педаль орқали бевосита бошқариб, тирсакли вал айланишлар сонини доимий ушлаб туради. Двигатель юкланишсиз ишлаганида кичик айланишлар частотасида турғун салт ишлаши фойдасиз ишга кетган ёнилғи сарфини тежайди ва двигателнинг юкланиш маромига ўтишини осонлаштиради. Айланишлар сонини белгилангандан ошириш, двигателдда механик ва ҳароратли юкланишларни оширади, бу эса уни талафотга олиб келиши мумкин. Шарикли подшипникларда ўрнатилган ростлагич вали б ҳаракатни юқори босим насосининг муштчали вали 1 нинг жуфт шестерняларидан олади. Валга юкчалар 9 ни қотириш учун ушлагич 8 ўрнатилган. Ушлагич панжалари билан муфта 5 ёнидан босади. Юкчаларнинг айланиши натижасида ҳосил бўлган марказдан қочма куч таъсирида бўйлама силжиш ҳаракатни ростлагич ричаги 22 га узатади. Ричаг 22 икки елкали ричаг 18 билан бир ўқда ётади, у бир учи билан ричаг 18 ва иккинчи учи билан ричаг 12 га қотирилган ҳамда пружина 11 таъсирида бўлади. Ростлагичнинг ишлаши қўйида-гича: двигатель юкланиши насайганда цилиндрларга узатилаёт-



161-расм. Тирсаклы вал айланишлар сонини чекловчи ростлагач:

А—әнилгі үзайтыншын камайтириш; Б—айланишлар сонининг ортаси; В—тұхтаси; 1—мунгистаны нақча; 2—кулиса ричаги, 3—таяңч үзак, 4—таяңч подшипниктер, 5—муфта, 6—ростлагач вали, 7—ростлагач вали подшипниктер, 8—үшілдештік, 9—юкналар, 10—рейкалы болықтардың ричаги, 11—пружина, 12 ва 22—ричагтар, 13—тортқын, 14—рейка, 15—әнг үзатыншының болықтардың ричаги, 16—әнг үзатыншының болықтардың ричаги, 17—салт инилән маромининг айланишлар сонини чекловчи болт, 18—икки сякады ричаг, 19—икки елкәнди ричаг шинити, 20—буфер пружинининг корпусы, 21—әнилгі үзайтыншыны ростлошты пінг, 23—корректор, 24—әнилгі үзатыншының ричаги.

ган ёнилғи миқдори ўзгармас, двигатель тирсакли валининг, шунингдек, насос валининг айланишлар сони ортади. Ортиб борувчи марказдан қочма кучлар таъсирида юкчалар бир-биридан қочиб, қармана-қарши томонга ҳаракатланади, натижада насос рейкаси билан бошқарилувчи ричагни соат мили ҳаракати бўйича буриш учун муфта ўз таянчи билан ўнгга сурлади. Бу эса цилиндрларга пуркалаётган ёнилгини камайтириб, тирсакли валининг айланишлар сонини пасайтиради, рейка корпусдан сурлади. Ўзак 3 нинг уяга сурилиши билан ричаг ҳам бурилади. Натижада пружина 11 тортилади ва ричаг ҳаракатига қаршилик кучининг таъсири ортади. Пружина ва марказдан қочма юкларнинг таъсири кучи тенглашса, ричаг 18 тармоғининг ҳаракатланиши тўхтайди ва насос рейкаси маълум ҳолатни эгаллаши билан двигатель ишлаш тезлигининг мароми доимий сақланади. Двигатель юкланиши қанча катта бўлса, шунга боғлиқ равишда айланишлар сони ва марказдан қочма кучининг юкчаларга таъсири шунча кам бўлади. Айланишлар сонининг камайиши билан пружина 11 юкчалар таъсири кучини енгиди, ричаг 18 ни соат мили ҳаракати бўйича буради. Ричаг эса таянч ўзаги 3 ни ва муфта 5 ни чапга буради. Муфта бурилиши билан ричаг соат мили ҳаракатига қарши томонга бурилади, рейка эса насос корпусига тортилади. Шундай қилиб ёнилгининг узатилиши ортади.

Ҳайдовчи двигательнинг ишлаш мароми тезлигини ўзгартириши мумкин. Бунинг учун ёнилғи узатиш педалига босиб, тортки ва ричаг тармоқлари орқали ричаг 16 ни соат мили ҳаракатига қарши йўналишда буради, бу эса пружина 11 нинг сиқилишига олиб келади. Натижада пружина 11 юкчаларнинг марказдан қочма кучларини ентишга ҳаракат қилиб, ричаг 18 ва 22 ни соат мили ҳаракати томон буради. Шу туфайли таянч ўзаги 3 ва муфта 5 чапга ҳаракатланади, ёнилғи узатишни бошқарувчи ричаг 10 ва тортма рейканি корпусга итариши, ёнилгининг узатилиши ортиб, мос ҳолда тирсакли валининг айланишлар сони ҳам ортади. Ёнилғи узатишни бошқариш педалини камроқ босилса пружина камроқ қисилади ва тирсакли валининг айланишлар сони камаяди. Ёнилгининг узатилишини тўхтатиш ва двигательни ўчириш учун ричаг 24 пастга туширилади. Бу ҳолда кулиса ричаги 2 четки ўнг ҳолатда бўлиб, рейка батамом насос корпусидан тортилади ва цилиндрларга ёнилғи узатиш тўхтайди. Двигателни тўхтатиш учун кабинада ричаг 24 билан туташган "стоп" кнопкаси бор.

Ростлагич двигатель тирсакли валининг айланишлар сонини энг кичик салт юргизиша  $450\ldots500 \text{ мин}^{-1}$  атрофида, энг катта тезланишда  $2250\ldots2275 \text{ мин}^{-1}$  ушлаб туриши мумкин. Ёнилғи узатишни кескин ўзгариши буфер пружинаси 20 ва корректор

23 ёрдамида йўқотилади. Кичик ва катта айланишлар сони болтлар 15 ва 17 ёрдамида ростланади.


PDF Compressor Free Version

Бундай ростлаш юқори босим насосли маҳсус стендларда бажарилиши мумкин.

#### 9-мавзу. ДИЗЕЛЬ ДВИГАТЕЛИНИНГ ТАЪМИНЛАШ ТАРМОГИ

I-топшириқ (162-расм).

I. ЯМЗ-236. Двигателниң таъминлаш тармоғининг асбоб-ускуналари қандай рақамлар билан белгиланган?



162-расм. ЗИЛ-645 дизелиниң ёнилғи билан таъминлаш тармоғининг солданған чизмаси ва асбоб ҳамла ускуналарининг жойлашпув тасвири

Ёнилги баки (а), ёнилги қабул қилгич (б), ёнилги қүйиш бүйнининг тўри (в), жўмрак (г), майин тозалаш фильтри (д), штуцер (е), ҳавони тармоқдан чиқариб юбориш учун мўлжалланган майин тозалаш фильтри тиқини (ё), ҳавони системали чиқариб юбориш учун юқори босим насосига қўйилган тиқин (ж), системани қўлда ишлатиш учун мўлжалланган насос ричаги (з), ўтказиш клапани (и), форсунканинг қабул қилгич штуцери (и), форсунка (к), юқори босим насоси (л), қўл насоси (м), дагал тозаловчи фильтр (н), ҳаво тозалагич (а).

II. Қуйидаги жавоблардан ёнилги берувчи ускуналарни тасифловчи таътифни топинг:

1. Двигателнинг юкланишига ва унинг тирсакли валининг айланиш сонига кўра ёнилгини мезонлаб турди. 2. Цилиндрларга жуда аниқ пайтда ёнилги киритилишини таъминлайди. 3. Ёнилгини сифатли қилиб тўзитиб беради. 4. Ёнувчи аралашмани цилиндрларга белгиланган аниқ бир пайтда юбориб турди.

III. Қуйидаги жавоблар қайси асбобга тааллуқлилигини аниқланг:

1. Ёнилгини юқори босим насос бўшлиғига юборишни таъминлаб турди. 2. Ёнилгини цилиндрларга ўз вақтида киритиб турди. 3. Ёнилгини цилиндрларга тўзитиб беради:

а) юқори босимли ёнилги насоси; б) қўл насоси; в) ёнилги қабул қилгич; г) форсунка.

2-топшириқ (162-расм).

I. Қайси рақамлар билан таъминлаш тармоғининг: а) паст босимли; б) юқори босимли линия асбоблари белгиланган.

II. Қуйида келтирилган асбоблардан ёнилгининг бакидан цилиндрларга ўтиш йўлини аниқланг:

а) ёнилги ҳайдаш насоси; б) дагал тозалаш фильтри; в) юқори босим насоси; г) майин тозалаш фильтри; д) форсунка.

III. 162-расмда қуйидаги жавобларни тасвирловчи ёнилги трубкалари қандай рақамлар билан белгиланган:


а) юқори босимли насосни форсунка билан уловчи найча; б) ёнилги бакини дагал тозалаш фильтри билан уловчи найча; в) майин тозалаш фильтрларидан ортиқча ёнилгини ёнилги бакига ўтказиш найчаси; г) форсункадан ортиқча ёнилгини ёнилги бакига ўтказиш трубкаси; д) дагал тозалаш фильтрини ёнилги ҳайдаш насоси билан туташтирувчи найча.

3-топшириқ (163-расм).

I. Расмда тозалаш фильтри деталлари қандай рақамлар билан белгиланган?

Корпус (а), қопқоқ(б), қопқоқ ва корпус оралигига ўрнатилган қистирма (в), тозаловчи таркибий қисм (г), ифлосланган мойни чиқариб юбориш тиқини (д).

II. 1. Дағал тозалаш. 2. Майин тозалаш фильтрларини тасифловчи жанобларни топинг:



163-расм. Ёшығини дағал тозалаш фильтрлари.

- а) тирқишли, симтүрли тозаловчи таркний қисмга эга;
- б) тирқишли, мато шиурли тозаловчи қисмга эга; в) марказдан қочма услуб асосида ишловчи фильтр; г) тозаловчи таркибий қисмлари қоғоздан, табиий жұнлардан ва прессланған қириндилардан ташкил топған түрли фильтр.


III. Қуйидаги фильтрларнинг қайси бирида ёнилғи 1) қисман, 2) тұла фильтрланади:

- а) ёнилғи бакнинг ёнилғи қуиши бўлимидаги түрли фильтрда;
- б) ёнилғи қабул қилгич асбобининг түрли фильтрида; в) мато қоғозли тозаловчи қисми фильтрда; г) тозаловчи таркибий қисмлари қоғоздан, табиий жундан, шиббаланған (прессланған) қириндидан ташкил топған түрли фильтрда.

#### 4-тоңшириқ(164-расм).

1. Расмда мой тозалаш фильтри таркибий қисмлари қандаі рақамлар билан белгиланған?

Корпус (а), қопқоқ(б), тозаловчи қисм (в), ұзак (г), ифлосликларни чиқарыб юборувчи тиқин(д), пружина (е), жиклёр (ж), шайба (ж), қистирмалар (з).



164-расм. Ёнилгини майин тозалаш фильтрлари.

II. 1. Ёнилги тармоғида үрнатылған фильтрлар ёрдамида қандай ифлос заррачалардан тозаланади?

а) Фақат механик заррачалардан; б) механик заррачалардан ва сувдан; в) фақат сувдан.

2. Дизель двигателіда ұаво фильтри қаерда үрнатылған?

а) Карбюраторнинг юқори ұаво киритиш құвурчасига; б) двигателнинг киритиш құвурига; в) компрессорнинг устки қисмiga:

III. 1. ЯЗМ-236 двигателнинг таъминлаш тармоғида қандай турли ёнилги ҳайдаш насоси ўрнатилган?

- а) Диафрагмали; б) шестерняли; в) поршенили; г) плунжерли;  
д) марказдан қочма.

2. ЯМЗ-236 двигателнинг таъминлаш тармоғида ёнилгили ҳайдаш насоси қаерда ўрнатилган?


- а) Двигатель картерида; б) ёнилги бакида; в) юқори босимли насос корпусида.

#### 5-топшириқ(165-расм).

I. Расмда ёнилги ҳайдаш насосининг деталлари қандай рақамлар билан белгиланган?

Поршень (а), поршеннинг қайтарувчи пружинаси (б), қайтарувчи пружина тикини (в), киритиш клапани (г), чиқариш клапани (д), киритиш клапанининг пружинаси (е), чиқариш клапанининг пружинаси (ё), эксцентрик (ж), ролик (з), турткич

Майчин тозалаш  
фильтрига



165-расм. Ёнилгини ҳайдаш насоси.

(и), тиргак (й).

II. 1. ЯМЗ-236 двигателининг тирсакли вали икки марта айланганда ёнилги насосини ҳаракатга келтирувчи муштчали вал неча марта айланади?

- а) Бир марта; б) икки марта; в) тўрт марта.

2. Ёнилги ҳайдаш насосининг роликли турткичига муштчали валнинг қандай қисми таъсир этади?


- а) Муштча; б) таянч бўйинлари; в) эксцентрик.

III. 1. Қандай турдаги насос дизель двигателини ишга туширишдан олдин ёнилги насосини қўлда ишлатиш орқали таъминлаш тармоғини ёнилғи билан тўлдириб беради?

а) Юқори босимли насос; б) плунжерли насос; в) поршенили насос.

2. Поршенили ҳайдаш насосининг ўртача ёнилғи ҳайдаш босими қанчага тенг: а) 0,1...0,13 МПа (1,0...1,3 кгк/см<sup>2</sup>);

- б) 0,15...0,6 МПа (1,5...6,0 кгк/см<sup>2</sup>).



166-расм. Юқори босым насосининг күнжаланг қирғымы.

в) 0,15...6,0 МПа (15...6,0 кгк/см<sup>2</sup>).

#### 6-топшириқ (166-расм).

I. Расмда юқори босимли насосининг деталлари қандай рақамлар билан белгиланган?

Насос корпуси (а), муштчали вал (б), ролик (в), турткич (г), ролик ўқи (д), эркин ўрнатилган втулка (е), ростловчи болт (ё), контрграйка (ж), плунжер пружинаси (з), плунжер (и), плунжер втулкаси (й), рейка чеклагиши (к), бармоқ (л), рейканинг юришини пастки тарелкаси (м), плунжернинг буриш втулкаси (н), плунжернинг юқори тарелкаси (о), тишли сектор (п), қайд қилувчи винт (р), штуцер (с), чиқариш клапани (т), чиқариш клапанининг пружинаси (ү).

II. I. Муштча валининг қандай қисми юқори босимли насосининг роликли турткичига таъсир этади?

а) Таянч бўйинлари; б) муштча; в) экцентрик.

2. Турткичга қандай деталлар таъсир қилиб, уни гильза ичидага юқорига кўтарили?

а) Эркин ўрнатилган втулка; б) пружина втулкаси; в) плунжер.

III. I. Юқори босим насосининг қайси қисми босими 1,5 МПа (15 кгк/см<sup>2</sup>) дан ортганда очилиб, ёнилгининг гильзадан форсункага ўтишини таъминлайди?

а) Штуцер; б) плунжер; в) чиқариш клапани.

2. Юқори босим насосининг қайси бир қисми плунжернинг пастга ҳаракатланишини таъминлайди.

а) Плунжер пружинаси; б) роликли турткич; в) ростловчи винт.

3. Юқори босим насосининг қайси бир қисми чиқариш клапанининг ёпилишини таъминлайди?


а) Плунжер пружинаси; б) чиқариш клапанининг пружинаси; в) чиқариш клапанининг таянчи.

#### 7-топшириқ (167-расм).

I. Келтирилган расмнинг қайси бир кўриниши ёнилги насосининг плунжери бурилиши таъсирида қандай мағомда ишлашини кўрсатади?

1. Ёнилги ноль даражада юборилиши. 2. Ёнилги энг юқори юкланишда юборилиши. 3. Ёнилги ўртача юкланишда юборилиши.

II. I. Агар плунжернинг жойлашуви ёнилгининг энг



167-расм. Плунжернинг бурилиши таъсирида ёнилги миқдорининг ўзгариши.

күп таъминланыстган ҳолатида бўлса, I оралиги қандай қийматга эга бўлади (168-расм).

а) Энг катта; б) энг кичик; в) ўртacha.

2. Плунжернинг бурилиши (168-расм, б) да соат мили бўйича борса, қандай ҳолат юз беради?

а) Оралиги камаяди; б) тармоққа ўртacha миқдорда ёнилғи юборилади; в) оралиги ноль қийматигача қисқаради ва насос тармоққа энг кўп миқдорда ёнилғи юборади; г) оралиги ноль қийматигача қисқаради ва насос тармоққа ёнилғи юбормасдан қўяди.

III. 1.Плунжернинг бурилиши учун гильзанинг ҳар бир хонасида нима мўлжалланган?

а) Тишли гардиш; б) втулка; в) тортилувчи винт.

2. Рейка бўйлама ҳаракатланганда қандай ҳолат юз беради?

а) Втулканинг гильзаси бурилади; б) плунжернинг туриш ҳолати ўзгаради; в) буриластган ёнилғи миқдорини ўзгартиради.

8-топшириқ (168-расм).

I. Расмда юқори босим насосининг деталлари қандай рақамлар билан белгиланган?

Марказдан қочма ростлагич (а), насос корпуси (б), ёнилғи ҳайдаш насоси (в), штуцер (г), рейка (д), шарикли подшипник (е), муштчали валча (ё), стакланувчи ярим муфта (ж), ўқ (з), стакловчи ярим муфта (и), гайка (й), пружина (к), бармоқлар (л), ярим муфта юқчалари (м).

II. Қўйидаги саволларга тааллуқли жавобларнинг тасвирини 168-расмидан аниқланг:

а) двигатель тирсакли валининг айланиш сони ўзгарганда ёнилгини илгарилатиб тўзитувчи автоматик муфта қайси деталга таъсир кўрсатади? б) двигатель тирсакли валининг айланиш сонини қайси узел ўз-ўзидан ростлаб туради? в) ёнилғи таъминотини автоматик равишда ўзгартириб ва тирсакли валининг айланиш сонини бир хилда ушлаб туринш учун насосининг ростлагичи қайси бир деталга таъсир этади?


III. ЯМЗ-236 двигателида тирсакли валнинг айланиш сонини ўзгартириш учун қандай турдаги ростлагич ўрнатиласди.

1. Икки маромли, марказдан қочма. 2. Вакуумли, доимий режимили. 3. Марказдан қочма, доимий маромли.


9-топшириқ (169-расм).

I. Расмда форсунканинг деталлари ва уларнинг қисмлари қандай рақам билан белгиланган?

Тўзитгич корпуси (а), тўзитгич игиаси (б), тўзитгич гайкаси (в), шайбалар (г), форсунка корпуси (д), штифт (с), штанга (ё), пружина тарелкаси (ж), ростлаш винти (з), пружина (и),



168-расм. Күп тармоздан жокори босым насосининг узумий күрниші.



169 рәсм. Ёниқ форсунка.

пружина гайкаси (й), контрграйка (к), штуцернинг резинали зичлагиши (л), штуцер (м), қопқоқ (н), фильтр (о), втулка (п), ҳалқасимон ариқча (р), корпуснинг ёнлама ясалган түйнуги (с), форсунканнинг конуссимон игна остидаги бўшлиғи (т).

**II. Қуйидаги саволларга тааллуқли жавобларнинг тасвиirlарини 169-расмдан аниқланг:**

а) форсунканнинг қайси қисмида ёнилги механик ифлосликлардан тозаланади? Ёнилғи қайси каналча орқали тўзитгичга утади? в) Қайси бир деталь тўзитгичнинг тешикчасини беркитади?

**III. Қуйидаги саволларнинг жавоблари 169-расмда қандай кўринишда кўрсатилган?**


а) Қайси деталь игнаси тўзитгични зич ёпиб туришни таъминлайди? б) Қайси деталь пружинадан игнага куч узатади? в) Ёнилгини нуркаш босими қандай деталь ёрдамида ростлаб турилади?

## 10-топшириқ(170-расем).

I. Расмда ЯМЗ-236 двигателининг киритувчи құкуры ва ҳаво фильтрі деталлары қандай рақамлар билан белгиланған?

Мой ваннаси корпуси (а), тозаловчи қисм (б), қопқоқ (в),

PDF Compressor Free Version



170-расем. ЯМЗ-236 двигателіда киритіні құкуры ва ҳаво фильтринің үрнатылыш тасвири.

кирітувчи құкур (г), чиқарувчи құкур (д).

II. 1. Ҳаво фильтринің қайси бир түри құлпроқ тарқалған?

а) инерцияли-қуруқ б) мойли; в) инерцияли-мойли.

2. ЯМЗ-236 двигателіда қандай тозаловчи таркибий қисмли ҳаво фильтрі үрнатылған?

а) Қоғозли; б) икki қаватли капрон ўрамли; в) күп қаватли наматдан.

III. Келтирилған турдаги ҳаво фильтрларының қайси бири құйидаги автомобилларға үрнатылышы аниқланғ:

1. Инерцион-мойли илашувчи. 2. Инерцион-қуруқ, алмаштириладиган тозаловчи қисмли, икки босқичли тартибда чанг ўз-ўзидан тозалайды. 3. Мойли, алмаштирилмайдыган тозаловчи қисмли, бир босқичли тартибда чангни тозалайды.

а) КамАЗ-5320; б) КамАЗ-5310; в) МАЗ-500, МАЗ-504 А; г) КрАЗ-256, КрАЗ-255.

**ДИЗЕЛЬ ДВИГАТЕЛИНИНГ ТАЪМИЛЛАШ ТАРМОГИ МАВЗУИ  
ЮЗАСИДАН ТҮГРИ ЖАВОБЛАР ҚУЙИДАГИЛАР:**

**1-тотшириқ.** I. а(2), б(1), в(3), г(5), д(7), е(8), ё(9), ж(14), з(12), и(13), й(16), к(17), л(19), м(20), н(22), о(24). II. (1,2,3). III. 1(б), 2(а), 3(г).

**2-тотшириқ.** I. а(2,1,23,21,20,6,7,10,11,4); б(19,14,15,17,8). II. 1(б,а,г,в,д). III. а(15), б(23), в(4), г(18), д(21).

**3-тотшириқ.** I. а(4), б(1), в(2), г(3), д(5). II. 1(б), 2(г). III. 1(в), 2(г).

**4-тотшириқ.** I. а(7), б(10), в(6), г(8), д(1), е(3), ё(13), ж(4), з(2,5,9,12,15,16). II. 1(б), 2(б). III. 1(в), 2(в).

**5-тотшириқ.** I. а(8), б(7), в(16), г(9), д(15), е(10), ё(14), ж(1), з(2), и(3), й(5). II. 1(а), 2(в). III. 1(в), 2(б).

**6-тотшириқ.** I. а(7), б(1), в(23), г(20), д(21), е(22), ё(18), ж(19), з(17), и(14), й(13), к(15), л(16), м(2), н(3), о(4), п(5), р(6), с(8), т(11), у(10). II. 1(б), 2(б). III. 1(в), 2(а), 3(б).

**7-тотшириқ.** I. 1(в), 2(а), 3(б). II. 1(а), 2(а,б), 3(в). III. 1(б), 2(а,б,в).

**8-тотшириқ.** I. а(15), б(14), в(1), г(6,12), д(11), е(3), ё(2), ж(4), з(5), и(6), й(8), к(7), л(9), м(10). II. а(2), б(15), в(11). III. (3).

**9-тотшириқ.** I. а(3), б(4), в(2), г(5,14), д(1), е(6), ё(7), ж(8), з(10), и(9), й(11), к(12), л(18), м(15), н(13), о(17), п(16), р(А), с(В), т(Б). II. а(17), б(А), в(4). III. а(9), б(8,7), в(10).

**10-тотшириқ.** I. а(1), б(2), в(3), г(4), д(5). II. 1(в), 2(б). III. (2).


**11-б. АВТОМОБИЛНИНГ ЭЛЕКТР ЖИҲОЗЛАРИ**

Автомобилнинг электр жиҳозлари электр энергияси ишлаб чиқариш ва автомобилни барча ток истеъмолчиларини электр токи билан таъминлаб туриш учун хизмат қилади. Электр токини ишлаб чиқарадиган ток манбалари, электр токини ўзгартириб берадиган, тақсимлайдиган ва истеъмол қиласидиган тузилмалар йигиндиси автомобилнинг электр жиҳозлари деб аталган мустақил бир қисмини ташкил этади.

Автомобилнинг электр жиҳозларига кирувчи электр асбоб-ускуналарнинг умумлашган чизмаси 171-расмда тасвиранланган. Вазифаларига кўра бу қисмдаги барча электр асбоб-ускуналарни икки гуруҳга бўлиш мумкин: ток манбалари ва истеъмолчилар.

Биринчи гуруҳга электр токи манбалари, иккинчи гуруҳга барча истеъмолчилари киради. Ток манбалари автомобилнинг барча истеъмолчиларини электр энергияси билан мунтазам равишда таъминлаб туради. Энергиянинг бирор турини электр энергияга айлантириб берувчи асбоб ва ускуна электр токи манбаи деб юритилади. Автомобилда механик энергияни электр токига айлантириб берувчи генератор ва кимёвий энергияни

Электр энергиясига айлантирувчи аккумуляторлар батареяси ток манбалари деб аталади.



171-расм. Автомобиль электр жиқозларининг умумланинг чизмаси:

Г—генератор, АБ—аккумуляторлар батареяси, РН(РР)—кучланини ростлагачи (реле-ростлагачи), А—амперметр, ВЗ(УОУ)—йт олдириши узличи, К—стартёрни кўшимча релеси, Ст—стартёр, КТ(УОГ)—йт олдириши галтаги, Р(Г)—йт олдириши таҳсилмагичи, Св—свеча, Пр1, Пр2, Пр3—терробиметали сақлагачи, К1—бурилини кўрсатувчи назорат лампаси, УУ, УТ, УД—ёнилиги сатҳи, ҳарорат ва босим кўрсаткичлари, ДУ, ДТ, ДД—ёнилиги сатҳи, ҳарорат ва босим датчиклари, РП—бурилини даражлагичларининг реле-ростлагачи, В1—бурилини даражлагичларининг қайта улагичи, ПФ1, ПФ2—олд чироқлар, Ф11, Ф12—кетинги чироқлар, Кл2—узақини ёритувчи чироқларининг назорат лампаси, В2—тормозланинг даражлагичларининг узличи, ФГ1, ФГ2—бош чироқлар, В3—марказий ёргулган узличи, В4—чироқларини қайта улагичи, Ф133—таргиф рақамни ёритувчи чироқчча, Зв—төвуш даражлагичи(сигнали), Кн—төвуш билан даражлаш кнопкасини улагичи, Си—ойна тизалагич электродинигители, В5—ойна тизалагич электродвигателининг қайта улагичи.

Электр энергиясини бошқа тур энергияга айлантирувчи асбобускуналар истеъмолчилар деб юритилади. Истеъмолчиларни электр токи билан таъминлаш учун ток манбалари 12 ёки 24 В кучланишли ток ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлади. Ток манбаидан истеъмолчиларга электр токи ўтказгичлар орқали ўтади. Маълумки, ўзи орқали электр токи ўтишига кам қаршилик кўрсатадиган нарсалар ўтказгичлар дейилади. Ток манбалари аниқ ва пухта ишлашлиги учун генератор билан аккумулятор батареяси оралиғида уларни ўз-ўзидан улаб узиб туриш мақсадида ва кучланишининг маълум чегарада ушлаб туриш, шунингдек энг катта ток кучини чеклаш борасида реле-ростлагич асбоби ўрнатилади. Ток истеъмолчилар бир қатор мустақил тармоқ ва ҳар хил электр асбоби ва ускуналаридан ташкил топган бўлиб, вазифасига қараб қўйидаги гурухларга бўлинади:

1. Электр билан таъминлаш тармоғи генератор қурилмаси ва аккумулятор батареясидан иборат. Генератор қурилмасига генератор ва кучланишнинг доимийлигини таъминлаб турувчи ва керакли шароитда токнинг оқишини чеклаш асбоби—кучланиш ростлагичи ёки реле-ростлагич киради. Замонавий автомобилларнинг кўпчилиги ўзгарувчан ток ишлаб чиқарувчи генератор қурилмаларидан ташкил топган.

2. Ишга тушириш тармоғи стартёр ва аккумулятор батареясидан иборат бўлиб, двигателни ўт олдиришда тирсакли валини айлантириб, биринчи бор иш ўйларини бажариб беради. (Шундай қилиб аккумулятор батареяси иккита тармоқнинг ишлаши учун алоқадар экан.) Стартёр автомобилнинг энг кўп қувват талаб этувчи истеъмолчиси бўлиб ҳисоблаиади. Унинг ёрдамида двигателнинг тирсакли вали мажбурий айлантирилиб, двигатель ишга туширилади. Стартёрга электр қисми ўзгармас ток двигатели кўринишида бўлиб, у ишлаганда, яъни двигателни ишга туширишда юз ва ундан ҳам кўпроқ амперга эга бўлган электр токини истеъмол қиласи. Стартёри электр токи билан таъминлаш аккумулятор батареяси ёрдамида бажарилади.

3. Ўт олдириш тармоғи цилиндрга киритилган иш аралашмасини (карбюраторли двигателларда) маълум дақиқада свечанинг электродлари оралигида чиқсан юкори кучланишли электр учқуни таъсирида ўт олдириш вазифасини бажариб туради. Ўт олдиришни таъминловчи асбобларга—индукцион ғалтак, узгич тақсимлагич, ҳар бир цилиндрга ўрнатилган свечалар ва ёнириш қулфи киради.

4. Ёритиш ва ёруғлик нури билан огоҳлантириш тармоғи ёритиш, нур билан огоҳлантириш ёки дараклаш ҳамда улагич, улаб-узгич асбобларини бирлаштиради. Бу тармоққа кирувчи ёритиш асбобларининг асосий вазифаси автомобиль йўлинин бир йўсинда ёритишдан иборат бўлиб, огоҳлантириш асбоблари эса автомобилнинг ҳаракатланаётганлиги түғрисида йўл-йўсинга дахлдор машина ёки одамларга дарак бериб туради.

5. Назорат-ўчов электр тузилмаларига ҳарорат, босим, ёқилғи сатҳи автомобилнинг тезлигини ва ўтган йўлини, двигатель тирсакли валининг айланыш сонини, аккумулятор батареясининг зарядланишини кўрсатувчи асбоблар ва бошқалар киради.

6. Қўшимча электр ускуналар ёрдамчи вазифаларни бажаради, улар товушли дараклаш, ойнатозалагич, шунингдек, иситгич ва шамоллатиш электр ускунчаларидан иборат. Автомобилларда электр токи истеъмолчилари ўзгармас ток билан таъминланади. Ўзгармас ток деб ўтишида фақат бир томонга ҳаракатланадиган токка айтилади. Ҳар бир ўзгармас ток манбаида иккита: мусбат (+) ва манфий (-) қутблар мавжуд.

Мъалумки, автомобилнинг электр жиҳозларидаги истеъмолчи асбоб-ускуналардан ток ўтиши учун ёпиқ занжир ҳосил бўлиши даркор, яъни ток манбайнинг бир қутбидан чиқиб, ўтказгичлардан

истеъмолчиларга ўтиб, улар орқали унинг иккинчи қутбига қайтиб боради. Демак, ток манбалари, истеъмолчилар ва уларни туташтирувчи симлар мажмуси электр занжирини ташкил ўтади. Бунда ички ва ташки электр занжирлар бўлади: ички занжир ток манбанинг ўзида ҳосил бўлади, ташки электр занжирга ток манбаларини истеъмолчилар билан ва уларни яна ток манбалари билан уловчи ўтказгичлар киради. Маълумки, истеъмолчилар бир вақтнинг ўзида ток манбаига икки ўтказгич ёрдамида уланган бўлиши керак.

Замонавий автомобилларда ток истеъмолчилари жуда ҳам кўп ва мураккаблигини ҳисобга олиб, аввалимбор электр жиҳозларини соддалаштириб бир симли тармоқ билан танишиб чиқамиз. Бунда манбадан истеъмолчиларга келаётган электр токи биринчи ўтказгич бўлмиш симли орқали боради ва истеъмолчилардан манбага қайтаётган электр токи эса иккинчи ўтказгич бўлмиш автомобилнинг металл қисми—масса орқали қайтади. Шу сабабли автомобилда қўлланиладиган электр занжир бир симли тармоққа эга бўлган ёни занжир деб аталади. Бу хилдаги тармоқнинг қўлланилиши электр занжирининг жуда ҳам содда ва аниқ ишлашини таъминлаб беради. Одатда манбаларнинг мусбат (+) қутби ташки занжирни симига ва манфий (-) қутби эса автомобиль "масса"сига уланади. Ток манбалари ёки ток истеъмолчилари тармоққа асосан мувозий уланилади. 171-расмдаги схемадан кўриниб турибдики, аккумуляторлар батареяси ва генератор реле-ростлагичга мувозий уланган ва у орқали электр токи истеъмолчиларга ҳам мувозий равишда уланади. Амперметр занжирни кетма-кет уланган бўлиб, генератордан аккумуляторга ўтаётган электр токи кучини ёки аккумулятордан истеъмолчиларга ўтаётган зарядсизланиш токини кўрсатади. Аккумулятор батареяси двигатель тўхтаб турганда ва тирсакли вали секин айланиб ишлаганида, шунингдек, уни электр билан таъминлаб, биринчи бор юргизиб юбориша стартёрни ва бошқа асбобларни ток билан таъминлайди. Двигатель ишга туширилганча, тирсакли валнинг айланиши ортиши билан генератор ишлаб чиқараётган ток истеъмолчиларни тўла таъминлаш учун етарлича бўлади. Шу дақиқада реле-ростлагич барча истеъмолчиларни генераторга улайди ва, шунингдек, аккумулятор батареяси ҳам генератордан зарид токи ола бошлайди. Демак, двигатель ишлаб ўтказгич шароитда эса, генератор электр энергия ишлаб чиқара олмайди, шунинг учун бунда ток манбай бўлиб фақат аккумулятор батареяси хизмат қиласади.

#### 54-§. Қўрошин-кислотали стартёр аккумуляторлар батареясининг вазифаси, тузилиши ва ишлаш услуби


Автомобилларга асосан қўрошин-кислотали аккумуляторли батарея ўрнатилади. Уларнинг конструкцияси белгиланган

сигимидан 3÷5 маротаба күп ток билан зарядлаш имкониятини яратади. Шунинг учун ҳам бундай турдаги аккумуляторлар батареясини стартёрбоп аккумуляторлар деб айтилади.

Оддий аккумуляторли батарея электролит тұлдирилган диэлектрик идишга туширилған иккита құрғошин пластинкадан иборат сульфид кислотанинг сувдаги эритмасидан тайёрланған электролитта ботирилған пластинкалар шу эритмага нисбатан муайян электр күч майдони (потенциали)га эга бўлади ва шу вазиятда мусбат ҳамда манфий электродларга айланиб қолади. Электр күч майдонининг катталиги мусбат ва манфий электродлар учун турлича бўлганлиги сабабли улар сим билан уланганда манфий электроди орқали ток ўтади. Маълумки, электролит — кимёвий тоза сульфат кислотанинг тозаланған (дистилланған) сувдаги эритмаси деб талқин этилади. Эритма ҳосил бўлиш жараённида молекулаларнинг ионларга ажралиш (диссоциация) ҳодисаси муттасил равишда давом этади. Бу жараёнда электролитдаги моддалар мунтазам равишда ионларга ажралади.

Маълумки, биз ион тушунчасини талқин қилганимизда бирор элемент таркибидаги атом ўзидан битта ёки бир нечта электрон чиқариши ёки ютиши натижасида ионга айланишини тушунамиз. Чунончи мусбат ион шундай зарраки, бунда атом ўзидан бир нечта электрон йўқотади. Манфий ион эса ўзига бир ёки бир нечта электрон қабул қиласи. Зарядланганда электролитдаги зичлиги кўпаяди. Демак, электролит таъсирида пластинкалардаги моддалар ҳам қисман ионларга ажралади. Зарядланган аккумуляторнинг манфий (-) пластинкаси говак қўринишидаги қўрғошин ва мусбат (+) пластинкаси қўрғошин оксидидан иборат. Агар аккумуляторга бирор истеъмолчи улаб занжир ҳосил қилсан, шу заҳотиёқ манфий пластинкадаги эркин электронлар ўтказгич бўйлаб мусбат пластина томон ҳаракатланади. Шу пайтнинг ўзида мусбат пластинкадаги мусбат зарядга эга бўлган қўрғошин иони ўтказгичдан электронларни зудлик билан ўзига тортади. Бунинг натижасида ўтказгич ва истеъмолчидан электр токи ўта боради. Умуман олганда, аккумуляторнинг зарядсизланиш ҳолати электролит таркибидаги сульфат кислота сарфи ва сув минқорининг ошиб бориши билан тақозо этилади, натижада зичлиги секин-аста камайиб боради. Зарядсизланган аккумуляторни қайтадан зарядлаш учун ўзгармас ток манбанинг мусбат қисқичи аккумуляторнинг мусбат пластинкасига ва манфий қисқичи манфий пластинкага уланади. Бунинг натижасида электроннинг ҳарикатланиши туфайли зарядсизланишга тескари жараён, яъни аккумуляторни қайта зарядлаш жараёни содир бўлади. Бу жараённи ўтиш даврида электронлар ўтказгич бўйлаб манфий пластинкага ўта бошлайди ва шу сабабли мусбат пластинкадаги электронлар сони камаяди. Электронлар ўтказгичдан манфий пластинкага ўтганлиги учун пластина ёнидаги икки мусбат зарядли қўрғошин

иони билан бирикиб, құрғошин атомини қосып қилади. Құрғошин манфий пластинани қоплай бошлайды ва бу жараенни пластиника лардаги құрғошин сульфат тамом булгунча давом этади. Албітта, бу жараенни үтиши билан электролитда сув камайиб, кислота эса ортади ва бунинг натижасыда электролитни зичлиги нисбатан күпайиб кетади. Бу ҳолат зарядланиш тугалланғанligидан далолат беради. Шу билан бирга, аккумуляторнинг кучланиши зарядлаш вақтида секин-аста ортиб боради ва бу қиймат маълум чегарага етінч, үзгармай қолади. Аккумуляторнинг шу ҳолати унинг түйиниб зарядланғанligини билдиради. Агарда ток бериш давом эттирилса, электролит қайнаб кетади. Бу ҳам зарядланиш тамом бўлганligини кўрсатади. Аккумуляторнинг зарядсизланиш ва зарядланиш жараенидаги кимсвий үзгаришлар қўйидаги кўринишда ёзилиши ва таҳдил этилиши мумкин:



Түйиниб зарядланган стартёрбоп аккумуляторларнинг ички қаршилиги жуда ҳам кичик бўлади, акс ҳолда бу турдаги аккумуляторли батарея стартёри катта қийматта эга бўлган ток билан таъминлай олмаган бўлар эди. Аккумулятор ички қаршилигининг ҳақиқий қиймати электролит қаршилиги, пластинкалар қаршилиги, сепараторлар, яъни құрғошин пластинкаларнинг бирбирига тегиб қолмаслигини таъминлайдиган ажратгичлар қаршилиги, шунингдек пластинкалар сиртида водород ажralиб чиқиши натижасыда ҳосил буладиган қутбланиш э. ю. к ( $E_k$ ) га бевосита боғлиқ. Маълумки, электролит қаршилиги унинг таркибиий қисми, ҳарорати ва зичлигига қараб үзгаради. Масалан, электролитнинг зичлиги  $1,2-1,3 \text{ г}/\text{см}^3$  ва ҳарорати  $15-17^\circ\text{C}$  бўлганда кислотали аккумулятор электролитнинг қаршилиги анча кичик бўлади. Мабодо электролит ҳарорати  $15^\circ\text{C}$  дан паст бўлса унинг қаршилиги нисбатан катта бўлади, чунки бунда модда молекулаларнинг бошқа модда орасига үтиши (диффузияданиш) жараенни ёмонлашади. Электролит зичлиги юқорида келтирилган қийматдан ошиб кетса, ички қаршилик янада ортиб боради. Аккумуляторларда ўрнатилган ажратгичлар қаршилиги фақатгина уларнинг ғоваклик ҳолатига боғлиқ, яъни ғоваклигини ортиши диффузияданиш жараенни барқарорлаشتариади ва бунинг натижасыда қаршилик камаяди. Ажратгич пластинкаларнинг қаршилиги, асосан уларнинг конструкциясига, шаклий ўлчамларига, шунингдек фаол (актив) модданинг кимсвий ҳолатига боғлиқ.

Авваламбор, аккумуляторнинг қўлланиши у ишлайдиган пайтда унинг зарядланишига ва зарядсизланишига, шунингдек зарядсизланиш ёки зарядлаш ток қийматининг катта ёки кичиклигига қараб ҳар хил миқдорда ўзгаради. Кучланиш кўп сабабларга кўра ички қаршилик қийматига ҳам бевосита боғлиқ. Ички қаршилик ортгаида кучланиш қиймати кичиклашиб кетади. Ундан ташқари, зарядсизловчи ток ёки электролитнинг ҳарорати камайиши ҳам кучланиш қийматини кичиклашириб юборади. Агарда аккумуляторнинг зарядланиш жараёнида зарядловчи ток ёки қаршилик ортиши биланоқ, унинг қисқичларидаги кучланиш кўпайиб бора-ди. Аккумуляторнинг яна бир асосий курсаткичларидан бири унинг сиғими ҳисобланади. Маълумки, аккумуляторнинг маълум миқдордаги электр токини қайтариб беришга мўлжалланган қоби-лияти унинг сиғими билан тавсифланилади. Демак, аккумулятор сиғими деб аккумулятор энг кам кичикланишига йўл қўйилган кучланишгача зарядсизланган чоғда у берадиган умумий электр токи миқдорига айтилади. Сигимнинг ўлчов бирлиги ампер-соат (A·с) деб қабул қилинган. Шундай қилиб, ток қийматини зарядсизланиш вақтига кўпайтириб, зарядсизланиш жараёнида қанча электр энергияси берганлигини аниқлашимиз мумкин.

Кислотали аккумуляторларнинг ишчанлиги ва сиғимнинг ҳолат даражаси, яъни электролит зичлиги; электролит ҳарорати; мусбат ва манфий пластиналарнинг ҳаракатланаётгандаги фаол (актив) моддалар сонига, зарядловчи ва зарядсизловчи ток қийматига ва юкланиш даражаси ва кимёвий модданинг тозалигига бевосита боғлиқ бўлади. Аккумуляторлар батареясининг ишчанлигини аниқловчи курсаткичлардан яна бирни электр қайтариши коэффициенти деб аталади. Маълумки, аккумулятор ишлаганида электр энергиясининг бирор-бир қисми қайтарилима кимёвий реакцияларга ва иссиқлик энергиясининг ажralиб чиқишига сарф бўлади. Шунинг учун ҳам аккумуляторни зарядлаш чоғида унга зарядсизланганда у берадиган электр энергиясидан анча кўпроқ миқдорда электр токи бериши лозим. Демак, қайтариш коэффициенти деб зарядсизланишда қайтарилиган ампер-соат ( $Q_3$ ) нинг зарядланиш вақтида аккумулятор ўзига олган, яъни қабул қилган ампер-соатлар ( $Q_3$ ) га нисбатига айтилади:


$$\eta = \frac{Q_{3\text{c}}}{Q_3}$$

Бу коэффициент кислотали аккумуляторлар учун 0,85 га teng.

Юқорида кўриб чиқилган аккумуляторлар батареяси баъзи бир камчиликларга эга. Масалан, ҳар бир аккумуляторнинг сигими унча катта бўлмаганлиги сабабли токни тезкорлик билан бериб зарядсизланишиб қолади. Шунинг учун аккумуляторлар батареясида бир нечта пластинкаларни мувозий улаш йўли билан уларнинг умумий сигимини бир неча бор кўпайтириш мумкин. Батареяни ташкил этувчи зарядланган аккумуляторларнинг ҳар бири ўртacha

2В кучланишга эга бўлиб, зарядсизланиш натижасида кучланиши секин-аста камайиб боради. Лекин, аккумулятордан даврида унинг кучланишини 1,7 В дан камайтиришга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бу ҳол унинг тезкорлик билан ишлаш қобилиятини йўқотади ва бузилишига олиб боради.

Маълумки, автомобилларнинг электр истеъмолчилари асосан 12 ёки 24 В кучланишда ишлашга мўлжалланган. Шунинг учун олтита аккумуляторларни кетма-кет улаб, 12 В кучланишли аккумуляторлар батареясини таркиб топтирамиз. Агарда 24 В кучланиш ҳосил қилиш керак бўлса, кетма-кет улганган иккита шундай аккумуляторли батареядан фойдаланиш лозим. Бунда унинг умумий электр сифими 90 А соатлигича қолади, лекин кучланиши эса 24 В га стади.



Умумий сифим 90 А саат 24 В

172-расм. Қўргонин кислотали стартёрбон аккумуляторлар батареясининг соудалашган уланин чизмаси:

а — мувозий, б — кетма-кет.

Мусбат 10 ва манфий 9 пластинкаларни 94 фоиз қўргонин ва 6+8 фоиз сурма қотишмасидан таркиб топган бўлиб, у асосан панжара шаклида қўйилиб, унинг оралиғи фаол таркибли масса билан тўлдирилади. Пластинка таркибига киритилган сурма элементи панжаранинг смирилишга чидамлилигини ҳамда унинг пухталигини оширади ва панжарани қўйиб тайёrlашда қотишманинг оқувчанлигини оширади. Мусбат пластинкага фаол масса сифатида қўргонин оксидлари билан сульфат кислотанинг сувдаги эритмасида ҳосил бўлган аралашмаси қопланса, манфий пластинага эса қўргониннинг кукуни қопланади. Худди шу усулда тайёrlанган пластинкалар электролитга ботирилиб, бир неча бор зарядланиш ва зарядсизланиш жараёнларини ўтади. Бунинг натижасида мусбат пластинкаларда тўқ жигаррангли қўргонин

Аккумуляторлар батареясининг содалашган уланин чизмаси 172-расмда тасвиранган. Бунда 12 В кучланиш олиш мақсадида иккита батарея ўзаро мувозий уланади, бунда умумий сигим айрим-айрим батареялар сигимларининг йигинидини ташкил этади ва 180 А-соатга тенг бўлади. Умумий кучланиш эса 12 В лигича ўзгармай қолади.

Аккумуляторлар батареяси кислотага чидамли збонит, пласт-

масса ёки полипропилендан бир бутун қилиб ясалган моноблок

4 шаклидаги корпусга жойлаштирилади (173-расм) ва ҳар бир аккумулятор тўсиқлар ёрдамида бир-бирларидан бўлаклар (бан-калар)га ажратилган. Шу тариқа ҳар бир бўлакчага алоҳида-

алоҳида қилиб аккумуляторлар ўрнатилади. Бўлакчаларнинг ту-

бига қобиргалар ясалган бўлиб, бу қобиргалар аккумуляторнинг ту-

бига чўқмалар йиғилганда (реакцияга кирувчи фаол массали суюқлиқ тўкилганда) пластинкаларни қисқа туташишидан эҳтиёт қиласи.


Мусбат 10 ва манфий 9 пластинкаларни 94 фоиз қўргонин ва 6+8 фоиз сурма қотишмасидан таркиб топган бўлиб, у асосан панжара шаклида қўйилиб, унинг оралиғи фаол таркибли масса билан тўлдирилади. Пластинка таркибига киритилган сурма эле-

менти панжаранинг смирилишга чидамлилигини ҳамда унинг пухталигини оширади ва панжарани қўйиб тайёrlашда қотиш-

манинг оқувчанлигини оширади. Мусбат пластинкага фаол масса сифатида қўргонин оксидлари билан сульфат кислотанинг сувдаги эритмасида ҳосил бўлган аралашмаси қопланса, манфий пласти-

нага эса қўргониннинг кукуни қопланади. Худди шу усулда тайёrlанган пластинкалар электролитга ботирилиб, бир неча бор зарядланиш ва зарядсизланиш жараёнларини ўтади. Бунинг на-

тижасида мусбат пластинкаларда тўқ жигаррангли қўргонин



173-расм. Құрғошин-кислотали стартербоп аккумуляторлар батареяси.

пероксиди ва манфий пластина сиртларида эса күлранг ғовак құрғошин ҳосил бўлади. Йигилган пластиналар бикртаг 5 ёрдамида манфий ва мусбат пластиналар ярим блокига бириктирилади. Мусбат пластиналар эса манфий пластиналар оралигидан ўрнатиласди. Шу сабабли манфий пластиналарнинг умумий сони битта пластинакага кўп. Ҳар бир ярим блок бикртагидан чиқиқ (штири) чиқарилган. Энг чеккага жойлашган аккумуляторларнинг биттадан чиқиқлари 6 ва 7 узайтирилган бўлиб, булар аккумуляторлар батареясини ташки ёпиқ занжирга уловчи мусбат ва манфий қутблар вазифасини ўтайди. Пластина 9 ва 10 ларнинг манфий ва мусбатлиги туфайли бир-бирига қисқа туташиб қолмаслиги учун улар орасига кислотабардош хусусиятга эга бўлган ашёлардан тайёрланган ажратгичлар 8 қўйилган. Биринчи бор ажратгичлар ёғочдан тайёрланган. Сўнгги йилларда ажратгичлар учун асосан микроговакли эбонит (минор), милласт, пластипор (микроскопик ғоваклари бўлган пластмасса) ишлатилмоқда. Ажратгичларнинг бир томони қобиргали бўлиб, шу томони мусбат пластинакага қаратиб ўрнатиласди. Мусбат ва манфий пластиналар ярим блок ва ажратгичлар билан бирга тўпланиб, банкага жойлаштирилади. Ҳар бир блок устки томонидан кислотага чидамли пластмассадан ясалган тўсик билан ёпилади. Ҳар бир бўлакча алоҳида қопқоқ 2 билан бириктирилган бўлиб, уларда учта тешикча мавжуд. Буларнинг ўртада жойлашганида электролит қўйиш учун мўлжалланган тешик бўлиб, резъвали тиқин ёрдамида беркитилади. Чеккаларида жойлашган тешиклар ярим блокидан чиқитларнинг ташқарига чиқиб туриши учун хизмат

қиласи. Маълумки, аккумулятор ишлаганда элекстролит таркибидаги сув буғланади. Шунинг учун аккумуляторни ташини муҳим билан туташтириб шамоллатиш мақсадида тиқинида алоҳида тешик ясалган. Янги аккумуляторлар батареясини ишга тушириш учун унга элекстролит қўйилади. Элекстролит пластиналар юқори чегарасини 10—15 мм кўмиб туриши лозим. Автомобилни ишлатиш ҳарорати шароитларига қараб тўла зарядланган аккумулятор элекстролитнинг зичлиги  $1,32 \pm 1,30 \text{ г/см}^2$  бўлиши керак. Шунингдек, аккумулятор тўла зарядсизланганда дастлабки мақбул зичлиги  $0,15 \pm 0,16 \text{ г/см}^3$  га камаяди. Элекстролитнинг музлаш ҳарорати унинг зичлигига бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун қишиш шароитларида автомобиль ишлаётганда ундаги элекстролит музлаб қолмаслиги учун унинг зичлигини мақбуллаштириб туриш лозим. Шунинг учун иқлим шароити паст ҳароратли минтақаларда элекстролитнинг зичлиги нисбатан юқори бўлиши лозим. Қўйинда элекстролитнинг зичлигига қараб музлаш ҳарорати келтирилган.

Ҳарорат —  $25^\circ\text{C}$  бўлганича элекстролитнинг зичлиги  $\text{г/см}^3$  ... 1,09; 1,12; 1,16; 1,18; 1,20; 1,24; 1,26.

Музлаш ҳарорати  ${}^\circ\text{C}$  ...  $-7^\circ\text{C}$ ,  
 $-10^\circ\text{C}$ ,  $-18^\circ\text{C}$ ,  $-28^\circ\text{C}$ ,  $-50^\circ\text{C}$ ,  
 $-58^\circ\text{C}$ ,  $-66^\circ\text{C}$ .


Автомобилларга ўринатиладиган аккумуляторлар батареяси ГОСТга мувофиқ шартли номга — белгига эга. Масалан, аккумуляторлар батареясини 6 СТ—90—ЭМни қўйидагида ўқиймиз: биринчи рақам 6 — батареядаги аккумуляторларнинг сонини билдиради. Ҳар бир аккумуляторнинг кучланиши 2 В бўлгани учун олтита аккумулятор банканинг умумий кучланиши 12 В га тенг бўлади. СТ ҳарфлари батареясининг вазифасини стартёрбои эканлигини билдиради, яъни шу батарея билан стартёрни айлантириб ишлатиш мумкин. Ҳарфлардан кейинги 90 рақами аккумуляторлар батареясининг ампер-соатларда ўлчангандай сигими, яъни 90 соатли зарядсизланиш маромида ампер-соатларда кўрсатилган батарея сигимини билдиради. Охириги ҳарфлар: моноблок — масса ашёсини ( $\Theta$  — эбонит,  $T$  — термопласт) ва ажратгичлар ашёсини ( $M$  — минпласт, агарда  $P$  бўлса — пластмасса,  $C$  бўлса — шина,  $R$  бўлса — мипор деб ўқилади) ифодалайди. Агарда ажратгич ашёсини аниқловчи ҳарфдан кейин  $H$  ҳарфи қўйилса, батарея қуруқлайн зарядланмайдиганини ва "3" қўйилса, қуруқлайн зарядсизланишини билдиради. Мабодо белтида  $A$  ҳарфи бўлса, демак, батарея умумий қопқоққа эга эканлигини кўрсатади.

### 55-§. Ўзгармас ток генераторининг вазифаси, тузилиши ва ишлаш услуби

Маълумки, механик энергияни электр энергиясига айлантириб берувчи электр машинани генератор деб атаймиз. Генераторда электр токи ҳосил қилиш электромагнит индукциясига асосланади.

Автомобилларда құлланиладын генераторлар мувозий чулғамли үзгармас ток генераторидір. Автомобиль генератори ҳаракатни двигателнинг тирсакли валидан шкив орқали олады. Тирсаклы валининг ўрта ва ундан юқори айланишларда генератор ишлаб чиқарған электр энергия истемолчи асбоб ва қурилмаларини бемалол таъминлаб, ортиқча токни бир вақтнинг үзіда аккумулятор батареясына юборады ва уни зарядлайды.

Үзгармас ток генератори (174-расм) ҳаракатланувчи ва ҳаракатланмайдын қисмлардан иборат. Ҳаракатланувчи қисм якорь 5 ва уннинг валига шпонка ёрдамида ўрнатылған шкив 1 дан ташкил топған. Генератор якорининг валига ўрнатылған шкив тирсакли валининг шкиви билан тасма орқали туташғанлығы сабабли, двигатель ишлаганда ҳаракат генератор якорига муттасил равишида узатылады. Генератор шкивиде маҳсус парракчалар қилинген булиб, бу парракчалар генератор ишлаганда уни ҳаво оқими билан соғытыв турады. Генераторнинг корпуси варақали (листли) камуфлеродлы пұлатдан ёки пұлат трубалардан тайёрланады.



174-расм. Үзгармас ток генератори:

- 1 — шкив, 2 — ва 15 — көпқоқлар, 3 — майдыштар, 4 — ва 12 — шарсымой подшипниклар, 5 — якорь, 6 — коллектор, 11 — ва 13 — чұтқа тутғычлар, 14 — қимоя ленса (тизма).

Якорь вали бир-биридан муҳофаза қилинганини раракади элек-  
тротехника навли пўлатдан тайёрланиб, бир қатор пластинкалар-  
дан йигилган ўзак ва ўзаро муҳофазалашган мис пластинкалардан  
иборат коллектор деб аталувчи қисмлар ўрнатилган. Якорнинг  
ўзак қисмидаги ўқ бўйлаб ясалган ариқчаларда (пазларда) сим  
чулғамлари ўрнатилган бўлиб, уларнинг барча учлари колек-  
торнинг пластинкаларига уланади. Якорь генераторнинг  
ҳаракатланмайдиган қисмига кирувчи олдинги ва кейинги  
қопқоқлар 2 ва 15 подшипниклар 4, 12 орқали ўрнатилган. Қопқоқлар 2, 15 цилиндрик корпус 7 га узун болт 16 ёрдамида  
ўқ бўйлаб маҳкамланган. Корпуснинг ички қисми томонидан  
қарама-қарши тарафларига қолдиқ магнитли қобилиятга эга  
бўлган иккита ёки тўртта ўзак қотирилиб, уларга кетма-кет  
улангандан ўйғотиш чулғамлари 17 ўрнатилган. Чулғамларнинг бир  
учи генераторнинг манфий чўткасига ва иккинчи уни мессадан  
муҳофаза қилинган "Ш" қисқичига уланган. Демак, ўйғотиш  
чулғамлари ўзаро кетма-кет ва ташки занжир истеъмолчиларига  
нисбатан мувозий уланган. Кейинги қопқоқ 15 га чўтка тутгичлар  
13 ҳамда мис графит арадашмасидан тайёрланган чўтка ўрна-  
тилган. Чўткалар пружиналар ёрдамида коллектор 6 га бурчак  
остида тиралиб туради.


Коллекторнинг манфий чўткаси мессага, яъни генераторнинг  
металл қисмига уланган бўлиб, мусбат чўтка эса мессадан  
муҳофазаланган "Я" қисқичига уланган. Чўткаларнинг аниқ иш-  
лашини текшириш учун корпусда маҳсус дарчалар мўлжалланган  
бўлиб, чанг ва ифлосликлар кирмаслиги учун улар ҳимоя лента  
14 билан беркитиб қўйилади. Генератор двигателга кронштейн  
ёрдамида маҳкамланади. Двигатель ишлагач, генераторнинг якори  
айлана бошланиши биланоқ унинг ўзакли чулғамлари корпус  
ўзагининг қолдиқ магнит куч чизиқларини кесиб ўта бошлайди  
ва шу туфайли кучсиз э. ю. к. ҳосил қиласиди. Ҳосил бўлган ток  
уйғотиш чулғамларидан ўтиб, унда қўшимча магнит майдонини  
ҳосил этади. Кучайган магнит майдонни кесиб ўтган якорь  
чулғамида илгаригисига нисбатан кучлироқ э. ю. к. таркиб  
топади. Бу эса ўз навбатида магнит майдонни янада кучайтириб  
беради. Бунинг натижасида генератор якорининг даврий айлани-  
шидан сўнгги истеъмолчиларни ток билан таъминлаш учун  
етарлича кучланиш ҳосил бўлади. Маълумки, двигательнинг иш-  
лаш маромига қараб генератор якорининг айланишлар сони ва  
юкланиши ўзгариб туради, натижада генератор қисқичларида  
кучланиш ўзгаради. Бундай шароитларда генератор билан туташ-  
ган қурилмаларнинг мақбул ва аниқ ишлаши учун ўзгармас ток  
генератори ва аккумулятор батареяси занжирига реле-ростлагич  
деб аталган асбоблар бирикмаси ўрнатилади. У тескари ток  
релеси, ток чеслагичи ва кучланиш регуляторидан иборат. Кей-  
инги йилларда ўзгармас ток генераторлари билан баробар авто-  
мобилларда ўзгарувчан ток генераторлари ҳам қўлланилмоқда,

чунки улар күп күрсаткичлари бүйича ўзгармас ток генераторларидан яхши ишлади, шу билан бирга унинг оғирилиги кам ва ўлчами кичик ва пухта. Үндән ташқари, ўзгарувчан ток генераторларда тескари ток релеси ва ток чеклагич ишлатилмайды. Лекин бундай генератор конструкциясида ушбу асбобларни вазифасини ўтовчи тузилма мүлжалланган бўлади.

### 56-§. Ўзгарувчан ток генераторининг вазифаси, тузилиши ва ишлаш услуби


Автомобилларда ўз-ўзидан уйгониш ҳосил қиласидаган ўзгарувчан ток генератори қўлланилади. Лекин, ўзгарувчан токни ўзгармас токка тўғрилаш, кучланишини бир меъсрда ушлаб туриш ва генераторни зўриқиб ишлашдан сақлаш учун ўзгарувчан ток генератори таркибига қўшимча асбоб ва ускуналар киритилади. Бу қурилма, яъни генератор қурилмаси — генератор, тўғрилагич ва реле-ростлагичдан иборат. Автомобилларда конструкцияси бирбирига ўхшаш Г-222, Г-250, Г-266 ва Г-271 ўзгарувчан ток генераторлари кенг қўлланилади.

175-расм *a* да "Москвич" автомобилларида қўлланиладиган Г-222, турадиган ўзгарувчан ток генераторининг бўйлама қирқими тасвиirlанган. Ўзгарувчан ток генератори ҳам, худди ўзгармас ток генератори сингари қўзгалмас ва қўзгалувчан қисмлардан тузилган. Қўзгалмас қисми статор, қопқоқлар ва чўткаладан иборат булиб, қўзгалувчи қисмига эса ротор, илашма ҳалқалар



175-расм, а, б. Ўзгарувчи ток генератори, а — тасвирий қўриниши,  
б — электр чизмаси.

ва шкив киради. Бу турдаги ток генератори учта фазовий чулғамга эга бўлган статор 1 га эга. Ҳар бир чулғамниң бўлиб, улар статорнинг ички томонидан ўрнатилган гардишларга ўтқазилган фазаларни ташкил этувчи чулғамлар ўзаро юлдуз шаклида уланиб, ҳар бир чулғамнинг иккинчи учлари шкив 13 нинг қарама-қаршисидаги қопқоққа ўрнатилган тўғрилагичга уланган. Ротор 8 ўзгармас магнит майдони эмас, балки ҳаракатланувчи магнит майдони ҳосил қилиш учун хизмат қилади. У қутблаш учликларидан ва уйғониш чулғамидан ташкил топган. Булар фақат кучли магнит майдони пайдо қилибгина қолмай, шунингдек, ростлагич ёрдамида унинг қиймати генераторнинг айланышлар сонига ва юкланишига қараб ўз-ўзидан ўзгариб туради. Ротор индуктори битта ва баъзан иккита уйғониш чулғамидан иборат бўлиб, чулғам учун диаметри  $0,6+1$  мм, ўрамлар сони  $550+700$  бўлган мисдан тайёрланган сим ишлатилади. Ток чулғамнига сирпанувчи контакт орқали келади. Ҳар бир чулғамнинг чиқиғи бўлган юлдузча билан кўндалани тарафидан ушлаб турилади. Бу чиқиқлар ўз навбатида қутблар ҳамдир. Ротор 12 та, яъни 6 та шимолий ва 6 та жанубий қутбга эга бўлиб, бу қутблар статор ичидаги айланади. Юқорида қайд этилганидек, ротордаги индукторни уйғотиш учун ўзгармас ток керак. Уни олиш учун селенли ёки кремнийли тўғрилагич ишлатилади. Генераторда олтита кремний диоди бор. Ўз-ўзидан уйғонадиган ўзгарувчан ток генератори айланышлар сони катта чегараларда бўлганда яхши ишлайди. Ундан ташқари, ўзгарувчан ток генераторларида коллекторнинг бўлмаслиги, ротор индукторнинг чулғамлари пухта маҳкамланганилиги уларнинг роторларини тез айлантириш имконини яратади. Генератор ишлаб чиқараётган ўзгарувчан ток тўғрилагич блоки (ТБ) ёрдамида ўзгармас токка айланаб, кучланиши эса генератор ичидаги жойлашган интеграл кучланиш ростлагичи КР ёрдамида мақбуллашиб турилиб турилади (175-расм, б), бу эса ўз навбатида оғирлиги кам ва ихчам генераторларда катта қувват олишга имкон яратади. Енгил автомобилларда ва ГАЗ ҳамда ЗИЛ автомобилларида қуввати 500 вт га етадиган ўзгарувчан ток генератори ишлатилади. Дизелли оғир юқ автомобиллари учун 650 вт, ўрта ва катта туркумли автобуслар учун эса 750 вт қувватли генераторлар ишлаб чиқарилади. Ўзгарувчан ток генераторлари автомобиль 200-250 минг км йўл юриш учун мўлжалланган бўлиб, бу эса ўзгармас ток генераторнинг ишлаш муддатидан икки марта ортиқдир. 176-расмда тасвирланган генераторнинг тармоқларга уланган схемаси орқали генераторнинг тармоқлараро кўлишиб ишлаш услуби билан танишиб чиқамиз. Бунда ёндириш қулфи-нинг улагичи уланиши билан ток аккумуляторлар батареяси 1 дан кучланиш ростлагичига бориб, ундан генератор роторининг уйғониш чулғами 2 га ўтади ва унда магнит оқими ҳосил қилади. Роторнинг айланishi натижасида унинг магнит чизиклари уч



176-расм. Генераторнинг тармоқланган умумланишни чизмаси:

1 — аккумуляторлар батареяси, 2 — генератор, 3 — сиқлагич ва релеининг йигма блоки, 4 — ўт оғдиришининг узини, 5 — волтметр.


фазали статор чулғамларини кесиб ўтади, натижада уларда ўзгарувчан кучланиш уйғотади, кейинчалик генераторнинг түгрилагич блоки ёрдамида ўзгармас токка айлантирилиб, автомобиль истеммолчилариға юборилади. Генераторнинг "+" мусбат чиқиғидан чиқастган кучланиш интегралловчи ростлагич ёрдамида ўзгартирилиб, ўз-ўзидан мақбуллаштириб турилади.

### 57-§. Реле-ростлагич асбобларининг вазифаси, тузилиши ва ишлаш услуби

Ўзгармас ток генератори ва аккумуляторлар батареяси занжирiga уланган реле-ростлагич двигатель тирсакли валининг айланнишлар сони ўзгарганда ва занжирдаги юкланиш ортганинда ёки камайганида генераторнинг белгиланган маромида ишлашини таъминнаб туради. Бу вазифани аниқ бажариш учун реле-ростлагич ўзгармас ток генераторининг ишлаш шароитига монанд ўз-ўзидан улаш ва узиш, зўриқиб ишлашдан сақлаш ва кучланишини доимий бир меъёрда ушлаб туриши лозим.


Маълумки, генераторнинг тури ва қувватига қараб замонавий реле-ростлагичларда иккитадан тұртtagача электр магнит тармоғи бўлади. Биз таҳлил қилаётган реле-ростлагич уч қисмли бўлиб, айрим-айрим электр магнит тармоғига эга бўлган тескари ток релеси, ток чеклагичи ва кучланиш ростлагичидан ташкил топган.

177-расмда ЗИЛ-130 автомобилларга ўрнатиладиган учта түзилмали РР-130 реле-ростлагичининг тузилиши ва 178-расм, а ва б ларда унинг конструкцияси иккى хил электр чизмалар орқали талқин этилган. Бунда кучланиш ростлагичи б, ток чеклагичи 5 ва тескари ток релеси 3 биргаликда реле-ростлагични ташкил этиб, буларнинг барчаси асосни ташкил қилувчи, умумий пойтахта 9 га ўрнатилган ва қопқоқ 4 билан беркитилган. Пойтахтанинг чиқиқларига резина амортизаторлар 2 ўрнатилган бўлиб, улар реле-ростлагичга автомобиль ҳаракати




177-расм. ЗИЛ-130 автомобилининг  
РР-130 реле-растлагичи.

178-расм. РР-130  
реле-растлагичнинг чизмалари.



батарея да  
источник силы



даврида узатиладиган титрашни сусайтиришга ёрдам беради. Реле-ростлагичнинг қаршиликлари 1, 7 ва 8 лар пойтахтанинг остига жойлаштирилган. Реле-ростлагичнинг Я, Ш ва М (масса) қисқичлари генераторнинг шу номли қисқичларига, Б қисқичи эса аккумуляторлар батареясининг мусбат қисқичига ва истельмолчиларга уланган. Реле-ростлагичларнинг ишлаш услубиятини аниқ тасавиур қилиш мақсадида икки хил таҳлилга молик бўлган 178-расмдаги тасвирий чизмаларни айрим-айрим ҳолда кўриб чиқамиз. Бу расмнинг ярим йигма (монтаж) чизмасида (178-расм, а) фақат электр занжирлар эмас, балки айрим релелар магнит тармоқларининг шохобчалари ҳам кўрсатилган. Бу реле-ростлагичнинг электр занжирларини тўлиқ ўрганишини енгиллаштиради. Ёйик чизмада (178-расм, б) ток йўлини кузатиш, айрим асбоблар тармоқларининг ишлашини таҳлил ва талқин қилиш анча осонлашади. Релеларнинг ўхшашиб қисмлари бўлиб, уларга магнит ўтказгичлар (ярмолар), пружиналар, ўзаклар, якорчалар ва чулғамлар киради.

Генератор ишламаган пайтда ва кичик айланишларда ишлагаんだ КР ва ТУ пружиналари контакт 10, 9 ларни қўшиб туради, ТТР пружинаси 3 эса илашма 6 ни ажратиб туради. Кучланиш ростлагичининг илашмалари 10 вольфрамдан, ток чеклагич ва тескари ток релесининг контакtlари 9 ва 6 эса кумушдан тайёрланган. Бундан ташқари, тескари ток релесидан генератор 17 нинг токи бутунлайн ўтганлиги сабабли, унинг илашмалари 6 икки жуфтли қилиб ишланган. Кучланиш ростлагичнинг асосий чулгами 12 занжирга мувозий, ток чеклагичнинг чулгами 7 эса кетма-кет уланган. Кучланиш ростлагичи ва ток чеклагичнинг қўшимча чулғамлари 11, 7 илашмаларнинг қўшилиш-ажралиш сонини ошириш учун хизмат қиласди.

Тескари ток релесида мувозий уланган асосий 4 ва кетма-кет уланган чулғамлар 1 бор.

Кучланиш ростлагичининг ишлаш услуби. Генератор кучланниши ( $V_k$ ) кучланиш ростлагичининг кучланиши ( $V_{kp}$ ) дан кам бўлганда (куchlаниш ростлагичи шу миқдордаги кучланишга созланилган) илашмалар 10 туташган бўлади ва ток қўйидагича оқади. Генераторни уйғотиш токи генераторнинг қисмаси Я дан ток чеклагичнинг кетма-кет уланган чулгами 8 орқали теззлатиш чулгами 8 га ўтади, кейинчалик ток чеклагичнинг туташган илашмалари 9 ва кучланиш ростлагичининг тўғрилаш чулгами 11, кучланиш ростлагичнинг туташ илашмалари орқали генераторнинг уйғотиш чулгами 14 га келиб, унинг қисқичи Ш орқали генератор "масса"си (корпус қисми) занжири бўйлаб ўтади. Бунда ток қўшимча қаршиликсиз оқади ва кучланиш орта боради. Кучланиш маълум миқдорга етиб, генератор кучланиши ростлагичи ростланган кучланишдан ошганда кучланиш ростлагичининг илашмалари ажралади ва бунинг натижасида уйғотиш токи ток чеклагич илашмалари 9 дан ўта олмай, 13 Ом ва 80 Ом

қаршиликли резисторлар<sup>\*</sup> орқали ўтади (178-расм, б. даги штрихланган стрелкаларни йўналишига қаранг). Бу PDF Compressor Free Version сиридан уйғотиш чулғамидан ўтаётган ток катталиги дарҳол камаяди. Бунинг оқибатида уйғотиш чулғамининг магнит оқими, шунингдек генератор кучланиши пасаяди. Генераторнинг кучланиши камайиши кучланиш ростлагичи мувозий чулғами /2 якорини тортиш кучини дарҳол камайтиради, унинг илашмалари яна бирлашади ва уйғотиш токи кўпаяди. Ток яна қўшимча қаршиликсиз оқади ва кучланиш аста-секин орта бошлади. Кучланиш маълум миқдорга етганда яна илашмалар узилиб, занжирга қўшимча қаршиликлар уланади. Демак, илашмаларнинг туташиб ва узилиш жараёнлари  $V_r$  ва  $V_{kr}$  боғлиқ равища қайтарилиб туради. Бу жараён шунчалик тез бажарилади, кучланишнинг ўзгариши истеъмолчиликнинг мақбул ишлашига таъсир ўтказмайди. Кучланиш ростлагичи генератор кучланишини  $13,8 \div 14,8$  В мезонида ушлаб туради.

Ток чеклагичнинг ишлаш услуби. Ток чеклагич ҳам кучланиш ростлагичига ўхшаб ишлайди, фақат унинг йўғон чулғами 7 якорь чулғамига кетма-кет уланган. Шу сабабли чулғам 7 кучланишга эмас, балки генератор берадиган токка таъсир ўтказади. Генераторнинг ток кучи кўпайиши биланоқ ток чеклагич ўрам чулғами 7 нинг магнит майдони ошиб боради. Ток майдони маълум мезонга этиши билан, магнит майдони пружина кучини енгиб, илашмалар 3 ни узади. Бу ҳолда генераторнинг уйғониш токи икки йўлдан боради: қаршилиги 30 Ом йўлга резистор орқали ва кейин кучланиш ростлагичининг туташган илашмалари 10 орқали генератор қисқичи Ш га ва шу борада, ток чеклагичнинг тезда тиш чулғами 8 дан ўтиб, қаршилиги 13 ва 80 Ом бўлган резисторлар орқали қисқич Ш га ҳам ўтади.

Ток чеклагичининг ингичка симдан ясалган тезлатиш чулғами токнинг ўзгартириш сонини ошириб, илашмаларнинг туташини тезлаштириб беради. Бу чулғам генератор уйғотиш чулғамига илашмалар 9 орқали кетма-кет уланган бўлиб, ток чеклагич асосий чулғамнинг магнит оқимига мос равища магнит оқимини вужудга келтиради. Ток чеклагич илашмалари 9 ажралгандан уйғотиш токи ва тезлатиш чулғамининг магнит оқими камаяди. Бунинг натижасида ток чеклагич илашмалари бир зумда туташади. Демак, тезлатувчи чулғам асосан токнинг ўзгариш сонини керакли миқдорда ошириб беради.

Тескари ток релесининг ишлаши услуби. Маълумки, генератор кичик айланишларда ишлаганда ишлаб чиқарилаётган ток истеъмолчиларни тўла ишлатиш учун етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам ток билан барча истеъмолчи асбоб-ускуналарни аккумулятор батареяси таъминлайди. Тескари ток релеси (178-расм) илашма-

\* Резистор токни ва кучланишини чеклаш ва уларни ростланш учун занжирга уланган құрылма.

лари уланган ростлагичга ўхшаш электр магнит тармоғига эга бўлиб, фақат унда илашмаларнинг жойланиши бошқача, чунки магнит оқими илашмаларнинг уланишига бевосита таъсир қилади. Бинобарин, тескари ток релесининг ўзаги 2 да генераторнинг якорига инебатан кетма-кет 1 ва мувозий 4 уланган чулғамлари бор. Генератор кучланиши аккумуляторлар батареяси кучланишидан кам бўлганда мувозий чулғам 4 ҳосил қиласидаган магнит оқими етари бўлмаслиги сабабли, якорь 5 ўзак 2 га тортила олмайди ва илашманинг оралиги очиқ бўлади. Двигатель тирсакли валининиг айланиш сони кўпайиши билан генератор ишлаб чиқараётган ток кучланиши оргиб боради.

Генераторнинг кучланиши  $12,2 + 13,2$  В га етгандада, унинг қиймати аккумуляторлар батареяси кучланишидан қисман ошади ва ҳосил бўлган магнит майдони пружина 3 нинг кучини снгиб, ўзак 2 якорь 5 ни ўзига тортади ва уларнинг илашмалари б ўзаро туташади. Натижада истеъмолчиларни ток билан генератор таъминлади.

Титров ростлагичининг асосий камчилиги туташувчи сиртлар илашмалар (контактлар) ва пружиналарнинг доимо титраб ишлами бўлиб, бунинг натижасида уларнинг илгариги созлиги тезкорлик билан йўқолади. Титров ростлагичи генераторнинг ишлаб чиқараётган токи  $1,5 \text{ ж } 1,8$  А бўлган тақдирдагина мақсадга мувофиқ бўлади. Ток кучи бу миқдордан ошган ҳолда туташувчи сиртлар тез сийлади ва ишлаш муддати камаяди.

Титров ростлагичларнинг бу камчилиги ярим ўтказгичли ростлагичларда йўқ, шу сабабли бу турдаги ростлагичлар замонавий автомобилларда кенг кўламда қўлланилмоқда.

### 58-§. Ярим ўтказгичлар тўғрисида умумий маълумотлар

Охириг ўн йилликда электроника жадал суръатлар билан ривожланди ва ярим ўтказгичлар радиоалоқада ҳамда телевиденисдагина эмас, балки автомобиль электр жиҳозларида ҳам кенг қўллана бошлади. Ярим ўтказгичлар автомобилларда ўзгарувчан токни тўғрилашда, генераторларни ростлаш қурилмаларида, карбюратор двигателларнинг ўт олдириш ва дизелларнинг ёнилги пуркаш тармоғида, совитиш ва мойлаш тармоқларида сув ҳамда мойнинг ҳароратини муттасил ва аниқ ўлчаща ишлатилади.

Ярим ўтказгичларнинг қўлланилиси асбобларнинг пухталигини, уларнинг ишлаш муддатини оширади, габарит ўлчамини ва вазнини камайтириш, шунингдек уларнинг электр тавсифномасини ва конструкциясини яхшилаш имконини яратди. Металл ўтказгичлардан фарқли равиша ярим ўтказгичлар токни фақат бир йўкалишда ўтказади, шунинг учун ҳам номи "ярим ўтказгич"

Ярим ўтказгичлар кенг маънода электр ўтказувчанинги металларнинидан кичик, диэлектрикнидан катта бўлган моддалардир.

дайилади. Тескари йұналишда уларнинг ўтказувчанлиги жуда ҳам кам, изоляторга үхаш, уларнинг электр қаршилиги жуда катта. Бундан ташқари, ярим ўтказгичларнинг **PDF Compressor Free Version** электр ўтказувчанлиги ҳароратга ёки электр майдонининг таъсирiga бөглиқ. Ҳозирги вақтда автомобилларда беш хил ярим ўтказгич асбоблар құлланилады: термоқаршилик (терморезистор)лар, диодлар, таянч диодлар ёки стабилизаторлар, башқариладиган диодлар (тиристорлар) ва транзисторлар (уч электродлы ярим ўтказгичли асбоб).

Диод ва триод (транзистор)ларда ярим ўтказгич сифатида германий ва кремний ишлатилади. Улар мутлақ тоза ва соф ҳолда атомлар оралиғида узвий алоқалар билан тұлдирилған кристалл панжараларидір. Бундай ҳолда моддада әркін электронлар бұлмайды ва шу сабабли ўтказувчанлик ҳам йүқ.

Агарда германий ва кремнийга бошқача узвий (валентли) модда киритилса, унда ярим ўтказувчанлик пайдо бұлади. Германий диодлари түгри йұналишда жуда кам қаршилики бұлади. Кремний диодларыда қаршилик бир оз каттароқ. Лекин гарманий диодлари иссиққа кам чидамли, уларнинг ҳарорати 85° дан ошмаслиги керак. Кремний диодлари 150° да ҳам үз иш қобилятини сақлад қолади. Стабилитрон деб аталувчи кремнийли диодларнинг махсус турлари бұлиб, улар қуйидаги хоссаларға әті: Агар стабилитронга тескари күчланиш берилса ва у аста-секін ошириб борилса, күчланиш маңлым миқдорға етганды у тешилади ва диод қаршилиги кескін камаяды, яғни диод ўтказувчан бұлиб қолади. Тескари күчланиш маңлым миқдордан камайиб кетса, диод қаршилиги кескін ортади.

Бундай стабилитронли тузилмалар илашмасиз (контактсиз) транзисторли күчланиш рөстлагичларыда, шунингдек илашма-транзисторли ва илашмасиз ўт одириш тармоқларыда құлланилади.

Замонавий автомобилларда ярим ўтказгичли илашма-транзисторли ва илашмасиз транзисторли реле-рөстлагичларда ўрнатылғанда.

#### 59-§. Илашмали (контактлы)-транзистор реле-рөстлагичнинг тузилиши ва ишлешуи


ГАЗ-53 автомобилларига ўрнатыладиган илашмали РР-362 реле-рөстлагичи үзгарувлан токли, қуввати 350 вт ва белгиланған күчланиши 12 В бұлган генератор билан ишлейді (179-расм). Электр ускуналары тармоғида үзгарувлан ток генератори ишлатылса, тескари ток релеси керак бұлмайды, чунки ярим ўтказгичли түгрилагич токни бир томонға ўтказади ва аккумуляторлар батареясининг генератор орқали зарядсизланишига йўл қўймайды.

РР-362 маркали ростлагич асосан реле-кучланиш ростлагичи (КР) ва ҳимоя релеси (ХР), транзистор  $T_1$ , уча кремнийли диод  $D_1$ ,  $D_2$ ,  $D_3$  ва түртта қаршиликдан таркиб топган.

Кучланиш ва ҳимоя релеси тузилмаларининг умумий тузилиши бир-бирига ўхшаш бўлиб, улар ҳам худди оддий реле-ростлагич тузилмалари сингари ярмо, ўзак, якорча, пружина, илашма ва чулғамлардан иборат. Чунончи улар факат чулғамларнинг уланиши билан фарқ қиласди. Бунда кучланиш чулғами мувозий уланади, ҳимоя релесида эса уча чулғамнинг ҳар бири кетма-кет уланади. Демак, бу реле-ростлагич бошқа оддий релелардан асосан қўшимча тузилма-транзистор борлиги билан фарқлашади.

Транзисторниң ишлаши тузилиши жуда ҳам содда бўлиб, ярим ўтказгичли пластинкага икки томчи электрод эритиб ўрнатилган триоддан иборат. Булар иккита ўтказгич тегара (зона) ҳосил қиласди. Ярим ўтказгичли пластина база  $B$  бўлиб, кучланиш юбориладиган электродни эмиттер  $E$ , кучланиш олинадиган электродни эса коллектор  $K$  деб атамиз. Транзисторниң ишлаш тавсифи эмиттер  $E$  ва  $B$  га юбориладиган кучланишнинг қийматига боғлиқ. Ҳимоя релеси транзисторни генераторнинг уйғотиш чулғами занжираша қисқа туташиб содир бўлганда катта ток кучидан сақлашга хизмат қиласди. Бинобарин, ҳимоя релеси уйғотиш занжираша ток  $3,2\text{--}3,6$  бўлганда, унинг контакти уланадиган қилиб ростланади.

Реле-ростлагич РР-362 қуйидагича ишлайди. Ёндириш калити  $K$  қўшилиб двигатель ишга тушганда, генератор ток ишлаб чиқаради. Шу вақтнинг ўзида транзистор базасининг  $B$  занжирин уланади ва транзистор очилади. Шу заҳоти генератор уйғотиш чулғамлари ишлаб чиқараётган электр токи қуйидаги занжир тармоқлари бўйлаб оқади: тўғриланган ток мусбат қисқичи орқали ёндириш калити  $K$  га, сунгра  $D_1$ , эмиттер  $E$ , генератор коллектори  $Kg$  орқали ҳимоя релесининг кетма-кет уланган чулғами 2 га боради. Кейинчалик ток-ростлагич ва генераторнинг  $Ш$  клеммалари ва унинг чулғами ва ундан массага ўтади. Шу



179-расм. Ишлана транзисторлари реле-ростлагичининг тузилиши  
ва ишлани услуби.


билан бирга ток транзисторнинг эмиттери Э, базаси Б ва қаршилиги орқали оқади. Бир вақтнинг ўзи чиқараётган электр токи кучланиш ростлагичидан қуйидаги занжир тармоқлари бўйлаб ўтади: тўғрилагичнинг (+) қисқичи, ёндириш калити К, диод Д, қаршиликлар R<sub>2</sub>, R<sub>1</sub> кучланиш ростлагичининг чулғами I ва масса билан тугалланади. Двигатель тирсакли вали катта айланиш частоталарида ишлаши натижасида генераторнинг кучланиши ортиб боради, сўнгра чулғам I дан ўтаётган ток ҳам кўпаяверади. Бунинг натижасида магнит майдони камаяди ва илашмалар қўшилиб, транзистор очилади. Ток эса яна қаршиликсиз оқа бошлайди. Генераторнинг уйготиш чулғами занжиррида қисқа тутатиш ҳодисаси рўй берса, ҳимоя релесининг кетма-кет уланган чулғами 2 дан катта ток ўта бошлайди ва ёрдамчи чулғам 3 нинг икки учи ҳам массага уланиб қолади. Акс ҳолда эса ёрдамчи чулғам 3 нинг магнит майдони йўналиши кетма-кет уланган чулғам 2 магнит майдони йўналишига тескари бўлганлиги сабабли, умумий магнит майдонини камайтириб, илашмаларни очиқ ушлаб туришга ёрдам беради. Шу чақ чулғам 3 қисқа туташади, магнит майдон 6 тезда кўпаяди ва якорчани ўзига тортиб, илашмаларни жипслаштиради. Бунинг натижасида транзисторнинг базаси Б диод D<sub>2</sub> орқали тўғрилагичнинг мусбат қисқичи билан уланади ва транзистор шу заҳотиёқ ёпилади. Бундан ташқари, тармоқда ушлаб турувчи чулғам занжирга уланиб, магнит майдонларини ҳосил қиласади, натижада туташувчи сиртлар, яъни илашмалар жипслашади ва қисқа туташиб барқарорлангунча уни ушлаб туради.

Илашма-транзисторли реле-ростлагични титров реле-ростлагичига нисбатан хизмат муддати кўпроқ ва ишлатиш вақтида ўкам ростланади. Лекин электр занжирини узишга мўлжалланган механик тармоғининг мавжудлиги ва реле якори билан ўзаги орасида ҳаво тирқиши борлиги у ишлаган даврда ростлагични вақти-вақти билан текшириб туришни ва керак бўлса, ростлашни талаб қиласади. Келтирилган камчиликлар узгарувчан ток генератори билан ишлатиладиган илашмасиз (контактсиз) транзисторли реле-ростлагичларда йўқ.

#### 60-§. Илашмасиз (контактсиз) транзистор реле-ростлагичнинг тузилиши ва ишлаш услуби

ЗИЛ-130 ва ГАЗ-24 "Волга" автомобилларига ўрнатиладиган илашмасиз транзисторли ГГ-350 реле-ростлагичи белгиланган кучланиши 12 В бўлган узгарувчан ток генераторлари билан ишлатиш учун мўлжалланган ва у асосан кучланиш ростлагичи деб юритилади. Чунки унда тескари ток релеси ва улаш релеси йўқ, чунки уларга ҳожат ҳам йўқ. Шу билан бирга ток ростлагичлари ҳам бўлмайди, чунки генераторнинг катта айланишлар сонида у ортиқча юкланишлардан статор чулгамининг индуктив қаршилиги

хисобига җимоя қилинади. Илашмасиз транзисторли РР-350 кучланиш ростлагичнинг электр чизмаси ва умумий кўринини 180-расмда келтирилган. Бунда генераторнинг уйгониш чулғамида ростловчи қурилма транзисторлари кетма-кет уланган бўлиб, уларга учта транзистор қўлланилади:  $T_1$  кучайтириш ва импульсларни барқарорлаштириш вазифаларини бажарувчи,  $T_2$  кучайтириш занжирига уланувчи ва  $T_3$  кучайтирилган маромда (режимда) ишловчи транзисторлар ёрдамида бошқарилади. Стабилитрон  $\Delta T$  бу реленинг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Реледа кириш кучланишини бўлгич стабилитрондан тузилган ўлчаш занжири мўлжалланган. Бўлгичнинг битта елкаси соф Ом қаршилигига, иккинчи елкаси эса Ом ва индуктив қаршиликка эга.



180-расм. Илашмасиз РР-350 кучланиш ростлагичнинг умумий кўринини на умумланган электр чизмаси.

Транзисторнинг ишни тезлатни, яъни "очик" - "ёник" ҳолатини уланни-узилиш даврини кўнсигтириш учун конденсатор қўлланилади. Дросель ва диодлар релели маромда (режимда) транзисторнинг ишни яхшилайди, яъни транзисторларнинг фарол сиптишини таъминлайди. Резисторлар об-ҳаво ҳароратига қараб қутиланишини  $13,2 \pm 14,5$  в четарасида ҳарорат таъсирини барқарорлантириб туради. Ростловчи қурилма қўнидагина ишлайди. Агар генератор кучланиши тусрилангандан кейин мўлжалланган мезъердан кам бўлса, бунда стабилитрои  $\Delta T$  бирданига ток утказмай қўяди, шу чоқ кириш транзистори  $T_4$  ёник ҳолатда бўлади. Чуки бу маромда база ва эмиттер тузилмаларига

фақат мусбат потенциал қўйилган булади. Шу дақиқада транзистор  $T_1$  нинг ёпиқ вазияти оралиқ транзистор түғрилагич қисқичи "+" дан қисқич ВЗ "+" га ва кейин эмиттер-транзистор  $T_2$  базаси ҳамда резистор 5 орқали ток очишини таъминлайди. Бинобарин, транзистор  $T_2$  бунда ёпиқ бўлиб, түғрилагич "+", диод  $D_3$  эмиттер-транзистор  $T_3$  базаси ва, шунингдек, эмиттер-транзистор, шунингдек,  $T_2$  коллектори, резистор  $R_6$  занжири томон чиқиш транзистори  $T_3$  нинг очиқ ҳолатини сақлаш учун керакли бўлган транзистор базаси токи ўтади. Шундай қилиб, түғриланган ток кучланиши берилган токдан кам бўлса, транзистор  $T_1$  ёпиқ ва транзисторлар  $T_2$  ва  $T_3$  эса очиқ бўлади. Албатта, қисқичидан генераторнинг уйғотиши чулғамига қўшимча резисторни четлаб диод  $D_3$  ва эмиттер-транзистор  $T_3$  коллектори орқали энг катта ток ўтишини мақбуллаштириб беради. Түғриланган токнинг кучланиши белгиланган қийматдан ошгач, стабилитрон  $D_1$  ток ўtkазади. Шу билан бирга, кириш транзистори  $T_1$  очиқ бўлади, чунки түғрилагич "+", эмиттер-транзистор  $T_1$  базаси, стабилитрон  $D_1$  ва бўлгич резистори "масса" занжирдан унинг ҳолатини таъминловчи ток ўтади. Шу даврда транзистор  $T_1$  нинг қаршилиги энг кам бўлиб, транзистор  $T_2$  базасининг жамғарилган энергияси унинг эмиттерининг жамғарилган энергиясидан катта бўлади. Транзистор  $T_2$  ёпиқ ҳолатда турган лайтда унинг коллекторининг токи нолга teng бўлади. Чунки бунда чиқиш транзистори  $T_3$  базасининг асосий ток ўтиш занжири узилади. Шу билан бирга транзистор  $T_3$  ҳам ёпилади, натижада генераторнинг уйғотиши чулғамига ток фақат қўшимча резистор орқали ўтади ва унинг катталиги кескин камаяди. Бунинг натижасида генератор кучланиши камаяди ва стабилитрон  $D_1$  транзистор  $T_1$  ни ёпиб, яна ўтказмас ҳолатга ўтади. Шу сабабли транзистор  $T_1$  ва  $T_2$  лар очилади, демак, ростлагич ишлаш жараёнида стабилитрон тузилмаси / тоҳ ўтказиш ва тоҳ ўтказмаслик ҳолатида бўлади ва шунга мос равишда транзисторлар галма-галдан очилади ва ёпилади.

Баён қилинган жараённинг даврий равишда қайтарилиб туриши генератор кучланишини ўзгартмасдан ўртача катталикада сақлашни таъминлайди. Сўнгги йилларда электрониканинг ва айниқса электрон митти тармоқларни тайёрлаш тажрибаси тараққий этиши ростлагичли генератори ўрнатиш учун митти ўлчамларда илашмасиз (контактсиз) кучланиш ростлагичини яратиш имкониятини яратди. Бундай интеграл тармоқли ростлагичларга белгиланган кучланиши монанд равишда ёки 28В бўлган генераторлар учун яратилган Я 112 А ва Я 120 интеграл тармоқлari кучланиш ростлагичи киради. Одатда буларнинг ҳажмий ўлчами  $38 \times 58 \times 12$  мм бўлиб, вазни 50 г. Шунинг учун булар "Москвич-2140" ҳамда КамАЗ ва МАЗ автомобилларининг баъзи бир нусхаларида генераторларининг кетинги қопқоғига ихчам қилиб

жойлаштирилган. Ростлагичнинг ишлаш услуби РР-350А ростлагичниги ўхшаш.

### 61-§. Батареяли ўт олдириш тармоғининг умумий тузилиши ва ишлаш услуби

Батареяли ўт олдириш тармоғи бошқа турдаги тармоқтардан одийлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун у көнт тарқалган. Маълумки, карбюраторли автомобиль двигателларида цилиндрлардаги иш аралашмасини мажбуран ўт олдириб, двигатель ишга туширилади. Бунда иш аралашмаси электр учқуни билан ўт олдирилади.


Карбюраторли ёки газ двигателларининг ёниш камерасида юқори кучланишли электр учқуни ҳосил қилиб иш аралашмасини аллангалатадиган маҳсус қурилмага ўт олдириш свечаси деб аталади.

Ўт олдириш свечаси ёрдамида электр учқуни цилиндрга фақат маълум бир пайтда, яъни сиқиши тақтиниңг охирида поршень ю. ч. н. га етмасдан берилиши лозим. Учқун ўт олдириш свечасининг электродлари оралиғида содир бўлади. Тармоқ бир меъерда ишлаши учун электродлар орасига белгиланган тирқиш қўйилади. Бу тирқиш газ ёнилғи буглари ва ҳаво билан тўлган бўлиб, электр учқуни ўтиш учун салбий таъсир қиласди. Бундан ташқари, сиқиши тахтаниңг охирида цилиндрдаги босим ва ҳароратини ошиб кетиши ҳам электр учқунининг старли даражада ҳосил бўлишига халақит қиласди. Электродлар оралиғидаги тирқишида ҳосил бўлган қаршиликни снгиб, мақбул учқун ҳосил қилиш учун юқори кучланишга эга бўлган ток юборилиши керак. Электр учқуни ҳосил қилувчи кучланиш "тешиб ўтиш кучланиши" деб юритилади. Иш аралашмасининг белгиланган бир шароитда ишончли ёнишини таъминлаш учун электродлар оралиғидаги тирқиш 1 мм бўлиб, кучланиш 16000—20000 В бўлиши керак. Бу вазифани ўт олдириш тармоғига кирувчи асбоб-ускуналар биргаликда баҳаради. Карбюраторли двигателларнинг ишлаш тартиби ва маромига (режимиға) мувофиқ уларнинг цилиндрларида сиқилган иш аралашмасини электр учқуни билан алганга олдиришни таъминлайдиган электр асбоблари мажмуюи ўт олдириш тармоғи деб аталади.

181-расмда саккиз цилиндрли карбюраторни двигатель батареяли ўт олдириш тармоғининг умумий чизмаси тасвириланган.

Маълумки, автомобильда ўрнатилган электр токи манбалари паст кучланишли ток ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Лекин, ўт олдириш свечалари эса юқори кучланишли ток ёрдамидагина учқун ҳосил қила олади.

Шунинг учун, бу тармоқ бирламчи ва иккиламчи, яъни паст ва юқори кучланишли ток занжирини ташкил қиласди. Паст кучланишли ток занжири тармоқни ишлаш жараённада қўйидаги



181-расм. Ўт олдириш тармоғининг умумлашган чизмаси.

асбобларни кетма-кет улади: аккумуляторлар батареяси 17 нинг манфий қисқичи, масса, узгич 7 нинг құзғалмас 10 ва құзғалувчи 9 илашмалари, ўт олдириш ғалтаги 12 нинг бирламчи چулгами 13, вариатор 14, ўт олдириш құлфи 15, стартёр улагичи 19 ва аккумуляторлар батареяси 17 нинг мусбат қисқичи. Двигатель белгиланған маромда ишләстіганды үт олдириш тармоғини ток билан генератор реле-ростлагич орқали таъминлади.


Юқори кучланишли ток занжири ўт олдириш ғалтагининг иккіламчи چулгами, тақсимлагич, шохобчаланған юқори кучланиш симлари ва ўт олдириш свечаларида тузилған. Бу ток занжири қүйидагича уланади: ўт олдириш ғалтаги 12 нинг иккіламчи چулгами 11, тақсимлагич қопқогининг марказий илашмаси 2, ўт олдириш свечаси 1, масса аккумуляторлар батареясининг мусбат қисқичи, стартёр улагичи 19, ўт олдириш құлфи, вариатор, ўт олдириш ғалтагининг бирламчи چулгами 13 ва иккіламчи چулгами 11.

Ўт олдириш құлфи 15 ёрдамда тармоқни ток манбаига улаб, ёпиқ занжир ҳосил қилинади. Бунда аввал аккумуляторлар батареяси токи, кейинчалик двигатель ишлаши билан оқ генератор токи паст кучланишли ток занжири буйлаб ҳаракатланиб, ёндриш ғалтагининг бирламчи چулгами 13 дан ўта бошлади. Натижада

ўт олдириш ғалтаги юқори индуктивликка эга бўлгани учун унинг атрофида магнит майдони ҳосил бўлади. Мабодо занжир узилса, яъни тақсимлагичнинг илашмалари ажралса, магнит майдони ҳам йўқолади. Шу чоқ магнит майдони йўқолиш даврида ана шу майдон таъсирида бўлган иккиласми чулғам // ни кесиб ўтади, натижада унда юқори кучланишили ток ҳосил бўлади. Бу ток тақсимлагич З орқали шу пайтда иш жараёни бажарилиши лозим бўлган цилиндрнинг ўт олдириш свечасига юборилади.

## 62-§. Батареяли ўт олдириш тармоғи асбобларининг тузилиши ва ишлаши

Учқунли ўт олдириш свечаси двигателинг ёнувчи бўлинмасида иш аралашмасини ўт олдириш учун электр учқуни ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Автомобиль двигателлари учун асосан бўлакларга ажратилмайдиган конструкцияли свечалар ишлаб чиқарилади. Ўт олдириш свечасининг (182-расм) деталлари пўлат корпус 1 га жойлашган. Свечани цилиндрлар каллагига мустаҳкам ва зич ўрнатиш учун свеча корпусининг пастки қисми 6 га резьба ўйилган свеча корпусининг ички бўшлиғига жойлашган изолятор 2 нинг ичидан марказий электрод 3 ўтказилган. Электрод 3 га юқори кучланишили сим уланган. Свечанинг корпусидаги ён деворидан чиқарилган электрод 5 автомобилнинг массасига биректирилган. Марказий ва ён электродлар орасида 0,6—0,9 мм ли тирқиши қўйилган бўлиб, бу тирқишдан электр учқуни сакраб ўтади. Агар ўт олдириш тармоғи транзисторли бўлса, бу тирқиши 1,0—1,2 мм гача катталашган бўлиши мумкин. Свеча электродлари орасида мақбул катталиктаги учқун ҳосил бўлиши учун уларга 12.000 В кучланишили ток юбориш зарур. Свечанинг электродларига юбориладиган токнинг кучланиши ўт олдириш ғалтаги (трансформатор) билан оширилади. Катта кучланишили ток таъсирида свеча электродлари оралигига ҳосил бўлган учқуннинг жадаллиги электродлар орасида қурум ҳосил бўлиши туфайли аста-сскин бўшашиб боради. Натижада ток марказий



182-расм. Ўт олдириш свечаси:

1 — корпус, 2 — муҳофизалагич, 3 — марказий электрод, 4 — ўчилик, 5 — ён электрод.

электроддан корпусга ўта бошлайди ва учқун мұлжалланған пайтдан олдинроқ отилиши мүмкін. Агар тирқиши белгиланған миқдордан юқори бұлса, электродлар орасидаги қаршилик күпайиб кетади ва түлиқ учқун ҳосил бўлиш қўйи **PDF Compressed File Version** тирқиши белгилаган қийматда бўлмай, катта ёки кичик бўлса, белгиланған учқун ҳосил бўлмай, иш аралашмасининг ўт олдириш жарасни қийинлашади.

Свечанинг узоқ муддат ва ишончли ишлаши учун унинг конструкцияси двигателнинг маълум иш маромига (режимига) мос тушиши лозим. Буни қуйидагича изоҳлаш мүмкін: иш вақтида марказий электрод муҳофазалагичининг (изоляторининг) пастки конуси ёнаётган ёнилги тасирида бўлади. Бундан ташқари, марказий электрод олаётган иссиқлик ҳам изоляторга узатилади.

Тажриба ва текширув ишлари шуни кўрсатдики, пастки конусининг ҳарорати  $500-600^{\circ}\text{C}$  бўлганда свеча яхши ишладиди. Бундай свеча кирланмайди, яъни унинг конусида қурум тўпланмайди ва свечанинг изолятори ўт оладиган даражада қизиб кетмайди. Агар свечанинг бирор қисми  $800^{\circ}\text{C}$  гача қизиса, ўз-ўзидан алангланиш содир бўлиши мүмкін. Бунда иш аралашмаси электр учқуни билан ўт олмай, балки сиқиш бўлинмасидаги иш аралашмаси қизиган муҳофазалагичининг тубига тегиши биланоқ ўт олиб кетади.

Марказий электрод муҳофазалагичи ҳамда изоляторининг ўзи оладиган иссиқлик миқдори қуйидаги шароитларга, яъни вақт бирлигига двигатель цилинтридаги ўт олишлар вақтига ёки двигатель иш циклиниң тактлар сонига, тирсакли вал айланишлар сонига, сиқилиш даражасига, двигателга тушадиган юкланишга, муҳофазалагич пастки конуси сиртининг ўлчамлари ва электродга, свеча корпусидаги тешикнинг ўлчамига бевосита боғлиқ. Свечага келадиган иссиқликни чеклаш мақсадида иссиқликдан зўриқиши даражаси турлича бўлган двигателлар учун ҳар хил калил сонли свечалар ишлаб чиқарилади. Калил сони маълум маромда ишловчи маҳсус двигателга ўрнатилган свеча маълум секундларда ифодаланған вақтдан сўнг жуда ҳам қизиб, ўз-ўзидан ўт олдира бошлашини билдиради. Калил сони 100-260 бўлган свечалар "иссиқ" свечалар бўлиб, улар кўплаб ишлаб чиқариладиган автомобиль двигательларига ўрнатилади. "Совуқ" свечалар калил сони 280-500 бўлиб, зўриқлаштирилган двигателларда ишлатилади. Калил сони ҳанча катта бўлса, свеча муҳофазалагичи шунча кам қизииди, яъни свеча совуқ бўлади. Демак, кўп иссиқлик қабул қилувчи свечага "совуқ" ва кам иссиқлик қабул қилувчи свечага "иссиқ" свеча деб айтилади, свечалар бир неча ҳарф ва рақамлар билан белгиланади. Масалан M12-У, A13-Б, A15-Б свечаларнинг белгисидаги ҳарф ва сонлар нимани кўрсатиши билан танишиб чиқамиз. Биринчи ҳарф свеча резьбасининг диаметрини кўрсатади, бунда М (яъни резьба  $\Phi 18 \times 1,5$  мм) ва А (резьба  $\Phi 14 \times 1,25$ ). Рақам эса изоляторининг


пастки қисманинг мм ларда ифодаланган узунлигини, охирги ҳарф муҳофазалагич ашёсини кўрсатади.

Белгилашда келтирилган сонни 10 га кўпайтириб калил сонини аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, белгилаганда С ҳарфи бўлса свеча ток ўтказувчи шиша билан зичланганлигини, З ҳарф эса свеча корпуси емирилишга қарши қатлам билан қопланганлигини билдиради. Двигателнинг сиқиш даражаси ва тирсакли валининг энг катта айланишлар сонига қараб, ҳар бир двигатель учун иссиқлик тавсифномаси тўғри келадиган свеча ўрнатиш лозим. Агар "иссиқ" свеча катта сиқиш даражали зўриқлашган двигателга қўйилса, у тезкорлик билан қизайди ва иш аралашмани ўз-ўзидан ўт олдириб юборади. Мабодо "совуқ" свечани оддий иссиқлик маромида ишлашга мўлжалланмаган двигателга ўрнатсан, у жуда ҳам совуқлиги сабабли унда тезда қурум ҳосил бўлади ва ишдан чиқади. Шунинг учун ишлаб чиқарувчи завод ҳар бир двигателга ўзининг алоҳида белгиланган свечасини тавсия қиласди.

Ўт олдириш ғалтаги аккумуляторлар батареяси ёки генераторнинг паст кучланишли токини юқори кучланишли токка 12 В дан 20—24 кВ айлантиришга хизмат қиласди. Ўт олдириш ғалтаги ўзак 4 (183-расм), бирламчи 8 ва иккиласмачи 6 чулғамлардан иборат. Бирламчи чулғамга аккумуляторлар батареясидан ёки генератордан паст кучланишли ток юборилади. Паст кучланишли чулғам атрофида ўт олдириш ғалтагининг иккала чулғамидан ўтадиган магнит майдони ҳосил бўлади. Бирламчи чулғам занжирни узилганди, ток билан бир вақтда магнит майдони ҳам йўқолади. Магнит майдони йўқолишида у ўт олдириш ғалтагининг бирламчи ва иккиласмачи чулғамлари орқали ўтади. Бунда бирламчи чулғам ўрамларида ўзиндуқция токи ҳосил бўлади.

Иккиласмачи чулғам ўрамларида ҳам шу магнит майдони билан индукцияланган магнит майдони ҳосил бўлади. Ўзиндуқция токи ва индукциялашган токнинг йўналиши бир-бирига тўғри келиб, уларнинг электр юритувчи кучи қўшилади. Свеча электродлари орасидаги кучланиш етарли миқдорда кўтарилиганда электр учқуни ҳосил бўлиб, унинг ҳарорати 3000°С га етади ва иш аралашмаси алганланади.

Ғалтакнинг айрим-айрим қисмларининг тузилиши тафсилоти билан танишиб чиқамиз. Ғалтакнинг марказий қисмига ўзак 4 ўрнатилиб, у қалинлиги 0,35 мм ли электротехникавий пўлат пластиналардан йигилиб, сиртлари бир-биридан муҳофаза қилинган бўлади. Ўзак 4 электротехникавий картондан ясалган труба 5 ичига жойлаштирилиб, унга эса диаметри 0,07—0,01 мм ли, муҳофаза қатламли, усти сирланган мис симли иккиласмачи чулғам 6 ўралади. Оддий ўт олдириш тармоқларидаги индукцион ғалтакда иккиласмачи чулғамдаги ўрамлар сони 17000—26000 га, транзисторли ўт олдириш тармоқида эса 4 1000 га тенг. Иккиласмачи чулғам юқори кучланишда ишлагани учун унинг чулғамлари орасига конденсатор қоғозидан икки қават қилиб муҳофаза қатлам



183-расм. Ўт олдириш галтаги.


ўралади. Шунингдек, биринчи ва охирги саккиз қатор орасига 4—5 қават муҳофаза қатлами — қозоз ўралади. Иккиласми ва кабель қозози 6 билан муҳофазаланди. Шундан кейин картон наича 7 кийгизилиб, устидан диаметри 0,7—0,86 мм ли усти сирланган мис сим-бирламчи чулғам 8 ўрнатилади. Бунда оддий ўт олдириш тармоқлари учун 270—330 ўрам, транзисторли тармоқда 180 ўрам бўлиши керак. Чулғамларга ҳаво таъсир қилмаслиги ва иссиқликни тезкорлик билан тарқатиш мақсадида галтакнинг қобиги трансформатор мойи билан тўлдирилиб, устидан карболит ашёсидан тайёрланган қопқоқ 13 ўрнатилади. Қопқоқдан тўртта қисқич чиқарилган. Бунда паст кучланишли қисқичлар 17 ва 18 га бирламчи чулғам учлари уланади, қопқоқнинг марказий қисмida жойлашган юқори кучланишли қисқич 16 га латун пластинка орқали иккиласми чулғамнинг бир унига галтакнинг қошида уланган. Қопқоқдаги паст кучланишли қисқичлар 17 ва 19 га қўшимча қаршилик (вариатор) уланади. Қўшимча қаршилик икки бўлакдан иборат сопе

муҳофазалагич ва ичига жойлашган қаршилик 11 дан иборат бўлиб, у ўт олдириш галтагининг тутгичига маҳкамланади. Галтакнинг қисқичлари ташки занжир билан марказий қисқич 16 тақсимлагичнинг марказий қисқичига, қисқич 18 узгичга, қисқич 19 ток манбаига ва қисқич 17 стартёр улагичига уланади.

Двигателни ўт олдириш вақтида аккумуляторлар батареяси токининг кўп қисми стартёрга сарф бўлганлиги учун ёндириш галтагига кам ток келади, бу яна қўшимча қаршиликдан ўтиб камайса, ҳосил бўладиган учун жуда кучсиз бўлиб, двигателни ўт олдириш қийинлашади. Шунинг учун ҳам бу пайт қўшимча қаршиликни занжирдан узиб қўйилади. Яъни двигатель стартёр ёрдамида ўт олдирилаётган даврда электр токи бирламчи чулғамга стартёр улагич орқали, қўшимча қаршиликни четлаб, яъни занжирдан ташқарида қолдириб боради. Шундагина двигатель бир маромда ўт олдирилади ва стартёр узилиши биланоқ қўшимча қаршилик яна ишга тушади. Индукцион галтакнинг хилига қараб ток нолга тенг бўлганда қўшимча қаршиликни қаршилиги 1,0ж1,45 Ом атрофида бўлади. Двигатель тирсакли валининг кичик айланишларида қўшимча қаршиликдан узоқ вақт ток ўтса, у қизиб қаршилиги ошиб кетади ва бирламчи чулғамга бораётган токни камайтиради. Натижада ўт олдириш галтаги куйнишдан сақланади. Двигатель тирсакли валининг юқори айланишларида илашмаларнинг ёпиқ ҳолати кичиклашади ва қўшимча қаршиликдан жуда кам ток ўтади. Бу эса унинг совиб, қаршилигининг камайнишига олиб келади, яъни юқори айланишларда қўшимча қаршилик токни деярли камайтирмайди. Шунинг учун двигатель бир маромда ишлайди.

Узгич-тақсимлагич — битта қобиқча жойлашган ва бир-бири билан бевосита алоқадор, иккита мустақил ишни бажарувчи асбоблардан иборат. Узгич двигателнинг ишлаш жараёнинг мос равища паст кучланишли ток занжирини узиб-улаб туриши учун хизмат қилади. Тақсимлагич эса ўт олдириш галтагида ҳосил бўлган юқори кучланишли токни, цилиндрларнинг ишлаш тартибига қараб, свечаларга тарқатиш вазифасини ўтайди. Демак, узгич-тақсимлагич бирламчи занжирни узди ва юқори кучланишли токни свечаларга тақсимлаб туради. Узгич тақсимлагичнинг умумий тузилиши тасвири 184-расмда келтирилган. Карбюратор двигателлар асосан тўрт такти бўлганлиги сабабли фақат битта жараёнда содир бўладиган тактда, яъни тирсакли валининг икки маротаба айланишида ёки газ тақсимлаш валининг бир маротаба айланишида фойдали иш бажарилади. Демак, узгич валининг айланишлар частотаси газ тақсимлаш валининг айланишлар сонига тенг бўлиши керак. Шунинг учун узгич вали 12 ҳаракатни тақсимлаш валидан олади ва узатманинг узатиш сони бирга тенг бўлади.

Демак, муштча 5 цилиндрлар сошига тенг қиррага эга бўлади. Узгичнинг металл қобиги 13 иккита маҳсус пластиналар ва болт ёрдамида двигателга маҳкамланади.



184-расм. Узгич-тақсымлагич.

Пастки пластинка 9 болт ёрдамида цилиндрлар блокига қотирилган, юқори пластинка 10 эса узгич қобиги 13 га винт 11 ёрдамида қотирилади. Улар ўзаро юқори пластина винтига ўрнатилган гайкалар 8 орасига, пастки пластиинанинг тик қобирғасини қисиш билан маҳкамланади. Корпусга ўрнатилган құзғалмас пластинаға подшипник орқали құзғалувчан пластинка 7 жойлаштирилган. Үнга құзғалмас ва ўққа шартли равишка ўрнатилған құзғалувчи илашмалар маҳкамланған. Құзғалувчан илашма құзғалмас илашмага пластинасынан пружина ёрдамида тиради. Илашмаларни күйишдан сақлаш учун улар жуда қийин эрийдиган ( $3370^{\circ}\text{C}$ ) ва механик мустақам вольфрамдан тайёрланади. Құзғалмас илашма массага маҳкамланиб уланади, құзғалувчан илашма эса массадан мұхофаза қилиниб, эгилувчан мис сим орқали қисқич 14 га чиқарилади. Вал 12 га қирралари цилиндрлар сонига тенг бўлган муштча 5 ўрнатилган бўлиб, унинг устки чиқигига карболитдан тайёрланған ротор 4 жой-


лаштирилган. Роторни фақат кесик 17 га мос ҳолда ўрнатиш мумкин бўлганлиги учун муштча билан доим бирга ҳаракат қиласи. Узгич-тақсимилагичнинг асос қисми яхши муҳофазалаш хусусиятига эта бўлган карбонитдан ясалган қопқоқ 2 билан беркитилади. Қопқоқни аниқ ўрнатиш учун унинг чиқиги қобиқнинг ўйигига мос тушиши лозим. Шу сабабли қопқоқ ва қобиқ фақат бир ҳолатда туташиб, иккита пластина б ёрдамида тортиб турилади. Қопқоқнинг марказий қисмидаги жойлашган уячага юқори кучланишли ток сими ўт олдириш ғалтагидан келиб атрофидаги доира тегарасида қилинган уячалардан симлар свечаларга боради. Марказий уячалар кўмир илашма / бўлиб, у роторнинг латундан ясалган ток тақсимилаш пластинаси 3 га пружина ёрдамида сиқиб турилади. Ротор айланганда унинг пластинаси юқори кучланишли токни марказий уячадан қопқоқ уячаларга ўрнатилган латун илашмалар галма-галдан узатиб беради. Узгич-тақсимилагичдан заарли газларни чиқариб юбориш учун унинг қопқогида маҳсус тешикча ясалган. Энди узгич-тақсимилагичнинг ишлаш услуби билан аниқроқ танишиб чиқамиз. Двигателнинг поршени сиқиш такти охирида ю. ч. и. да турганда муштча 5 нинг чиқиги қўзгалувчан илашмага тиради, уни қўзгалмас илашмадан ажратади. Узгичнинг илашмалари ўзиндукуция токи таъсиридан қутулиши учун унинг илашмаларга мувозий равишида 0,17—0,36 мкФ сижимили конденсатор 15 уланияди. Бу конденсатор бирламчи чулғам билан бирга тебранувчи тегара ҳосил этади ва занжир узилган пайтда бирламчи чулғамнинг ўзиндукуция токи билан зарядланади. Бундан ташқари, занжир узилган пайтда конденсатор бирламчи, чулғамнинг ўзи индукция токини қабул этиб, илашмалар орасида учқун ҳосил қилишини камайтиради. Транзистор коммутаторли ўт олдириш тармоғида узгич учун конденсатор керак эмас.

Иккинчи чулғам занжирига тақсимилагич уланган. Бинобарин ўт олдириш ғалтагининг иккиласи чулғамида юқори кучланишли ток ҳосил бўлганида, ротор 4 уни иш аралашмаси ўт олдиришга тайёрланган цилиндрнинг свечасига улади. Бунда ротор айланниб, тақсимилагичнинг қопқоғи 2 даги ён электродга ва у орқали свеча электродларига токни узатади.

Двигателнинг бир маромда ишлаб, энг юқори қувват ҳосил қилиши учун аралашма поршень ю. ч. и. га келишдан олдинроқ ўт олдирилади.

Ўт олдиришнинг илгариланиши тирсакли валнинг айланишлар сонига, двигательнинг юкланишига ва ёнилгининг навига (сортига) боғлиқ. Ўт олдиришнинг илгарилатиш жараёни марказдан қочирма ростлагич, сийраклаш ростлагич ва октан-корректор билан ўзgartирилади.

Марказдан қочирма ростлагич (185-расм) двигатель тирсакни валининг айланышлар сони ортиши билан иш аралашмасининг илгарироқ ўт олишини таъминлайди. Унинг иккита юкчаси,




185-расм. Марказдаш қочирма ростлагич:

1 — юкчалар, 2 — юкчаларнинг туруми, 3 — мунштчанинг втулкаси, 4 — фланец, 5 — пружина.

турумлар 2 воситасида узгич муштчанинг втулкиси 3 га биряниши тирилади. Айланишлар сони ортиши билан юкчалар керилади ва муштчани унинг айланиши томонига буриб, илашмаларнинг илгарироқ ажралишини таъминлади. Натижада ўт олдиришни илгарилатиб боради. Бу эса айланишлар сони ортганда цилиндрлардаги иш аралашмасини илгарироқ ўт олдириб, двигателини белгиланган маҳомда ишлашига олиб келади. Тирсакли валнинг айланишлар сони камайиши билан марказдан қочма куч ҳам камаяди ва пружина юкчаларни ўз ҳолатига қайтаради. Муштча ҳам бурилиб, айланишлар сонига монанд илашмаларни ажратиб, ўт олдиришни илгарилатиш бурчагини бироз кичрайтиради. Матъумки, цилиндрдаги иш аралашмаси таркиби двигателининг юкланишига, яъни дроссель-заслонканинг ҳолатига бевосита боғлиқ. Цилиндрда сиқилган иш аралашмаси кенгайгандан портлаш содир бўлмаслиги учун, яъни двигателининг детонациясиз ишлаши учун илгариланиш бурчагини юкланишига қараб ўзгартариш керак, чунончи детонациянинг ортиши билан ўт олдиришнинг илгариланиш бурчагини камайтириш керак ва аксинча.


Шунинг учун узгич-тақсимлагичнинг узгич қисмига иш аралашмасининг таркибига қараб ўт олдиришни илгарилатиш бурчагини ўз-ўзидан ўзгартариш учун хизмат қилувчи сийраклаш-ростлагич ўрнатилади. Демак сийраклаш-ростлагич ўт олдиришни юкланишига (дроссель-заслонкасининг очилиш даражасига) қараб илгарилайди.

Сийраклаш-ростлагич (186-расм) корпус 3, пружина 8 ли диафрагма 4 ва узгичнинг қўзғалувчан пластинкаси 1 билан шарнирли қилиб бириттирилган тортқи км 2 дан иборат. Қобиқ бўшлиғи найча б орқали карбюраторнинг аралаштириш



186-расм. Ваккумли ростлагич:  
1 — узгичнинг қўзғалувчан пластинкаси,  
2 — тортқи, 3 — қобиқ, 4 — диафрагма,  
5 — пружина, 6 — найча, 7 — карбюраторнинг аралаштириш бўлинмаси.

камераси 7 га бирлаштирилган. Сийракланиш ортгандың диафрагма эгилиб, тортқини тортады. Тортқи узгичнинг құзғалувчан пластинасини илашмалар билан бирга муштчанинг айланиш томони қаршиисига буриб, ўт олдиришнинг илгарилаш бурчагини тахминан 18—22° оширади. Натижада тирсакли валнинг айланишлар сонини тезроқ оширишига ёрдам беради ва двигателнинг равон ишлашига имкон яратади. Мабодо дроссель-заслонка түлиқ очиқ булса, киритиш қувурида сүрилиш деярли бўлмайди. Шунинг учун сийраклаш-ростлагич ўт олдиришни илгарилатиш бурчагига кўп таъсир кўрсатмайди ва бу бурчак 2—3° дан ошмайди. Двигатель тўла юкланишда ишлаганда, яъни дроссель-заслонка тўла очиқ бўлган пайтда, ўт олдиришни илгарилатиш бурчагини ростлаш жараёни марказдан қочма ростлагич томонидан ўз-ўзидан ўзгартирилиб турлади. Шундай қилиб, двигатель айланишлар сонининг ўзгаришига ва юкланишининг катта-кичиклигига кўра марказдан қочма ростлагич ва сийраклаш-ростлагич ўт олдиришни илгарилатиш бурчагини ўз-ўзидан ўзгартириб туради. Бундан ташқари, ўт олдириш даврини ўрнатиш ва қўлланилаётган бензин нави (сорти) ўзгарганда илгарилатиш бурчагини қўл билан ростлаш учун ўзгичга октан-корректор ўрнатилади. Тузилишига кўра октан-корректор турлича бўлади. Октан-корректор (187-расм) узгич-тақсимлагич қобигига кийдирилган учта пластина 1, 2 ва 3 дан иборат. Пластина 3 болан қобиқقا, пластина 1 эса двигатель блокига маҳкамланган. Пластина 1 нинг пасти ва уни қийиқ 5 шаклида бўлиб, унинг токчаларидан бирида пластина 2 билан шарнир 9 орқали боғланган винт 7 учун тешик бор. Ўт олдириш пайтини ўрнатиш учун гайка 6 ни бўшатиб, гайка 8 ни эса маҳкамлаб, пластина 2 ни пластина 1 га нисбатан суриш, бу билан эса узгич-тақсимлагич корпусини муштчали муфтага нисбатан ҳаракатлантириш керак. Агар уни муфта айланадиган томонга сурилса, ўт олдириш бурчаги кичрайди ва, аксинча. Узгичнинг сурилишини кузатиш учун пластина 1 да бўлакларга бўлинган шкала, пластишка 2 да эса кўрсатиш



187-расм. Октан-корректор.

чизиги бор. Ҳар бир оралық 1<sup>0</sup> га тенг бўлиб, тирсакли валиниг 2<sup>0</sup> бурчакка бурилишига мөсдир. Бундан ташқари, ишгариланинг бурчагини ошириш (+) ёки камайтириш (-) белгилари ҳам бор. Баъзан бу белгилар ўрнига катта ("бол") ва кичик ("мен") деб ҳам ёзилиб қўйилади.

"Москвич" ва "Запорожец" автомобиль двигателларининг узгич-тақсимлагичида октан-корректор сийраклаш-ростлагич билан бир бутун қилиб қўшиб ишланган.

Ўт олдириш улагичи (включатели) кабина пештахасига (панелига) ўрнатилиб, асосан ўт олдириш тармогининг паст кучланиши ток занжирини ток манбаига улаш ёки узиш учун хизмат қиласди. Бундан ташқари, автомобильларнинг белгисига (маркасига) қараб, двигателни ўт олдириш учун стартёрен улаши ёки двигатель ишламай турганда радиоприёмникни улаш мумкин. Ўт олдириш улагичи (188-расм) иккى қисм калитли қулф ва электр улагичдан ташкил топган. Қулф барабани 6 га қўйилган калит 7 барабани ва у билан боғлиқ бўлган ротор 3 ни айланишдан сақлаб турувчи қулф пластиналари 5 ни ботириб туради. Калит буралганда, қўзғалувчан илашма 9 таъминлаш манбай билан боғлиқ бўлган марказий қисмни ҳамда мос равишда қисқичлар ПР, КЗ ва СТ га туташтирилган илашмаларни улади. Ротор 3 ва барабан 6, бир томондан, чиқиш қисқичлари бўлган қопқоқ 2 билан, иккинчи томондан, маҳкамлаш гайкаси 8 билан беркитилган қопқоқ 4 га ўрнатилган.

ЗИЛ-130 ва ГАЗ-53А автомобилларида калит уч ҳолатда туриши мумкин. Биринчи туриш ҳолати, калит каллаги тик жойлашган, бунда ўт олдириш тармоги узилган. Иккинчи туриш ҳолати, бунда калит соат мили ҳаракати бўйлаб бурилган бўлиб, ўт олдириш тармоги уланган бўлади. Двигатель ўт олгандан сўнг, калитни қўйиб юборсак, у иккинчи ҳолатга қайтади ва двигатель бир маромда ишлайди. Учинчи ҳолатда калит охиригача бурилган бўлади ва ўт олдириш уланилиб, стартёр ишга туширилган




188-расм. Ўт олдириш ва стартёр улагичи (включатели) ҳамда қисқичларин улаш чизмаси.

вазиятта түгри келди. Барча ҳолларда ҳам ўт олдириш тармоғи билан бирга назорат-ұлчаш асбоблари ҳам уланади.

### 63-§. Илашма (контакт) транзисторли ўт олдириш тармоғи

Замонавий двигателлар құвватини ошириш ва ишини яхшилаш мақсадида уларнинг сиқиши даражаси ва тирсакли вал айланишлар сонини ошириш лозим. Бунда юқори кучланишли ток етарли қийматта эга булиши учун ўт олдириш ғалтагининг бирламчи чулгам токини күпайтириш керак. Натижада узгич илашмалардан күп ток ўтади, илашмаларининг учқунланиб ишлаши ортади ва улар тез күяди. Масалан, ЗИЛ-130 ва ГАЗ-53А автомобилларда илашмаларни умумий ишлаш муддати 30—40 минг км дан ортмайды. Бу камчиліктарни йүқотиш учун илашмалардан иложи борича кам миқдорға эга бұлған ток ўтказилиши керак. Ҳозирги вақтда замонавий автомобилларга илашмаларни ажратиш ва құшиш жарапнандарни бевосита бошқарувчи коммутаторлы транзисторға эга бұлған илашма-транзисторли ўт олдириш тармоғи кенг құлланылмоқда. Илашма-транзисторли ўт олдириш тармоғида ўт олдириш ғалтагининг бирламчи чулгами үзиш ва улаш учун илашмалар вазифасини транзистор бажаради. Ўт олдириш илашма-транзисторли тармоғига (189-расм) оддий тармоққа тегишли узгич-тақсимлагич 4, ўт олдириш ғалтаги 3, ўт олдириш құлфи 1 ва свечалардан ташқари, тармоққа ўт олдириш ғалтаги ва узгич орасыга транзистор коммутатор 2 уланган. Транзисторли тармоқда илашмадан кам ток ўтганлиги туфайли учқунланиш озроқ бұлади. Бу эса конденсаторни ишлатмаслик имкониятини яратади. Бирламчи чулгам занжирига иккита Р<sub>3</sub> ва Р<sub>4</sub> құшимча қаршиликлар кетма-кет уланган, уларнинг бири Р<sub>4</sub> двигателни ўт олдиришда учқун құвватини күпайтириш учун стартёрни тортиш релеси ёрдамида қисқа туташтириләди. Транзисторлы коммутатор 2 корпуси күп қовурғали қилиб алюминий қотишмасидан қуйилади. Қобиқ ичига қуйидаги элементлар жойлаштирилған: илашмалар занжирига уланган транзистор Т<sub>1</sub> импульсли трансформатор Т<sub>Р1</sub> ва унинг иккиламчи чулгамига мувозий уланган қаршилик Р<sub>2</sub>, кремнийли



189-расм. Илашма-транзисторлы ўт олдириш тармоғининг чизмаси.

құвортар. Транзисторлы коммутатор 2 корпуси күп қовурғали қилиб алюминий қотишмасидан қуйилади. Қобиқ ичига қуйидаги элементлар жойлаштирилған: илашмалар занжирига уланган транзистор Т<sub>1</sub> импульсли трансформатор Т<sub>Р1</sub> ва унинг иккиламчи чулгамига мувозий уланган қаршилик Р<sub>2</sub>, кремнийли

стабилитрон  $D_2$  ва германийли диод  $D_1$  ўт олдириш ғалтагининг бирламчи чулғамига мувозий ва ўзаро кетма-кет уланган. Шунингдек, қаршилик  $P_1$  ва конденсатор  $C_1$ , конденсатор  $C_2$  худди шу усулда уланган. Узгич илашмалари қўшилган ҳолда ток аккумулятор батареясининг мусбат қисқичи, стартёр тортиш релеси қисқичи, ўт олдириш қулфи, қўшимча қаршиликлар  $P_4$  ва  $P_3$  бирламчи чулғам, транзистор  $T_1$  нинг эмиттери ва базаси  $B$ , импульсли трансформатор  $B_1$  нинг бирламчи чулғами, узгич илашмалари, масса ва аккумулятор батареясининг манфий қисқичи орқали ўтади. Маълумки, транзистор уч қатлам мустақил кристаллардан ташкил топған ярим ўтказгич бўлиб, ундан учта сим чиқарилган. Транзисторнинг эмиттери  $\dot{E}$  ток манбанинг мусбат тарафига, коллектор  $K$  манфий томонига ва база  $B$  эса қутбни ўзгартириб турадиган манбага уланган. Базада жамғарилган энергия эмиттерда жамғарилган энергиядан кам бўлса, транзистор очиқ бўлади. Бу ҳолатда эмиттер ва коллектор орасидаги қаршилик жуда кам. Агар базанинг жамғарилган энергияси эмиттернинг жамғарилган энергиясига teng ёки катта бўлса, эмиттер ва коллектор орасидаги қаршилик жуда катталашади. Бунда коллектор занжиридаги ток нолга яқин бўлади, шунинг учун ҳам бу ҳолат транзисторнинг узиш ёки ёпиқ мароми деб юритилади, аks ҳолда занжирда эмиттернинг жамғарилган энергияси базанинг жамғарилган энергиясидан юқори бўлганлиги сабабли эмиттердан ток базага йўналади. Бу пайтда, транзистор очиқ бўлганлиги учун, ўт олдириш ғалтагининг бирламчи чулғами токи эмиттер ва коллектор орқали массага ўтиб, аккумуляторлар батареясининг манфий қисқичига боради. Узгич илашмалари ажralиши билан импульсли трансформатор  $T_{p1}$  нинг бирламчи чулғами токи узтилади ва у ҳосил қилган магнит йўқолади. Натижада иккиласми чулғамда электр юритувчи куч пайдо бўлади. Бу ҳол эса базанинг жамғарилган энергиясини эмиттердаги жамғарилган энергиядан ошириб юборади ва транзисторни ёпиқ маромга ўтказади. Бунинг натижасида эмиттер ва коллектор орасида жуда катта қаршилик пайдо бўлиб, ўт олдириш ғалтагининг бирламчи чулғами занжиринн дарров узиб қўяди. Шу дақиқада ҳосил бўлган магнит майдони йўқолиб, иккиласми чулғамда юқори кучланишили ток пайдо бўлади. Бирламчи чулғамда ҳосил бўладиган ўзиндуқция токи транзисторга таъсири қилмаслиги учун бирламчи чулғамга мувозий равишда стабилитрон  $D_2$  уланади. Стабилитрон бирламчи чулғамни қисқа туташтираслиги учун унга кетма-кет диод  $D_1$  уланади. Ўзиндуқция токи конденсатор  $C_1$  ни зарядлаб туриш учун сарфланади ва унга кетма-кет уланган қаршилик  $P_1$  ҳам бирламчи чулғамда ток пайдо бўлганда ва йўқолганда ҳосил бўладиган жараёнларнинг ўтишини сингиллаштириб беради. Тармоқقا уланган конденсатор  $C_2$  ток манбаларининг бирор занжири генератор чулғамининг бирор фазаси узилганда транзисторни ҳосил бўладиган ортиқча

кучланишлардан сақлады. Узилиш содир бұлған тақдирда конденсатор С2 зарядланиб, занжир кучланишини дарров қамайтиради. Контакт-транзисторли тармоқ оддий тармоққа қараганда бир қатор афзалликларга эга, уларға қуйидагилар киради:

1. Илашмалар күймайды, шунинг учун оддий тармоққа кисбатан уларнинг ишлаш муддати беш-олти марта күп, яғни автомобиль 150—200 минг км масофани босиб үтгунча ишлаши мүмкін.

2. Ўт олдириш тармоғи свечаларда учқун йўли 1,0ж1,3 мм бўлганда тўла ишончли ишлайди. Натижада свечаларда узоқ муддат электродлари оралиғидаги тирқиши ростламасдан ишлаши мүмкін.

3. Ўт олдириш тармоғига қарашиб содда ва қулай.

4. Паст ҳароратларда двигателни юргизиб юбориш яхшиланади, чунки тирсакли вални кичик айланишлар сонида ўт олдириш тармоғининг иш қобилияти сақланади.

5. Двигателининг қуввати бирмунча кўпаяди ва тирсакли вал айланишлар сонини оширишга имкон яратилади.

6. Двигатель тежамлироқ ишлайди.


7. Ўт олдириш тармоғининг ишончлилиги ортади. Илашма транзисторли тармоқ камчиликларига қуйидагилар киради:

1. Тармоқ қиммат туради. 2. Тармоқ анча мураккаб. 3. Электр энергияси кўпроқ сарф бўлади. 4. Транзисторли коммутатор ҳисобига тармоқнинг ўлчами катталашади.

5. Транзистор 65°C дан юқори ҳароратда ишлаганда ишлаши ёмонланади, шунинг учун уни совитиш мүмкін бўлган жойга, яғни ҳайдовчи кабинасининг яхши шамоллайдиган жойига ўрнатиш лозим.

#### 64-§. Илашмасиз (контактсиз) ўт олдириш тармоғи

ЗИЛ-131 ва "Урал"-355-Д автомобиллари учун янги турдаги илашмасиз ўт олдириш тармоғини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. "Искра" деб номланувчи бу қурилмада магнит электр туркумидаги илашмасиз датчили ва ўт олдиришни илгарилагиб берувчи механик юритмали ростлагичи бор. Бу тармоқ (190-расм) датчик-тақсимлагичдан ташкил топган бўлиб, датчик-тақсимлагич ўт олдириш даври импульслари датчиғи / ва тақсимлагич 7, электронли коммутатор 5, ўт олдириш ғалтаги 6, қўшимча қаршилик 4, ўт олдириш қулфи 3, ўт олдириш свечаси 8 ҳамда аккумуляторлар батареяси 2 дан ташкил топган. Ўт олдириш импульслари датчиғи / ротор ва стартёрдан ташкил топган бир фазали ўзгарувчан ток генераторидан иборат. Датчик ротори магнитли юмшоқ пўлатдан тайёрлантан қутб учликлари бор муттасил ҳалқасимон магнитга эга бўлган қутблар тармоқлар мажмусидан иборат. Бунда қутблар сони двигателнинг цилиндрлар сонига тенг бўлади. Датчик стартёри ҳалқасимон чулғамдан ташкил топган.



190-расм. Илашмасиз ўт олдириш тармоғининг чизмаси.

Стартёр қутб училклар жуфтларининг сони роторники каби бўлиб, двигатель цилиндрларининг сони билан баравар. Ротор айланганда датчик чулғамига кирувчи магнит оқими ўзгаради ва синусланган кучланиш импульслари транзисторлн коммутаторнинг кириш қисмига келади. Биринчи цилиндр ю. ч. н. далигида ўт олдиришининг бошлангич пайтини тўғри ўрнатиш учун ротор ва статорда маҳсус қилинган радиал чизиқлар белгиланган. Уларнинг бир-бирига тўғри келиши илашмали ўт олдириш тармоғидаги илашмаларнинг ажрала боришига мос тушади.


Кўрилаётган тармоқда ўрнатиладиган ўт олдириш ғалтаги экранлаштирилган, яъни ҳар хил нурланишлар ва бошқа таъсирлардан ҳимоя қилиш хусусиятига эга. Ғалтакнинг трансформациялаш коэффициенти II2/III 116 бўлиб, у қўшимча қаршилик билан тўйинтирилган ҳолда 12 ва 24 вольтли илашмасиз ўт олдириш тармоғида ишлатиш учун мўлжалланган. Транзисторли илашма ўт олдириш ғалтагининг бирламчи чулғамидаги токни ўзgartириш учун мўлжалланган ва тақсимлагич датчигининг айланниш сони 1600 мин<sup>-1</sup> га етганда узлуксиз учқун чиқишини таъминлайди.

Хуллас, бундай тармоқ занжирининг иккиламчи чулғамида жуда катта кучланишни ҳосил қўтиши туфайли, ўт олдириш свечасида катта қувватга ва шиддатта эга бўлган учқун пайдо булади. Бунинг натижасида свеча электродлари орасидаги тирқишини катталаштиришга имкон яратилади. Бу эса ўт олдириш жараёнини яхшилаб, турли маромларда ишлаганда аралашма бир маромда алангаланишини таъминлаб беради. Контактсиз ўт олдириш тармоғининг қўлланилиши ёнилғи сарфини 3—4 фойизга камайтиради, совуқ двигателни ўт олдиришни жадаллаштиради, техник қаровга сарфланган меҳнатни камайтиради ва автомобилни ишончли таъминлайди.

## 65-§. Электр стартёрнинг вазифаси, тузилиши ва ишлаш услуби

Двигателни юргизиб юбориш учун тирсакли валнинг айланишлар сони карбюраторли двигателларда 40—50 айл/мин ва дизелларда 100—200 айл/мин атрофида бўлиши керак. Бу вазифа аккумуляторлар батареясини электр токини механик энергияга айлантириб берувчи электр двигатель — стартёр бажаради. Стартёр чулғамлари кетма-кет уланган ўзгармас ток двигатели бўлиб, тузилиши жиҳатидан генераторга ўхаш.

Стартёрнинг умумий тузилиш тасвири 191-расмда келтирилган. Унинг асосий қисми пўлатдан цилиндрическин қилиб ясалган қобиқ 9 ва якорь 11 бўлиб, қобиқнинг ички бўшлиғига тўртта қутбли ўзак 2 винт ёрдамида қотирилиб, уларнинг атрофига мис симдан тайёрланган ўйғотиш чулғами 3 жойлаштирилган. Стартёрнинг буровчи моментини катталаштириш мақсадида ўйғотиш чулғами иккитадан ўзаро мувозий уланиб, улар ўз ҳолида якорь 11 нинг чулғамига кетма-кет уланган. Стартёр қисқа муддатли ишлаш жараёнида жуда катта ток кучини 300—400 А гача истеъмол қилиши сабабли ўйғотиш ва якорь чулғамлари кўндаланг қирқимили тўртбурчак шаклдаги ва қирқим юзаси  $10 \dots 15 \text{ mm}^2$  бўлган йўғон мис симдан тайёрланган. Корпус 9 нинг олд томонига тумшуғи чиққан шаклдор қопқоқ 20 ва кетинги томонига оддий қопқоқ 5 ўрнатилиб, бу қопқоқлар узун болтлар 10 ёрдамида бир-бiri билан туташтирилиб, маҳкам қилиб тортиб қотирилади. Тумшуқли қопқоқ чўяндан ёки алюминий қотишимасидан ва оддий қопқоқ эса фақат алюминий қотишимасидан тайёрланади. Қопқоқ 5 нинг юқори қисмida чўтка тутқичлар 29, 30 ўрнатилиб, уларга чўткалар 28, 31 қотирилади. Ўтказувчанлик яхши бўлиши учун чўткалар юқори ток ўтказувчанлики материалдан ( $80 \div 90$  фоиз мис, қўроғшин ва қалай қўшилган  $10 \div 20$  фоиз графит) қилинади. Чўткалар ва чўтка тутқичлар сони асосан тўрттадан бўлиб, уларнинг иккитаси манфий чўткалар стартёр қобигига, яъни массага ва иккита мусбат чўткалар эса қопқоқдан муҳофаза қилинган ўйғотиш чулғамларига уланади. Чўткалар ва коллектор ҳолатини вақти-вақти билан назорат қилиб туриш учун қобиқнинг орқа қисмida махсус дарчалар 27 мўлжалланган. Уларни ифлосланишдан сақлаш учун дарчалар устида пўлат тасма 4 ўрнатилиб, болт ёрдамида қотирилиб қўйилади. Стартёр шаклдор қошли қопқоқ 20 билан маховик қобигига тешигига киритилиб, болтлар билан маҳкамланган. Қобиқнинг тепасига тортиш релеси 25 ва қопқоқларга ўрнатилган бронза-графитдан тайёрланган втулкалар 8, 19 га якорь 11 нинг вали 12 ўрнатилган. Валга юмшоқ пўлатдан штамплаб ясалган айрим-айрим пластиналардан ташкил топган ўзак ўрнатилган. Ўзакда уюрма токлар ҳосил бўлмаслиги учун ҳар бир пластина юзасининг муҳофаза қатлами — лак билан қопланган. Ўзакнинг ариқчаларига йўғон мис




191-расм. Стартп. CT-21.

симдан ясалған якорь чулғами жойлаштирилиб, унинг учлари коллектор 7 нинг қисқичларига уланган. Коллекторга чұтқалар пружиналар әрдамида сиқиб турилади. Вал 12 нинг винтсимон шлицали қисміга әркін илаштириш муфтаси 16 ва унға маҳкамланған шестерня 17 үрнатылған. Эркін илаштириш муфтасининг втулкасига юргизиш муфтаси 14 ва улар орасынан пружина 15 үрнатылади. Қопқоқ 20 га үқ әрдамида қотирилған вилкали ричаг 21 үрнатылған бўлиб, у юргизиш муфтаси 14 нинг ариқчасига кириб туради. Шайба 18 шестернянинг силжиш йўлини чеклаш учун хизмат қиласиди. Шестерня үқ бўйлаб ҳаракатланғанда эркін илашиш йўл муфтаси билан биргаликда силжиб, маховикнинг гардишли шестерняси билан тишилашади. Маховикни жойидан қўзғатиша тирсакли валга узатыладынган буровчи момент деярли катта бўлиши учун, шестернянинг тишилар сони маховик гардиши тишиларига нисбатан 10ж15 марта кам бўлиши керак. Масалан, ЗИЛ-130 двигатели маховигининг гардишида 140 та, стартёр шестернясида эса 9 та тиш бор.

Двигателни юргизиб юбориш учун стартёр жуда катта ток истемол қиласиди. Шунинг учун ундан 5 секунддан ортиқ узлуксиз фойдаланиш ярамайди, акс ҳолда аккумуляторлар батареясини жуда тезкорлик билан зарядизлайди. Лекин бир минутдан сўнг қайтадан тиклади. Умуман стартёрни 3—4 мартадан ортиқ улаш тавсия этилмайди.

Двигатель стартёр әрдамида юргизилиб юборилғач, стартёр шестерняси маховикдан бир зумда ажралиши лозим. Акс ҳолда стартёр шестерняси маховик валидан ҳаракат олиб, катта айланышлар сони билан айланади. Шунда ҳосил бўлган марказдан қочма куч таъсирида якорь ўрами ўз жойидан чиқиб кетади.

**Стартёр юритмаси.** Стартёр шестернясини маховик гардиши билан ўзаро тишилаштириш ва двигатель юргизиб юборилғач, уларни бир зумда ажратиш вазифасини ўтовчи қурилма *стартёр юритмаси* деб аталади. Стартёр юритмаларининг ҳаммаси шестерняни мажбурий қўшиш услугига асосланған бўлиб, улар ўз навбатида бевосита ва масофадан (дистанцион) бошқариш юритмаларига бўлинади. Бевосита юритмали стартёrlар кабинада үрнатылған педаль әрдамида бошқарилади. Катта қулайлик яратиш мақсадида замонавий автомобилларда масофадан бошқариладиган стартёр юритмаси қўлланилади (192-расм). Бу юритмага қўшиш релеси 5, тортиш релеси 9, вилкали ричаг 13, юргизиш муфтаси ва эркін илашиш йўл муфтаси 14 киради. Қўшиш релесининг бошқарувчи чулғами 21 нинг бир учи ўт оғдириш қулфи 2 орқали реле-ростлагич *Б* қисқичига ва иккинчи учи *Я* қисқичига уланган. Илашмалар 6 тортиш релеси 9 нинг қисқичига, иккинчи томондан эса якорча 4 га уланилиб, ярмо 3 орқали тортиш релесининг учига қотирилған. Тортиш релесининг якори 12 шарнирли қилиб вилкали ричаг 13 га бириктирилған, у пружина таъсирида шестерня 15 ни маховик гардиши 17 дан



192-расм. Стартёр юритмасининг чизмаси.

ажралган ҳолда ушлаб турилади. Тортувчи ва тутиб турувчи чулғамлар 11 ва 10 нинг бир учи қўшиш релесининг қўзғалувчан илашмасига уланган. Тутиб турувчи чулғам 10 ни иккинчи учи массага, тортувчи чулғам 11 нинг иккинчи учи эса релс қисқичига уланган. Стартёрнинг ишлаш жараёнида унинг юритмасига киравчи эркин илашиш йўл муфтаси асосий вазифани бажаради. Двигателни ишга тушириш учун ўт олдириш қулфи 2 нинг калити ўнгга охиригача бурилади; бунда улаш релеси чулғамишининг занжирни 21 аккумуляторлар батареясига уланади. Бу пайт ток аккумуляторлар батареясининг мусбат қисқичидан чиқиб кетма-кет йўсина қилинган амперметр, реле-ростлагичнинг *Б* қисқичи, ўт олдириш қулфи 2, қўшиш релесининг бошқарувчи чулғами 21, реле-ростлагичнинг *Я* қисқичи, генератор 1 нинг *Я* қисқичи, чутка ва якорь орқали массага ўтиб, аккумуляторлар батареясининг манфий қисқичига келади ва занжир уланади. Бошқарувчи чулғам 21 дан ўтаётган ток ўзакда магнит майдони ҳосил қилиб якорча 4 ни тортиди ва илашмалар 6 ни бириктиради. Натижада илашмалар тортиш релесининг чулғамини аккумуляторлар батареясига улади. Бунда занжирдан ток ўтиш аккумулятор батареясининг мусбат қисқичидан бошланиб, илашмалар, якорча, ярмо, тортиш релесининг тутиб турувчи ҳамда тортувчи чулғамлари ва масса орқали аккумуляторлар батареясининг қисқичига боради. Бунинг натижасида тортувчи ва тутиб турувчи чулғамлардан ўтган ток старлича магнит майдони ҳосил қилиб, якорь 12 ни пружина кучини енгиб ичкарига торгади, якорга шарнирли бириктирилган вилкали ричаг 13 стартёр вали бўйлаб ҳаракатланиб, шу йўсина эркин илашиш муфтаси 14 ва шестеря 15 силжитиб, маҳовик гардиши 17 билан тишлаштиради. Шу пайт якорнинг иккинчи учига қотирилган илашма диск 8 қисқичлар 20 ва 7 ни улади. Шу туфайли стартёрга ток ўтиш

бошланади. Ток аккумуляторлар батареясининг мусбат қисқичидан чиқиб, тортиш релесининг қисқичи 7, илашма диск, қисқич 20, стартёрнинг уйғотиш чулғамлари 19, мусбат чұтка, якорь чулғами 18 манфий чұтқалар ва масса орқали аккумуляторлар батареясининг манфий қисқичига қайтиб келиб, занжирни улади. Якорь ва уйғотиш чулғамларыда ҳосил бұлған кучли магнит майдони якорни керакли тезликда айлантириб, двигатель цилиндрларыда үт олдириш жараёнини ҳосил қиласы. Двигатель ишлай бошлагач, генераторнинг якорида керакли миқдорда кучланиш пайдо бўлади. Бунда ҳосил бұлған ток қўшиш релесининг бошқарувчи чулғами 21 нинг токига зид томонга оқади. Шу сабабли реледаги умумий токнинг миқдори камайиб, ҳосил бұлған кучсиз магнит майдони илашмалар би ни бириктирилган вазиятда ушлаб турға олмайди. Чунки пружина кучи катталиқ қилиб, якорча 4 ни тортади ва илашмалар ажралади. Илашмалар ажралиши заҳотиёқ тутиб турувчи чулғам 10 занжири узилади ва магнит майдони батамом йўқолади. Пружина 23 реле якор 24 ни тортиб (191-расмга қаранг) илашма дискни зудлик билан орқага қайтариб стартёрга келадиган ток йўлини беркитади. Натижада пружина ричаг 21 ни бошлангич ҳолатига қайтаради ва шесгеря маҳовикнинг тишли гардиши билан илашишдан чиқади. Бу жараён үт олдириш құлфи калити стартёрнинг аккумуляторлар батареяси билан қўшиб турганда ҳам давом этади. Бундай конструктив тадбир стартёрни ишлаш муддатини оширади.

#### 66-§. Ёритиш асбоблари, ёритиш ва товуш дараклагичи (сигнализацияси)


Автомобилнинг ёритиш тармоғига киравчы асбоблар бажаралып вазифасига кўра уч гуруҳга ажратилади. Таşқи ёритувчи, ичкарини ёритувчи ва ёритувчи дараклагичдан иборат.

Ёритиш тармоғи автомобильдан унумли фойдаланиш, талафотсиз ва шикастсиз ишлаш, кечаси ёки кўрувчанлик яхши бўлмаган шаронитларда ишлаганда қулайликлар яратиш, назорат ўлчов асбобларининг ишини мунтазам текшириш ва бошқа бир қатор ишларни бажариш учун хизмат қиласы.

Ёритиш тармоғига электр токини аккумуляторлар батареяси ёки генератордан олади ва автомобильнинг айрим электр шохобчалари орқали ёритиш асбобларига юборади. Таşқи ёритиш асбоблари чироқлар (фаралар), сиртқи ўлчам чироқлари, тартнб (номер) белгисини ёритувчи чироқчадан ташкил топган.

Ичкарини ёритадиган асбобларга назорат ўлчов кўрсаткичини ёритувчи лампочкалар, кузов ва кабина ёритувчи плафонлар, юклагични ёритувчи лампочка, капот остидаги чироқча киради. Чироқлар автомобиль йўлини мунтазам ёритиш учун унинг олд томонига, асосан қанотчаларга ўрнатиладиган асосий электр

бирга ўрнатилади. Бунда сиртқи ўлчамли чироқларига иккита чүгнанувчи толали лампочка ўрнатилиб, уларнинг бири липилламасдан ёнади, иккинчиси липиллаб ёниб, бурилиш томонини кўрсатиб дарак беради. Бурилиши кўрсатувчи лампа липиллаб ёниши учун лампаларининг электр занжирига бимсталл ажраттичли рсле ўрнатилади. Баъзан бурилиш кўрсаткичлари алоҳида асбоб сифатида ҳам ўрнатилади. Автомобилни тармозлаш натижасида тўсатдан тўхтатилиши ёки тезлигини секинлаштириш ҳақидаги хабарни унинг орқасидаги тўхташ-огоҳлантириш (стоп-сигнал) лампаси билан билдирилади. Тормоз педали босилганда тармоққа уланган тўхташ-огоҳлантириш тармоқлари ишга тушиб, унинг лампасини бир зумда ёқади. Бунинг учун тўхташ-огоҳлантириш лампанинг электр занжирига ўз-ўзидан уланувчи улагич қўшилиб (194-расм), унда лампа занжири ажратилган ҳолда бўлади. Тормоз босилганда суюқлик ёки ҳаво (тормоз тармогининг турига қараб) диафрагмаси 1 ни ўнгга ўрнатилган пластина 2 билан бирга кўтаради, пластина эса илашмаларни туташтиради ва лампа ёнади. Пружина 4 диафрагмани пластина билан бирга дастлабки ҳолатга қайтаради. Тартиб (номер) белгисини ёритувчи чироқ барча автомобилларда мустақил аҳамиятга эга бўлиб, ёритиш асбобларининг бирортаси қўшилганда ёнади. Дараклагич-



195-расм. Товуш дараклагичининг тузилиш чизмаси:


1 — асос, 2 — ўзак, 3 — чулгам, 4 — дастак, 5 — якорь, 6 — мембрана, 7 — диск, 8 — гайка, 9 — илашмалар, 10 — конденсатор.

нинг яна бир тури товуш дараклагичdir (195-расм). Илашмалар дастак 4 билан туташтирилганда ток ўзак 2 ва чулгам 3 дан иборат электр магнити уйготади. Якорь 5 тортилади ва у билан бириктирилган мембрана түгриланиб, якорь ва гайка 8 ни дастлабки ҳолатга қайтаради. Илашмалар туташади ва барча жараён қайтадан такрорланади. Мембраннынг тебраниши ҳаво тебранишини ҳосил қилиб, товуш пайдо бўлади.

### 67. Назорат-ўлчов ва қўшимча асбоблар

Автомобиль ишләётгандан унинг қурилма ва тармоқлари аниқ ва ишончли ишләётганигидан хабардор бўлиш муҳимдир. Шунинг учун ҳайдовчи кабинасига ўрнатилган пештокчага (шитокка) назорат-ўлчов асбоблари жойлашган. Шунингдек, қўшимчима асбобларнинг ишлатгичлари ҳам кабинадан бошқарилади. Бу асбобларга манометрлар, термометрлар, ёнилги сатхини кўрсаткич ва дараклагич, спидометрлар, тахометрлар (двигатель тирсакли валининг айланишилар сонини кўрсатади), босиб ўтилган йўлни кўрсатувчи ҳисоблагич (счетчик), ойна тозалагичлар, иситтичлар, радиоприёмник ва бошқалар киради.

Манометр суюқлик ва газ босимини ўлчайдиган асбоб. Двигателнинг мойлаш тармогида мой босимининг мақбуллигини мунтазам текшириб туриш учун иссиқлик манометри қўлланилиб, унинг кўрсаткичи асбоблар пештокчасига жойлаштирилган (196-расм). Мой дараклагич (датчик) штуцери 5 нинг тешиги орқали унинг диафрагма 6 билан ажратилган ички бўшлигига киради. Диафрагмага қўзгалмайдиган илашма 7 нинг пластинаси тиралади. Бу илашма — биметалл, яъни икки жинсдаги металл пластинадаги 9 даги қўзгалувчан илашма 8 га



196-расм. Мойлаш тармогида ишлатиладиган электр иссиқлик манометр ва унинг ишлаш тасвири:


- 1 — аккумуляторлар батареяси,
- 2 — кўрсаткичининг биметалл пластинкаси,
- 3 — кўрсаткичининг спиралли,
- 4 — мили,
- 5 — штуцер, 6 — диафрагма,
- 7 — қўзгалмас илашма, 8 — қўзгалувчи илашма, 9 — датчикнинг биметалл пластинкаси, 10 — датчикнинг спиралли.

сиқилади. Ток таъсирида спираль 3 кўрсаткичнинг биметалл пластинаси 2 ни қиздиради. Пластина эгилаб кўрсаткичнинг милини ўнга буради. Айни вақтда спираль 10 ҳам қизийди ва биметалл пластиинка 9 этилиб, илашма 7 ва 8 ларни ажратади. Шу билан ток бориши тұхтайди. Мой босими тармоқда қанча юқори бұлса, илашма 7 ва 8 лар шунча күчли сиқилади, натижада электр ток занжири узоқ муддат туташиб туради ва мили 4 босимни кўрсатади. Босимни ўлчашда манометр ўлчов чизиқчаларидан асосан  $\text{kгк}/\text{см}^2$  бирликда даражаланган манометрлардан фойдаланилади.

Термометр ҳароратни ўлчайдиган асбоб. Масалан, двигателнинг совитиш тармоғидаги сувнинг ҳарорати электр иссиқлик термометри билан текширилади. Термометр (197-расм) цилиндрлар блокининг каллагига ўрнатылган дараклагич (датчик) ва асбоблар токчасига ўрнатылган кўрсаткичдан иборат. Ўт олдириш тармоги ўчирилганда термометр ишламайди ва мили 4 расмда кўрсатылган вазиятда бўлади. Ўт олдириш тармоги қўшилганда

ток датчигининг туташган илашмалари 1 орқали кўрсаткичнинг спирали 2 буйлаб ўтиб, биметалл пластина 3 ни қиздиради. Пластина эгилади ва унинг юқориги учи милини четга, чап вазиятга силжитади. Дараклагичнинг биметалл пластинаси 5 спираль 6 дан ўтган ток таъсирида қизиб эгилеб, илашма 7 ларни ажратади, спираль 2 орқали ток ўтиши тұхтайди. Пластина 3 совиб, тұғрилана бошлайди. Айни вақтда дараклагичнинг пластинаси ҳам совииди, чунки унинг спиралидан ҳам ток ўтмай қолади.

Дараклагичнинг илашмалари яна қайтадан туташади. Двигатель етарли миқдорда қизимаганда илашмалар қисқа муддатта ажралади, дараклагичнинг пластинаси 5 кучлироқ қизийди ва мили 4 тегишли паст ҳарорат даражасини кўрсатади. Сувнинг ҳарорати



197-расм. Ҳарорат даражасини кўрсатувчи электр иссиқлик кўрсаткичининг шохобчали тасвирий чизмаси:

- 1 — аккумуляторлар батареяси,
- 2 — кўрсаткичининг спирали,
- 3 — кўрсаткичининг биметалл пластиинкаси,
- 4 — мили, 5 — датчикнинг биметалл пластинаси, 6 — датчикнинг спирали, 7 — датчикнинг винтлари.


ортиши билан илашмалар узоқ вақт ичида ажралиб туради, мили 4 ўнг томонга силжиб, юқориго ҳарорат даражасини күрсатади.

Ёнилғи сатхини күрсаткич. Бакдаги бензин миқдорини билиш ва назорат қилиб туриш учун бакда дараклагич ва асбоблар пештокчасига күрсаткич ўрнатилган (198-расм). Бакка ўрнатилган дараклагич реостат 2 ва дастакли қалқович 1 дан иборат. Бакда ёнилғи қанча күп бўлса, қалқович шунча юқорига қалқиб чиқиб, дастакни силжитиб реостат қаршилигини оширади. Күрсаткич асбода электромагнит 4 ва 5 лардан иборат. Электромагнитлар ўртасига якорли мили 6 ва қаршилик 7 жойлаштирилган. Бакда ёнилғи бўлмагандага электромагнит 5 милини чапга дараклагичнинг ноль томонига буради. Бак тўлганда электромагнит 4 милини ўнгта буриб, бакнинг тўлиш даражасини күрсатади. Агар бак тўла бўлмаса, электромагнит 4 ва 5 ларнинг галтаклари таъсирида манометр мили оралиқ ҳолатларни эгаллади.

Спидометр — автомобилнинг ҳаракат тезлигини күрсатувчи асбоб. Унинг мили магнитнинг қанчалик тез айланишига қараб манометрда тегишли вазиятда бўлади. Магнитли айлантирувчи вал узатмалар қутисининг иккиласи валига уланган гилоф ичида айлантирувчи трос ("эгилувчан вал") билан ҳаракатга келтирилади. Босиб ўтилган йўл ҳисоблагич орқали билинади, у валдан червякли узатма орқали ҳаракатга келтирилади.

Ойна тозалагичлар ёмғир ва қор ёғиб турганда ҳайдовчи йўлни кўришига имкон яратади. Ойна тозалагичнинг чўткалари турли автомобилларда асосан электрик юритмали қилинади. Шунингдек, пневматик ёки киритиш найчасидаги сийракланишдан фойдаланиб ишлатиладиган, ёки механик юритмали қилинади.

Электрик юритмали ойна тозалагичда юритма сифатида жуда кичик қувватли электрик двигатели ишлатилади. Двигателнинг якори червякли узатма ёрдамида чўткалар юритгичининг ричагларини ҳаракатга келтиради. Улагич чўткаларнинг икки турли



198-расм. Ёнилғи сатхи күрсаткичининг чизмаси:

- 1 — ползуний датчикнинг қалқовиши,
- 2 — датчикнинг реостати,
- 3 — күрсаткичининг корпуси,
- 4 — электр магнитлари,
- 5 — күрсаткичининг якорчадаги мили,
- 7 — қаршилик.

тезлика ҳаракатланишига имкон беради. Якорь секин айланганда, чүткалар секин төбранади ва якорь тезрок айланганда эса чүткалар тезрок төбранади.


PDF Compressor Free Version

#### 10-мавзу. АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИ

##### I-топшириқ (199-расм).

I. Расмда электр занжирининг қисмлари қандай рақамлар билан белгиланган?

Ток манбай (а), ички занжир (б), истеъмолчиларни ток манбаига улаш ускунаси (в), истеъмолчи (г), сақлагич (д),



199-расм. Автомобилларда ўрнатиладиган электр занжирларининг соддалаштирилган чизмалари:

а — икки ўтказгичи занжир, б — битта ўтказгичи занжир.

автомобилларнинг металл қисмидан муҳофаза қилинган аккумулятор батареяси ташқи занжирининг қисқичи (с), аккумуляторлар

батареясини автомобильнинг металл қисми—“масса”га уловчи қисичлар (е), автомобильнинг металл қисми—“масса” (ж).


II. Қуйидагилар қандай үлчов бирликларида үлчанади:

- 1) Ток кучи.
- 2) Электр токининг қуввати.
- 3) Кучланиш.
- 4) Аккумуляторлар батареясининг сиғими:

а) омларда; б) вольтларда; в) ваттларда г) ампер; д) ампер-соатларда; с) фарадаларда.

III. Қуйида келтирилган саволларга тўғри келадиган асбобларни аниқланг:

1. Ишламаётган двигателдаги ток манбай.
2. Истъемол этилаётган токнинг энг катта қувватли истъемолчиси.
3. Двигателни ишта туширганда стартёр токни қайси манбадан олади?
4. Тир-



200-расм. Автомобиль электр жиҳозларининг соддазашган чизмаси.

сакли валнинг катта айланиш частотасида двигательнинг асосий электр манбай бўлиб нима хизмат қиласди?

- а) генератор;
- б) реле-ростлагич;
- в) аккумуляторлар батареяси;
- г) стартёр;
- д) ўт олдириш асбоблари;
- е) ёритиш асбоблари.

2-топшириқ (200-расм).

I. Расмда электр ускуналарининг деталлари қандай рақамлар билан белгиланган?

Ёрглик дараклагичи ва ёритиш асбоблари (а), стартёр (б), аккумуляторлар батареяси (в), ёрглигининг марказий қайта улагичи (г), фаралар ёрглигининг оёқлар ёрдамида қайта улагичи (д), генератор (с), ростлагич (ё), ўт олдириш галтаги (ж), ўт олдириш свечалари (з), узгич (и), тақсимлагич (й), чироқлар (к), назорат-ўлчов асбоблари (л), кўрсаткич (м), дараклагич (н).

II. Электр занжирига қуйидаги асбоблар қандай уланади?

1. Вольтметр. 2. Амперметр. 3. Дараклаш ва ёритиш асбоблари.  
4. Аккумуляторлар батареяси. 5. Генератор: **PDF Compressor Free Version**  
а) кетма-кет; б) мувозий; в) улаш усули автомобиль турiga  
боелиқ.

III. 1. Амперметр қандай ток кучини күрсатади?

а) Уланган истеъмолчи занжиридаги ток кучини; б) заряд  
кучини; в) двигатель ишга туширилганды стартёр занжиридаги  
ток кучини.

2. Батарея сигими разряд ток кучига боғлиқми?

а) Боглиқмас; б) разряд ток кучи ошиши билан батарея  
сигими ортади; в) разряд ток кучи ортиши билан батарея сигими  
камаяди.


3. Аккумуляторларни мувозий улаш нима бсралди?

а) Кучланиш ва сигим ортади; б) ўзгармас кучланишда сигим  
ортади; в) ўзгармас сигимда кучланиш ортади.

3-топшириқ (201-расм).

I. Расмда аккумуляторлар батареясининг деталлари қандай  
рақамлар билан белгиланган?

Аккумулятор баки (а), мусбат ва манфий пластинкалар (б),  
қутб чиқиқлари (в), қобирғалар (г), ажратгич (д), бикртаг (е),  
тиқинлар (ё), манфий чиқиқ (ж), эбонит қопқоқ (з).



201-расм. Қўргашинли аккумуляторлар батареяси.

II. 1. Автомобилларнинг электр ускуналари тармогига асосан қандай аккумуляторлар ишлатилади?

а) кадмийли-кислотали; б) қўрғошинли-кислотали; в) темир никелли; г) алюминий кислотали.

2. Қўрғошинли-кислотали аккумуляторларда қандай электролит қўлланилади?

а) Хлорид кислотанинг сувдаги эритмаси; б) ўювчи калийнинг сувдаги эритмаси; в) сульфат кислотанинг сувдаги эритмаси.

III. 1. Мусбат пластиинанинг фаол массалари қандай таркиблардан тузилган?

а) пўлат кукуни, графит кукуни, қўрғошинли суръма ва хлорид кислотанинг эритмасидан; б) қўрғошин кукуни, хлорид кислотанинг эритмасидан ва ўювчи калийдан; в)  $\frac{2}{3}$  қўрғошинли суръма ва  $\frac{1}{3}$  қўрғошин панжарадан.

2. Манфий пластиналарнинг фаол массалари қандай таркиблардан тузилган?

а)  $\frac{1}{3}$  қўрғошинли суръма ва  $\frac{2}{3}$  қўрғошин панжарадан; б) мис кукуни, қалай ва нитрат кислотадан; в) қўрғошин кукуни ва хлорид кислотанинг эритмасидан.

4-топшириқ (202, 203-расм).

I. 1. Қуйидаги расмларда аккумуляторларни қандай улаш кўрсатилган?


а) 202-расмда; б) 203-расмда.

2. Қуйидаги расмларда тасвирланган схема бўйича аккумулятор батареясининг умумий сигими нимага teng?

а) 202-расмда; б) 204-расмда.

II. 1. Аккумуляторни зарядлашда қандай жараён юз беради?

а) Химиявий энергиянинг иссиқлик энергиясига айланиш жараёни; б) химиявий энергиянинг электр энергиясига айланиш жараёни; в) электр энергиясининг химиявий энергияга айланиш жараёни.



202,203-расм. Аккумуляторлар батареясининг улапиш чизмалари.

2. Аккумулятор сиғими нима?

а) Аккумулятор бакининг ҳажми; б) зарядланган аккумуляторнинг чекланган нуқтагача зарядсизланишида олинадиган электр миқдори; в) аккумуляторнинг истемолчига бера оладиган электр энергиясининг миқдори.

3. Аккумуляторнинг разряд сиғими нимага бөглиқ?

а) разряд ток кучига; б) электролит ҳароратига, в) аккумулятордаги пластиналар сонига; г) ҳамма санаб ўтилган омилларга.

III. I. Аккумуляторлар батареясининг зарядсизланишида химиявий реакция қандай формула билан ифодаланади?

а)  $PbO_2 + 2H_2SO_4 + Pb \rightarrow PbSO_4 + 2H_2O + PbSO_4$

б)  $PbSO_4 + 2H_2SO_4 + PbSO_4 \rightarrow PbO_2 + 2H_2SO_4 + Pb$

2. Зарядсизланиш жараёнида электролитнинг химиявий таркиби қандай ўзгаради?

в)  $H_2SO_4$  ва  $H_2S$  нинг миқдори ортади.


б)  $H_2O$  нинг миқдори камаяди ва  $H_2SO_4$  эса ортади.

в)  $H_2O$  нинг солиштирма миқдори ортади ва  $H_2SO_4$  ники эса камаяди.

5-топшириқ (204-расм).

I. Расмда ўзгарувчан ток генераторининг қисмлари ва деталлари қандай рақамлар билан белгиланган?

а) Статор чулгами, б) уйгониш чулгами, в) илашма ҳалқалари, г) мис-графитли қутка, д) қутбли учлиги бор магнитли юргизгич, с) ярим ўтказгичли диодлар, ё) ташқи занжир қисқичлари.



204-расм. Ўзгарувчан ток генераторининг умумий тузилиши ва электр чизмаси.

II. Қуйидаги саволларга тааллукли бұлған ўзгарувчан ток генераторининг қисмларини анықланг.

1. Чулғамларда э. ю. к. индукцияланади. 2. Генераторнинг ҳаракати учун магнит майдонини ҳосил қылувчи үйғотиш чулғамлари шу қисмiga тегишли. 3. Ўзгарувчан токни тұғрилаш учун хизмат қилади. 4. Генераторнинг айлануви үшін ҳаракатланмайдыган қисмлари орасыда электр контакт ҳосил қилади:

чулғамли статор (а), шарикли подшипниклар (б), айлануви ротор ҳаракатланувчи шкив билан (в), ярим ўтказгичли диод (г), коллектор ва чүткалар (д).

III. I. Ўзгарувчан ток генератори қандай чиқиш қисқичларига эга?

- а) Б (батарея), Ш (шунт), М (автомобиль "массаси");
- б) "+" (батарея ва кучланиш таъсири остида) "—" ("масса" ва кучланиш ростлагичи), Ш (шунт);
- в) Б (батарея), Я (якорь), Ш (шунт).

2. Қуйидаги автомобилларнинг қайси бирида ўзгармас ток генератори ўрнатылған?

- а) ГАЗ-51А, б) ГАЗ-53А, в) ГАЗ-66, г) ЗИЛ-130, д) МАЗ-5335,
- е) КамАЗ-5320, ж) КрАЗ-257Б1.

3. ЗИЛ-130 двигателида генераторга ҳаракат қандай узатылади?

а) бир жуфт цилиндрик шестернялар орқали тирсакли валдан;


б) бир нечта шестернялар орқали тирсакли валдан; в) бир нечта шестернялар орқали тирсакли валдан; г) тасмали узатма орқали тирсакли валдан:

6-топшириқ (205-расм).

1. Расмда ўт олдириш фалтагининг деталь ва қисмлари қандай рақамлар билан белгиланған?

Магнит ўтказгич (а); ўзак (б); иккиламчи чулғам (в); бирламчи чулғам (г); құшымча қаршилик (д); юқори кучланишили тармоқ қисқичлари (с); құшымча қаршилик узгидаги паст кучланиш қисқичлари (ё), улагични паст кучланишили қисқичи (ж), стартёр паст кучланишили қисқичи (з).

II. Қуйидаги саволларга тааллукли ўт олдириш тармоғининг қисмларини анықланг.



205-расм. Ўт олдириш фалтагининг тасвирий чизмаси.

1) Двигатель ишга түширилғанда паст күчланишли ток йұналади; 2) үзиндукция токи ҳосил бўлади; 3) юқори күчланишли ток ҳосил бўлади; 4) узгич контакти уланған ва үзилған вақтда шу қисмда уюрма токлар ҳосил бўлади:

а) ўт олдириш ғалтагининг иккиласми чулғами; б) қўшимча қаршиликда; в) конденсаторда; г) ўт олдириш ғалтагининг бирламчи чулғамида; д) ўт олдириш ғалтагининг ӯзагида.

**III. 1. Қўшимча қаршилик ўт олдириш ғалтагининг қайси чулғамига ва қандай уланған?**

а) бирламчи чулғамга кетма-кет; б) бирламчи мувозий; в) иккиласми чулғамга кетма-кет.

**2. Ўт олдириш ғалтагининг вазифаси нима?**

а) юқори күчланишли занжирдаги токни узиш; б) паст күчланишли токни юқори күчланишли токка айлантириш; в) юқори күчланишли токни паст күчланишли токка айлантириш.

**3. Тирсакли валнинг айланиш сонига боғлиқ равишда бирламчи чулғамдаги токни ростлаш учун қайси тузилма унга кетма-кет уланади?**

а) конденсатор; б) қаршилик; в) иккиласми чулғам.

**7-топшириқ (206-расм).**


**I. Расмда узгич-тақсимлагичнинг деталлари қандай рақамлар билан белгиланган?**

Қопқоқ (а), ток тарқатувчи пластинали ротор (б), валча (в), ажратилган қисқични боғловчи сим (г), "масса" билан уланған қўзғалмас илашма (д), ўт олдириш ғалтагининг симли қисқичи (е), конденсатор (ё), узгич муштаси (ж), қўзғалувчан илашма (з).

**II. 1. ЗИЛ-130 автомобиль двигателида узгич-тақсимлагичнинг ҳаракати қандай амалга оширилади?**

а) тақсимлаш валининг катта шестерясидан; б) мой насосининг шестерясидан; в) двигателнинг тирсакли валидан; г) тақсимлаш валининг кичик шестерясидан.

**2. Қуйда кўрсатилган асбоблардан қайси бири тирсакли валнинг айланиш сонига боғлиқ равишда ўт олдирилишнинг илгариланишини ўзgartиради?**



206-расм. Узгич-тақсимлагич.

а) октан-корректор; б) марказдан қочма ростлагич; в) сийраклаш ростлагич.

III. I. Узгичнинг илашмалари уланган вақтдаги бурчак катталиги нимага болғиқ?

а) Цилиндрлар сонига ва илашмалардаги тирқишини катталигига, б) ўт олдиришнинг илгариланиш бурчагига, в) тирсакли валининг айланиш сонига ва цилиндрлар сонига, г) узгич илашмаларидағи тиркаш катталигига.

2. Ўт олдириш тармогининг конденсатори яроқсиз бўлса, двигатель илашиши мумкини?

а) Фақат двигатель тирсакли валининг катта айланишлар сонида; б) ўт олдириш свечаси электродларидағи тирқиши камайтириш йўли билан; в) мумкин эмас.

3. Узгич илашмалари орасидаги шиддатли учқун улар узилган вақтда нимани кўрсатади?

а) Конденсатор ишга яроқсизлигини; б) бундай усул билан конденсаторнинг яроқлилигини текшириб бўлмайди; в) конденсаторнинг ишга яроқлилигини.

#### 8-топшириқ (207-расм, а, б, в).

I. Расмда кучланиш ростлагичи, ток чекловчи ва тескари ток релесининг деталлари қандай рақамлар билан белгиланган?

Ажратувчи пластинка (а), темир ярмо (б), ўзак (в), тутгич (г), ажратилган илашма (д), якорча (е), қўзгалувчи илашма (ж), тортувчи пружина (ж), магнитловчи чулғам (з), қўшимча қаршилик (и), генератор чўткалари (й), генераторни уйғотиш чулғами (к), асосий чулғам (л), қўшимча чулғам (м).

II. Қуйидаги саволларга тааллуқли электр асбобларини аниқланг.

1. Ўзгарувчан ток генераторининг уйғотувчи чулғамини аккумулятор батареясига улаш учун хизмат қиласди.

2. Ўзгармас ток генераторини ток кучининг ошиб кетишидан сақлайди. 3. Фақат ўзгармас ток генератори ишлаган вақтда қўлланилади. 4. Чегара нуқтасидан генератор кучланишининг ошиб кетишини тўхтатади.

а) Ток чекловчиси; б) тескари ток релеси; в) марказдан қочма ростлагич; г) кучланиш ростлагичи; д) улаш релеси; е) ҳимоя релеси.

III. Қуйидаги асбоб-ускуналар қайси автомобильга тааллуқлигини аниқланг:



1. Транзисторли ўт олдириш системаси. 2. Илашма-титровли реле-ростлагич. 3. Илашма-транзисторли реле-ростлагичи РР-362. 4. Илашмасиз-транзисторли реле-ростлагичи РР-350.

а) ГАЗ-51А; б) ГАЗ-66; в) ГАЗ-53А; г) ЗИЛ-130; д) МАЗ-500А; е) КамАЗ-5320.

#### 9-топшириқ (208-расм).

I. Расмда ўт олдириш свечасининг қисмлари қандай рақамлар билан белгиланган?

Илашма (контакт) каллаги (а), ён электрод (б), муҳофазалагич (изолятор) (в), ток ўтказувчи шиша-жипслагич



207-расм. Күчланиш ростлагиши (а),  
ток чеклагиши (б) ва тескари ток релеси (в).

(г), зичловчи қистирма (д), марказий электрод (е), иссиқлик конуси (ж).

П. 1. Үт олдириш свечаларининг вазифасини аниқланг:

а) двигатель ишта туширғанда иш аралашмасини иситади; б) цилиндрда электр учқуни ҳосил қиласы; в) юқори күчланишили токни узади.

2. "Совуқ" свеча деб нимага айтилади?

а) Кам иссиқлик берувчи свечага; б) күп иссиқлик берувчи свечага; в)  $1000^{\circ}\text{C}$  дан ортиқ бұлмаган ҳарорат бардош бера олувчи свечага.

3. "Иссиқ" свеча деб нимага айтилади?

а) Күп иссиқлик берувчи свечага, б)  $1000^{\circ}\text{C}$  дан ортиқ бұлмаган ҳароратда ишловчи свечага, в) юқори ҳароратда ишловчи свечага, г) кам иссиқлик берувчи свечага.

4. "Совуқ" свеча "иссиқ" свечадан нима билан фарқ қиласы?

а) Электродлар орасидаги тирқиши билан; б) учлик қисми узунлигининг кичиклигі билан, в) муҳофазалагици билан қобиқ орасидаги тирқишининг камлигі билан, г) муҳофазалагици пастки қисми узунлигининг кичиклигі билан, д) муҳофазалағичнинг ашёсі билан.

III. 1. Свечанинг калиль сони деб нимага айтилади?


а) Свечанинг усти жигар ранга кириши учун сарф бұладыган вақт; б) свечанинг катта ҳароратта бардош бера оладыган вақти; в) маълум маромда ишловчи, маҳсус двигателга ўрнатылған свеча маълум секундларда ифодаланған вақтдан сұнг калиль үт олдиришини вужуда көлтирадыган вақт.

2. "Совуқ" свеча қандай калиль сонига эга? 3. "Иссиқ" свеча қандай калиль сонига эга?

а) 80...160, б) 100...260, в) 280...500, г) 500...700.

4. М12-У, А13-Б, А15-Б свечаларининг маркировкасидаги ҳарф ва сонлар нимани күрсатади?


а) Бириңчи ҳарф свеча резьбасининг диаметрини күрсатади. Рақам эса муҳофазалагицининг пастки қисмининг мм ларда ифодаланған узунлигини, охирғи ҳарф муҳофазалагицининг ашёсини күрсатади;



208-расм. Учқун билаан үт олдиришини свечаси.

б) биринчи ҳарф свечанинг турини билдиради; сон эса корпус резьбасининг диаметрини кўрсатади; охирги ҳарф свечанинг ўзлаштирилган нусхасини (модификациясини) кўрсатади;

в) биринчи ҳарф свеча ишлатиладиган двигателнинг типини билдиради; сон эса свеча учлигининг узунлигини кўрсатади; охирги ҳарф свечанинг "совуқ" ёки "иссиқ" турларини белгилайди.



## 10-топшириқ (209-расм).

I. Расмда стартёрнинг деталь ва айрим қисмлари қандай рақамлар билан белгиланган.

Стартёр қобиги (а), қобиқ қопқоги (б), коллектор (в), контактли чүтка (г), якорь (д), ҳимоя тасмаси (с), шестерня (ё), эркин йўл муфтаси (ж), ричаг (з), якорь винтигининг илгаги (и), якорь пружинаси (й), реле галтаги (к), реле якори (л), уйготиш чулғами (м), илашма диски (н), ўт олдириш қулфи ва галтагининг симларини уловчи қисқичлари (о), батарея ва стартёр чулғамини уловчи қисқичлар (п).

II. 1. Стартёр сифатида қандай электр двигателлари қўлланилади?

- а) Чулғамлари кетма-кст уланувчи ўзгармас ток двигатели;
- б) чулғамлари мувозий уланувчи ўзгармас ток двигатели; в) ўзгарувчан токнинг бир фазали двигатели.

2. Стартёрнинг ҳаракати қандай услубга асосланган?

а) Чулғамларнинг электромагнит индукциясига; б) стартёрда магнит майдони ҳосил бўлишига; в) электр токи чулғамлардан ўтганда қутб бошмоқларининг магнит майдони билан якорнинг магнит майдони ўртасидаги таъсирга.

3. Стартёрнинг тортиш релеси нимага хизмат қилади?

а) Стартёрнинг шестернясини мажбурий равища маҳовик билан тишлишириш стартёри аккумуляторлар батареясига қўшиш учун; б) двигатель ишга туширилган пайтда тортиш релесининг чулғамларига ток ўтказиш учун ва ишлайтган двигателда стартёрини ўз-ўзидан ўчириш учун; в) двигатель ишга туширилганда генераторни аккумулятордан узиш учун.

4. Қўшиш релесининг вазифаси нимадан иборат?

а) Генератор занжирига стартёри қўшиш; б) стартёрнинг шестернясини маҳовик билан тишилатиш; в) двигатель ишга туширилган вақтда тортиш релесининг чулғамларини электр занжирига улаш ва ишлайтган двигателда стартёрини ўз-ўзидан ўчириш.

III. 1. Генератордан фарқли равища стартёрда қандай қисмлар йўқ.

Электромагнитли корпус (а), коллектор (б), якорь (в), контакт чўткалари (г), эркин йўл муфтаси (д), шкив (е).

2. Маҳовикнинг тишли уни билан тишилашган стартёрнинг юритма шестернясини нима тишилашидан чиқаради.

Тортиш релесининг тортувчи пружинаси (а), эркин йўл муфтаси (б), буфер пружинаси (в), тортиш релеси чулғамининг ҳаракати (г).

3. Двигатель ишга туширилгач, стартёр электр двигателини автоматик ўчириш қандай бажарилади.

а) тортиш релесининг юритмасини ишлатиш билан, б) ўт олдиришнинг аралашган ҳолда ишга туширилиши билан, в) эркин йўл муфтаси билан, (г) генераторда батарея кучланишидан ортиқ ЭЮК ҳосил бўлганда қўшиш релесининг ҳаракати билан.

4. Стартёр ишга туширилган пайтда у қанча ток кучини истьсмол қиласы?

а) 12...24А, б) 40...60А, в) 45...115 А, г) 200...200 А, д) 30...400 А.

5. Аккумуляторлар батареясига зарар етказмаган ҳолда стартёрни қанча вақт ичида ишга тушириш керак?

а) 1...2сек., б) 3... 8сек., в) 15... 30сек., г) 1...3 мин.

**АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИ МАВЗУИ ЮЗАСИДАН  
ЖАВОБЛАР:**

1-топшириқ. I. а (2), б (1), в (3), г(5), д(4), с(8), ё (7), ж(9).  
II. 1(г), 2(в), 3(б), 4(д). III. 1(в), 2(г), 3(в), 4(а).

2-топшириқ I. а(14), б(1), в(2), г(13), д(12), е(4), ё(5), ж(9), з(6), и(8), й(7), к(11), л(10), м(15), н(16). II. 1(б), 2(а), 3(а), 4(а), 5(а). III. 1(б), 2(в), 3(в).

3-топшириқ. I. а(6), б(8,9), в(1,5), г(7), д(10), е(4), ё(3), ж(5), з(2). II. 1(б), 2(в). III. 1(в), 2(а).

4-топшириқ (67, 68-расм). I. 1 а (параллел), б(кетма-кет), 2а (180 А·С), б (90 А·С). II. 1(а), 2(б), 3(г). III. 1(а), 2(в).

5-топшириқ. I. а(9), б(8), в(5,6), г(4), д(7), е(1), ё(3). II. 1(а), 2(в), 3(г), 4(д). III. 1(б), 2(а), 3(г).

6-топшириқ(70-расм). I. а(4), б(1), в(3), г(2), д(9), е(6), ё(5), ж(8), з(7). II. 1(г), 2(г), 3(а), 4(д). III. 1(а), 2(б), 3(б).

7-топшириқ. I. а(5), б(6), в(9), г(2), д(1), е(3), ё(4), ж(7), з(8). II. 1(г), 2(б). III. 1(а), 2(в), 3(а).

8-топшириқ. I. а(6), б(7), в(8), г(15), д(14), е(13), ё(16), ж(10), з(9), и(4), й(2,3), к(1), л(18), м(19). II. 1(д), 2(а), 3(б), 4(г). III. 1(б, в, г), 2(а), 3(б,в), 4(г).

9-топшириқ. I. а(2), б(8), в(1), г(3), д(5, 6), е(7), ё(9), II. 1(б), 2(б), 3(г), 4(в). III. 1(в), 2(в), 3(б), 4(а).

10-топшириқ. I. а(15), б(20), в(19), г(21), д(17), е(18), ё(13), ж(14), з(11), и(10), й(9), к(7), л(8), м(5), н(6), о(2,3), п(1,4). II. 1(а), 2(в), 3(а), 4(в). III. 1(с), 2(а), 3(г), 4(д), 5(б).

**11-мавзуу. ДАРАКЛАШ ҮЛЧОВ АСБОБЛАРИ, ИШГА  
ТУШИРИШ ҲАМДА ҮТ ОЛДИРИШ ТАРМОГИ**


**I-топшириқ (210-расм).**

I. Расмда батареяли үт олдириш тармоғининг асбоб ва айрим қисмлари қайси рақамлар билан белгиланган?

Аккумулятор батареяси (а), генератор (б), үт олдириш улагич (а), стартёр улагич (г), тақсимлагич (д), узгич (е), үт олдириш свечаси (ё), реле-ростлагич (ж), үт олдириш ғалтаги (з), конденсатор (и), узгич муштаси (й), узгичнинг құзгалувчан илашмаси (к), узгичнинг құзгалмас илашмаси (л), үт олдириш ғалтагининг иккіламчи чулғами (м), үт олдириш ғалтагининг бирламчи чулғами (н), құшымча қаршилик (о), роторнинг ток тарқатувчи пластинкаси (п), амперметр (р), аккумуляторлар батареясининг узгичи (с).

II. Үт олдириш тармоғидаги қуйидаги асбобларнинг вазифасини аниқланг:

1. Үт олдириш ғалтаги. 2. Узгич, 3. Тақсимлагич. 4. Үт олдириш свечалари:



210-расм. Батареяли үт олдириш тармоғининг умумий чизмаси.

а) паст кучланишли токни юқори кучланишли токка айлантириб беради; б) цилиндрдаги иш аралашмаларини үт олдиради; в) двигателнинг ишлаш тартиби бүйича үт олдириш свечаларига генератордан ёки аккумулятордан ток юборади; г) иккиласмчи чулғам атрофидә ўзгарувчан магнит майдон ҳосил қиласы да бирламчи занжирга улади; д) цилиндрларнинг ишлаш тартиби бүйича үт олдириш свечаларига юқори кучланишли ток узатади.


III. Үт олдириш батареясининг қайси занжирiga қуйидаги асбоблар уланган?

1. Узгич. 2. Бирламчи үт олдириш ғалтаги. 3. Үт олдириш ғалтагининг иккиласмчи чулғами. 4. Тақсимлагич. 5. Үт олдириш улагичи. 6. Үт олдириш свечалари. 7. Құшимча қаршилиги. 8. Конденсатор.

а) паст кучланишли ток занжирiga; б) юқори кучланишли ток занжирiga; в) уланган асбобларнинг схемасига боғлиқ равиша; г) генератор да реле-ростлагичнинг ишлатылишига боғлиқ равиша.

#### 2-топшириқ (211-расм).

1. Расмда контакт транзистор батареяли үт олдириш тармоғининг асбоблари да айрим бұлаклар қайси рақамлар билан белгиланган?



211-расм. ЗИЛ-130 двигателининг илашма-транзисторли батареядан ўт олдириш тармоғининг чизмаси.

Тақсимлагич қопоқоги (а), ротор (б), узгичнинг қўзғалувчан илашмаси (г), қўзғалмас илашма (д), муштча (е), ўт олдириш фалтагининг бирламчи чулғами (ё), ўт олдириш фалтаги (ж), ўт олдириш свечалари (з), қаршилик (и), ўт олдириш фалтагининг иккиласмачи чулғами (й), қўшимча қаршиликлар (к), конденсатор (л), қўшимча қаршиликларни узгичи (м), аккумуляторлар батареяси (н), импульсли трансформатор (о), узгич (п), диод (р), стабилитрон (с), германийли транзистор (т), транзисторли коммутатор (у), транзистор электродлар (ф).

П. 1. Илашма-транзисторли реле-ростлагичнинг афзалликлари нимадан иборат?

2. Оддий вибрацион реле-ростлагичнинг камчилиги нимадан иборат?

3. Ўзгарувчан ток генераторининг афзалликлари нимадан иборат?

4. Ўзармас ток генераторининг камчиликлари нимадан иборат?

а) Ростлагич илашмаларини катта ток кучидан озод этиш ва уйготиш чулғамида ток кучининг ошишига имкон беради, бу эса генераторнинг қуввати ва кучланишини оширишга имкон беради.

б) Катта ўлчам ва кичик қувватга эга бўлиб, бузилиши коллекторнинг тез сийилишидан келиб чиқади.

в) Қайта уланиш пайтида илашмалар орасида кўп учқун ҳосил бўлади, бу эса контактларнинг тез ейилиши ва оксидланишини келтириб чиқаради ҳамда генератор қуввати ва кучланишининг камайишига олиб келади.

г) Конструкцияси содда, кичик ўлчам ва вазнга эга, илашмишончли ва двигателнинг салт ишлаш маромида аккумуляторлар батареясини зарядлаш имконини беради.

П. 2. Г-250 генератори билан ишлайдиган РРЗ-362 ростлагичдаги транзисторнинг вазифаси нимадан иборат?

а) Ток чекловчиси вазифасини бажаради; б) тўғрилагич схемасининг таркибий қисмидир; в) қувватни кучайтириб беради.

2. Узгичнинг илашмалари уланган пайтида транзистор қайси ҳолатда туради?

а) очиқ; б) ёпиқ; в) беихтиёр.

3. РР-362 илашма-транзисторли релс-ростлагич чизмасининг қайси қисми генераторнинг уйготиш токи кучини бевосита бошқаради?

а) ҳимоя релесининг илашмаларини; б) транзисторни; в) диод ва резисторларни; г) кучланиш ростлагичининг илашмаларини.

4. Илашма транзисторли реле-ростлагичининг оддий вибрацияли ростлагичдан афзаллуклари нимадан иборат?


а) Реле-регуляторнинг тузилмаси соддалашади; б) радио тұлқынларини қабул қилиш нүқсонлари камаяди; в) генсраторнинг құзгатыш токи кучи камаяди; г) илашмаларнинг ишлаш даври ортади, бу эса улардан үтувчи ток күчининг камайишига олиб келади.

3-топшириқ (212-расм). Расмда юргизиш тармоғининг айрим қисмлари ва асбоблари қандай рақамлар билан белгиланган?

Стартёр (а), стартёр юритмаси (б), аккумуляторлар батареяси (в), үт олдириш улагиши (г), тортиш релеси (д), тортувчи реле (е), тортувчи чулғам (ё), стартёрнинг құшимчы релеси (ж), амперметр (з).

II. 1. Қуйида күрсатилған камчиликлардан қайси бирида стартёр двигателъ ишга туширилгандан сүнг ишлашини тұхтатмайды?

а) ёрдамчи реле занжири узилганда; б) таъминлаш занжирида илашмалар бузилганды; в) ёрдамчи реле контактлари ёпишиб қолганды.



212-расм. Стартёр орқали юргизиш тармоғининг электр чизмаси.

2. Двигателни юргизиш учун қандай вақтдан кейин стартёрни қайта улаш мүмкін?

а) Вақт белгиланмайды; б) 1—2 минутдан кейин; в) 10—15 секунддан кейин.

III. 1. Стартёрнинг қандай носозлигига якорь олиб қочиши (разносластиши) мүмкін.

2. Қандай қолларда якорь айланмайды ёки сескин айланады?

а) әркін йүл муфтаси шатаксираб қолганды; б) чұтқа ва коллектор орасидаги контакт бузилганды; в) әркін йүл муфтаси сийилганды.

3. Двигателни юргизиб юборишнинг қайси усулини қўл-  
ламаслик керак?

а) Аккумуляторлар батареясининг электр энорасиги фойдалан-  
ниб электр двигатели билан; б) автомобиль шатакка олингандан, етак-  
чи гидрик ва куч узатмаси орқали; в) даста ёрдамида қўлда, тир-  
сакли вални храповиги билан тишлашишга киритиш билан.

#### 4-топшириқ (213-расм).

1. Расмда товушли дараклаш асбобининг қисмлари қандай  
рақамлар билан кўрсатилган.

Конденсатор (а), улаш кнопкаси (б), узгич контактлари (в),  
резонаторли диск (г), пўлат мембрана (д), якорь (е), ўзак (ж),  
ўзакни маҳкамлаш гайкаси (ж), чулғамли ўзак (з).

#### II. Қайси деталь:

1. Бир секундда 200—400 марта тебранишигача бўлган овоз-  
нинг занжирини бевосита узади? 2. Товуш чиқаришни таъмин-  
лайди? 3. Керакли овоз ва товуш тебранишини ҳосил қилиш  
учун мўлжалланган? 4. Илашмалар орасида учқун ҳосил бўлиши  
камайтиради ва иккиласми чулғамдаги кучланишини оширади.

Резонатор диски (а), ўзакни маҳкамлаш гайкаси (б), конден-  
сатор (в), якорь (г), чулғамли ўзак (д).


#### III. Қайси деталь:

1. Чулғамдан ток ўтган вақтда ўзакка тортилади? 2. Якорни  
бошлиғич ҳолатига қайтаради? 3. Узгич контактларини куйиш-  
дан сақтайди? 4. Овозни ростлайди?

а) якорь, пўлат мембрана (б), резонатор диски (в), узгич  
илашмалари (г), ўзакни маҳкамлаш гайкаси (д).

#### 5-топшириқ (214-расм).

213-расм. Товушли  
дараклаш қурилмасининг  
чиҳмаси.




I. Дараклаш кнопкаси билан уланган товуш асбобининг токи занжиридан қандай ўтади?

а) Аккумуляторлар батареяси (+), қисқич Б, ўзак, релснинг қаршилиги ва чулғами, қисқич К, "масса" ва аккумуляторлар батареяси (-).

б) Аккумуляторлар батареяси (+), қисқич Б, қисқич С, электромагнитларнинг чулғами, "масса" ва аккумулятор батареяси (-).

в) Аккумуляторлар батареяси (+), қисқич Б, ярмо, якорча ва



214-расм. Дараклаш дастаги (кнопкаси) билан уланган товуш асбобининг уланиши чизмаси.

релснинг ёпиқ илашмалари, қисқич С, чулғамлари, "масса" ва аккумулятор батареяси (-).

II. 1. Товуш релеси нима мақсадда ишлатилади?

а) Дараклаш чулғамларини қизиб кетишдан сақлаш учун; б) дараклаш дасталарини қизиб кетишдан сақлаш учун; в) ҳайдовчининг ханфизлигини таъминлаш учун; г) аккумуляторлар батареясининг электр энергиясини тежаш учун.

2. Дараклаш релесининг электр занжири нима билан бевосита уланади (214-расмга қаранг)?

а) Марказий қайта улагич билан; б) дараклаш релесининг илашмалари билан; в) аралашган ўт олдириш улагичи билан; г) руль колонкасида жойлашган дастаги билан.

III. 1. Дараклаш релесининг илашмалари билан уланувчи овоз асбобларининг токи занжиридан қандай ўтади (214-расмга қаранг).

а) Аккумулятор батареяси (+), қисқич Б, қисқич С, сигнал электромагнитларининг чулғами, "масса" ва аккумуляторлар батареяси (+); б) аккумулятор батареяси (+), қисқич Б, ўзак, дараклаш релесининг резистори ва чулғами, қисқич К, дараклагич

дастаги, "масса"- ва аккумулятор батареяси (+); в) аккумулятор батареяси (+), қисқич Б, ярмо, якорча ва редукторларыннан уланган илашмалари, қисқич С, дараклагич чулғамлари, масса ва аккумулятор батареяси (+).

2. Реле-дараклаш илашмалари бүйича қандай ток кучи ўтади?  
а) 10—20А; б) 2—4А; в) 0,5...0,6А.

#### 6-топшириқ(215-расм).

I. Расмда сув ҳароратини кўрсаткичларининг қайси тури қайси кўринишда берилган?


1. Магнит-электри. 2. Термотитратгични.

II. Расмда сув ҳарорати кўрсаткичларининг айрим қисмлари қайси рақамлар билан берилган?

Асбоб чулғами (а), асбоб мили (б), терморезистор (в), таъминлаш манбай (г), юритма илашмаси (д), терморезистор қобиги (с), биметалл пластиналар (ё).

III. I. Терморезистор қандай хоссага эга?

а) ўтказгич; б) ярим ўтказгич; в) диод, пружина (ж.).



215-расм. Сув ҳароратининг изоратловчи кўрсаткичи чизмаси.

2. Ҳарорат ўзгариши билан терморезистор қаршилиги ўзгардими?


а) Қизиши билан ошади ва совиши билан камаяди; б) совиши билан ошади ва қизиши билан камаяди; в) ўзгартмайди.

3. Автомобиль пештокчасида ҳарорат кўрсаткичидан бошка яна нима ўрнатилган?

а) Төвуш дараклаш асбоби; б) яшил дараклаш чироги.

7-топшириқ (216-расм).

I. Расмда мой босими күрсаткичининг қайси тури, қайси күринишда берилган?



216-расм. Мой босими күрсаткичининг чизаси.

а) магнит-электри; 2) термотитратгичли.

II. Расмда мой босими күрсаткичи айрим қисмлари қайси рақамлар билан боғланган?

Асбоб чулғами (а), конденсатор (б), датчик мембранны (в), юритмали илашма (г), асбоб мили (д), кучланиш манбаи (е), биметалл пластиналар (ё).

III. 216-расмда қайси деталь:

а) мой босими таъсири билан эгилади, б) қизийди ва эгилиб илашмаларини улади, в) қайси пластина қизиш натижасида эгилиб мой күрсаткичи милини тасвирилган.

8-топшириқ (217-расм).


I. Расмда ёнилги сатҳини күрсаткичининг қандай тури қайси күринишда тасвирилган?

1. Электр-магнитли. 2. Магнит электри.

II. Расмда ёнилги сатҳини күрсаткичининг айрим қисмлари қайси рақамлар билан белгиланган?

Дараклагич (датчик) қалқовичи (а), дараклагич реостати (б), асбоб чулғами (в), асбоб мили (г), таъминлаш манбаи (д).

III. 1. Импульс маромида қайси дараклагичлар ишлайди?



217-расм. Ёнилғи сатқын күрсаткичінің чизмасы.

а) Мой бөсіміни ва ёнилғи сатқын күрсатувчи дараклаги-  
лар; б) ёнилғи сатқыні ва совитувчи суюқлик ҳароратини  
күрсатуучи дараклаги; в) мой бөсіми ва совитувчи суюқлик  
ҳароратини күрсатуучи дараклаги.

2. Қайси текширув үлчаш асбоблари ўзіда термистор қурил-  
масига ега бўлади?

а) мойлаш тармоғидаги мой бөсими күрсаткичи; б) магнит-  
электрли сув ҳароратини күрсаткичи; в) тармоқдаги сув  
ҳароратини күрсатуучи талафот дараклаги; г) бакдаги ёнилғи  
сатқын күрсатуучи электромагнит күрсаткич.

#### 9-топшириқ (218-расм).

I. Расмда автомобиль фараси айрим бўлаклари қайси рақамлар  
билин белгиланган?


Тұғын гардишчасини маҳкамловчи винт (а), гардишли тұғын  
(б), оптик ойнани маҳкамловчи гардишча (в), қобиқ (г), лампа  
нурини тарқатгич (д), лампа (е), ётиқ ростлаш винти (ё),  
жипслаги ҳалқа (ж), тик ростлаш винти (з), қайтаргич (и).

II. Орқа чироқларнинг автомобиль электр ускуналаридаги ва-  
зиғаси нимадан иборат?

а) I. Автомобилнинг орқага юргизилиши ҳақида огохлантиради;  
б) автомобильнинг тартиб белгисини єритади ва орқада келаётган  
автомобиль ҳайдовчисига сиртқи үлчамларини күрсатади; в)  
автомобиль тормозланиши ҳақида орқадаги ҳайдовчи огох-  
лантирилади; г) ҳаракат вақтида ва жойида турганда автомобиль-  
нинг сиртқи үлчамларини күрсатиб туриш учун.

2. Орқа чироқни олдинги чироқка алоқасиз равишда ёкиш  
мумкинми?

а) мумкин эмас; б) истаган шароитда мумкин; в) жойида  
турганда мумкин.



218-расм. Автомобиль чироқининг чизмаси.

**III. Остки чироқлар автомобиль электр ускуналарида қандай ахамиятга эга?**

а) ҳаракат пайтида ва жойида турганда автомобиль сиртқи ўлчамларини кўрсатиб туриш учун;

б) йўл ёмон кўринганида автомобиль сиртқи ўлчамларини ва йўлини ёритиш учун;

в) йўл ёмон кўринганида олдиндаги йўлни ёритиш учун.

2. Оддий лампали асосий фаранинг ёруғлик даражасига нисбатан галоген лампали чироқнинг ишлатилиши афзаллиги қайида келтирилган жавобларнинг қайси бирида аниқ таърифланган?

а) 30...40 м гача узоқликдаги ёруғликни кўришга ёрдам беради; б) 70...80 м гача узоқликдаги ёруғликни кўришга ёрдам беради; в) 100...116 м гача узоқликдаги ёруғликни кўришга ёрдам беради.

**10-топшириқ (219-расм).**

1. Расмда автомобилларнинг ёритиш асбоблари жойлашган қисмлар қайси рақамлар билан белгиланган?


Тормоз дараклагичи (а); орқа сиртқи ўлчам чироқлари (б); тартиб белгисини ёритувчи чироқлар (в); ёруғлик қайтаргичлар (г); орқага юриш фонари (д); бурилиш кўрсаткичи (е); олдинги сиртқи ўлчам чироқлари (ё).

**II. 1. Келтирилган жавобларнинг қайсан бирида остки чироқларнинг вазифаси аниқ таърифланган.**

а) тормозлаш пайтида огоҳлантириш учун; б) тунда тўхташ жойидаги автомобилнинг сиртқи ўлчамларини кўрсатиш учун; в) тунда рўпарадан келаётган автомобилнинг огоҳ бўлиши учун.

**2. Марказий қайта улагичнинг (переключательнинг) асосий вазифаси нимадан иборат?**

а) Огоҳлантирувчи ёритиш асбобларини узиш ва улаш;



219-расм. Автомобилларда ёритин асбобларини жойлаштириш:

а — кетинги чироқлари тик жойлашувга эга бўлган ГАЗ-24 "Волга" автомобили, кетинги чироқлари, б — ётиқ жойлашувга эга бўлган "Москвич-2140".

б) бурилиш кўрсаткичи, сиртқи ўлчам фонарлари ва чироқларни узиб улаш;

в) кабина пештоқчасидаги лампани, чироқларни ва чироқни ёқиб-ўчириш.

**ДАРАКЛАН ВА НАЗОРАТ-ЎЛЧОВ АСБОВЛАРИ, ИИНГА ТУШИРИШ ВА  
ЎТ ОЛДИРИНИ ТАРМОГИ МАВЗУИ БЎЙИЧА ТҮГРИ ЖАВОБЛАР:**

1-топшириқ. I. а(19), б(16), в(13), г(15), д(11), е(4), ё(1), ж(17), з(9), и(2), ў(3), к(5), л(6), м(7), н(8), о(10), п(12), р(14), с(18). II. 1(а), 2(г), 3(д), 4(б). III. 1(а), 2(а), 3(б), 4(б), 5(а), 6(б), 7(а), 8(а).

2-топшириқ. I. а(8), б(9), в(10), г(11), д(12), е(13), ё(4), ж(5), з(6), и(7), ў(1,2), к(14), л(15,21), м(16), н(17), о(22), п(18), р(20), с(19), т(23), у(1), ф(К, Б, Э). II. 1(а), 2(в), 3(г), 4(б). III. 1(в), 2(а), 3(б), 4(г).

3-топшириқ. I. а(9), б(8), в(4), г(2), д(5), е(6), ё(7), ж(3), з(2). II. 1(б), 2(б). III. 1(в), 2(б), 3(б).

4-топшириқ(78-расм). I. а(2), б(9), в(1), г(3), д(4), е(5), ё(7), ж(8), з(6). II. 1(б), 2(а), 3(а), 4(в). III. 1(а), 2(в), 3(б), 4(д).

5-төпшириқ. I. 1.(а), II. 1(б), 2(г), III. 1(б), 2(в).

6-төпшириқ. I. 1(а), 2(а). II. а(9), б(4), в(7), г(6), д(5), е(1), ё(2,3), ж(8). III. 1(б), 2(а), 3(б).

7-төпшириқ. I. 1(б), 2(а). II. а(8, 9, 10), б(11), в(1), г(2), д(6), с(4), ё(3,5). III. а(1), б(3), в(5).

8-төпшириқ. I. 1(а), 2(б). II. а(5), б(4), в(2), г(3), д(1), III. 1(в), 2(б).

9-төпшириқ. I. а(10), б(1), в(2), г(9), д(3), е(4), ё(8), ж(7), з(6), и(5). II. 1(в), 2(а). III. 1(б), 2(в).

10-төпшириқ. I. а(7), б(3), в(5), г(6), д(5), е(2), ё(1). II. 1(б), 2(а).

## АДАБИЁТЛЛАР

1. Автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар (рус тилида), стандартлар түгелми. "Стандарт", М., 1974.

2. Автомобилсозлик материаллариға оид справочник (рус тилида). "Машиностроение", М., 1977.

3. В. И. Анохин. Ватанимиз автомобиллари (рус тилида), "Машиностроение", М., 1977.

4. В. П. Бесспалько. Программалаштириб ўқитишида дидактика асослари (рус тилида). Просвещение, М., 1977.

5. Н. Н. Вишняков, В. К. Вахламов, А. Н. Нарбут ва бошқалар. Автомобил. Конструкция асослари (рус тилида), "Машиностроение", М., 1985.

6. Е. Г. Григорьев, Б. Д. Колубоев ва бошқалар. Газбаллошли автомобиллар (рус тилида), "Машиностроение", М., 1989.

7. М. И. Ерецкий, Н. Д. Айранстан. Тест саволларини ша программалаштириб ўргатыш сұнндарини яратыш (рус тилида). М., МАДИ. 1977.

8. Д. Кнут. ЭХМ да программалаштирилған саволларни яратыш сәнъети (рус тилида), "Мир", М., 1978.

9. Х. М. Маматов, Ю. Т. Турдиев, Ш. Ш. Шомақмудов, М. О. Қодирхонов. Автомобиллар. Конструкция ва назария асослари. Олий ўқыу юртлари учун дарснік. "Ўқитувчи", Т., 1982.

10. Х. М. Маматов. Автомобиллар. (Автомобиллар конструкциясыдан олий ўқыу юртлари учун программалаштирилған ўқыу күлланмасы). "Ўқитувчи", Т., 1986.

11. Х. М. Маматов. Автомобиллар. (Олий ўқыу юртлари учун) рус тилида, "Ўқитувчи", Т., 1992. 240 бст.

12. Х. М. Маматов. Поршень ҳалқаларининг айланиш ва ейилиш масалаларини ўрганыш (рус тилида). ЎзССР ФЛ техника фанлари серияси, "Известия" журналы, 1968, № 6. "Фан".

13. Я. Павловский. Автомобиль кузовлари (рус тилида). "Машиностроение", М., 1982.

14. М. А Рунец. Автомобиль механикининг справочники (рус тилида). "Гринспорт", М., 1976.

15. В. И. Скоблев. Автомобиль ва тиркамаларнинг ёритиш асбоблари (рус тилида). "Энергиздат", М., 1981.

16. Н. Ф. Тализина. Билишни қабул қылаш жараёнларини бошқариш (рус тилида). МГУ, М., 1975.

17. Э. В. Унгер, В.И. Левин ва бошқалар. КамАЗ автомобилининг тузилиши наука қароюы (рус тилида). "Транспорт", М., 1986.

## МУНДАРИЖА

Сүз боши	3
Кирилл	4
Китобдаги программалаштирилган топшириқли машқлардан фойдаланиш юзасидан амалий йўл-йўриқлар	5
Бириччи қисм	
Автомобилларнинг тузилиши, ишлаши ва конструктив хусусиятлари	7
1-боб. Автомобиль ҳақида умумий маълумотлар	7
1-§. Автомобиль тарихидан	7
2-§. Собиқ Иттифоқда автомобилсозликнинг ривожланиш босқичлари	10
3-§. Истиқтол ва автомобилсозлик	12
4-§. Автомобиль ва табннатни муҳофаза қилиш	15
2-боб. Автомобилларнинг умумий тузилиши ва уларнинг конструктив хусусиятлари	17
5-§. Автомобилларнинг таснифи (класификацияси)	17
6-§. Автомобилларнинг асосий нусхалари (моделлари) ҳақида умумий маълумот ва уларнинг техникаий таснифи	22
7-§. Автомобилнинг умумий тузилиши	24
8-§. Автомобилларнинг конструктив хусусиятлари	27
1-мавзу. Автомобилнинг таснифи ва тузилиши	27
3-боб. Автомобилдаги двигателларининг умумий тузилиши ва ишлаш услуби	36
9-§. Автомобиль двигателларининг таснифи	36
10-§. Поршениларни ички ёнув двигателларининг тузилиши ва асосий кўрсатичлар	37
11-§. Тўрт тактли поршениларни ички ёнув двигателларининг иш цикли	40
12-§. Икки тактли поршениларни ички ёнув двигателларининг иш цикли	43
13-§. Дизель макарбюраторли двигателларни таққослаш	44
14-§. Двигателларнинг ташқи тасвиғномаси	45
15-§. Газ турбинали автомобилъ двигателларининг тасвирий чизмаси ва ишлаш услуби	47
2-мавзу. Автомобиль двигатели ва унинг кўрсатичлари ҳақида умумий маълумотлар	49
4-боб. Кривошип-шатунили механизмининг умумий тузилиши, ишлаши ва конструктив хусусиятлари	55
16-§. Кривошип-шатунили механизмининг вазифаси, жойлашни тизими ва умумий тузилиши	55
17-§. Цилиндрлар ва блок-картер	57
18-§. Цилиндрлар блоки каллаги	59
19-§. Поршенилар, поршень ҳалқалари ва бармоқлари	60
20-§. Шатун ва шатун подшиппниклари	65
21-§. Тирекали вал, ўзак подшиппниклари ва маховик	67
22-§. Двигателни рамага маҳкамлаш	70
3-мавзу. Кривошип-шатунили механизим	71
5-боб. Газ тақсимлаш механизмининг тузилиши, ишлаши ва конструктив хусусиятлари	79
23-§. Газ тақсимлаш механизмининг вазифаси ва ишлатп услуби	79
24-§. Газ тақсимлаш механизимларининг фазалари	82
25-§. Газ тақсимлаш механизмининг деталлари	84
4-мавзу. Газ тақсимлаш механизми	88
6-боб. Советиш тармолги	99

- 26-§. Советиш тармогининг вазифаси  
27-§. Суюқлик билан советиш тарм  
28-§. Советиш суюқлиги  
29-§. Суюқлик билан советиш  
30-§. Ҳаю билан советиш тар  
5-мавзуу. Даңгателлиңг совети  
7-бөб. Мойлаш тармоги  
31-§. Мойлаш тармогини  
32-§. Мойлаш тармоги  
33-§. Араалашкан (ком  
хусусиятлари  
34-§. Даңгатель ка  
35-§. Ишлатыллады  
6-мавзуу. Мойла  
8-бөб. Карбю  
36-§. Тальши  
37-§. Биңлиги  
таъсирі  
38-§. Одай  
39-§. Карб  
тармоги  
✓ 40-§. Ен  
ту  
41-§. Е  
42-§.  
43-§  
үсл  
44

231

14

60

-840